

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Р.Хайитбоев, С.Хайдаров, С.А.Абдухамидов, М.Даминов,  
М.Хамитов

ТУРИЗМ  
МАРШРУТЛАРИНИ  
ИШЛАБ ЧИҚИШ

(ўқув қўлланма)

САМАРҚАНД – 2016

**Р.Хайитбоев, С.Хайдаров, С.Абдухамидов, М.Даминов,  
М.Хамитов**

«Туризм маршрутларини ишлаб чиқиши». Ўқув қўлланма,  
Самарқанд, СамИСИ, 2016, 183 б.

Мазкур курс туризмни ривожлантиришнинг асосларидан бири бўлган туристик маршрутлар ишлаб чиқиши ўрганишга мўлжалланган. Ўқув қўлланмада туристик маршрутларнинг тарихи, буюк географик даврлардаги сайёҳларнинг, Марказий Осиёлик олимлар ва географларнинг, XX асрда тадқиқотлар ва кашфиётлар қилган сайёҳ-олимларнинг маршрутлари, туристик маршрут ишлаб чиқишининг усуллари, тамойиллари, маршрутларда хизматлар кўрсатиш, турмаршрутни амалда ўтказиш, экологик туризм маршрутларини ишлаб чиқиши, маршрут тузишнинг лойиҳа намунаси, ҳужжатлари, турмаршрут рекламаси ҳақида курснинг моҳиятини, мақсади ва вазифаларини белгиловчи муҳим мавзулар ёзилган. Ўқув қўлланма университетлар, институтлар ва коллежларнинг туризм йўналишида таълим олаётган магистрлар, талабалар, туризм мутахассислари ва туризмга қизиқувчи тадбиркорлар учун ёзилди.

**Маъсул мухаррир – и.ф. д., профессор И.С.Тухлиев**

**Тақризчилар: А.Абулқосимов-география фанлари доктори, профессор  
Н.Ибодуллаев -иктисод фанлари номзоди, доцент**

Ўқув қўлланма институтнинг илмий Кенгашида  
муҳокама қилиниб чоп қилишга тавсия этилган  
2015йил 30-октябр № 3-баённома

## МУНДАРИЖА

	Кириш.....	4
<b>1-Мавзу</b>	«Туристик маршрутлар ишлаб чиқиш технологияси» курсининг мақсади ва вазифалари.....	5
<b>2-Мавзу</b>	Туристик маршрутлар ишлаб чиқиши ривожлантириш нинг назарий асослари.....	12
<b>3-Мавзу</b>	Туристик маршрутларнинг тарихи.....	17
<b>4-Мавзу</b>	Туристик маршрутларни ишлаб чиқиш усуллари.....	34
<b>5-Мавзу</b>	Туристик маршрутлар ишлаб чиқишнинг тамойиллари....	39
<b>6-Мавзу</b>	Туризм маршрутларини ишлаб чиқишида маркетинг тадқиқотлари.....	48
<b>7-Мавзу</b>	Туристик маршрутларда экскурсияни ташкил қилиш.....	66
<b>8-Мавзу</b>	Туристик маршрутларнинг истиқболли йўналишларини ишлаб чиқиш.....	79
<b>9-Мавзу</b>	Туристик маршрутларнинг таснифи.....	87
<b>10-Мавзу</b>	Туристик маршрутларнинг таркибий қисмлари ва туристик маршрутда хизмат кўрсатишни ташкил қилиш	91
<b>11-Мавзу</b>	Туристик маршрутларда туристларнинг ҳаёти хавфсиз лигии таъминлаш.....	97
<b>12-Мавзу</b>	Туристик маршрутларнинг оммавийлашувида реклама нинг роли.....	111
<b>13-Мавзу</b>	Туризмнинг махсус турлари учун маршрутлар ишлаб чиқиш.....	118
<b>14-Мавзу</b>	Экологик туризм маршрутларини ишлаб чиқиш.....	135
<b>15-Мавзу</b>	Туристик маршрутларни ташкил қилишдаги шартномалар ва хужжатлар.....	142
<b>16-Мавзу</b>	Туристик маршрутларнинг баҳоси.....	149
<b>17-Мавзу</b>	Туристик маршрутларни амалда ўтказишни ташкил қилиш ва ўтказиш.....	164
<b>18-Мавзу</b>	Халқаро маршрутлар бўйича Бутунжаҳон туристик ташкилотларининг тавсияномалари.....	167
<b>19-Мавзу</b>	Туризм хизматларида дунё давлатларида яшаётган халқларнинг хулқ-атвор ва имо-ишораларидағи хусусият ларни ўрганиш.....	172
	Фойдаланилган адабиётлар.....	177

## КИРИШ

Ўзбекистонда халқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг асослари иқтисодиётни бошқаришни такомиллаштириш тамойилларини мукаммал ишлаб чиқиш билан боғлиқ ҳисобланади. Бу йўналишда азалий ривожланиб келаётган халқ хўжалиги тармоқларини жадал юксалтириш албатта биринчи навбатдаги вазифалардир. Энди жаҳон интеграциясида фаолият кўрсатаётган мамлакатимиз халқ хўжалиги ривожига дунёда янги иқтисодий истиқболли, самарали соҳаларни киритиш замон, вақт талабидир. Бу янги иқтисодий тармоқлардан энг муҳими туризм соҳасидир.

Жаҳон мамлакатларида кескин ривожланиб бораётган туризм мамлакат иқтисодиётида энг сердаромад соҳа ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат аҳамиятига молик бўлган масаладир. Бу масаланинг долзарблиги шундаки, туризм бозорининг халқаро ривожи ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, ҳозирги кунда бу бозор муносабатларини билиш, туризмни ривожлантириш муаммоларини тўғри аниқлашни талаб қиласди. Чунки, халқаро туризмни билмасдан дунё туризми ҳамжамиятига, ҳамкорлигига қўшилиш ва Ўзбекистонда туризмни халқаро ва маҳаллий даражада ривож лантириш қийин кечади.

Халқаро туризмни шунингдек, миллий туризмни ривожлантиришнинг асосларидан бири эса туристик маршрутларни ишлаб чиқиш ва бу маршрут ларга туристларни жалб қилиш ҳисобланади. Пухта, қизиқарли ишланган туристик маршрут туристларни кўплаб жалб қиласди. Шунинг учун ҳам, туристик маршрутларни мукаммал ишлаб бераоладиган малакали мутахассис ларга талаб жуда катта бўлиб бу курсни ўқитиш, ўргатиш Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришдаги энг долзарб масалалардан ҳисобланади.

Туризм маршрутларини ишлаб чиқиш курси туризм таълими йўналиши даги барча мутахассисликларга мўлжалланган бўлиб қўлланмада келтирилган маъruzалардаги маълумотларни пухта ўзлаштиришни талаб қиласди. Шунингдек, туризм соҳасига қизиқган тадбиркорлар ҳам ушбу курсни мукаммал ўзлаштириши натижасида ўzlари мустақил равишда ҳарқандай туристик маршрутларни ишлаб чиқишнинг уддасидан чиқиши мумкин.

## **1-Мавзу. «ТУРИСТИК МАРШРУТЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ» ФАНИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

Режа:

- 1.1 Туризм маршрутлари ҳақида тушунча.
- 1.2. Курснинг мақсади ва вазифалари.
- 1.3. Туризм маршрутларининг даврийлик жиҳатларидан номланиши.

### **1.1. Туризм маршрутлари ҳақида тушунча**

Инсон кўриб, эшитиб юрган ҳар қандай мўжизавий, қизиқарли обьектлар, табиатнинг сўлим гўшалари, қадимдан сақланиб келаётган обидалар, дарёлар, шаршаралар, ҳайвонот ёки турли–туман ўсимликлар ўсадиган жойлар, томоша боғларининг ҳаммасига маълум бир йўлдан борилади. Бу йўл туризмда «маршрут» дейилади.

Маршрут–французча *marche*–юриш, олдинга ҳаракат, *route*–йўл, рус тилида ҳам марш–олдинга юриш ҳисобланади. Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш давлат миқёсида, раҳбарлигида олиб борилаётган барча чора-тадбирларининг энг муҳим вазифаларидан бири туризм маршрутларини ишлаб чиқувчи мутахассислар тайёрлашдир. Туризм маршрутларини ишлаб чиқишида ги биринчи талаб эса туризм ресурсларини мукаммал билишни талаб қиласди.

Туристик ресурс, обьект:

**A.-**табиий туристик ресурслар: рельеф(орография), сувлар(гидрография) иқлим, флора, фауна ва бошқалар.

**B.-**Ижтимоий-иктисодий туристик ресурслар: маданий-тарихий, этнография, ишлаб чиқарувчи хўжаликлар, сиёсий ва бошқалар.

Ушбу туристик ресурслар бўлган табиат қўриқхонаси, тарихий, табиий, табиат ва унинг бойликлари, маданий обида, археология, маданий меърос ва ҳоказоларга турист ҳар тарафлама ўнфайликда борадиган маршрутни талаб қиласди. Ушбу туристик маршрутда турист ёки туристлар мазмунли дам олиш, қониқиши олгандан кейин, аста–секинлик билан туристлар оқимини ўзига жалб қила бошлайди.

Республикамиздаги барча туристик ресурсга–объектга-манзилу-маконга-масканга йўл бор. Бу йўллар асфальтли, тошли, маҳаллий тупроқ йўллари, сўқмоқлар ва ҳакозо қўринишларидир. Лекин, бу йўлларда туристик маршрут хизматлари ташкил қилингандан кейингина туристик ресурсда туристлар сони кўпайиши мумкин. Туристик ресурсга ҳозирги йўллар билан ҳам туристлар олиб борилади. Лекин бу йўлдаги туристик маршрут туристнинг эркин ҳаракат ланиши, у ҳохлаган вақтда тўхташи, қизиқиб қолган йўл бўйи «объектлар»га экскурсияга чиқиши талаб қилиши, ёки чой ичиб дам олишни ва туристнинг кўшимча хизматларини, эҳтиёжларини қондириши керак.

Туристик маршрут қайд қилинган, кутилмаган «таклифлар»нинг бажарилиши ёки «хизматлар» мажмуаси аъло даражада кафолатланиши учун ҳам туристик маршрутлар дейилади. Туристларнинг барча эҳтиёжларини, талабларни бажаришда фойдаланадиган йўллар -туристик йўллар дейилади.

Туристик маршрутда туристларнинг транспорт воситаларида ҳаракат ланиши даврида бу транспорт воситалари фақат турист ёки туристларга хизмат қилади. Туристик маршрутда транспорт воситаларининг ҳайдовчилари йўл-йўлакай одамларни олиши ёки кира ҳаққи учун ишламайди ва бунга йўл қўйилмайди. Шунингдек, туристик маршрутда туристларнинг ҳоҳиши ёки илтимослари билан маршрут раҳбарининг рухсати билангина маршрутнинг олдиндан белгиланган йўналиши ёки йўналишлари ўзгариши, ўзгартирилиши мумкин. Янада аниқроқ қилиб айтилганда турнинг туристик маршрути туристларнинг талаблари бўйича улар қизиқган ёки туристларни қизиқтирган туристик обьектга маршрут дастуридаги барча хизматларни кўрсатиш ҳисобланади.

## **1.2. Курснинг мақсади ва вазифалари**

*Курснинг ўрганиши обьекти—маршрутлар билан боғлиқ географик манзил нинг масофаси, туристлар пиёда ёки транспорт воситалари ёрдамида юрилади ган йўл ҳисобланади. Туристик маршрут туристнинг ўзи танлаган, географик манзилда, маконда жойлашган туристик ресурсларни талаб, эҳтиёжла рини ҳисобга олган ва бажарган ҳолда туристни олиб бориш ва қайтариб дастлабки манзилга келтириб қўйишдир- яъни турдир.*

*Туризм маршрутларини ишлаб чиқиши курснинг мақсади—бакалаврга ва туризм мутахассисларига туристик маршрутларни ишлаб чиқишининг тамойил ларини, усуllibарини, ташкил қилиш, амалда ўтказиш, уларни тўғри танлашнинг назарий асосларини ўргатишдан иборат.*

*Туризм маршрутларини ишлаб чиқиши курснинг вазифаси—бакалаврларга ва туризм мутахассисларига туристик маршрутларни ишлаб чиқишининг амалий асосларини, туристик маршрутлар ишлаб чикишни ва амалиётда қўллашни ўргатиш ҳисобланади..*

*Туристик маршрутлар.* Маршрут сўзи аниқланган, белгиланган йўлни билдиради. Маршрут сўзи фақат туризм соҳасида тегишли эмас балки, инсон ларнинг туризм билан боғлиқ бўлмаган доимий, мунтазам равишда маълум томонга аниқроғи, ўзига маълум географик манзилга ҳаракатланишини ҳам англатади.

Маршрутнинг узоқ-яқинлигига қараб инсон ҳаракатланиш воситасини танлайди. Масалан, Самарқанддан Жиззахга борувчи киши албатта автомобил, автобус ёки поезд транспорти турларидан бирини танлайди. У ҳеч қачон Жиззахга самолётда бориш учун ҳаракат ҳам, орзу ҳам қилмайди. Чунки, Самарқанддан Жиззахга самолёт билан бориш маршрути йўқлигини жуда яхши билади. Лекин, Жиззахга велосипед, мотоцикл, арава, от, эшак ёки тую билан ҳам бориш мумкин. Бу транспорт инсоннинг илмий-техника тараққиёти давригача бўлган ҳаракатланишида фойдаланган транспорт хилларидир.

Инсон ҳозирда Жиззахга бориш учун ҳаракатланиш воситаларининг энг тезкоридан фойдаланади. Вақтдан фойдаланиш нуқтаи-назаридан ўтмишда асосий транспорт воситалари бўлган арава, от, тую ва эшакдан шаҳарлараро ҳаракатланишда ҳозир фойдаланилмайди.

Шунингдек, Жиззахга замонавий транспорт воситалари билан қисқа муддатда етиб борган инсон шаҳар атрофларидағи тоғларга чиқмоқчи бўлса, ўша ўтмишдаги асосий транспорт воситалари бўлган от, эшак ёки аравадан фойдаланишга мажбур бўлади. Бу маҳаллий транспорт турларининг ҳам ўз йўли-маршрутлари бор. Демак, инсоннинг ҳаракатланиши вақт давомида тезла ниб бориб, шароит бўйича секинлашади, маршрутлар эса деярли ўзгар майди ёки техник, қулайлик жиҳатидан ўзгариши мумкин. Аниқроғи, маршрутлар инсоннинг ҳам техника ёрдамида ҳам пиёда ёки ҳайвонлар ёрдамида юрадиган йўлидир.

Энди, туристик маршрут дейилганда бу йўлдан турист мақомини олган якка инсон ёки инсонлар гуруҳининг туристик фаолиятларда юрадиган, ҳаракатланадиган, маълум бир маконга борадиган ва қайтадиган йўли тушинилади.

### **1.3. Туризм маршрутларининг даврийлик жиҳатларидан номланиши**

Туризм маршрутларининг даврийлик жиҳатидан номланиши нисбий тушунча. Чунки, туризм ва турист атамасининг ўзига берилаётган таърифлар, баҳслар ҳанузгача тўхтагани йўқ. Туризмнинг ва туристнинг ҳозирги таърифи бўйича то Томас Кукгача бўлган саргузашту—саёҳатларнинг барчасини туризм саёҳатлари ва уларнинг саёҳат йўлларини туризм ёки туристик маршрутлар деб бўлмайди, саёҳат маршрутлари дейиш мумкин. Саёҳатчи билан туристнинг фарқи эса жуда катта.

Чунки ўтмишдаги саёҳатларнинг ҳатто, буюк географик кашфиётларнинг ҳам деярли аксарият қисми бойлик излаш, давлатлар чегараларини кенгайтириш ёки босқинчилик мақсадларида амалга оширилган. Бу хил саёҳатларда ва уларнинг маршрутларида туристик хизматларнинг барчаси турист ёки саёҳатчилар учун ишлаб чиқилмаган. Ҳозирда ўтмишдаги саёҳатларнинг маршрутлари, даврийлиги жиҳатидан қуйидаги маршрутларга бўлинади:

1. Қадимги маршрутлар.
2. Буюк географик кашфиётлар давридаги сайёҳларнинг маршрутлари
3. Ўзгартирилган маршрутлар
4. Ўзгармайдиган маршрутлар
5. Тикланадиган маршрутлар
6. Тикланмайдиган маршрутлар
7. Янги, замонавий маршрутлар

Қадимги саёҳатларнинг маршрутлари инсониятнинг то буюк географик кашфиётларгача бўлган даврни ўз ичига олади. Дастрлабки маршрутлар олдин дан ўрганиладиган жойларга саёҳатлар уюштириш хисобланади. Инсоният тараққиётида қадимий ибтидоий одамларнинг овқат излаб қўчиб юришлари нинг излари ҳам ҳозир топилган, исботланган. Қадимий даврлардаги саёҳатчи ларнинг маршрутлари асосан эрамиздан олдини даврлардаги саёҳатчиларнинг маршрутлари хисобланади. XX асрнинг буюк сайёҳи Тур Хейердал Полинезия

ликларнинг папирус ва бальс қайиқларида Тинч океанини сузид ўтганлигини ва Америкага X. Колумбдан ҳам олдин борганилигини исботлади.

Эрамиздан 2 минг йил олдин Мисрлик Синухит Эдем мамлакатида саёҳатда бўлди, бу саёҳат тафсилотлари папирусда ёзилган “Синухит саёҳати” деб номланган асарда қайд қилинган. Энг катта ва дастлабки саёҳатлардан бири эрамиздан олдинги VI асрда Миср фиравъни Нехао топшириғи бўйича Африка нинг денгиз қирғоқ чизиқлари бўйлаб амалга оширилган 3 йиллик саёҳат ҳисобланади. Бу саёҳатни Финикияликлар амалга оширди. Улар кемаларда Қизил денгиздан Ҳинд океанига чиқиши, 3 йилдан сўнг Гибралтар бўғозидан ўтиб Ўрта ер денгизи орқали Мисрга етиб келиши. Бундай саёҳатлар тарихда жуда кўплаб қайд қилинган. Нехао топшириғи бўйича финикияликларнинг саёҳатини келтирганимизнинг бош сабаби шундаки, айнан шу саёҳатдан кейин 2 та қитъа номланди:

1. «Асу», «Азу» - кун чиқар–кейинчалик Осиё номи
2. «Эреб» - кун ботар кейинчалик Европа номи.

Қадимий маршрутларни ҳаракатланиш жиҳатидан 2 хил шароитга бўлишимиз мумкин:

1. Денгиз–сув йўли маршрутлари.
2. Қуриқликдаги маршрутлар.

Денгизлар орқали амалга оширилган маршрутлар: Фернандо Магеллан нинг ер шари бўйлаб саёҳати, Роберт Скотт ва Р. Амундсенning шимолий ва жанубий қутбларга саёҳатлари, Семён Дежнёв ва Витус Берингнинг Шимолий муз океани бўйлаб саёҳатлари, Ф. Беллинсгаузенning жанубий қутбга саёҳати, Миклухо Маклай саёҳати, Христофор Колумб ва Жеймс Кукнинг океанлар бўйлаб саёҳатлари маршрутлари, Жак ив Кустонинг океан ва денгизлардаги тадқиқотлари саёҳати маршрутларидир.

Куруқликда ўтган энг катта маршрут—«Буюк ипак йўли» маршрути ҳисобланади. Шунингдек, хитойлик сайёҳ Чжан Цянь юрган йўл ҳам жаҳондаги энг катта маршрутдир.

*Буюк географик кашифиётлар* давридаги маршрутларга 1490-1600 йиллардаги Фернандо Магеллан, Христофор Колумб, Америго Веспуччи, Васко да Гама, Жеймс Кук, Давид Ливингистон, Афанасий Никитин, А. Тасман, Миклухо Маклай, Д. Диксон, Витус Беринг, Семён Дежнёв ва бошқа сайёҳлар очган маршрутлар киради. Бу маршрутлар қадимги маршрутлар тизимига ҳам киради.

*Янги замонавий маршрутлар* Европада ва Америкада дастлабки автомо биллар, поездлар ва самолётлар, буғ билан сузадиган кемалар ихтиро қилинган 17-18 асрлар тўғри келади.

*Ўзгартирилган маршрутларни* инсон ўзи учун қулайлик, шароит яратади ган географик рельф шакллари ўзгарганидан кейин ўзгартиради. Албатта, янги йўл олдингисига (эскисига) қараганда ўзининг хавфсизлиги, қулайлиги, ҳаракатлар учун кўплаб шароитлар, имкониятлар мавжудлиги билан ажралиб туради.

Ўзгартирилган маршрутлар кўпинча давлатлар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий меъёрларнинг бузилишидан келиб чиқади. Худди шунингдек, давлат ичидаги маршрутлар янги шаҳарлар қурилиши, бой табиий минерал ресурслар

нинг очилиши билан боғлиқ бўлади. Саноат обьектларининг марказлашуви, археологик топилмалар ва табиат қўриқхоналарининг ташкил қилиниши ҳам кўпинча янги маршрутларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

*Ўзгармайдиган маршрутлар*—барча йўллар Римга олиб боради шиорида бўлади ва асосан дунёning қадимий–тариҳий обидалари, диний раҳномалар дафн этилган жойлар, табиатнинг ноёб ҳайкаллари жойлашган манзиллар билан боғлиқ бўлади. Масалан, Мисрдаги пирамidalар, Хитойдаги «Буюк ипак йўли» Ҳиндистон, Таиланддаги қадимий, тошдан қурилган ибодатхоналар, Макка, Мадина, Қуддус, Бухоро, Самарқанд, Хива, Ватикан каби шаҳарларга, табиат ҳайкаллари, Ниагара шаршарасига, горлар, булоқлар, тоғларга бориладиган маршрутлар ўзгармайди. Шаҳарлар, давлатлар ўртасидаги темир йўл, ҳаво йўли, автомобил йўллари маршрутлари ҳам деярли ўзгармайди. «Буюк Хитой девори» бўйлаб ўтган маршрут ҳам бу девор то йўқолиб кетгунча ҳаракатда бўлади, ўзгар майди.

*Тикланадиган маршрутлар.* Бундай маршрутлар асосан қадимий маршрутлар бўлиб асрлар ўтиши ва илмий-техника тараққиёти, маршрутда транспорт турларининг ўзгариши туфайли дастлабки аҳамиятини йўқотган маршрутлар ҳисобланади.

Масалан: Эрамиздан олдинги II–III асрларда машҳур бўлган, асосан тужаре карвонари билан ҳаракатланадиган «Буюк ипак йўли» маршрутини тиклаш учун халқаро ҳаракатлар бошланди. Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримов 1995 йил 2 июнда 1162 рақамли «Буюк ипак йўли»ни қайта тиклашда Ўзбекистон Республикаси иштирокини авж олдириш ва Республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» фармонини қабул қилди.

«Буюк ипак йўли» маршрутини тиклаш мумкин. Бу тиклаш қадимий йўл маршрути аниқланиб замонавий автомагистрал ёки замонавий темир йўл транспорти тармоқларига айланиши ҳам мумкин. Лекин тужаре карвонлари маршрутини экзотик туризмни ривожлантириш учун қисқа-қисқа масофаларда ташкил қилса етарли бўлади.

*Тикланмайдиган маршрутлар* ҳам империя давлатнинг ёки алоҳида давлатнинг парчаланиб кетиши, шаҳарлар, саноат марказларининг салоҳияти пасайиши ёки илмий-техника тараққиёти ривожи билан ўз мавқеини йўқотади. Масалан: Христофор Колумб, Тур Хейердал ёки Фернандо Магелланнинг океан ларабо кемаларда ўтказган, ойлаб муддатлар кетган денгиз маршрутларини тиклашга ҳеч ҳожат ҳам, зарурат ҳам йўқ. Бундай маршрутларни тиклаш ва туризмда фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан ҳаддан ташқари қиммат бўлиши тушунарли ҳолатдир. Бу маршрутларни замонавий самолётларда 10-12 соатда босиб ўтиши мумкин бўлмоқда.

Туристик маршрутлар деярли мавзули бўлади ва мавзу номидаги туристик маршрут дейилади. Қайд қилганимиздек, маршрут туристнинг ёки туристларнинг талаб ва эҳтиёжларини тўлиқ қондириш дастурига эга бўлган дагина туристик маршрут дейилади. Бошқа ҳолларда маршрут умумий йўл бўлиб қолаверади. Туристик маршрутлар туризмдаги турларнинг мавзулари бўйича ҳам бўлиши мумкин. Кўп ҳолатларда аралаш ёки мажмуали мавзудаги

туристик маршрутлар ёки бир мавзуда–диний–зиёратгоҳ жойларга ишлаб чиқилган туристик маршрутлар ҳисобланади.

Агарда туристлар талаби билан экотуризм маршрути ишлаб чиқилганда экологик туризм ресурслари асосан узоқ масофаларда жойлашганлигидан туристлар зерикмаслиги учун йўл бўйи туристик обьектларни ҳам турмар шрутга киритилади ва йўл-йўлакай қизиқарли экскурсиялар уюштирилади. Бундай маршрутлар мажмуали мавзудаги туристик маршрутлар дейилади. Демак туристик маршрутларнинг мавзулари кўп ҳолларда туризмнинг турлари номи билан боғлиқ бўлади.

Туризмнинг маълум бир давлатда ривожланишига жуда кўп омиллар таъсир қиласи. Туризм манзилларига янги тур маршрутларнинг ишлаб чиқилиши бевосита туризмни ривожлантириш омилларининг ҳаракати билан боғлиқдир. Туризмни ривожлантириш омилларининг бирор бир омили ёки шакли алоҳида юзага чиқганда туристик маршрут ёки ҳаракатдан тўхтайди ёки янги турмаршрут ишлаб чиқишга тўғри келади.

Хитой ва Марказий Осиё мамлакатларини Россия орқали Ғарбий Европа мамлакатлари билан боғлайдиган автомагистрал Жаҳондаги энг йирик автомагистраллардан бири бўлади. Бу автомаршрут Роттердам (Голландия) – Шанхай (Хитой) портларини боғлайди. Умумий узунлиги 10 минг км. дан ортиқ. Автомагистралнинг Ўзбекистон ҳудудидан ўтадиган қисми–Андижон–Тошкент–Нукус–Қўнғирот трассасининг умумий узунлиги 1422 км, барча кириш йўлларининг узунлиги 500 км бўлиб, Фарғона водийси вилоятларидан бошланиб, сўнгра Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятлари, Қизилқум орқали Хоразм вилояти ҳудудидан ўтиб Нукусга чиқади.

Трасса Афғонистон ва Туркменистон йўналишидаги халқаро трассаларни ҳам кесиб ўтади. Трассани лойиҳалаш ишлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 18 август қарори асосида 1999-2000 йилларда амалга оширилди. Лойиҳалаш ечимлари жаҳон стандартлари даражасида қабул қилиниб, қурилган янги трасса автотранспорт воситалари нинг катта тезлиқдаги ҳаракатини таъминловчи Ўзбекистон Миллий магистралига айланади. Трасса автотранспорт воситаларининг катта тезлигини таъминлайди, мамлакат иқтисодиётида ва туризмнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Бу имкониятлар билан Ўзбекистон ғарбга–Европа давлатлари туристик маршрутлари ҳам кўпаяди.

**Тошкент–Андижон–Ўш–Қашқар автомобил йўли.** Бу йўл халқаро аҳамиятдаги йўл ҳисобланади. Умумий узунлиги 940 км. Ўзбекистон (408 км), Қирғизистон (272 км), Хитой (260 км) ҳудудларидан ўтади. Йўлда денгиз сатҳидан турлича баландликда бўлган 6 та довон бор. Шундан Ўзбекистонда Қамчик (денгиз сатҳидан 2268 м) ва Резак (2254 м) довонларида тунеллар қурилган.

Қирғизистон ҳудудида Чайирчиқ (2406), Толдик (3645 м) ва Таунмурун (3536 м) довонлари оша ўтилади. Бу йўл қадимда Буюк ипак йўлининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланган карvon йўли бўлган. 1960-70 йиллар оралиғида йўлдаги транспорт қатновининг ортиб бораётганлиги ҳисобга олиниб, йўлнинг параметрлари (кенглиги) III-IV тоифага (10-12 м) га келтири

либ, тегишли, зарурый қисмларига асфальт-бетон ётқизилиб, қайта таъмирланған.

XX аср охирига келиб йўлнинг халқаро аҳамияти кучайди. 1997 йил 24-28 апрелда Тошкентда 18 мамлакат иштирокида йўлни таъмирлаш, ундан фойдала ниш ва шу йўналишда темир йўл қуриш масалаларига бағишлиланган халқаро кенгаш ўтказилди. 1998 йил 19 февралда Ўзбекистон, Қирғизистон, Хитой ҳукуматлари ўртасида *Тошкент–Андижон–Ўши–Қашқар* автомобил йўлида халқаро автомобиль транспорти қатнови тўғрисида битим имзоланиб, йўл қурилиши бошланди. Бу йўллар билан ҳам Ўзбекистоннинг Шарқ давлат ларига бўладиган туристик маршрутлари кўпаяди. Албатда қайд қилинган қитъалараро бу иккала маршрут XXI асрнинг энг замонавий маршрутлари бўлиб қолади.

**Таянч сўзлар ва иборалар;** маршрут, турмаршрутлар, географик кашфиётлар, пирамидалар, харита, автомагистрал, маҳаллий транспорт турлари, замонавий маршрутлар, халқаро аҳамиятга эга, халқаро автомобил транспорти, карvon йўли.

### **Мавзуни ўзлаштириш бўйича саволлар:**

- 1.Тошкент-Андижон-Ўш-Қашқар автомобил йўли маршрути қандай маршрут?
  - 2.Қандай туристик маршрутлар умуман ўзгармайди?
  - 3.Туристик маршрутлар қандай сабаблар натижасида ўзгаради?
  - 4.Фернандо Магелланнинг биринчи океанлараро саёхати маршрутидан туризмда фойдаланса бўладими?
  - 5.Буюк ипак йўли маршрутидан туризмда фойдаланса бўладими?

## **Мавзу бўйича тест саволлари:**

- Б) ўзгарадиган маршрутлар
- С) тикланадиган маршрутлар
- Д) тикланмайдиган маршрутлар

5. Империя давлатнинг ёки алоҳида давлатнинг парчаланиб кетиши, шаҳарлар, саноат марказларининг салоҳияти пасайиши ёки илмий-техника тараққиёти ривожи билан ўз мавқеини йўқотадиган маршрутлар бу-

- А) тикланмайдиган маршрутлар
- Б) ўзгарадиган маршрутлар
- С) ўзгармайдиган маршрутлар
- Д) тикланадиган маршрутлар

## **2-Мавзу. ТУРИСТИК МАРШРУТЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

Режа:

- 2.1. Туристик маршрутлар туризмни ривожлантиришнинг асосларидан ҳисобланиши.
- 2.2. Туризм маршрутларини ишлаб чиқишнинг туризм иқтисодиётидаги ўрни.
- 2.3. Туризм маршрутларини ишлаб чиқишнинг мамлакат ижтимоий-иктисодий ҳаётидаги аҳамияти.

### **2.1. Туристик маршрутлар туризмни ривожлантиришнинг асосларидан ҳисобланиши.**

Назария—бу ҳақиқатлиги амалий ёки назарий жиҳатдан исботланган, борлиқнинг бирор соҳасига оид маълум ғоялар, қарашлар, гипотезалар, қонунлар ва принципларнинг муайян тизимиdir. У бирор фан соҳасига оид бўлиб, у маълум билимларнинг умумлаштирилиши асосида пайдо бўлади. Назария илмий билишнинг юкори шакли бўлиб, асосан амалиётда олинган фактларни изоҳлаб, ўрганилаётган объектнинг моҳиятини, рўй берадиган ҳодиса ва воқеъаларни олдиндан башоратлаш вазифасини бажаради. Назария нинг моҳиятини билганимиздан сўнг, мавзунинг назарий асосларини ишлаб чиқиш ойдинлашади.

Мавзу бўйича талаб шундан иборатки, туристик маршрутлар ҳар қандай давлатда, табиий-маданий минтақада туризмни ривожлантиришнинг асосларидан бири эканлигини исботлашдир. Туризмни ривожлантириш асослари албатта биргина туристик маршрутлар ишлаб чиқишдан иборат эмас албатта. Турист учун биринчи талаб келиб дам олиш, тунаш жойини аниқлаш ҳисобланади. Демак, туризмни ривожлантиришнинг биринчи навбатдаги асослари меҳмонхона хўжаликларини жаҳон андозалари талабига етказишни талаб қиласди.

Меҳмонхонага жойлашган турист албатта овқатланиш масалалари, транспорт хизматлари, дам олиш тизими ва кўнгил очар ўйинлар режалари билан танишади. Кейинчи? кейин у ўзи қизиқиб излаб келган туристик объектга

бориши таклиф қиласи, аниқроғи турфирма ёки меҳмонхона хўжалиги бу таклифни тайёрлайди. Ана шу таклиф туристик маршрут дейилади. Умуман олганда туризм алоҳида давлатда жаҳон миқёсида ривожланиши учун биринчи навбатда дунёвий аҳамиятга эга бўлган туристик ресурслари бўлиши талаб қилинади.

Дунёвий аҳамиятга молик туризм ресурсларини бутун дунё аҳолиси билади, ёки бу ресурс ёки ресурслар хақида шов-шувли ахборотларни эшитишган. Масалан: дунёнинг етти мўъжизаларидан бири пирамидаларни олсак. Бу қадимий мўъжиза обидани мактабнинг биринчи синф ўкувчилари ҳам билишади, кўришга қизиқади. Ана шу қизиқиш ўша мактаб ўкувчисини улгайганидан кейин пирамидаларни кўришга чорлаши аник.

Туристик маршрутлар туризмни ривожлантиришнинг асосларидан ҳисоб ланиши туристнинг ёки туристларнинг ўз ҳоҳишилари билан маълум бир давлатдаги туристик объектга ёки объектларни кўришга келганлиги ва уни кўриб кетишида албатда туристик маршрутдан фойдаланганлиги тушунилади. Туристлар фойдаланиладиган маршрут эса олдиндан ишлаб чиқилган, туристик маршрутнинг хизматлар кўрсатиш дастурлари ишлаб чиқилган бўлиши керак.

Ҳар бир туристик объектга туристлар кириши рухсат берилгандан кейин бу объект туризмга хизмат қила бошлайди. Баъзида ва кўп ҳолларда туризмда фойдаланишга рухсат берилган туристик объектларга туристик маршрутнинг йўқлиги натижасида ушбу объект туризмда ишламайди. Масалан, ватанимиз даги Амир темир ғори дунёга машҳур ғорлардан ҳисобланади. Бу ғордан ички туризмда ҳам ташқи туризмда ҳам фойдаланишга рухсат берилган. Лекин ғорга етиб бориши ва унинг ички қисмини томоша қилишнинг туристик маршрутлари ишлаб чиқилмаганлигидан ҳозирда бу ғор туризмда ишламайди.

Туризмда жаҳонга танилган бу ғорни кўришга халқаро миқёсда тарихчилар, географлар ва жуда кўплаб ишқибозлар бор. Бу ғорга туристик маршрут нинг йўқлигининг асосий сабаби туризмга бефарқлигимиздан бу ғорга етиб бориши йўлини тозалаганимиз йўқ. Горнинг яқинига транспорт билан етиб бориши мумкин лекин яқинлашгандан кейин ғорга борадиган тоғ йўли очилмаган.

Худди шундай ҳолат мамлакатимизда экологик туризмни ривожлантиришдаги долзарб муаммолардан ҳисобланади. Аниқроғи шундан иборатки чет эллик туристларнинг талабларини ўрганганимизда ҳар 100 туристдан 60-65 таси ватанимиздаги табиат қўриқхоналарини кўриш истагини билдиришган. Лекин, ҳозиргача табиат қўриқхоналаримиздан туризмда фойдаланишнинг ҳуқуқий меъёрлари ишлаб чиқилмаган. Шу сабабли чет эллик туристларнинг табиат қўриқхоналаримиздан фойдаланишдаги таклиф ва талаблари радқилинмоқда. Ўз-ўзидан маълум бўладики, туристик фирмаларимиз табиат қўриқхоналарига туристик маршрутлар ишлаб чиқмайди ва туризм бозорига ҳам чиқармайди.

Шу ўринда яна бир муҳим масалани ҳам афсус билан таъкидлаш лозимки, мамлакатимиздаги табиат қўриқхоналарига ва табиат буюртмахоналарига ватанимизнинг фуқаролари ҳам қўйилмайди. Шунинг учун ҳам ахолининг табиат қўриқхоналарини билиши айниқса, олий таълим талабаларининг

қўриқхоналаримизни билиши ўта даражаларда қониқарсиз ҳисобланади. Бундай ноxуш ҳолатлар албаттa тузатилиши лозим.

Хулоса қилганимизда, ҳар қандай туристик объект туризмда фойдала нишга рухсат берилган ва ушбу туристик объектга туристик маршрутлар ишлаб чиқилгандан кейин ички ва халқаро туризмда ишлай бошлаши мумкин.

## **2.2. Туризм маршрутларини ишлаб чиқишининг туризм иқтисодиётидаги ўрни**

Туристик маршрут биринчи навбатда туристик ресурсларни ўрганишни талаб қиласди. Энди республикамиздаги табиий ресурслар салоҳиятига келсак туризм ресурслари заҳираси ва турли–туманлиги бўйича Ўзбекистон жаҳон даги энг бой давлатлар қаторида туради. Мамлакатимиздаги фақатгина тарихий, маданий, археологик аҳамиятга эга бўлган объектлар сони 4,0 мингдан ошади. Улардан 545 таси меъморий, 575 таси тарихий, 1457 таси санъат, 550 таси археологик обидалардир. Туризм объектлари: Хивада – 310 та объект, Бухорода – 221 та объект, Тошкент шаҳрида 144 та, Самарқандда 118 та, Жиззах вилояти да 372 та объектлар бор. Шунингдек, 9 та табиий қўриқхоналар, 10 та буюртмахонала ва 3 та миллий парклар, бетакрор табиатимиз, табиий гўшалар, ҳайвонот ва ўсимлик олами экологик туризмни ривожлантиришда жуда катта туристик ресурслар ҳисобланади. Ушбу туристик объектларда туристик оқим фақатгина туристик мааршрутлар яратилгандан кейингина кўпаяди.

Қайд қилинганлардан хулоса шулким, туризмни ривожлантиришнинг муҳим асосларидан бири туристик ресурсларга маршрутлар ишлаб чиқиш ҳисобланади. Туристик маршрутларни ишлаб чиқишининг туризм ривожига таъсирини назарий жиҳатдан олиб қарабандя яна бир имкониятга тўхталиш жуда катта аҳамият касб этади. Бу имкониятлар туризм объектида ва туризм маршрути давомида туристларга хизмат қиласиган инфратузилмаларнинг ҳосил бўлишидир. Туристик ресурсга–объектга туристлар келиш бошлангандан маҳаллий аҳолида туристларга хизматлар кўрсатиш истаги пайдо бўлади, туристларнинг нималарга қизиқишини, уларнинг эҳтиёжларини ўргана бошлайди. Шу тариқа туристик объектда ва туристик маршрут бўйлаб ўзига хос бўлган кичик–кичик туристик инфратузилмалар пайдо бўлади.

Яқин йилларгача ҳазрати Довуд ғори умуман эътибордан четда эди. Қизил империя вақтида зиёратчилар яширин зиёратга, саноқли ҳолда келиб -кетишар эди. Мустақиллик йилларидан бошлаб дин эркинлигидан сўнг ҳозирда энг гавжум жойлар-диний зиёратгоҳлардан бири ҳисобланади. Бундай зиёратгоҳларга собиқ иттифоқнинг барча собиқ республикаларидан зиёратчилар келиб кетишади. Ҳазрати Довуд ғорига келиб кетаётган туристларга хизматлар қилиш билан ғор атрофидаги қишлоқ аҳли тўлиқ шуғулланишади. Туя, от, эшакда сайр, озиқ-овқатлар, ичимлик суви билан таъминлаш ва хизматлар кўрсатиш орқали маҳаллий аҳолининг кўп қисми яхши, енгил даромад топмоқдалар. Ғор атрофида ўзига хос бўлган туризм инфратузилмалари ўзаро рақобат нати жасида тобора кенгайиб, мукаммаллашиб бормоқда.

Туризм маршрутларини ишлаб чиқишининг туризм иқтисодиётидаги ўрнини белгилаганимизда ёки белгиланишида энг муҳими шундан иборатки, биринчи навбатда иш ўринлари ҳосил бўлади. Иш ўринларини ташкил қилиш эса жаҳон мамлакатларидағи энг оғир масалалардан ҳисобланиши маълум муаммодир. Туризмдаги тадбиркорлар ёки мутахассислар кўп ҳолларда ички туризм объектларига маршрутлар йўқлигидан ушбу туристик объектга туристларни таклиф қилмайдилар ва бу туристик объектда туристларга хизматлар кўрсатувчи инфратузилмаларнинг йўқлигини сабаб қилиб кўрсата дилар.

Юқорида қайд қилинган пайғамбар Довуд ғоридаги инфратузилмаларни давлат ташкилотлари қуриб берган эмас. Бу муқаддас ғорга туристлар қўйилиши рухсати берилганидан бошлаб атроф маҳаллий аҳоли туристик инфратузилмаларни ўзлари яратиши. Таъкидланганидек, маҳаллий аҳолининг жуда кўпчилиги туристларга хизматлар кўрсатишда кутилмаган, янги иш ўринларини топиши. Бу ғорга ички ва халқаро туристларнинг кўпайиши натижасида хизмат қилувчиларнинг ўзаро рақобати мавжуд инфратузилмаларнинг тобора яхшиланиб бораётганлиги кузатилмоқда. Бундан хулоса шулким, мамлакатимиздаги барча туристик ресурсларга, туристик объектларга туристик маршрут ишлаб чиқиш ва бу туристик маршрутларни ички ва ташқи туризм бозорига чиқариш туризмни ривожлантиришнинг энг муҳим масаласи ҳисобланади.

### **2.3.Туризм маршрутларини ишлаб чиқишининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги аҳамияти**

Фикримизча маҳаллий меҳнат ресурсларини иш ўринлари билан таъмин лашда туристик объектга туристик маршрутлар ишлаб чиқиш жуда катта аҳамиятга эга. Ҳозирча диний зиёратгоҳ туристик ресурслардан туризм мақсадларида фойдаланиш тобора ривожланиб бормоқда. Бу ривожланиш асосан шаҳарлар ва туман марказларидағи диний раҳномалар дафн қилинган жойларга маҳаллий ва халқаро туристларнинг ташрифи кучайиши асосида юз бермоқда.

Навбатдаги вазифа маҳаллий туманлардаги машҳур диний раҳномалар, авлиёлар, хўжалар ва сайидлар даҳмалари, мақбаралари ва хазираларига туристик маршрутлар ишлаб чиқиши кучайтириш зарур. Туманлардаги бундай маконларда туристик хизматларнинг йўқлиги ёки қониқарсиз ҳолатда эканлигидан маҳаллий туризмни ривожлантириш дастурлари жуда суст бажарилмоқда. Ваҳоланки, маҳаллий аҳолини иш билан таъминлашда туристик маршрутлар яратиш, туризмни ривожлантиришда иқтисодий жиҳатдан энг истиқболли усуллардан ҳисобланади.

Туристик маршрутлар яратишнинг яна бир муҳим томони шундаки, туристик маршрутда туристик оқимнинг кучайиши ички туризмда ҳам халқаро туризмда ҳам эллар, халқлар ва миллатлар ўртасида танишув, дўстлашув, ўзаро ҳамкорлик ришталари ҳосил бўлади. Ҳозирча бундай дўстона алоқалар асосан шаҳарлар аҳолиси билан чет элликлар ўртасида юз бермоқда. Бу ҳолатнинг асо

сий сабаблари чет эллик туристларни ҳанузгача шаҳарларимиздан ташқаридаги табиат минтақаларига, ландшафтларига, қўриқхоналари ёки сув ҳавзаларига жалб қилаолмаганимиздадир.

Ҳозирги маълумотлардан маълумки, Ўзбекистоннинг 70 % худудларини чўл ва адир минтақаси эгаллайди. Бу минтақада ҳозирча 55 та туристик ресурс рўйхатга олинди. Бу ресурслар 14 та алоҳида-алоҳида мавзуларда эканлиги, бепоён чўл табиати, чўл ҳалқи ҳаёти, чўлнинг ўсимликлар олами ва ҳайвонат дунёсидан маҳаллий туризм ва ҳалқаро туризмни ривожлантиришда фойдалан сак ишонч комилки, албатта дастлаб туристик маршрутлар ишлаб чиқишига тўғри келади.

Юқорида қайд қилганимиздек, бу туристик маршрутлар бўйлаб албатта хизматлар кўрсатиш жойлари, техник сервис хизмати, палаткали мавсумий туристик лагерлар, экзотик экспурсиялар (туяларда, отларда, эшакларда, араваларда) ташкил қилинади. Миллий овқатланиш шохобчалари вужудга келади. Табиийки, бу хизматларнинг барчасини маҳаллий аҳоли бажаради. Иккинчидан, чўл худудлари шаҳарлар ва туманлар марказидан узоқ бўлганлиги учун туристлар албатта тунаб қоладилар. Тунаш учун чўл ҳалқининг машхур “қора уй”лари (кигиздан) таклиф қилинса ҳар қандай турист (ҳатто маҳаллий туристлар ҳам) ўзининг қизиқиши (балким, биринчи маротаба тунаётгандир) туфайли ўша жойда камида 1-2 кун қолиб кетади.

Ҳалқаро турист ҳам маҳаллий турист ҳам ана шу 1-2 қунлик муддатда албатта маҳаллий аҳоли вакиллари билан танишишади, дўстлашади. Ҳалқимизнинг меҳмондўстлиги, қизиқиши ва ҳоказо инсонийлик хислатлари туристларни жалб қиласи, борди-келди, мамлакатлар ўртасида ахборотлар алмашиш ва ҳоказо боғланишлар юз бериши аниқ. Бундай дўстона муносабатларнинг вужудга келиши, ҳалқлар ҳақидаги билим, давлатлар ҳақида маълумотлар албатта инсонда фикрнинг кенгайиши, оламга бошқача назар солиш ҳиссиётларини ҳосил қиласи.

Қайд қилинганлардан хulosа қилиш мумкинки, мамлакатимиздаги барча туристик ресурсларга туристик маршрутларни ишлаб чиқишини бошлаш туризмни ривожлантиришда энг муҳим иқтисодий омил бўлар экан. Туристик ресурсларга туристик маршрутлар ишлаб чиқишининг назарий асосларини ўрганиш туризм ресурсларидан фойдаланишнинг давлат дастурини ҳам яратишни кун тартибига қўяди.

Туризм маршрутларини ишлаб чиқишининг мамлакат ҳаётидаги ўрни, аҳамиятини белгилашда жуда катта имкониятлар борлигини ҳисобга олиши мизниталаб қилмоқда. Ҳозирги туризм ривожида туризм хизматлари инфратузилмаларини яратиш, мукаммаллаштириш масалалари ҳам долзарб муаммолар рўйхатида туриби.

Кўп ҳолларда туризм ташкилотлари, туристик фирмалар ҳаттоқи туризмни бошқариш ташкилотлари ҳам туристик ресурслар, туристик обьектларда дастлаб туристларга хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни яратишни биринчи муаммолар қаторига қўядилар. Бу ҳолатни ҳам албатда тўғри деб қабул қилиш керак. Лекин молиявий муаммоларнинг келиб чиқиши

натижасида қурилишга режалаштирилган инфратузилмаларни яратиш анча муддатларга кечикиб кетади.

Ҳали туризм мақсадларида фойдаланилмаган, лекин туристик ресурсдан бу туристик обьектларга ҳеч иккиланмасдан туристик маршрутларни ишлаб чиқиши ва туризм бозорига чиқариши зарур. Ҳалқаро ёки ички туризм мақсадларида фойдаланишнинг долзарблиги юзага чиққан ҳолатларда бундай туристик обьектларга туристик маршрутлар орқали туристларнинг ташриф буюриши натижасида туристик обьект атрофидаги маҳаллий аҳолида кутилмаган ҳолатларда туризм инфратузилмаларини яратиш тадбиркорлиги ўзи-ўзидан бошланиб кетади. Чунки туристларга маҳаллий ишлаб чиқариши маҳсулотларини сотиш, маҳаллий озиқ-овқатларни сотиш, ҳатточи, жойлаштириши хизматларини сотиш эҳтиёжлари келиб чиқади.

**Таянч сўзлар ва иборалар:** назария, ижтимоий-иқтисодий, инфратузилма, палаткали усул, туризмнинг ҳалқаро даражаси, молиявий муаммо, хизматлар инфратузилмаси, ички туризм мақсади, туризм тадбиркорлиги, туризмдаги алоқалар, туристик лагер, мавсумий туризм.

### **Мавзу бўйича тест саволлари:**

1. Самарқанд вилоятида туризм объеклари сонини аниқланг?  
А) 118 та                    Б) 200 та                    С) 208 та                    Д) 318 та
2. Хоразм вилоятида туризм объеклари сонини аниқланг?  
А) 310 та                    Б) 210 та                    С) 410 та                    Д) 510 та
3. Мамлакатимизда меъморий ёдгорликлар қанча?  
А) 545 та                    Б) 645 та                    С) 305 та                    Д) 745 та
4. Ўзбекистонда археологик обидаларнинг сонини аниқланг?  
А) 550 та                    Б) 450 та                    С) 650 та                    Д) 250 та
5. Бухоро вилоятида туризм объеклари сонини аниқланг?  
А) 221 та                    Б) 121 та                    С) 321 та                    Д) 421 та

## **3-Мавзу. ТУРИЗМ МАРШРУТЛАРИНИНГ ТАРИХИ**

Режа:

- 3.1. Марказий Осиёлик олимларнинг саёҳати маршрутлари
- 3.2. Чет эллик олим саёҳатчиларнинг маршрутлари
- 3.3. Буюк географик кашфиётчиларнинг саёҳати маршрутлари
- 3.4. Янги давр географик тадқиқотлари маршрутлари

### **3.1. Марказий Осиёлик олимларнинг саёҳати маршрутлари<sup>1</sup>**

Туризм тарихидаги туризмнинг шаклланиши масалаларига мутахассислар турлича ёндашишади ва хulosаларга тўхталишади. Аксария ҳолларда туризмни иқтисодиётда ҳам, инсониятнинг дунё бўйлаб ҳарактланишида ҳам янги феномен-кўриниш, соҳа деб қарашади. Иккинчи тараф-Аслида туризмнинг тарихи ўтмишдаги дунё бўйлаб қилинган саёҳатлардан бошланган деб хуроса

<sup>1</sup>.Каромиддин Гадоев,Сабоҳат Бердиева, Жаҳонгашта сайёҳ-олимлар, Тошкент-Ўзбекистон, 2012 й, 270 б.

қилувчилар ҳам кўпчилик олимларни ташкил қиласи. Лекин, туризм ҳақидаги замонавий таълимот дунёдаги биринчи саёҳатчиларни ҳам, уларнинг саёҳатларини ҳам туризмга алоқаси йўқ деб билишади. Бундай хулосага келувчиларнинг фикри бўйича биринчи саёҳатчилар саёҳатга ўзларининг ҳоҳиш-истакларича чиқишимаган. Бу саёҳатлар мажбурий бўлиб, эркинликни тан олишимаган. Уларнинг мақсади-янги тижорат бозорларини, янги ерларни очиш, зўравонлик билан халқларни бўйсида иштирок этадиган. Биз қўйида эрамиз остоналарида амалга оширилган ва ундан кейинги даврлардаги саёҳатлар ва бу саёҳатларнинг маршрутларига тўхталамиз.

“Туризм” ва “турист” атамалари илмий адабиётларда XVIII асрнинг охир ларида ёзила бошланди ва XIX асрда оммавий равишда кўлланила бошланди, XX асрнинг 60 йилларидан бошланиб ўзларининг ҳозирги таърифини халқаро миқёсларда олди. Дунёдаги биринчи саёҳатни қадимги Миср маликаси Хетшепсут эрамиздан олдинги 1501-1448 йилларда ташкил қиласи. Дунёдаги биринчи саёҳатни қадимги Миср маликаси Хетшепсут эрамиздан олдинги 1501-1448 йилларда ташкил қиласи. Дунёдаги биринчи саёҳатни қадимги Миср маликаси Хетшепсут эрамиздан олдинги 1501-1448 йилларда ташкил қиласи. Шунингдек, эрамиздан олдинги 2000 йилда Мисрлик Синухит ҳам ўзининг шарқга (Эдем) қиласи саёҳатини “Синухит саёҳатлари”да ёзиб қолдирган. Ўтмиш тарихда бундай саёҳатлар жуда кўплаб амалга оширилган. Биз қўйида эрамиз остоналарида амалга оширилган ва ундан кейинги даврлардаги саёҳатлар ва бу саёҳатларнинг маршрутларига тўхталамиз.

Туризм маршрутларининг тарихи эса ҳақиқий туризм ва турист талабига жавоб берадиган Томас Кукнинг ташкил қиласи маршрутларидан бошланади. Томас Кукгача бўлган саёҳатчиларнинг маршрутларини, янги ерлар очиш маршрутларини, буюк географик кашфиётчларининг маршрутларини ва бошқа маршрутларнинг ҳаммасини уларнинг ўз олдиларига қўйилган маҳқсадлар-бойлик излаш, илм олиш, мажбурий ёки қизиқиши билан боғлик саёҳатлар маршрутлари деб баҳолаш мумкин. Туристик маршрут ҳозирги туризмнинг талабларини ҳисобга олиб ишлаб чиқилгандагина туристик маршрут дейилиши ни ёддан чиқармаслигимиз керак.

Марказий Осиёлик олимлар асосан VII ўз саёҳатларини бошлаганлар ва жаҳон халқлари тараққиётига ер юзида яшаган ва яшаб келаётган халқлар нинг, миллатларнинг бирортаси Марказий Осиёлик олимларчалик оламшумул илмий-тадқиқотларни, ихтиrolарни кашфиётларни амалга оширган эмас. Ушбу қўлланма ҳажми чегаралангандагидан Марказий Осиёлик олимлар ва саёҳатчи ларнинг тўлиқ маршрутларини келтиришнинг имкониятлари йўқ. Қўйида дунё халқларида эътироф этилган, эъзозланган ва эъзозланиб келинаётган машҳур ўтмишдошларимизнинг саёҳатлари ва уларнинг саёҳат маршрутларининг бир кисмини келтирамиз.

**Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (780-847).** Хоразм илмий мактаби нинг илк кўзга кўринган намояндаси Муҳаммад Хоразмий бўлиб, у Америкалик шарқшунос Д. Сартон таъбири билан айтганда “барча замонларнинг энг улуғ математикларидан бири” эди. Муҳаммад Хоразмий Хоразмда туғилган ва Бағдодда вафот этган. Ал-Хоразмийнинг асарларида ҳаммаси бўлиб 537 жой нинг номи, шаҳарлар, тоғлар (203 та ном), денгизлар ва оролларнинг номлари, охирида эса дарёлар алоҳида-алоҳида ёзилган.

Унинг саёҳатларида Қизил денгиз, Ҳинд ва Атлантик океанлари каби номлар учрайди. Шунингдек, Азов денгизи, Нил даёси ҳавзаларига изоҳ берил

ган. Италиялик шарқшунос К. Наллино- “Европадаги ҳеч бир халқ Ал-Хоразмий ёрииган ютуққа ёрииган ва бундай асар яратшига қобил эмас эди” деб ёзган эди. Ал-Хоразмийнинг саёҳатлари натижасида яратган географик ғоялари бу фанни янги поғонага кўтариб, 9 аср бошларида Шарқда янги география фани нинг яратилишига олиб келди.

**Аҳмад Фарғоний (797-865).** Аҳмад Фарғоний Фарғонада туғилган ва дастлабки илмни шу ерда олиб вояга етган. Сўнг ўша замонда Шарқда машхур бўлган Бағдоддаги “Байт ал-ҳикма” академиясида Мухаммад ал-Хоразмий билан ишлаш бахтига мұяссар бўлган. Аҳмад Фарғоний Куёш ва Ой тутилишларини ҳам илмий жиҳатдан исботлаб берган, юлдузлар илмининг султони дейилган мирзо Улуғбекдан беш аср олдин Куёш ва юлдузларнинг ҳаракат йўналишларини, Ер шар шаклида эканлигини ва у қутблар деб аталувчи икки ўқ атрофида ҳаракатланишини ҳам исботлаб берган.

Орадан 800 йил ўтгач Христофор Колумб ҳамда 16 асрда Ер шари бўйлаб айланма саёҳатни оширган Фернандо Магеллан ҳам Аҳмад Фарғонийнинг Ер шари ҳажмини ҳисоблаш учун ишлатган бир даража меридиан узунлиги ҳақидаги ҳисоб-китобларнинг нақадар тўғри эканлигини ёзиб қолдирган. Аҳмад Фарғоний Нил дарёсининг сувини доимий ўлчаб турувчи ниломер асбобини ясаган. Бу асбоб бўйича бутун Нил дарёзи ҳавзасида муваффақиятли дехқон чилик қилинган. Бу асбоб бўйича Нил дарёсининг тошқинли даврлари олдин дан маълум бўлган.

Миср ҳукумати ватандошимиз Аҳмад Фарғонийнинг ушбу мамлакат олдидаги хизматларига юксак эҳтиром сифатида Нил дарёсидаги Рода оролида унинг ҳайкалини ўрнатишга қарор қилди. Ушбу ҳайкал президентимиз Ислом Каримовнинг 2007 йилда Мисрга қилган расмий ташрифи чоғида тантанали равишда очилган.

**Замахшарий (1075-1144).** Абдулқосим Махмуд ибн Умар аз-Замахшарий 1075 йилнинг 19 марта Хоразмнинг Замахшар қишлоғида туғилган. У ҳаёти давомида тинмай саёҳат қилган. Сайёҳ-олим Шарқ, хусусан, мусулмон мамла катларини 1100-11220 ва 1127-1139 йилларда икки марта айланиб чиқкан. Замахшарий Хурросон, Эрон, Арабистон, Ироқ, Яман, Сурия, Марв, Нишопур, Исфахон, Бағдод, Хижоз, Дамашқ ва Макка шаҳарларида бўлиб асалари учун бой манбалар тўплаган. Унинг қомусий асари-“Ал-Кашшоф” асари Куръон тафсирига оид ўртасида энг мукаммал эканлиги шақшунос ва арбшунос олим лар томонидан тан олинган. Шу сабабли, мазкур асар дунёning турли мамлакат ларининг университетларида асосий дарслик сифатида ҳозиргacha қўлланилиб келинмоқда.

**Ҳофизи Абру (1362-1431).** Темурийлар сулоласининг тарихчи ва географи Ҳофизи Абру Ҳирот шаҳрида туғилган. Ҳаёти давомида кўплаб саёҳатларга чиқкан, Евроосиёнинг Ҳиндистондан то Шомгача бўлган ерларини, Кавказ ва Россиянинг қўплаб вилоятларини кезган. Унинг ўзи бу ҳақда шундай ёзиб қол дирган- “Йироқ сафарлар асносида Мовароуннаҳр, Туркистон, Дашиб Қипчок, Хурросон, Ироқ, Озарбайжан, Эрон, Муғон, Гуржистон, Катта ва кичик Арманистон, Рус ва Шом ерларининг барчасини, Фрот дарёси соҳилларини, Хазар соҳиларини, Қобулни, Мўлтонни ва Ҳиндистонни кўрдим”

**Абдураззоқ Самарқандий (1423-1482).** 1441-1444 йилларда (Афанасий Никитиндан 25 йил олдин, Васко да Гамадан 56 йил олдин) Ҳиндистонга денгиз орқали бориши йўлини биринчи бўлиб босиб ўтган ва ушбу йўналишдаги ҳудудларни географик жиҳатдан тасвирлаб берган сайёх, ватандошимиз Абдураззоқ Самарқандийдир. У саёҳат давомида Хурсоннинг қумли чўллари, Марказий Осиёнинг жануби, Озарбайжон, Эрон, Ироқ орқали ўтиб, Форс кўрфазидан Арабистонга чиқсан ва мазкур денгиз орқали Ҳиндистонга етиб борган. Ҳиндистонга борган машхур рус сайёҳи Афанасий Никитин ва голланд сайёҳи Васко да Гамалар Ҳиндистонга денгиз йўли билан боришида ватандоши миз Абдураззоқ Самарқандийнинг асарларидан фойдаланганликларини ёзиб қолдирган.

**Захириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530).** Захириддин ёшлик чоғлари даноқ турли саёҳатларни яхши кўрган. У 15-16 яшарлигига Фарғона, Самарқанд ва Тошкент ҳудудларини бир неча марта айланиб чиқсан. 19 ёшга тўлганда Ҳисор тарафидан тоқقا кўтарилиб Фандарё ва Искандаркўл орқали Зарафшон водийсига ўтиб Смарқандга келган. Бобурнинг ёзишича, 21 ёшигача Фарғонадан Бухорогача, Тошкентдан Ҳисор ва Ҳиротгача бўлган барча шаҳар ва қишлоқларда ҳамда дашту тоғларда бўлган. У умрининг 30 йилини сафар ларда ўтказди. Саёҳатлари даврида ўзининг шоҳ асари “Бобурнома” учун бой маълу мотлар тўплаган.

“Бобурнома” Ўрта Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистон давлатларининг географияси, тарихи, ижтимоий- иқтисодий ҳаёти, табиати, этнографияси ва тиббиётiga оид муҳим маълумотлар тўплами жиҳатидан дунёдаги энг мукаммал асарлар рўйхатига киритилган. “Бобурнома”да 1000 дан ортиқ географик номлар-мамлакат, шаҳар, ҳишлоҳ, қалъа, дашт, тоғ, довон, дара, дарё, кўпприк, кечув, кўл, чашма, боғ, яйлов ва жойларнинг номлари келтирилган.

**Абу Райҳон Беруний (973-1048).** Абу Райҳон Берунийнинг умри доимо саёҳат ва бир шаҳардан иккинчисига кўчиб юриб, тадқиқотлар ўтказиш билан ўтган. Бағдодда ой тутилишини исботлаб берган. Агар Берунийнинг бутун умри давомида қилган саёҳатларини сарҳисоб қилсақ, у шимолда Хоразмга, жанубда Ҳиндистонга, ғарбда Каспий денгизи соҳили ва Бағдод оралиғида саёҳат қилган.

**Абу Али ибн Сино (980-1037).** Ибн Сино ҳаёти давомида тез-тез саёҳат қилган ва кўп юртларни кезган. Бухородан кейин Хоразмда, Туркманистонда, Эрон шаҳарларида ва Каспий денгизи соҳилларига саёҳат қилган.

**Носир Хисрав (1004-1072).** Носир Хисрав Балх шахри яқинидаги Қободиён қишлоғида туғилган. У 1045 йилнинг кузида Мурғоб дарёси бўйлаб жанубга юрди ва дарёнинг бошланишигача етиб боришида кўрганларини ўзининг эсадаликларига туширди. Иккинчи саёҳатда у 1046 йил Арабистонга қараб бошлади. Манбаларда келтирилишича унинг бу сафари 11-асрда амалга оширилган энг узоқ муддатли, қизиқарли ва маълумотларга бой бўлган саёҳатлардан бири ҳисобланади. Мазкур саёҳат Марвдан бошланиб, Эроннинг шимолий қисми, Арманистон, Туркия жануби, Арабистоннинг Макка ва Мадина шаҳарлари, Ливан ва ҳозирги Йироил ерларидан ўтиб Мисргача давом этган. Шундан кейин, олим Ҳиндистоннинг шимолий вилоятларига саёҳат қилди.

Унинг “Сафарнома” асари жаҳон географиясидаги энг нодир асарлардан бири сифатида қабул қилинган.

### 3.2. Чет эллик олим саёҳатчиларнинг маршрутлари

Чет эллик саёҳатчилар маршрутлари ҳам нисбий деб олинди. Чунки, чет эллик саёҳатчиларнинг барча саёҳатларини келтиришнинг ҳам иложи йўқ. Шунинг учун ҳам чет эллик саёҳатчиларнинг энг машхурлари, уларнингянги дунёни кашф қилишидаги жасурлик билан амалга оширилган саёҳатлари маршрутлари жаҳон халқларининг ижтимоий-иктисодий ривожланишига катта таъсиrlар кўрсатганларни эътиборга олинди. Масалан, дунё қитъаларини, бу қитъаларда яшовчи халқларни эрамиздан олдиги 1-асрларда бирлаштирган “Буюк ипак йўли”нинг очилиши ва асрлар давомида фаолият кўрсатишини бир киши-Хитойлик машхур разведкачи, олим, жасур сайёҳ ва кўплаб давлатларда элчи номини олган Чжан Цян номи билан боғлиқ.

**Чжан Цян** (милоддан олдинги 103 йил). “Буюк ипак йўли”нинг очилишида милоддан аввалги 2-асрда яшаган хитойлик дипломат ва сайёҳ Чжан Цяннинг хизматлари катта. Айнан, шу хитой дипломати биринчи бўлиб Тянь-Шань тоғлари оша Хитайдан Ўрта-Осиёга саёҳат қилган. Чжан Цяннинг босиб ўтган йўлидан Европа ва Хитой ўртасида қатнайдиган савдо карvonлари кенг фойдалана бошлаган. Маълумки, Хитой қадим замонларда четга кўплаб миқдорда ипак чиқарган ва шунинг учун ҳам кейинчалик бу йўл “Буюк ипак йўли” номини олган<sup>2</sup>.

Чжан Цян милоддан аввалги 138 йилда Хитой императори У Диннинг топшириғига биноан, муҳим дипломатик миссияни амалга ошириш мақсади да Пекиндан Ўрта Осиёга саёҳат қилган. Ушбу саёҳат натижасида сайёҳ биринчи бўлиб Ўрта Осиё, Помир ва Тянь-Шань тоғлари, Амударё ва Сирдарё, Лобнор кўлига қуйилувчи Торим дарёлари ҳақидаги маълумотларни Хитойга олиб келган. Тарихчилар беда, узум, анор, бодринг, ёнғоқ ва бошқа кўплаб маданий ўсимликларнинг Хитой худудларига кириб келишини ҳам Чжан Цян номи билан боғлайдилар.

Милоддан аввалги 118-115 йиллар ўртасида Чжан Цян Тянь-Шань тоғлари орқали Ўрта Осиёга иккинчи саёҳатни муваффақиятли амалга оширди. Бу ҳақда хитойлик тарихчи Сима Цян “ушбу саёҳат натижасида Хитой ўзидан шимоли-ғарбда жойлашган мамлакатлар билан алоқа йўлларини очди”, деб ёзган эди.

**Эрик Рауде (Малла) (950-1003).** Янги Дунёни очган Колумбдан қарийб 500 йил илгари шимолий Европалик викинглар Шимолий Американи кашф этишган, ва ҳатто, у ерда бирмунча вақт яшашган ҳам. Аммо 10-аср шароитида викингларнинг бу кашфиёти узоқ Гренландия музликларида номаълумлигича қолиб кетган. Кейинги вақтларда эса бу тарихий ҳақиқат бирмунча такланиб, Шимолий Америкага биринчи бўлиб борган Европаликлар ҳаторида Скандина

<sup>2</sup>.Каромиддин Гадоев,Сабоҳат Бердиева,Жаҳонгашта сайёҳ-олимлар,Тошкент-Ўзбекистон,2012,270 б.

виялик викинглар, жумладан, Эрик Рауде (малла)нинг номи ҳам тилга олинмоқ да.

**Маҳмуд Қошғарий (1029-1101).** Маҳмуд Қошғарий Хитойнинг Қашқар шаҳрида туғилган. Манбаларга кўра, у Жанубий-Ғарбий Осиёning қўплаб шаҳарларида бўлган, Бағдодда ҳам яшаган. Туркий тилларнинг хусусият ларини ўрганиш мақсадида олим қўп йиллар давомида” Румдан Мочингача”- Ўрта ер ва Қора денгизлари бўйларидан то Хитойгacha саёҳат қилган, туркий қабилалар яшайдиган ерлар, шаҳар ва қишлоқларни кезган. Унинг “Девони луғотит турк” (Туркий сўлар луғати)-“Девон” дунё илмининг нодир қомусий асари сифатида тан олинган. Шунинг учун ҳам шарқшунос Н. Басаков Маҳмуд Қошғарийни-“туркий тилларни қиёслаш борасида йўлчи юлдуз”-деб атаган бўлса, яна бир таниқли шарқшунос олимни “11 асрнинг Радлови”-дек тариф лаган эди.

**Идрисий (1100-1165).** Идрисий Марокашнинг Сеут шаҳрида туғилган. У 16 ёшидаёқ Кичик Осиёга саёҳат қилган. Тарихчиларнинг манбалари бўйича Ал-Идрисий Европа бўйлаб саёҳат қилиб, бу мамлакатларнинг 11-12 асрлар даги ҳиёти тўғрисида қимматли маълумотларни қолдирган дастлабки араб олимларида ҳисобланади. Марокашнинг Жанубий-Ғарбий Европага географик жиҳатдан яқинлиги боис сайёҳ 1120 йиллар давомида Португалия, Франция, Англия, Шотландия, Ирландия, ва Ғарбий Германияга бир неча бор саёҳат қилган. Шунинг дек, сайёҳ Польша, Византия, Болқон ярим ороли, Шимолий Африка ва Шарқий Европадаги баъзи давлатлар ҳақида бой географик маълумотла тўплади. У ўз асарларида матнларда 6000 та, илова қилинган хариталарида эса 2500 дан ортиқ географик обьектлар номини келтирган.

**Ибн Баттута (1304-1377).** Марокашлик Ибн Баттутанинг номи Шарқ мамлакатларида яратилган географик кашфиётлар рўйхатининг биринчи ўрнида туради.



Ибн Баттутанинг саёҳатлари харитаси

Унинг “Ибн Баттутанинг саёҳати” китоби дунёнинг машҳур географлари эъзозлаган асарлардан бири ҳисобланади. У 21 ёшида-1325 йилда Сахрои Кабирни пиёда кесиб ўтиб Маккага саёҳат қилди. Шундан сўнг Ибн Баттута Яқин Шарқ ва Ўрта Шарқнинг энг гуллаб яшнаган шаҳарлари Қуддус, Дамашқ, Макка, Басра, Бағдод ва Табризда бўлди. У Маккада ватандошимиз Ином ал-Бухорийнинг “Ал-Жомий ас-Саҳиҳ” деб номланган машҳур ҳадислар тўплами бўйича маъruzалар ўқиди. Унинг иккинчи сафари Қизил денгиз-Яман-Сомали-Форс кўрфази-Арабистон ярим оролидан (пиёда)да ўтди.

Сайёҳ-олимнинг учинчи саёҳати Туркия шаҳарлари ва Қора денгиз соҳилларини ўрганишга бағишланди. Шундан кейин Ибн Баттута Қrim-АЗов денгизи-Шмолий Кавказга саёҳат уюштириди. Бу саёҳат давомида Баттута Астраханга келди ва Хоразмлик савдогарлар билан Ўрта Осиёга йўл олди. Унинг 15 йиллик саёҳати шу тариқа бошланди.

Унинг асарларида марказий Осиёнинг ўша вақтдаги энг йирик шаҳар ларининг таърифлари мукаммал ёзилган. Баттута Самарқанддан кейин Хуросонга-Эрон ва Афғонистоннинг барча шаҳарларида бўлди. У ўзи бир умр орзу қилган Ҳиндистонга 1333 йилда етиб келди. Баттута 1342 йилда ҳинд элчиси сифатида Хитойга сафар қилди. Шундан сўнг сайёҳ Малазия-Бенгалия орқали яна Ҳиндистонга сўнгра денгиз йўли билан Тунис-Италия орқали Марокашга қайтиб келди.


Машҳур сайёҳнинг сўнги сафари Африка табиатини ва давлатларини ўрганиш бўлди. Бу саёҳат давомида Ибн Баттута Сахрои Кабирни иккинчи маротаба пиёда юриб ўтди. У дунёнинг уч қитъасида 28 йил бўлиб 120 минг километр масофани босиб ўтди.

Куръони каримни рус тилига таржима қилган рус арабшунос олми И.Крачковский-“*Машҳур Ибн Баттута барча мусулмон давлатларини айланиб чиққан охирги буюк сайёҳ ва универсал географ-амалиётчи* эди. Унинг саёҳати ҳамиша эҳтиром билан тилга олинади. Ўрта асрлардаги Олтин Ўрда ва Ўрта Осиё ҳақидаги бирор-бир илмий ишини Ибн Баттутага мурожсаат қилмасдан бажарининг иложи йўқ”. Таниқли немис географи Р. Хенниг - “14-асрда яшаган Марокашлик Ибн Баттута қадимги дунё ва Ўрта асрлар билган сайёҳларнинг энг буюги сифатида тан олинини лозим”.

### 3.3. Буюк географик кашфиётчиларнинг саёҳати маршрутлари

**Христофор Колумб (1451-1506).** Ҳиндистонга борадиган денгиз йўлини излаб Марказий ва Шимолий Американи кашф қилган, географик кашфиёт лар борасида ҳам, хато хulosаларга келишда ҳам, унинг ҳаёти қирраларини тадқиқ қилинган ва қилинаётган асарлар сони бўйича ҳам машҳурлиқда Хрисофор Колумбга teng келадиганлар жуда кам. У 1492-1493 йилда Америкага биринчи экспедиция, 1493-1496 йилларда иккинчи экспедиция, 1498-1500 йилларда учинчи экспедиция ва 1502-1504 йилларда тўртинчи экспедицияни ташкил қилган.

**Васко Да Гама (1469-1524).** Ҳиндистон қадим замонлардан бери Европалик олим ва сайёхларнинг тинчини бузган давлат эди. Бу ғаройиб давлатга қуруқликдан борадиган йўллар кашф қилинган бўлсада Европаликлар учун бу йўллар жуда хатарли бўлган. Шунингучун ҳам 15 асрда Европалик сайёхлар Ҳиндистонга денгиз билан бориш йўлларини излай бошлади. Бу муаммони Португалиялик Васко Да Гама ҳал қилди ва инсониятнинг буюк кашфиётчила ри рўйхатидан жой олди.



*1497-1499 йилларда Васко да Гаманинг Ҳиндистонга  
денгиз йўлини очиши*

**Америго Веспуччи (1454-1512).** Американинг яхлит қитъа эканлиги ҳакида биринчи бўлиб хабар берган, Марказий Америка ва Жанубий Америка кирғоқларига 1499-1500 йилларда биринчи, 1501-1502 йилларда иккинчи ва 1503-1504 йилларда учинчи экспедицияни ташкил қилган ва бу саёҳатлари туфайли номининг абадий унутилмаслигига эришган машҳур тадқиқотчи-географ.




*Америго Веспуччининг марказий ва жанубий Америкага  
саёҳатлари харитаси*

Шу ўринда афсусланаарли шу ҳолатни қайд этишимиз керакки, инсоният тараққиётини бутунлай янги йўналишларга солиб юборган Буюк географик

кашфиётлар даврида тузатиб бўлмас тарихий хақсизликга Христофор Колумб ва ватандошимиз Абдураззоқ Самарқандий учради. Юқорида қайд қилганимиздек, ватандошимиз А.Никитиндан 25 йил олдин, Васко Да Гамадан 56 йил олдин Арабистон ярим оролига етиб бориб Ҳиндистонга денгиз ва океан орқали биринчи йўлни очган эди.

Ўша даврларда А.Никитин ҳам, Васко Да Гама ҳам Ҳиндистонга денгиз йўли билан боришда Абдураззоқ Самарқандийнинг асаларидан фойдаланган ликларини ёзишган. Уларнинг хабарларига ўша давр тарихчилари ҳам тадки қотчилари ҳам албатда эътибор беришликлари лозим эди.

**Фернандо Магеллан (1480-1521).** Буюк географик кашфиётлар тарихи га португалиялик машҳур сайёҳ Фернандо Магеллан Ернинг шарсимон эканлигини тасдиқлаган ва сайёрамиз атрофи бўйлаб биринчи айланма денгиз саёҳатини амалга оширган киши сифатида киритилган.



*Ф. Магелланнинг 1519-1522 йиллардаги Ер шари бўйлаб биринчи айланма саёҳати маршрути*

Таъкидлаш керакки, Магеллан саёҳатнинг муваффақиятли тугашига ишонмаган (балки, у ўзининг фожиали ўлимини сезгандир). Аммо саёҳат муваффақиятли якунланди. Ушбу саёҳатдан ватанига қайтиш насиб этмаган бўлсада Магеллан ўлими олдидан ўз мақсадига эришганлигини айтган (Филиппин оролларидағи қабилалар бошлиқларининг жанжалларига аралашиб қолган Магеллан 1521 йилнинг 21 апрелида Лапу-Лапу қабиласининг сардори томонидан ўлдирилган).

**Виллем Баренц (1550-1597).** 15-16 асрлардаги буюк географик кашфиётлар мустамлакачилик босқичининг бошланишига, Европа мамлакатлари ўртасида янги ерлар учун рақобат ва курашга сабаб бўлди. Натижада Хитой ва Ҳиндистонга боришининг Шимолий денгиз йўлини топиш ғоялари ўша вақт денгиз сайёҳлари ўртасида гўёки ўзига хос мусобақага айланиб кетди. Лекин, Шимолий денгизнинг йил давомида муз билан қопланиши ва ўша вақтдаги кемаларнинг музлар сиқувига бардаш бераолмасликларини тажрибали денгизчи лар жуда яхши билар эди.

Лекин В. Баренц бу хатарли саёхатни амлға оширишга журъат этди. У1594 йилда шимолга биринчи экспедицияни ташкил қилди. Бу саёхатда у 77 даражада шимолий кенгликларгача сузіб борди ва орқага қайтишга мажбур бўлди. В.Баренц 1595 йилда иккинчи экспедицияни ташкил қиди. Бу экспедиция ҳам муваффақиятсиз бўлди.

В.Баренц учинчи экспедицияни Голланд хукуматининг топшириғи билан 1596 йилда ташкил қилди ва шимолнинг 80 даражада шимолий кенглик ларигача бўлган барча ерлар ва оролларни, музликларни харитага туширди. Саёхатда В.Баренц ва унинг кўплаб дengizchilari ҳалок бўлишди. Жасур саёхатчининг номи абадийлаштирилди-илгариги Мурман денгизи Баренц денгизи номини олди. Худди шундай ном шимолдаги бир қанча оролларга ҳам қўйилди.

**Семён Дежнёв (1605-1673).** Семён Иванович Дежнёв-таниқли рус денгизчи-сайёхи. У даниялик рус сайёхи Витус Берингдан 80 йил олдин Осиё ва Американи ажратиб турувчи Беринг бўғизидан биринчи бўлиб ўтган.



*Семён Дежнёв саёхати харитаси*

Осиё ва Американинг бирлашган ва бирлашмаганлиги ўша замонларда аник эмасди. Жасур сайёх С. Дежнёв бу йўналишда шимолга кўплаб экспедициялар ташкил қилди ва ниҳоят 1648 йилги экспедицияда У Осиё ва Американинг алоҳида-алоҳида континент эканлигини ҳал қилди. Унинг экспедиция ҳисоботида “эскимослар яшайдиган ороллар ёнидан денгиз-океан орқали ўтдим ва катта ернинг (Осиёнинг) қирғоқлари ҳеч қаерда “Янги ер” (Америка) билан туташмаган”.

Тарихда биринчи марта ушбу бўғиздан сузіб ўтган ва кашф қилган С. Дежнёв муҳим географик масалани ҳал қилди. У мазкур саёхати натижаси да Американинг мустақил континент экани ва Европадан Хитойга Шимолий денгиз йўли орқали бориш мумкинлигини исботлади. Аммо жасур сайёхнинг ҳисоботлари Якутскда қолиб кетган ва кенг жамоатчилик ҳам илм аҳли ҳам буюк кашфиётни ўз вақтида билмаган. Аммо ҳозиргача кўплаб тадқиқотчилар Якутияларни илмсизликда ва С. Дежнёвга нисбатан хиёnotкорлиқда айблайдилар.

Европа давлатларида ушбу кашфиёт ҳақида маълумотларнинг бўлмаган лиги сабабли, Америка ва Осиё ўртасидаги бўғизнинг кашфиётчиси деган ном Витус Беринга насиб этди ва ушбу бўғизга унинг номи берилди. Кеч бўлсада Россия ҳукумати В.Беринг номини абадийлаштириди. Сайёҳ хотирасига хурмат тариқасида Шимолий муз океанидаги орол, ярим орол, қўлтиқ ва Ёқутистон даги қишлоқ унинг номи билан аталган. Сайёҳнинг ватани Великий Устюгда ва Россия шон-шараф боғида унга ҳайкал ўрнатилган.

**Витус Беринг (1631-1741).** Витус Иоанассен Беринг-машҳур рус денгизчи сайёҳи, рус флотининг командири, асли келиб чиқиши даниялик. В.Беринг 1725-1730 ва 1732-1742 йилларда рус флоти томонидан амалга оширилган биринчи ва иккинчи Камчатка экспедицияларига бошчилик қилди. В. Беринг биринчи экспедицияда қўплаб ороллар ва бўғизларни ерларни кашф қилди ва Америка билан Осиёнинг ўртасидаги бўғиздан ўтган, лекин қуюқ туман бўлган лигидан Америка қирғоқларини кўрмаган.

Иккинчи экспедицияда-1741 йилнинг 17июлида денгизчилар 58 даражали шимолий кенглиқдан юқорироқда баланд тоғ тизмасини кўрдилар. Бу Шимолий Америка эди. В.Беринг бу ерда 7 та орол, битта ярим орол ва Алеут тоғларини кашф этди ва харитага туширди. В. Беринг 1741 йилнинг 4 ноябрида кейинча лик ўзининг номи билан номланадиган оролга етиб келди.

Экспедицияда озиқ-овқат тугаган, кучли совуқ натижасида денгизчилар касалликга чалина бошлади. Худди шу ерда В.Беринг ва қўплаб денгизчилар ҳалок бўлишди. Қолган 46 денгизчи музлаб қолган кемадан қайиқ ясаб, елкан сиз фақат эшқаклар ёрдамида узоқ сузиб, 1742 йилнинг августида Петропавловск шаҳрига етиб келишди.


Витус Берингнинг олиб борган тадқиқотларининг нақадар тўғрилигини биринчи бўлиб инглиз сайёҳи Жеймс Кук эътироф этди ва Америка билан Осиё ўртасидаги бўғизни Беринг бўғизи деб номлашни таклиф этди. Жасур денгизчи сайёҳ номига қўплаб ороллар, дарёлар қўйилди. Тинч океанидаги сайёҳ вафот этган Беринг оролида унинг ҳайкали ўрнатилган.

**Жеймс Кук (1728-1779).** Жеймс Кук машқур инглиз денгизчи-сайёҳи ва картографи, қўплаб янги ороллари кашф этган, Ер шари бўйлаб учта айланма саёҳатга бошчилик қилган, қитъаларнинг қирғоқларини ва денгиз, океанларни тадқиқ қилган, биринчи бўлиб Австралия қирғоқларини харитага туширган, айсбергларга биринчи бўлиб таъриф берган, дунёning қўплаб давлатларининг ҳалқаро мукофотларини олган машҳур сайёҳ. Дунёда ўтмишда ҳам, ҳозирги даврларда ҳам машҳур бўлган ва ҳаёти даҳшатли даражада фожия билан тугаган жасур инсон.

Жеймс Кукнинг ўша вақтдаги машҳур “Инdevor” кемаси 1799 йилнинг январ ойида ўзи кашф қилган Гавайи ороли қирғоқларида лангар ташлади. Маҳаллий-аборигенлар-каннибалларлигини (одамхўрлар) Жеймс Кук яхши биларди. Ҳатто у олдинги саёҳатларида буларни қўй гўштига ўргатиш учун Англиядан қўплаб тирик қўйлар ҳам олиб келганди.

Аборигенлар Кукни ўз худоларидек кутиб олди. Ўз навбатида Кук ҳам уларнинг кемани томошо қилишига рухсат берди. Бунга Гавайиликларни яхши биладиган тажрибали денгизчилар қарши чиқишли. Лекин Кук айтганини

қилди ва даҳшатли хатога йўл қўйди. Маҳаллий аборигенлар кемадаги кўплаб нарсаларни муқаддас билиб ўғирлай бошлади, ҳатто кеманинг муҳим қисмларини синдириб уни ишдан чиқарган. Бунинг натижасида маҳаллий аҳоли билан дengизчлар ўртасида тўқнашувлар келиб чиқди. Кеманинг ўғирлаб кетилган қисмларини қайтариб олиш мақсадида маҳаллий аҳолининг сардори Каланиопуни гаровга олинди.



Жеймс Кукнинг Ер шари бўйлаб айланма саёҳатлари харитаси:  
— биринчи саёҳат; — иккинчи саёҳат;  
— учинчи саёҳат.

### *Жеймс Кук саёҳатлари харитаси*

Сардорини кутқариш учун аборигенлар кемани ўраб ҳужум қилдилар. Ана шундай тўқнашувларда бирида 1779 йилнинг 14 февралида Жеймс Кук орқасидан найза саншиб ўлдирилди. Экспедиция аъзолари Кук жасадининг каннибал аборигенлардан ортган қолдиқларини орадан анча кун ўтиб, яъни 22 февралда дengизга дафн этдилар.


Жеймс Кук бутун ҳаёти давомида “интилиш ва мақсадга эришиш” деган шиорга қатъий амал қилиб яшаган. Унинг хотираси 20 дан ортиқ географик обьектларда абадийлаштирилган. Гавайилиликлар ҳозиргача ўтмишдошлари нинг мудҳиш жинояти учун Жеймс Кук авлодларидан ва бутун инсониятдан кечирим сўраб келмоқда.

### **3.4. Янги давр географик тадқиқотчиларнинг маршрутлари**

Янги давр географик тадқиқотлари асосан XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошланади. Бу даврларда инсоният ўз тараққиёти зиналарининг анча баландла рига чиқиб олган ва навбатдаги чўққиларга чиқишини бошлаган даврлар эди. Лекин, ҳали инсонларнинг қадами етмаган ерлар (“очилмаган қўриқлар”), ҳалқ лар ва элатлар, кўплаб табиий минтақалар, тоғлару-саҳролар ва ер саёрасининг иқлим хусусиятлари, ўсимликлар олами ва ҳайвонот дунёси билан боғлиқ сиру – синоатлар жуда кўп эди.

Шу билан бирга бу вақтларга келиб саёҳатларнинг транспортлари, асбоб-анжомлари, улар билан алоқа қилиш воситалари, оғир ҳолатларда уларни қутқариб қолиши имкониятлари анча такомиллашган бўлса ҳам бу даврларнинг саёҳатчилари янги кашфиётлар учун ўз ҳаётидаги барча нарсалардан, имкониятлардан, нозу-неъматлардан ва шоҳона яшашдан воз кечган, ҳаттоқи, ҳаёти ҳавф-хатарларга тўла бўлишини билган жасур олимлар, машҳур инсонлар эди. Шунинг учун ҳам ҳозирги инсоният уларни тилдан қўймай ёдида сақлаб, хотирасини ардоқлаб келмоқда.

**Александр Гумбольдт** (1769-1859). Германиялик машҳур географ олим “XIX асрнинг Аристотели» номини олган эди. У Европа, Марказий ва Жанубий Америка табиатини мукаммал ўрганган.



*A.Гумбольдтнинг Россияга саёҳати харитаси*

У ўз асарлдари билан Ер қобигидаги қаттиқ, суюқ ва ҳаво қобиклари ўртасидаги қонуниятларни ўрганишга қаратил ган табиий географияга асос солди. У жанубий Америкадаги 700 дан ортиқ тепалик ва тоғларнинг гипсометриясини аниқлади, саёҳатлари даврида 4 мингга яқин ўсимликлар тури, фанга номалум бўлган 1800 та ўсимликларнинг гербариисини тўплади.


Унинг ўзи ва шогирдлари Америка саёҳатлари натижаларини чоп қилиш учун 26 йилни сарфлади. Бу машҳур асарнинг 1-жилди 1807 йилда, 30-жилди 1833 йилда чоп қилинган. 1827-йилда у Куёш тасвири туширилган «Дунёни ёрқин нурлар билан ёритган шахс» медалига сазовор бўлган. Унинг «Коинот» деб номланувчи 5 жилдлик асари ҳозир ҳам машҳур ҳисобланади.

**Фаддей Беллинсгаузен** (1778-1852). XVIII асрнинг иккинчи ярмида жанубий қутбни текширган инглиз сайёҳи Жеймс Кук доимий музликлар ўлкаси жанубга сузиб бориш мумкин эмас деган фикрни айтган эди. Машҳур денгизчи сайёҳни билган денгизчилар унинг гапидан кейин қарийиб 45 йил жанубий денгизга қилинадиган саёҳатларни тўхтатиб қўйган эди.

Рус денгизчи олими Ф.Беллинсгаузен бошчилик қилган биринчи рус Антарктика экспедицияси Ж.Кукнинг хулосалари нотўғри эканлигини исботлади. Рус сайёҳи Антарктика қирғоқлари бўйлаб айланма саёҳат қилиб, биринчи бўлиб унинг яхлит материк эканлигини бутун дунёга маълум қилган. У

1819 йилнинг 4 июнида Кронштадтдан йўлга чиқиб, 2 ноябрда Рио-де-Жанейро га етиб келди ва 1821 йилнинг 24 июнида Кронштадтга қайтиб келди. Бу даврда у 20 та янги оролларни харитага туширди.

Ф.Беллинсгаузен экспедициясининг сафари инсоният тарихидаги энг муҳим ва энг қийин сафар эканлиги алоҳида қайд қилинган. Олтинчи материкини кашф қилган олимнинг хулосаларидан кейин жанубий материкини тадқиқ қилиш ишлари яна бошланиб кетди.



**Арминий Вамбери (1832-1913).** 1863 йилда А.Вамбери венгрия фанлар академияси маблағи ҳисобига миллати турк бўлган Рашид афанди номи билан сайёҳ дарвиш қиёфасида Ўрта Осиёга сафар қилиш мақсади билан Эронга келади. У ерда Макка зиёратидан қайтаётган карвонга қўшилиб Исфаҳон, Шероз ва Мозандарон орқали Каспий дengизининг шимолига йўл олади, Коракум чўли орқали Хоразмга етиб келади.



*Арминий Вамберининг Ўрта Осиёга саёҳати харита-чизмаси*

Шундан сўнг у Қизилқум чўли орқали Бухоро, Самарқанд, Қарши, Керки, Андхой, Маймана, Ҳирот, Машҳад орқали Техронга қайтади. 1864 йилда А. Вамбери “Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат” китобини эълон қилган. Европада шарқга қизиқишнинг кучлилигидан бу асар барча Европа тилларига таржима қилинган.

**Фритьоф Нансен** (1861-1930). Шимолий муз океанини ва энг катта муз ороли-Гренландияни ва жанубий қутбни тадқиқ қилган машҳур норвег олими, сайёҳи.



*Ф.Нансенning 1893-1896 йиллардаги экспедициялари йўналиши чизмаси*


**Роберт Скотт** (1868-1912). Антарктика материгини ўрганишда катта тадқиқотларни амалга оширган ва жанубий қутбга Руаль Амундсендан кейин иккинчи бўлиб етиб борган буюк инглиз сайёҳи. Жанубий қутбдан қайтишда ҳалок бўлган. У биринчи бўлиб Антарктика материгининг музсиз водийсини топган ва харитага туширган. Антарктиканинг кўплаб оролларини кашф қилган.

**Руаль Амундсен** (1872-1928). Илм-тадқиқот йўлида жаҳонда машҳурларнинг машҳури бўлганлар анча озчиликни ташкил қиласди. Ана шу озчиликнинг ҳам биринчиларидан бири-Руаль Амундсендир. Шимолий ва

Жанубий қутбларга биринчи бўлиб борган. Шимолий қутб денгизи йўлини ҳам биринчилардан бўлиб кашф қилган. У шимолий муз океани қирғоқларини биринчи бўлиб тўла босиб ўтган қутбшунос олим сифатида ҳам тарихда қолган.

Жасур денгизчининг машҳурлигининг асослари унинг хавф-хатарлар тўла, инсон қадами етмаган нотаниш, қаҳратон қиши ойларида шимолий ва жанубий қутбга биринчи бўлиб етиб борганлиги ва эсон-омон уйига қайтганлиги ҳисобланади.

Р.Амундсен географик кашфиётлар тарихида қатор янги саҳифалар очган. Узоқ йиллар давомида у Ер шарининг шартли ўки ўтадиган ҳар иккала нуқталар-Шимолий ва Жанубий қутбларда бўлган ягона сайёҳ ҳисобланиб келинган.



*R. Амундсенning Жанубий қутбга саёҳати*

**Жак ив Кусто (1910-1997).** Бу олим ҳақида маълумотларни келтириш нинг зарурати йўқ. Чунки, машҳур Кустони дунёдаги барча халқлар яхши билишади. Фақат у умрининг охирларида Гибралтар бўғизи орқали туташиб турувчи Ўртаер денгизи ва Атлантика океани сувларининг асрлар давомида бири-бири билан қўшилиб кетмаганлигининг сабабини билгандан сўнг “Замонавий фанни 1400 йил ортда қолдирган Куръон инсоннинг сўзлари эмас, балки фақат яратганинг каломи эканлигига” иймон келтирди.

**Тур Хейердал (1914-2002).** Дунё океани қадимги цивилизацияларни бири-биридан ажратувчи эмас, балки ўзаро омил бўлганлиги ҳақидаги назарияни яратди ва океанлардаги бутун умри бўйлаб қилган саёҳатлари натижасида бу назарияни инсониятга исботлаб берди.

ХХ асрнинг машҳур тадқиқотчиси тур Хейердал Полинезия оролларига қизиқган. Ўша даврда фанда бу оролнинг аждодлари Жанубий–Шарқий Осиёдан келиб қолган деган хулосалар мавжуд эди. Т.Хейердал Полинезия ликларнинг оролларга шимолдан–Гавай ороллари орқали келиб қолганлигини исботлаб берган.

Дунё илм ахли Америкалик ҳиндуларнинг қадим замонларда Тинч океани оролларига оддий қайиқларда сузib борганлиги ҳақидаги исботларга ишо нишмаган. Т.Хейердал 1947 йилда Эквадор ўрмонларидан олинган бальс дараҳтларидан сол ясад унга инклар ютидан қувилган афсонавий сардор “Контики” номини қўйди ва 1947 йилнинг 28-апрелида Перудан Тинч океанига сузib кетди. Океанда 101 кун сузишга чидаган сол-қайиқ 1947 йилнинг 30 июнида Туамоту архипелагига етиб келди. Т.Хейердалнинг назарияси исботланди, яъни бальс қайиқларида Тинч океанидан сузib ўтиш мумкин.

1952 йилда Тур Хейердал Галапагос оролларига экспедиция ташкил этди. Бунинг натижасида жанубий Америкаликларнинг оролга Колумбгача бўлган замонларда ҳам сузib боришганлигини исботлади. Машҳур олим тропик қамишдан кема ясад Тинч океанидан сузib ўтишга қарор қилди ва “Ра” деб номланган қамиш кемада 7 давлат вакиллари БМТ байроғи остида Тинч океанини 1969 йилда муваффақиятли сузib ўтди. У океанлардаги саёҳатлари вақтида дунё океанининг ифлосланганлиги ҳақидаги маълумотларни тўплаб БМТга топширди. “ХХ асрнинг буюк сайёхи» номини олган Т. Хейердал 2002 йилнинг 18 апрелида 87 ёшида вафот этган.

**Ҳамидулла Ҳасанов** (1919-1985). Ўзбекистонда география фанининг ривожига катта ҳисса қўшган ва ҳалқига танилган забардаст олимларнинг бири “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби”, география фанлари доктори, сайёҳ олим Ҳ.Ҳасанов ҳисобланади. Олимнинг “Ўрта Осиёлик географ сайёҳлар”, “Сайёҳ олимлар”, “Бобур сайёҳ ва табиатшунос”, “Маҳмуд Қошғарий” каби йирик асарлари чет эл географиясида ҳам тан олинган. У Осиё, Европа, Шимолий Америка ва Африка давлатларига кўплаб саёҳатлар қилган ва бу саёҳатлар таъсуротларини доимо талабаларга ўргатган жонкуяр устоз сифатида тарихимизда қолди.

Ҳ.Ҳасанов биринчилардан бўлиб ўзбек телевидениясида “Оlamга саёҳат” кўрсатувини ташкил қилиб узоқ йиллар давомида ўзи бошловчилик қилган. Таниқли олимдан қолган яна бир ёдгорлик- У ясаган “Тошкент глобуси” дир<sup>3</sup>.

У Пермлик географлар билан 5 йиллик ҳамкорликда ер шарининг 7 миллион марта кичрайтирилган шаклини ясади. Глобуснинг баландлиги 2,5 метр, оғирлиги 500 кг, айланасининг узунлиги 6 метр. Глобуснинг энг аҳамиятли томони шундаки, унда ер юзининг турли шакллари табиатда қандай кўринишида бўлса шундай тасвирланган

**Таянч сўзлар ва иборалар:** Буюк географик кашфиётлар, айланма саёҳат, шимолий кутб, жанубий кутб, абориганлар, каннибаллар, компас, глобус, сайёҳ олимлар, сайёҳ кашфиётчилар, қутбшунос олимлар, тарихий ҳақсизлик.

<sup>3</sup>. Каромиддин Гадоев, Сабоҳат Бердиева. Жаҳонгашта олимлар. Тошкент, 2012, 269 б.

## **Мавзу бўйича тест саволлари**



## **4-Мавзу. ТУРИСТИК МАРШРУТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ҮСУЛЛАРИ**

Режа:

- 4.1. Туристик маршрутларни ишлаб чиқиш усуллари
  - 4.2. Туристик маршрутлар мавзуларининг тур номларини англиши.

#### **4.1. Туристик маршрутларни ишлаб чиқиш үсуллари.**

Туристик маршрутларни ишлаб чиқиша турли услугий ёндашишларни хисобга олиш талаб қилинади. Туризм соҳаси дастлабки ривожланиш даврида туристик маршрутлар ҳам, туристик экспедиция маршрутлари ҳам асосан оғзаки ташкил қилинади ва аниқроғи оғзаки дастурга асосаланиб ўтказилаверади. Бундай ҳолатларда турист ўзи кўришни, боришни истаган туристик обьектни тавсия қиласи ва унга кўрсатиладиган хизматларнинг барчаси режалаштирилган оғзаки дастурлар бўйича амалга оширилади.

Туризм ривожлана борган сари туристларга бундай усулларда хизматлар күрсатиши самара бермай қолади. Чунки, бириңчидан, туристлар оқимининг кўпайиши, иккинчидан, барча туристларга оғзаки хизматлар кўрсатишга вақт етишмайди. Учинчидан, замонавий вақт талаби бўйича ҳозирда жуда кўплаб туристлар ўзи қизиқган туристик объектларга олдиндан буюртмалар беришга одатланган.

Шунинг учун ҳам мамлакатимизда туристларга оғзаки ваъдалар бериш ва оғзаки усулларда туристик маршрутлар хизматларини кўрсатиш даври тугади. Одатланганимиздек, ҳозирча ички туристларга оғзаки туристик маршрутлар хизматларини кўрсатишимиш мумкин. Чунки, ички туристлар шу шароитларга ҳозирча ўрганишган. Ҳозирги замонавий туризмда, айниқса ҳалқаро турист ларга муқаммал режали, дастурли туристик маршрутларни ишлаб чиқишимиз талаб қилинмоқда.

Умумий қилиб олганда туристик маршрутларни ишлаб чиқиш 3 усулда амалга оширилади. Бу усулларнинг барчасида туристик маршрутлар ишлаб чиқиш фақат бир тизим талаблари асосида амалга оширилади. Аникроғи, туристик маршрутлар ишлаб чиқиш технологияси бир усулда мавзулари турларнинг талабларига риоя қиласи (1-Чизма).

### 1-Чизма



**Мавзули усул.** Туристик маршрутларни ишлаб чиқишида энг кўп қўлланиладиган усул мавзули усул ҳисобланади. Туристик ресурсларнинг барчаси маълум бир тизимда (системада) турганлигидан, аникроғи номлани ши бўйича турларга ажратилган. Масалан: экологик туризм, диний-зиёратгоҳ туризм, спорт туризми ва ҳакозолар. Қайд қилинган номланишлардан маълум бўладики, экологик туризм маршрутлари табиат ландшафтлари ва унинг биологик ресурслари билан боғлиқ.

Шунинг учун ҳам экологик туризм маршрутлари нинг барчаси табиат ресурслари ва унинг турлари номи билан аталади. Масалан, «Табиат қўриқхонасининг ҳайвонот олами», «Табиат қўриқхонаси нинг ўсимликлар дунёси». Бу мавзулардаги туристик маршрутларни қўриқхона даги ушбу туристик обьектларга қизиқган туристларнинг ўзлари танлашади.

Экологик туризм маршрутлари алоҳида табиий ландшафтларга ҳам ишлаб чиқилиши мумкин. Шунингдек, экологик-рекреация мавзусида ҳам мажмуали ҳолатда ишлаб чиқилиши мумкин. Масалан, қўриқхоналарда ишлаб чиқилган туристик машрутларни экологик туризмнинг мажмуали маршрутлари деб атаса тўғри бўлади. Чунки, қўриқхонада турист табиатни ва унинг биологик хилмачиллигини мажмуали ҳолда (ўсимликлар, ҳайвонлар, қушлар, сойлар, даралар, ўрмонлар, сув ҳавзалари ва ҳакозолар) томоша қилишади, дам олади-рекреация. Шунинг учун ҳам туризм маршрутларни ишлаб чиқиш асосий ҳолатларда туристик ресурс номи билан номланади.

**Мажмуали усулда** туризм маршрутларни ишлаб чиқилганда маршрут номи бир мавзуда бўлиши ҳам ёки икки, айрим ҳолларда учта мавзуда бўлиши ҳам

мумкин. Масалан: тарихий–диний зиёратгоҳ туризми маршрутлари; тарихий – рекреацион–спорт туризми маршрутлари. Бундай мажмуали туризм маршрутларни ишлаб чиқиши кўпинча халқаро туристларнинг талаб ва истаклари асоси да амалга оширилади.

Мажмуали туризм маршрутлар аксарият ҳолларда узоқ масофлардаги туристик маконга–объектга туристлар ташриф қилинганда ишлаб чиқилади. Масалан: экотуризм ресурслари шаҳарлар ва туманлар марказларидан анча узоқда чўл ёки тоғ минтақаларида жойлашган. Табиий ҳолатки, бундай ресурсларга бирданига етиб бориш туристни чарчатади ва зериктиради.

Шунинг учун ҳам мажмуали маршрутларни ишлаб чиқилганда туристни қизиқтирган сўнгги (охирги) туристик ресурсга боришдаги йўл–йўлакай барча туризм ресурсларига эккурсиялар уюштириш, сўлим жойларда дам олиш, тунашни ташкил қилиш, энг муҳими, маршрут атрофидаги диққатга сазовар жойлар, қадимий маскан лар, тарихий–маданий обидалар ҳам маршрутга киритилади.

Бундай мажмуали туристик маршрутлар гурухлар учун ҳам алоҳида турист (буортма) учун ҳам ишлаб чиқилиши мумкин. Баъзи бир ҳолларда касбий фаолият туфайли келган турист туристик ресурсларнинг тарихи билан қизикиши мумкин. Масалан, экологик туризмдаги ҳайвонат олами билан қўриқхонада танишган турист унинг яшаш тарзи, ареали, биологияси билан қизиқиб қолган да туристик маршрут тузувчи мазкур ҳайвонот турлари бўйича ишлайдиган илмий марказлар, университетлар ва тажриба марказлари ва бу марказларда ишлайдиган олимлар билан учрашувларни ташкил қилишни ҳам маршрут дастурига киритади. Ана шу тариқа бир мавзули туристик маршрутлар кўп мавзули ёки мажмуали мавзули туристик маршрутларга айланиб боради.

**Картографик (харитали) усулда** туристик маршрутлар асосан узоқ масофаларга мўлжалланганлиги учун ҳаракатланиш маршрут ўтадиган жойлардан харитадан фойдаланиб ишлаб чиқилади. Туристик маршрутни ўтказиш давомида ҳам харитадан фойдаланилади. Харита билан амалга ошириладиган туристик маршрутларда маршрутда дам олинадиган аҳоли жойлари ёки шаҳарларда дам олиш ёки овқатлантириш, тунаш хизматларининг даражалари олдиндан белгиланган бўлиши керак.

Энг муҳими шундан иборатки, туроператор ушбу маршрутнинг йўли ҳолатини олдиндан яхши билиши, ўрганиши лозим бўлади. Чунки, мамлакати мизда қишки ва баҳорги мавсумлардаги сув тошқинлари, сел ҳодисалари баъзи ҳолларда кўприкларни, йўлларни ювиб кетиши ҳоллари учрайди. Бу ҳолатлардан хабарсиз бўлиш натижасида узоқ масофали маршрут бузилиши мумкин. Бу усулда саргузашт туризми, сув ҳавзаларидаги саёҳат, горшунослик туризми, табиий минтақаларга, тоғларга туристик маршрутлар ишлаб чиқилади. Картографик усулда туристик маршрут кўп ҳолларда археологик ёки палеонтологик саёҳатларни ташкиллаштиришда ҳам жуда қўл келади.

Тажрибали ва билимли туроператор ўзи ишлаб чиқган барча (узоқ ва яқин туристик ресурсга, объектга) туристик маршрутнинг карта-схемасини қўйиши туристларда қизиқиши ҳосил қиласи. Айниқса, карта-схемада асосий туристик объектга боришдаги йўл–йўлакай учрайдиган объектлар (маршрутдаги

экскурсия объектлари) шартли белгилар ва изоҳлар билан кўйилганда маршрут давомидаги саволлар камаяди.

## **4.2. Туристик маршрутлар мавзуларининг турномларини англиши**

Туристик маршрутларни тарихий ва диний зиёратгоҳ туризми жиҳатидан таърифлашда бу иккала турнинг бири-бири билан боғланганлиги ҳисобга олинади. Аслини олганда ҳам бу иккала турни ажратиб бўлмайди. Бу ҳолат кўп ҳолларда туристнинг талаби билан боғлиқ бўлади. Аниқроғи халқаро туристлар бирор жойдаги диний зиёратгоҳлар, диний раҳномалар дахмаларини зиёрат қилганда бу раҳнома фаолияти, тарихи билан ҳам қизиқишиади. Баъзи туристик маршрутларда номоз амалларини бажариш шароитларини талаб қилиб қолиши мумкин. Бундай ҳолларда маршрутда қатнашувчи гид-таржимон тарихий жиҳатдан кучли билимга эга ва талаб қилинган шароитларни тезкор усулда яратиш тажрибаларига эга бўлиши талаб этилади. Маҳаллий туризм сайёҳлари эса аксарият ҳолларда фақат зиёратни ижро этишиб унинг тарихи билан қизиқ майди.

Тарихий ва диний туризм маршрутларини ишлаб чиқишидаги тайёрланган буклет, маршрут дастурида диний зиёратгоҳ маскани ва бу масканнинг юзага келишидаги тарихий даврлар ҳақида жуда қизиқарли, қисқа-қисқа маълумотлар албатта туристни қизиқтиради.

Эътибор қилсак, ҳар қандай туристик ресурснинг ўзига хос тарихи мавжуд бўлади. Туризмдаги барча турларга туристик маршрутлар ишлаб чиққанда туроператор бу саволга албатта маршрутда жавоб топиши лозим бўлади. Шунинг учун ҳам туристик маршрутлар мавзусини номлаш, белгилаш асосан туристик ресурс-макон номи билан аталади. Масалан, Регистон ансамбли, Шоҳизинда ёки Амир Темур даҳмасига ишлаб чиқилган маршрутлар ана шу тарихий обидалар номи билан аталиши ҳаммага аён албатта.

Бу маршрутларда баъзи туристлар (асосан ислом динидаги) биринчи навбатда зиёрат билан шуғулланишиади ва қуръон оятларидан дуолар ўқишиади. Кейинчалик эса бу зиёрагоҳ тарихи билан қизиқиши мумкин. Иккинчи хил туристлар (ислом динига эътиқод қилмаган) дастлаб ушбу туристик маконни томоша қилишиади ва кейин унинг тарихи билан қизиқишиади.

Қайд қилинганлардан хulosа қилиш мумкинки, туристик маршрутларнинг деярли барчаси турнинг мавзулари балан номланади тарихий обидалар, зиёратгоҳ жойлар ҳамиша, деярли бир мавзули туристик маршрутларнинг мазмунини ташкил қиласди.

**Туристик маршрутларни рекреация ва экологик туризм талаблари** асосида ишлаб чиқилганда ҳам бу иккала турнинг бири-бири билан чамбарчас боғлиқ эканлигини ҳисобга олиши керак. Экологик туризм ресурслари бутабиатнинг бетакрор кўринишлари, биологик хилма-хиллик, биологик ресурслар, табиий минтқаларнинг ўзига хос иқлим шароитларига қизиқиши ҳисобланishi туризм соҳасидаги мутхассисликларга ҳам, экотуризмга қизиқувчиларга ҳам маълум туристик тур ҳисобланади.

Рекреация туризми (рекреация—дам олиш, тикланиш) эса табиатнинг ўзига хос микроклиимида эга бўлган сўлим гўшаларида (булоқлар, шифобахш сувли булоқлар, доривор хусусияти бўлган дараҳтзорлар, сойлар, даралар ва ҳоказо) туристларнинг дам олиши ҳисобланади. Рекреацион туризм ва экологик туризм алоҳида—алоҳида турлар ҳисобланади. Лекин эътибор бериш лозимки, рекреацион туризм ресурсларининг асосий қисми табиат ландшафтларида жойлашган (тоғларда, табиат минтақаларида, сув ҳавзаларида, дарёларнинг соҳилларида ва ҳакозо.).

Экскурсия туризми маршрутларини ишлаб чиқиша албатта экологик туризм маршрутларидаги талаблар қўйилади. Аникроғи, рекреация туризми маршрутларини экологик туризм маршрутлари деб аташ ҳам тўғри бўлади. Чунки, дам олиш масканига турист фақатгина табиат ресурслари орқали етиб боради ва дам олиш вақтида ҳам албатта атроф табиий мухитни қўриш учун кунлик экскурсияларга чиқади.

Қайд қилингандарни ҳисобга олсак, туристик ресурсга туризм маршрут ларини ишлаб чиқишида туристик ресурсларни мажмуали фойдаланиш томон ларини ҳам ҳисобга олиш түғри ёндашиш бўлади. Энг муҳими шундаки, туристик маршрут дастури маршрут атрофидаги барча қизиқтирувчи обьект ларни қамраб олиши лозим. Туристик маршрутда туристни қизиқтирувчи, уни тўхтатиб томоша қилдирувчи ресурслари қанчалик кўп бўлса ушбу маршрутга талаб ҳам кўпаяди, туристик оқим ҳажми ошади.

**Таянч сўзлар ва иборалар:** методика, ишлаб чиқиши, усули, турниг мавзуси, мажмуали усул, харита усули, хариталаштириш, гид-бошловчи, рекреация, биологик хилма-хиллик, туристик ресурс, туристик экскурсия, табиий муҳит.

## **Мавзу бўйича тест саволлари:**

5. Саргузашт туризми, сув ҳавзаларидаги саёҳат, ғоршунослик туризми, табий минтақаларга, тоғларга туристик маршрутлар қайси усул орқали ишлаб чиқилади?

- А) картографик (харитали) усул
- Б) мажмуали усул
- С) мавзули усул
- Д) мажмуали усул ва картографик (харитали) усул

## **5-Мавзу. ТУРИСТИК МАРШРУТЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ**

Режа:

- 5.1. Жозибадорлик, бетакрорлик ва имкониятларнинг яратилганлиги тамойиллари
- 5.2. Мазмундорлик ва фаолиятлилик тамойиллари
- 5.3. Кўп вариантилилк, қулийлилк ва ахборотланганлик тамойиллари

Ишлаб чиқаришда ғоя ва назарияларнинг шаклланишида ишлатиладиган принцип сўзи асос, талаб, негиз маъноларини англатгани учун давлат тилида тамойил деб таржима қилинган. Туристик маршрутлар ишлаб чиқишининг асосий принципларини (тамойилларини) ана шу маршрутлар ишлаб чиқишдаги бирламчи талаблар, мезонлар деб қабул қиласак бўлади. Ҳозиргача туристик маршрутлар ишлаб чиқишининг 7 та тамойили-талаби бор. Бу тамойилларни туристик маршрут ишлаб чиқишдаги асосий талаблар сифатида бирор бир олим ёки туризм мутахассиси таклиф қилмаган. Балки, туристик маршрутлар ишлаб чиқишдаги йўл-йўлакай кузатув, талаб, амалиёт, ўй-фикр ва таклифларни жамлаган мутахассисларнинг умум хуносавий, ижодий қарашлариdir.


Туристик маршрутлар ишлаб чикувчи бу тамойилларни қўллаганида маршрутга киритиш обьектлари, шарт-шароитлар, туристлар ёки хизмат қилувчиларнинг, маҳаллий аҳолининг таклифлари ёки талаблари билан бойитиб, мукаммалаштириб бориши мумкин. Энг аввало яхши англа бориши лозимки, туристик маршрут ишлаб чиқиш маълум бир назария ёки бирор бир стандарт ёки қолипга бўйсунмайди. Туристик маршрутларга бўйсунадиган стандартлар маршрутларнинг техник жиҳатларидир.

Туристик маршрут ишлаб чиқиш бу-маълум туристик обьект, ресурсга туристларни жалб қилишдаги энг биринчи ҳаракатdir. Шунинг учун ҳам маршрут ишлаб чиқиш-турни ишлаб чиқиш, маълум туристик обьектдан туризмда фойдаланишни турлар ҳам ўта даражада мукаммал, ҳар томонлама қулийлик имокниятларига эга бўлган маршрутлар асосида амалга оширилишини талаб қиласди.

Туристик маршрутнинг мукаммал ишлаб чиқилиши бу-туристнинг эркин ҳаракат қилишини ва турдаги хизматларга бўлган талабларини ўз вақтида қондиради. Ҳозирда туристик маршрутлар ишлаб чиқишининг тамойиллари яратилганки, туризмда ҳар қандай туристик маршрутлар ишлаб чиқишда асосан

ана шу тамойиллардан фойдаланилади. Бу тамойиллар қуидагича номланади (2-Чизма):

Туристик маршрутлар ишлаб чиқищдаги биринчи талаб қайд қилинган «тамойиллар»ни пухта билиш ва ўз ўрнида, талабига қараб қўллаш, ишлатиш хисобланади. Туристик маршрутлар ишлаб чиқищдаги тамойиллар алоҳида алоҳида ёки мажмуали ҳолда қўлланилиши мумкин.



2-Чизма. *Туристик маршрутылар ишлаб чиқишида фойдаланиладиган асосий тамойиллар*

### 5.1. Жозибадорлик, бетакрорлик ва имкониятларнинг яратилганлиги тамойиллари

**Жозибадорлик, бетакрорлик** тамойилига эътибор бериш лозимки, маълум бир туристик объектга, ресурсга туристик маршрут ишлаб чиқишида туроператорнинг биринчи навбатдаги асосий вазифаси айнан ана шу туристик объектнинг энг жозибадор, бетакрор жойини, кўринишини аниқлашдир.

Туризмдаги барча туристик объектларда жозибадорлик, бетакрорлик мавжуд. Бу жозибадорликсиз бирон-бир туристик объект туристларни ўзига жалб қилаолмайди. Жозибадорлик ва бетакрорлик деганда маълум бир халқаро ёки маҳаллий талаб ва стандартларнинг ўлчамларига, даражаларига жавоб берадиган объектнинг тарихийлиги, мўъжизавий кўриниши ва ҳоказоларни тушунишимиз керак.

Шу нуқтаи назардан туристик объектдаги жозибадорлиги, бетакрорликини 4 даражага бўлишимиз мумкин:

- ❖ халқаро миёсдаги туристик объектлардаги жозибадорлик ва бетакрорлик;
- ❖ давлатлардаги туристик ресурсларнинг жозибадорлиги ва бетакрорлиги;

- ❖ табиатнинг биологик хилма-хиллигидаги жозибадорлик ва бетакрорлик;
- ❖ туристнинг ҳохиши бўйича туристик объектда белгиланадиган жозибадорлик ва бетакрорлик.

**Халқаро миқёсдаги туристик объектлардаги жозибадорлик ва бетакрорлик** деганда мазкур туристик объектнинг халқаро миқёсда маълум ва машҳурлиги, мўжизавийлигини, дунё аҳолиси, бу объектни билиши тан олина ди. Бундай миқёсдаги жозибадорлик ва бетакрорлик асосий ҳолларда мўжиза деб номланади. Дунё миқёсдаги туристик объектнинг мўжиза дейилиши ўтмишдаги инсоният бунёд этган улкан иштоотларнинг қай тартибда қурилган лиги, уларда ҳозиргача (коинотни ўзлаштириш даври) кўплаб очилмаган сирсиноатларнинг мавжудлигидир.

Жаҳон миқёсидаги мўжизалардаги жозибадорлик ва бетакрорлик аксарият ҳолларда мўжиза сўзи билан ифодаланади ва бу жозибадорлик, бетакрорликни кўришга бутун дунё аҳолиси қизиқади. Бу туристик объектда битта жозибадорлик, бетакрорлик мавжуд—унинг қадимийлиги ва улуғворлигидир.

Масалан: Дунёнинг етти мўжизасининг биринчиси бўлган—Миср пирамидаларини олсак қайд қилинган улуғворлик, қадимийликни кўрамиз. Етти мўжизадаги асосий жозибадорлик, бетакрорлик уларнинг ўта даражада улканлиги ва қурилиши жиҳатидан ҳозирги инсон аҳлини лол қолдирганидир. Шу ўринда эътибор бериш керакки, дунёда етти мўжизадан ҳам мўжизалироқ туристик объектлар жуда кўп. Масалан, Буюк хитой девори, Стоунхедж тош ёдгорликлари, Насха чўлидаги улкан қуш расмлари, Хинди斯顿 ва Таиланддаги тоғ ибодатхоналари ва ҳакозолар. Мазкур тарихий ёдгорликлардаги жозибадорлик ва бетакрорлик, қадимийлик ва инсон аҳлини лол қолдирган қурилиш санъатидир.

**Давлатларда жойлашган туристик объектдаги жозибадорлик ва бетакрорлик.** Жаҳоннинг барча давлатларида ҳам ўша мамлакатда яшаётган аҳоли учун ҳам ва бошқа мамлакатларда яшаётган аҳолилар учун ҳам таниқли бўлган туристик ресурс объект мавжуд бўлади. Кўп мамлакатларда эса фақат шу мамлакат аҳолисига таниш, эъзозли туристик объект бўлиши мумкин.

Бу эъзозли туристик объект жаҳон шумул аҳамиятга эга бўлмаганлигидан бошқа давлатлардаги одамлар деярли қизиқишмайди, улар бу давлатга ушбу объектни кўриш учун келиб-кетувчи туристлар бўла олишмай ди. Жаҳондаги кўпгина давлатларда эса цивилизация қадимдан ривожланганлиги учун ўша давлат аҳолиси учун ҳам, бошқа давлатлардаги аҳоли учун ҳам ҳатто жаҳоншумул аҳамиятга, қизиқишга молик туристик объект мавжуд бўлади.

Бундай давлатларга Европадаги қўплаб мамлакатларни мисол қилиб келтириш мумкин. Масалан: Франция давлатида қадимий, тарихий обидалар ҳам, маданият марказлари ҳам жуда кўп. Лекин, фаранглар халқаро миқёсда ўзларининг Эйфел минораси билан фаҳрланишади.

Малайзия давлатида тарихда машҳур кишилар қурдирган тарихий обидалар ҳам жуда кўп. Лекин бетакрор табиати (қирғоқларини океан сувлари ўраб туриши, жунгли ўрмонлари, ранг-баранг ўсимликлар олами, турли-туман ҳайвонат дунёси ва ҳакозолар) билан жаҳон туризмида (рекреация туризми,

экологик туризм) шунингдек, замонавий шаҳарсозлик, дунёга танилган улкан иморатлари, масжидлари билан янги-халқаро туризм йўналишини ривожлантироқда.

Демак, Малайзия туризмидаги жозибадорлик, бетакрорлик ва улуғвор лик кўринишлари, обьектлари, унинг табиатида ва замонавий шаҳарсозликдаги баланд, мўжизалар биноларида мужассамлашган. Петронаснинг эгизак бинолари жаҳондаги энг баланд ва жозибадор бинолар ҳисобланади (баландлиги 452 метр).

Яна бир давлат Ҳиндистонни олсак табиати жиҳатидан ҳам тарихий обидалари (кўхна ибодатхоналар, тоғларни ўйиб ишланган тош ибодатхоналар ва ҳакозолар) жиҳатидан ҳам туристик ресурсларга жуда бой бўлган, мамла кат. Лекин, бу мамлакатга келган халқаро туристлар деярли биринчи навбатда севги-муҳаббатдаги садо қат тимсолига қурилган Тож Маҳал мақбарасини қўриш ва зиёрат қилиш учун келишади. Бу ҳолат дан хулоса шулким, Тож Маҳал мақбараси Ҳиндистондек катта ва қадимий мамлакатдаги туристик ресурсларнинг жозибадорлиги ва бетакрорлигида ёрқин тож ҳисоб ланади.

Дунёning давлатларида жойлашган туристик обьектларидаги жозибадорлик ва бетакрорликни Ўзбекистондаги туризм ресурсларида таҳлил қилгани мизда кўз ўнгимизда жуда катта ва турли-туман мавзули туризм ресурслари ва бу ресурсларнинг ҳар бирида ўзига хос ва мос бўлган жозибадорлик ва бетакрорлик борлигини кўрамиз. Қисқа қилиб айтганимизда Тўмарис, Спитамен, Захириддин Бобур, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Шайбо нийхон, Темур Малик, Инолчиқ каби жаҳонга машҳур саркардалар, соҳиб қиронлар бизнинг ватанимизнинг фарзандлари ва уларнинг фаолияти, ҳаёти, улар қурдирган Нилий гумбазли мақабаралар, мадрасалар ва бошқа тарихий обидалардаги жозибадорлик, бетакрорлик фақатгина Ўзбекистонда бор.

Жаҳон цивилизациясининг маданияти, табобати, астрономияси, математикиси, географияси, шеърияти, геологиясининг тамал тошини қўйган, жаҳон шумул мактабларни, дунёдаги дастлабки академияларини (Маъмун академияси, Улугбек академияси) ташкил қилган Ал-Беруний, Ибн-Сино, Ал-Хоразмий, Улугбек, Ал-Фарғоний, Абу-Наср Фаробий, Али Қушчи, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Лутфий каби буюк сиймолар ҳаёти билан боғлиқ тарихий обидалардаги жозибадорлик ва бетакрорлик фақатгина Ўзбекистонда бор.

Ислом оламининг мукаммал таълимотини яратган, ислом оламининг буюк даҳолари бўлган Аҳмад Яссавий, имом Термизий, ат-Термизий, Мотрудий, Баҳовиддин Нақшбанд, имом ал Бухорий, Махдуми Аъзам, Кусам ибн Аббос, Бухоролик етти пирлар, Бухоролик чор Бакрлар, ҳазрати Дониёр пайғамбар, Довуд пайғам бар, Хўжа Аҳрор Вали каби азиз авлиёлар ва бошқа кўплаб улуғ инсон лар ҳаёти-фаолияти билан боғлиқ тарихий обидалар даги ўзига хос ва ўзига мос жозибадорлик ва бетакрорлик фақатгина Ўзбекистонда бор.

Табиатимизда биологик хилма хил ресурслар, тўрт экологик табиий географик минтақанинг ва ернинг табиати, эндемик турлар, иқлим, тўрт иқлимий фаслнинг зийнатидаги жозибадорлик ва бетакрорлик фақатгина Ўзбекистонда бор. Туризмнинг ривожлантиришга бел боғлаган эканмиз, туризм

ресурсларимиздаги жозибадорлик ва бетакрорликни жаҳонга кўз–кўз қилиш нинг фақатгина уддасидан чиқишимиз лозим бўлади.

**Табиатнинг биологик хилма–хиллигидаги жозибадорлик ва бетакрорлик.** Табиатнинг биологик хилма–хиллигидаги жозибадорлик ва бетакрорлиги ҳақида гапирилганда қандайдир тортишувлар, исботлашувларга ўрин қолдирмаслик зарур. Лекин табиат гўзаллиги, унинг бетакрорлиги ҳақида тортишувлар, бу бетакрорликни баъзи бир олимлар, ўзларининг ўрганиш, илмий–тадқиқотлари мавзулари бўйича тушунади ва табиатдаги бетакрорликни олдинги ўринларга чиқаришга ҳаракат қилишади. Биологик хилма–хиллик деганда ўсимликлар олами ва ҳайвонот дунёсининг ўзи эмас, улар ўсадиган ва яшайдиган табиий муҳит ҳам тушунилмоғи керак. Ўзбекистонда табиатидаги биологик хилма -хиллик, бетакрорлик ресурслари алоҳида мавзу да келтирилди.

**Туристнинг ҳоҳиши бўйича туристик объектда белгиланадиган жозибадорлик ва бетакрорлик.** Жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган туристик объектларга туризмдаги оқим ҳам катта бўлиши ўз–ўзидан маълум. Масалан, Мисрдаги пирамидалар, Самарқанддаги Темурийларнинг тарихий, маданий иншоотлари, Ҳиндистондаги Тож Маҳал мақбараси, Париждаги Эйфел минораси, Хитойдаги «Буюк Хитой девори», Россиядаги «Кремль» мажмуаси, Англия даги «Стюунхеж» қолдиқлари ва х.к.

Шу билан бирга ҳалқаро туризмда ҳам, ички туризмда ҳам алоҳида гуруҳ туристларнинг ўз қизиқиши обьекти бўлади. Кўп ҳолларда бундай туристлар ёки қасбий фаолияти бўйича ёки табиатдаги бирон-бир ўсимликнинг ўсиш тарзи ёки бир ҳайвоннинг яшаш тарзининг табиатига қизиқиши, айнан ўша турни яхши кўриши, унга ана шу турнинг ҳаракатлари ёки ўсиши, гули, барги, ёки ранги кичиклиги, миттилилиги ёки улкан, кучлилиги ёки йиртқичлиги маъкул бўлади.

Лекин турист ёқтирган ўсимлик ёки ҳайвон тури ўзи яшаётган мамлакатда ўйқ бўлганлиги учун у шу тур ўсадиган ёки яшайдиган бошқа мамлакат табиатига саёҳатлар уюштиради. Масалан, чўлнинг гўзал ҳайвонлари жайрон ва сайгоқлар Марказий Осиё давлатларининг барчасида камсонли бўлсада сақланиб қолган. Ана шу жайрон ва сайгоқларни кўриш, яшаш тарзини ўрганиш ва бошқа давлатлар табиатида ёки ҳайвонот боғида сақлаш ва кўпайтиришга қизиқувчилар, олимлар, табиатшунослар ҳозирда деярли Ўзбекистон га келишади (Бухоро вилоятидаги «Жайрон» экологик маркази). Бу ерда уларнинг фаолияти учун барча шарт – шароитлар яратилган.

Сўнгги йиллардаги кузатишлардан маълум бўлмоқдаки, юртимизга келувчи туристлар ичидаги қоятошларимиздаги қадимий тасвиirlар, расмларга қизиқувчилар, кўхна археологик қолдиқларга қизиқувчилар сони кўпайиб бормоқда. Шунинг учун ҳам Республикализ ҳудудларида тоғларда, дара ларда қадимий расмлар, тасвиirlар ва ёзувлар туширилган қоятошларни рўйхатга ва давлат назоратига олишимиз кечикирилмай бажариладиган иш ҳисобланади. Яна бир мисол келтирганимизда ёввойи қўйлар архарларни кўриш учун ҳам давлатимизга кўплаб туристлар келишади. Чунки, «Нурота»

тоғ—ўрмон қўриқхонасининг асосий фаолияти Марказий Осиё учун эндемик ҳисобланган «архарларни» сақлаб қолиш ва кўпайтиришга қаратилган.

Эътибор қилинг, «Ёввойи Африка» ва «Халқаро география жамият»ининг ёввойи йиртқич ҳайвонлар (шер, йўлбарс, қоплон, пума, леопард, пантера, гиена ва ҳакозлар) ҳаёти ҳақидаги табиатда олган фильмларини ҳамма зўр қизиқиши билан томоша қилишади. Шу билан бирга томошанинг энг қизиқ жойи йиртқич ҳайвонларнинг ов қилиши ва овқатланиши усувлари дидир. Ушбу фильмлардаги бетакрорлик айнан ана шу ов қилиш кўринишларининг берилиши дидир. Агар ушбу фильмларда йиртқич ҳайвонларнинг ов қилиш кўриниши бўлмаса фильм жуда зерикарли ва бир маротаба (ёввойи ҳайвон бўлганлиги дан) кўришга арзиди. Туризм маршрутларини ишлаб чиқишида шунинг учун ҳам инсонни қизиқтирувчи бирорта обьект (катта, кичик, майда, улкан, хароба ва бошк.) эътибордан четда қолмаслик лозим бўлади. Шу ўринда яна такрор лаймизки, бугунги кунда эътибордан четдаги обьект эртага қизиқарли бўлиши мумкин деган хулоса билан туристик ресурсларнинг барчасини рўйхатга олиб, ҳозирдан туристик ресурслар катологини тузишга киришимиз лозим бўлади.

*Туристик маршрут ишлаб чиқишида имкониятларнинг яратилганлиги тамойили.* Бу тамойилда туристга туристик маршрут давоми да туристик хизматлардан фойдаланишининг энг қулай имкониятлари яратилган бўлиши лозим. Бундай имкониятлар қўйидаги хизматлар кўрсатишдаги имкониятлар дидир.

1. Транспорт хизматларидағи имкониятларнинг дастлабки шароити туристларга хизмат қилувчи транспорт хилларининг замонавий бўлишлиги дадир. Маршрут бошланганидан турист биринчи набатда ўз юкларини жойлаштириш ташвиши билан банд бўлишади. Туроператор бу ташвишни доим назар да тутиши лозим.

Транспорт хизматларини таклиф қилишда албатта баланд ўриндиқларга эга бўлган автобус ёки микроавтобусларни таклиф қилиш яхши натижа беради. Баланд ўриндиқли автобусларда турист йўл-йўлакай кўп нарсани кўради. Уларнинг юкларига келганда энг яхши вариант ҳозирча турист ўз юкини ёнида олиб ўтиришидир. Унинг хотиржамлиги ҳам шундай таъминланади.

Туристларга транспорт хизматлари кўрсатишда турист юкининг (халтасининг) алоҳида жойда бўлиши даври ўтди дейишади мутахассислар. Транспорт хизматларидағи яна бир имконият транспорт ичидаги экологик тоза ичимлик сувларининг бўлиши, транспорт ойналарининг очилиши ёки ёпиши, радио, ТВ.нинг бўлиши, туристнинг автобус салонида эркин ҳаракатла нишга шароитнинг бўлишидир.

2. Маршрутдаги экскурсиялар вақтидаги имкониятлар. Туристик маршрутларнинг аксарият қисмида (экологик туризм, археологик туризм, рекреация туризми, тарихий, диний туризм ва ҳакозо турларда) экскурсиялар ташкил қилинади. Айниқса экологик туризм маршрутларида, рекреация туризми маршрутларида ва туристик лагерларда дам олувчилар учун турли мавзуларда ландшафтни кўриш, томоша қилиш экскурсиялари уюштирилади.

Экскурсия вақтидаги имкониятларнинг биринчиси юриш йўллари, сўқмоқлар, маҳаллий кўпприклар, даралар ёки тоғ бағридан чиқиш, тушиш, жарликлар

и чидаги юриш йўллари текис, хавфсиз бўлишидир. Тоғ сўқмоқларидан, жарлик лар бўйлаб юрганда товуш, шовқин эффектининг ҳалокатли бўлиши албатта туристларга тушунтирилади.

Экскурсия вақтида туристларга яна бир имконият яратиш лозимки, замонавий туризмда замонавий хизмат дейиладиган—яъни экскурсия давомида туристларни дам олиш танаффусига чорлаш. Бу усулни айниқса тоғ ва чўллар даги экологик туризм маршрутларидаги экскурсиялар вақтида қўллаш турист нинг кайфиятини кўтаради. Бу усулда маршрут раҳбари маҳаллий аҳолидан от, эшак ёки маҳаллий арава олиб туристларнинг ўзини ҳам шу транспорт турлари да олиб юриши, агар туристлар пиёда юришни ҳоҳлашса уларнинг юкини, ичимлик сувини, қисқа муддатли экзотик овқатланиш маҳсулотларини ва энг муҳими йиғма стул ва йиғма кароватчаларни албатта бирга ортиб юриш керак.

Маршрутдаги экскурсияларда бизнинг иқлимиизда ҳалқаро туристлар ҳам маҳаллий туристлар ҳам ёз мавсумида тезда чанқаб қолиши ёки тоғлар ва хушхаволи табиат бағрида тезда оч қилиши мумкин. Бундай вақтларда маршрут нинг ёки экскурсиянинг раҳбари туристларга соя-салқин жойларда йиғма стул ва йиғма кароватлардан иборат дам олиш жойини таклиф қилиш мумкин. Бундай имкониятлардан фойдаланган турист албатта яхши кайфиятда бўлади. Маршрутдаги бошқа хил химатларда ҳам имкониятларнинг яратилганлик тамойилини қўллаш маршрутнинг муваффақиятли ўтишини таъминлайди.

## 5.2. Мазмундорлик ва фаолиятлилик тамойиллари

**Туристик маршрут ишлаб чиқишининг мазмундорлиги тамойили.** Бу тамойилдаги талаблар кўпроқ биринчи-жозибадорликни ташкил қилиш тамойи лига ўхшаб кетади. Лекин жозибадорликдан бошқа таъсуротлар мазмундор ликларга эътибор берилиб ишлаб чиқилган туристик маршрут ҳар қандай даражадаги туристлар учун энг яхши туристик маршрут ҳисобланади.

Бу тамойилда туристик маршрутлар ишлаб чиқиша туристнинг оз вақт давомида қўп обьектларни кўриши, билиб олиши ёки эшиши таъминланган бўлиши керак. Бундай имкониятлардан фойдаланган турист туристик фирма нинг бошқа маршрутларига ҳам буюртма бериши мумкин. Масалан: турист Республикализнинг табиий ҳудудлари, минтақаларидаги экотуризм ресурс ларини кўришни танлайди. Бу ҳолатда туроператорда ҳудди ана шу турист танланган экотуризм ресурсига олиб борадиган 2 та туристик маршрут бўлиши лозим.

**Биринчи туристик маршрут** – Экотуризм ресурсига–объектига тўғридан –тўғри боради. Бу маршрутдаги жозибадорлик ва бетакрорлик экологик туризм обьектининг ўзида бўлади албатта. Объектга тўғри борилганидан йўл-йўлакай турист кўрган мазмундорлик ҳам узук-юлуқ бўлади, ахборотлар кам, тўхташ деярли йўқ ва ҳакозолар. Албатда, бундай туристик маршрут туристга, айниқса хорижий туристга унчалик ҳам хуш келмаслиги мумкин.

**Иккинчи туристик маршрут**–йўл-йўлакай, тарихий маданий, меъморий обидалар, табиатнинг ранг-баранглиги, кўнгил очар ўйинлар, кўргазмалар, фавворалар, ҳайвонат боғлари, агротуризм обьектларининг ўзгариб туриши,

сойлар, баланд, ҳайбатли қоятошлар ёки бепоён кенгликларнинг ястаниб ётганлиги ва бу ерда яшаётган маҳаллий халқнинг яшаш тарзи, урф-одатлари, жарликлар, дарё соҳили ва ҳақзоларга туристлар эътиборини жалб қилади. Агар тур оператор йўлдаги сойлар ёки қандайдир тарихий жойларнинг тарихдаги машҳур кишиларнинг ҳаёти билан боғлиқ (масалан, Темурийлар, Чингизийлар ёки Шайбонийхон, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик ва бошқ.) қизиқ афсона ва ривоятларни топиб туристларга қизиқарли усувларда, жонли равиш да айтиб берса маршрутдаги мазмундорлик янада ошади.

Агар туристик гуруҳда диний йўналишлардагилари кўпчилик бўлса албатда маршрут йўлидаги диний раҳномалар, шайхлар, авлиёлар, саййидлар ва эшонларнинг қабрлари, улар яратган обидалар, улар яшаган жойлардан ўтиши мақсадга мувофиқ бўлади. Қайд қилинганлардан маълум бўладики, иккинчи туристик маршрутда жозибадорлик, бетакрорлик ва айниқса мазмундорлик манбалари кенг қўлланилган. Албатда, биринчи туристик маршрутнинг баҳосига нисбатан иккинчи туристик маршрутнинг баҳоси анча баланд бўлади. Чет эллик туристлар турис тик маршрут давомида мазмундор объектларини кўриш, яхши дам олиш учун маблағ харажат қилишдан тортинмасликлари халқаро туризм ривожидаги таҳлиллардан маълум.

**Туристик маршрутлар ишлаб чиқишидаги фаолиятлилик тамойили.** Бу тамойилда бир туристик маршрутдан йил давомида фойдаланиш тушунилади. Лекин мавсумлар ўзгариши билан ушбу туристик маршрутдаги хизматларнинг турлари бироз мураккаблашиши ёки енгилланиши мумкин. Масалан, тоғ дараларига, сойларга, булоқ ва дарёларга, рекреация объектларига туристик маршрут ёзда уюштирилса, худи шу маршрутдан қиш мавсумида тоғларда чанги спортини ташкил қилишда, сойлар ва дарёлар бўйича овчилик маршрутларини ташкил қилишда фойдаланиш мумкин. Қисқаси туристик маршрут ҳаракатдан тўхтамайди.

Туристик маршрутларнинг фаолиятлилик тамойилида фақат транспорт хиллари ва маршрутдаги хизматлар бироз ўзгаради. Масалан, қишининг совуқ ҳаво шароитида ҳам эркин юрувчи, салони иситиладиган маҳсус автомашиналар кузги-қишки маршрутларда хизматга олинади. Кузги-қишки маршрутларга туристларни таклиф қилганда туристларнинг ҳаёти хавфсизлиги билан боғлиқ масалаларга жуда эътиборли бўлиш талаб этилади.

### **5.3. Кўп вариантлилик, қулайлилик ва ахборотланганлик тамойиллари**

**Туристик маршрутлар ишлаб чиқишидаги кўп қирралик, (вариантлилик) тамойили.** Бу тамойил бўйича маълум бир тур учун ишлаб чиқилган маршрутнинг бир неча вариантлари олдиндан тайёрланиб қўйилади. Масалан, об-ҳаво ўзгарган ҳолларда туристик маршрутдаги хизматлар ҳам ўзгаради. Айниқса туристик маршрутдаги экскурсияларни ўтказиш қийинла шади (масалан, ёмғир ёғаётган вақтда). Бундай вазиятларда экскурсияга ажратилган вақтни самарали ўтказиш тадбирлари ишлаб чиқиш зарур бўлади ва

маршрут дастурига киритилади. Энди бу маршрут ўзгартирилган маршрут хисобланади.

Маълум бир тур учун маршрутнинг ўзгартирилган варианtlари туристлар сони ўзгаргандა ҳам ишлаб чиқилади. Чунки, бу ҳолатда ҳам олдинги маршрут даги ҳажм ўзгариб кетади (масалан транспорт сонига, овқатлантиришга, экскурсияга буюртмалар). Шу ўринда туристларнинг (маълум бир гурух) жисмоний тайёргарлиги, ёши билан боғлиқ ҳолатларида ҳам маршрутнинг янги варианtlари ишлаб чиқилган бўлиши лозим.

**Туристик маршрутлар ишилаб чиқишидаги қулайлик тамойили.** Бу тамойилдаги талаблар шундан иборатки, маршрутдаги барча хизматларни туристга таклиф қилишда биринчи навбатда комфортта, қулайлилікка әтібиор беріш керак бўлади. Бу қулайликлар ҳақида туристик маршрутнинг олдинги тамойилларида батафсил тўхталди.

**Туристик маршрут ишилаб чиқишининг ахборотланганлик тамойили.** Туристик маршрут ҳақидаги барча маълумотлар—брошюра, буклетлар, маълумотлар, газета, радио, ТВ, алоқа воситалари маршрут иш бошлаганидан олдин тайёр бўлиши лозим.

Турист маршрутда нимани күради, нималар ҳақида маълумотлар эшитади, қандай юради, транспорт турлари, дам олиш, овқатланиш тартиби, кўнгил очар ўйинлар тури, экскурсиялар, учрашувлар ва ҳакозоларга жавоб бўлиши керак. Ахборотланганлик тамойили туризмдаги барча туристик ресурсларга ишлаб чиқиладиган туристик маршрутларда қўлланилиши шарт.

Қайд қилинган тамойиллар туристик маршрутлар ишлаб чиқишнинг асосларини, кўрсатмаларини, йўл-йўриқларини ташкил қиласи. Маълум бўладики, туристик маршрутлар ишлаб чиқиш анча мураккаб жараён бўлиб, туристик хизматларни амалга оширишда юқори малакали мутахассисларни жалб қилишни талаб қиласи. Шунингдек, туристик маршрутдаги хизматларни бажарувчилар ҳам тилларни биладиган, зиммаларига олган вазифаларни сидқидилдан бажарувчилар бўлишлари керак.

**Таянч сўзлар ва иборалар:** тамойиллар, туристик маршрутнинг тамоийиллари, туристик мазмундорлик, туристик жозибадорлик, туристик имкониятлар, кўп вариантилийк, туристларнинг юки, туристик ахборотланганлик, туристик буклетлар.

## **Мавзу бўйича тест саволлари**

4. Туристик объектдаги жозибадорлик, бетакрорликни неча даражага бўлишимиз мумкин?

А) 4

Б) 5

С) 2

Д) 6

## **6-Мавзу. ТУРИЗМ МАРШУРУТЛАРИДА МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИ**

Режа:

6.1. Туризмда маркетинг ва маркетинг тадқиқотлари тушунчаси ва режаси

6.2. Туристик маршрутни танлашдаги маркетинг тадқиқоти.

6.3. Туристик маршрутни ишлаб чиқиши тамойиллари бўйича маркетинг тадқиқотларини ўтказиш.

### **6.1. Туризмда маркетинг ва маркетинг тадқиқотлари тушунчаси ва режаси**

Замонамида туризм оқими туризм ривожланган мамлакатлардан ривожланаётган мамлакатларга томон ўзгармоқда. Ана шу ўзгаришлар албатда туризм бозорига боғлиқ. Ривожланаётган мамлакатларда туризм бозори қанчалик кенгайса, бу бозорда туристик маҳсулотлар қанчалик кўпайса, ўша ҳолатда бу бозордан туризм маҳсулотларини олувчилар сони кўпаяди. Туристик бозорда туристик маҳсулотларнинг кўпайиши ўша бозор жойлашган мамлакатларда туризм соҳасининг ривожланганлигини кўрсатади. Ана шу туризм бозорининг жаҳон миқёсидаги жуда оммавийлашган номи–маркетинг–market–{ma: kit} дейилади.

Макитнинг биринчи маъноси–«бозор»; иккинчи маъноси–«бозорда сотиш ёки сотиб олиш»; учинчи маъноси – бозорбоп, бозоргир, харидорбоп сўзларида ифодаланади. Бозор иқтисодиёти шароитларида маркетинг фаолияти маҳсулот лар ва хизматларга бўлган, талаб ва таклифларнинг бири-бирига тўғри келиши учун эркин ва рақобатли алмашувдан иборат бўлади. Маркетингнинг мазмuni-ҳозирги вақт туризм маркетингининг таърифи қўпроқ қуидаги олимларнинг хulosалари бўйича берилмоқда.

**Квартальнов М.А.** (2003) бўйича–«Маркетинг бу–маҳсулотлар ва хизматлар ишлаб чиқарувчининг–истеъмолчига ҳаракатланиши фаолиятидир. Туризмда товар ва хизматларнинг ишлаб чиқарувчидан–истеъмолчига оқими жараёнлари ҳар хил талқинда берилмоқда. Туризм маркетинги туристик маҳсулотни сотиш ва реклама қилиш фаолиятигина эмас. Бу туризм маркетингининг бир томонигина холос. Маркетинг туризмда товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш ва бу товар ва хизматларни бозорга чиқаришини таъминлаш, сотиш тизимини – мақсадли, стратегик бошқариш фаолиятидир».

**Саак А.Э., Пшеничных Ю.А.** (2007)–«Маркетинг концепцияси–бу туристик ташкилотнинг харидор, истеъмолчининг талабини қондирадиган маҳсулотлар ва хизматлар ишлаб чиқаришдир».

**Дурович А. (2008)** – «Маркетинг–бу замонавий бизнесни бошқаришнинг бозор тизимини ўзида мужассамлаштирган истеъмолнинг ҳамма томонларини,

талабарини дикқат билан тизимли ўрганиш натижасида ўша истеъмолчига мослашган ишлаб чиқарувни ташкил қилиш ва истеъмолчилар, харидорларни жалб қиласидиган товар ва хизматларни бозорга чиқариш тизимиdir».

**Аҳмадхўжаев Ҳ. ва бошқалар** (2002)–«Маркетинг фалсафаси куйида гича–корхона сотилиши мўлжалдаги даражада фойда миқдорлари олдиндан таъминланган маҳсулотни ишлаб чиқариши лозим». Маркетинг фаолияти ишлаб чиқаришни олдиндан белгиланган ҳажмларда ва муайян техник–иктисодий таклифномаларга жавоб берадиган, яъни сотилишини, фирманинг энг юқори фойда олишини ёки бозорда мустаҳкам мавқе эгаллашни таъминлай оладиган, рақобатбардошли маҳсулотни, бозор талабини ўрганиш ва уни ҳисоб га олиш орқали мавжуд эҳтиёжни кўпайтириб, уни тўла таъминлашга қаратил ган».

**Тухлиев И.С.** (2007)–«Туризм маркетинги, миллий туризм ташкилотлари ёки туризм муассасаларининг, миллий ва халқаро таркибда туристларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондирадиган тизимли ҳаракатлардан ташкил топади. Туризм маркетинги, туристик эҳтиёжларни қондирадиган маҳсулот ва хизматларнинг туристга тақдим этилиши ва сотилиши билан боғлиқ ҳара катлардир».

**Котлер Ф. (1998)**–«Маркетинг бу–айирбошлаш асосида талаб ва эҳтиёжни қондирадиган кишилик фаолиятининг тури. Маркетинг–тадбиркорлик фаолиятининг фалсафаси ва инструменти».

Туризм маркетинги соҳасида тан олинган юқоридаги олимлар, мутахас сисларнинг туризм маркетингидаги таърифи мазмуни деярли бир хил–туристларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондирадиган товарлар ва хизматларни бозорга чиқариш. Алмаштириш жараёнларини ташкил қилиш–(маҳсулотлар ва хизматлар) сотиш фаолияти ҳисобланади. Бу ҳолатда маҳсулотларнинг ҳаракати ишлаб чиқариш ҳолатидан истеъмол ҳолатига ўтади. Маҳсулотлар нинг товар ҳолати дан истеъмол ҳолатига ўтиши ўзига хос бўлган З та фойдали мухитни яратади, натижада қўшимча қиймат ҳосил бўлади:

- ҳолатнинг фойдалилиги–моддий маҳсулотларнинг ҳаракатланиши натижасида товар ҳолатдан истеъмол ҳолатига ўтиши: кўринишлари, тозалаш, танлаш, йиғиш, ўраш ва ҳ.к;
- кенг фойдаланганлик, кенг худудлардаги ҳаракатланиш, ташиш, географик жиҳатдан тарқатиш, маҳсулотларни жойлардаги истеъмолга етказиб бериш, истеъмол қилиш;
- вақт фойдалигини истеъмол қилиш. Вақт ҳаракатланиши: тўдалаш (йиғиш)–истеъмолчи вақт топган муддатда истеъмол қилиш учун товар ва хизматлар йиғиш.

Айнан ана шу фаолиятлар талаб ва таклифлар орасидаги реал мос келишни таъминлашга имконият яратади (Жан-Жак Ламбен, 1996). Айнан ана шу бозорга чиқариладиган туристик маҳсулотлар туризмдаги хизматлар кўрсатиш обьектлари, туристик ресурслар турларини ташкил қиласиди. Ана шу туристик ресурслардан фойдаланишда ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар бозоридаги олди–берди жараёнларининг назарияси ва амалиёти моҳиятини билиш туризм маркетингидаги ўрганиш зарур бўлган талаб ҳисобланади.

**Туризм маркетингининг назарияси ва амалиёти.** Маркетинг алоҳида фан ва соҳанинг мустақил фаолият юритиши билан иқтисодиётда XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида шаклана бошлади. 1908 йилда Америка Кўшма Штатларида биринчи маркетинг тижорат фирмаси ташкил қилинди. Бундан кейинги яратилган фирмаларнинг бозорни тадқиқ қилиш натижасида (қўплаб соҳаларда) олинган маҳсулотларни амалда қўллашнинг кучайиши ушбу фирмаларни кенгайтириб тижоратда маркетинг хизматларига талаб кучайиб борди. 1926 йилда Америка Кўшма Штатларида маркетинг ва рекламанинг «Миллий ассоциацияси» ташкил қилинди. Кейинги вақтларда худди шундай миллий ассоциациялар Ғарбий Европада ва Японияда тузила бошланди.

Маркетингнинг тижоратда, иқтисодиётда алоҳида тизимга (системага) айланиши ғарбдаги 1929-1933 йиллардаги буюк иқтисодий инқироз даврига тўғри келади. Бу вақтда иқтисодиётни инқирордан чиқариш йўллари давлат даражасида ҳам, алоҳида фирмалар ва компаниялар даражасида ҳам тадқиқ қилинмоқда эди. Ишлаб чиқарувчи фирмаларнинг асосий муаммоси ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг талаб, истеъмолдан кўплиги эди. Бу омиллар, ҳолатлар бозор фаолиятини бошқаришни маълум бир тизимга солишни кун тартибига қўйди. Тадбиркорлик хизматларини бозорда сотишни бошқариш талаб қилина бошланди. Ана шу талаблар маркетингнинг келиб чиқишига шароит яратди.

XX асрнинг бошларида Америка Кўшма Штатларининг университетларида маркетинг ҳақида дастлабки маъruzalар ўқиши бошланди. Бу маъruzalarda маҳсулотларни реализация қилишда савдо ва рекламанинг хўжаликлар амалиётидаги ўрнини белгилашга қаратилганди. 1910 йилдан то 1980 йилгача матбуотда эълон қилинган ишларда маркетингнинг моҳияти ва мазмунига таъриф берилганди.



**3-Чизма. Маркетингнинг ривожланиши босқичларига биноан бошқариии концепцияси. (Саак, Пшеничных, 2007).**

Туристик фирмалар фаолиятида маркетинг ёндошувларини қўллашнинг зарурлигини тушунтириш учун маркетинг ривожланиши босқичларининг қисқача тарихига тўхталиш керак. Туризмдаги таниқли мутхассислар маркетингдан 1950 йилларда Европада фойдалана бошладилар. Бу йўналишларда биринчилардан бўлиб авиакомпаниялар ўз мижозлари ва рақобатчилари ҳақидаги маркетинг ахборотларини таҳлил қилиб ўзларининг компанияларидаги самолётларнинг учиш вақти ва салонлардаги қулайликларни рақобатларга нисбатан яхшилаб боришиди.

Шундай қилиб маркетинг хизматлари эволюциясида маркетинг бошқарувининг 5 та асосий концепцияси кейинги 50 йил давомида шаклландики, бу эса иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ўзгаришларда ўз аксини топди (3-чизма). Мазкур концепциянинг ҳар бири тадбиркорлик ва хусусий маркетинг ёндашувини изоҳлаб ҳар қандай бизнеснинг асосий ғояси ҳисобланади. Лекин қайд қилиш лозимки, концепцияни маркетингда тўлиқ қабул қилувчи, тарафлар ҳам, қисман қабул қилувчи тарафлар ҳам, унга қўшимчалар киритувчи тарафдорлар ва қарши турувчи тарафдорлар ҳам бор.

Бу ҳолнинг келиб чиқиши албатда кўплаб ҳаётий ўзгаришлардан келиб чиқади ёки «ўзгаришлар» маркетинг фаолиятига тўғридан-тўғри таъсир қиласди. Масалан:

- ❖ ҳаракатдаги қонунларнинг бузилиши;

- ❖ жамоатчиликда ахлоқий мөъёрларнинг бузилиши;
- ❖ мажбуриятларнинг бузилиши;
- ❖ хусусий мулкдорларнинг хуқуқлари ва истеъмолчиларнинг ҳақ-хуқуқларининг бузилиши, камситилиши;
- ❖ одамларнинг яшаш тарзининг пасайиши;
- ❖ урушларнинг келиб чиқиши;
- ❖ илм-фандада янги кашфиётларнинг қўпайиши ва х.к.

Бундай салбий муҳитлар иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига нисбатан туризм соҳасида жуда тез сезилади. Масалан, туризм ва атроф-муҳит бири-бири билан боғлиқ ва бири-бири билан мустаҳкам алоқада, чамбарчас боғланган.



#### 4-Чизма. Туризмнинг табиат билан ўзаро боғланганлиги

Туризм маркетингида экотуризмни ёввойи табиатни муҳофаза қилувчи ва табиатни асраб-авайлашда ёрдам берувчи деб талқин қилинмоқда. *Аслида шундайми?* Маркетинг концепциясининг талаблари бўйича (мўлжалга олиш, мўлжаллаш) экотуризм ресурсидан фойдаланишда туристлар экоресурсга фақат ижобий таъсир қиласи деб холосага келиш бироз шошилинчроқ бўлади. Концепция мўлжалида—табиатни туризмдан муҳофаза қилиш саволи ҳам бор (4-чизма).

Иккинчи чизмадан холоса шулки, маркетингнинг 5 та концепциясини мукаммал билиш истеъмолчи талабларининг барча қирраларини алоҳида-алоҳида кўриб чиқиши, муҳокама қилишни талаб қиласи. Бу талабларда «Туризмдан табиатни муҳофаза қилиш»ни концепция «мўлжалларига» қўйиш албатда маркетинг талабларидан келиб чиқсан «эҳтиёткорлик» омилларидан фойдаланишни ҳам режага киритиш заруратини юзага чиқаради. Бу вазиятда экотуризмнинг истеъмолчиларига экотуристик маҳсулотларни ишлаб чиқаришда ва эркин бозорга чиқаришда иккиланишлар юз бермайди ва харидор ҳам камаймайди.

Демак, туризм маркетинги назарияси ва амалиёти бозор иқтисодиёти муносабатларида маҳсулот ишлаб чиқариш ва истеъмолчининг бу маҳсулот ларга эҳтиёжлари, талабларини ўрганиш, мувофиқлаштиришнинг даврий босқичларида шаклланади. Бозор иқтисодиётида маҳсулот ишлаб чиқариш ва

истеъмолчи эҳтиёжи ва талаби асосида маҳсулот ёки хизмат кўрсатиш тизими ни яратди.

**Маркетинг фаолиятининг моҳияти**–ишининг кириш қисмида «маркетинг» сўзининг–market–бозор, бозорда сотиш ёки сотиб олиш, бозорбоп, харидоргир деган маънони (инглиз тилида) англатишини келтирган эдик. Кейинги вақтларда эса маркетинг–маъноси жуда мураккаб тузилмалардан иборат эканлиги жаҳон адабиётларида ёзилмоқда. Америка маркетинг ассоциацияси (AMA) нинг ёзишича маркетингнинг 2000 дан зиёд маънолари, белгилари, хусусиятлари бор. Ҳозирги вақтда маркетингнинг моҳиятини белгиловчи, билдирувчи иккита ёндашиш бор (5-чизма).



### 5-Чизма. Маркетинг фаолияти (умумий фикрлар)

Маркетинг бизнес фалсафаси сифатида истеъмолни жуда синчковлик, диққат, ҳар томонлама ҳолда тизимли равишда ўрганади. Истеъмолчининг эҳтиёжи, зехни, ёқтириши, қулайлик даражасини билиши ва ҳ.к. таҳлил қилинади. Харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришни мўлжаллайди. Бу таҳлилларда шунча маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин деган қоидага амал қиласдан, шунча маҳсулотни истеъмолчи харид қиласди деган тамойил қўлланилади.

Маркетингнинг бошқарув фаолиятининг моҳияти ҳам аслида шу. Лекин бошқарув фаолияти баъзида маркетингнинг бизнес фалсафасидан бироз тезлашиб кетади. Бу вазиятда ёки маҳсулот ёки хизматлар бозорда ортиб қолади. Шунинг учун ҳам маркетингнинг моҳиятини, мазмунини чукур ўрганиш фақат истеъмолчиларнинг эҳтиёж ва талаблари асосида бўлиши лозим ва зарур.


Маркетинг фаолияти ишлаб чиқаришни олдиндан белгиланган ҳажмларда ва муайян техник-иктисодий тавсифномаларга жавоб берадиган, яъни сотилишини, фирманинг энг юқори фойда олишини ёки бозорда мустаҳкам мавқе эгаллашини таъминлай оладиган, рақобатбардошли маҳсулотни, бозор талабини ўрганиш ва уни ҳисобга олиш орқали мавжуд эҳтиёжни кўпайтириб, уни тўла таъминлашга қаратилган.

Маркетингнинг бошқариш усули сифатидаги энг муҳим қоидалари фирманинг ишлаб туриши ва ривожланишининг муайян мақсад ва стратегия ларини асосли равишда эркин танлашдан иборат. Бу умумий ҳолда, энг янги маҳсулотни ишлаб чиқараётган, шунингдек, ишлаб чиқаришдан олиб ташлашга мўлжалланган маҳсулотни янгилangan ишлаб чиқаришнинг энг самарали уйғулаштириш йўлини топишга қаратилган ишdir.

Маркетинг фаолиятининг хусусиятлари, усул ва услублари бу фаолият йўналтирилган маҳсулот турига қараб жиддий фарқланади. Масалан, мураккаб ускуналар мажмуини корхоналарга жўнатишда ишлаб чиқарувчи ва харидор ўртасидаги муносабатлар узоқ, доимий тус олади: бу муносабатлар тижорат битими тузилишидан олдин анча илгаридан, корхона фойдаланишига топширил ганидан сўнг ҳам кўп йиллар давом этади: ёки кафолатланган техник хизмат кўрсатилади, ёки қўшимча тўлов орқали хизмат кўрсатиш бажарилади.

Маркетинг деганда ишлаб чиқарилган маҳсулотга ва унинг сотилишини ташкил қилиш учун бозор эҳтиёжини ҳар томонлама ўрганишга қаратилган фаолиятнинг ҳозирги моҳияти ҳам шундан иборат.

Туризмда маркетинг стратегиясидан фойдаланиш қуйидаги усулларда амалга оширилади (6-Чизма):



**Стратегик маркетинг**—бу истеъмолчилар (яъни туристларни) эҳтиёжларини ва талабларининг тизимли, доимий таҳлили бўлиб ҳисобланади ҳамда турфирмаларга барқарор рақобат ҳолатини таъминловчи самарали маҳсулот ва хизматлар концепциясини ишлаб чиқишдан иборат.


**Операцион (жараёнли) маркетинг**—анча соддалаштирилган ҳолат бўлиб, сотишни ташкил этишга йўналтирилган ва салоҳиятли истеъмолчиларга маълумот бериш учун коммуникация сиёсати ҳамда ҳаражатларни пасайти ришда, харидорларни қидиришда товар сифатини ўзига хос хусусиятда, усул ларда намойиш қилиш ҳисобланади. Маркетингда иккала ёндашув ҳам бири-бирини тўлдиради ва фирманинг ягона маркетинг сиёсатини белгилайди.

**Тактик маркетинг**—усулларидан фойдаланиш турфирмада товар ва хизматларни реализация қилишга имконият туғдирса шу билан бирга унинг фаолиятида қисқа муддатли тижорат рентабеллигини ҳам таъминлайди.

Халқаро туристик маркетинг стратегияси глобал хусусиятларга эга бўлиб, алоҳида алоҳида давлатлар чегарасидан ҳам ўтиб кетади. Туризм бугун минта қавий ва миллий чегара билмайдиган халқаро ижтимоий-иқтисодий ҳодиса бўлиб ҳисобланади. Туризмда маҳсулотлар, капиталлар, ишчи кучи бозорлари дан ташқари яна бир муҳим бозор—хизматлар бозори ҳам бор. Хизматлар кўрсатиш соҳаси иқтисодиёт соҳасининг энг истиқболли ва тез ривожланаётган тармоқларидан ҳисобланади.

Саноати ривожланган давлатларда хизматлар кўрсатиш улуши ички ялпи маҳсулотнинг 70 % дан қўпини ташкил қиласди. Шунингдек, бирданига хизматлар кўрсатиш соҳасидаги банд меҳнат ресурслари Ғарбий Европада 66 % ни (барча бандлардан), АҚШда – 73 % ни ташкил қиласди.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон республикаси Президенти И.А.Каримов нинг 2006 йил 17-апрелда-«Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги 325 сонли қарори чиқди. Бу қарор асосида «Ўзбектуризм» Миллий Компанияси туризмда хизматлар кўрсатиш бозорини ташкил қилиш бўйича кенг қамровли тадбирларни ишлаб чиқмоқда. Маркетинг да хизматларнинг ўзига хослиги ушбу хизматларнинг тавсифлари билан, хусусиятлари билан маҳсулотлар бозоридан ажралиб туради (6-чизма).

- 
- 1 • Янги маҳсулот ҳақида ғоялар излаш
- 2 • Гояларни саралаш, танлаш
- 3 • Янги маҳсулот ҳақида концепция ишлаб чиқиш
- 4 • Маркетингда мақсадли дастурни шакллантириш
- 5 • Маҳсулот ишлаб чиқиш
- 6 • Маҳсулотни бозор шароитида синовдан ўтказиш
- 7 • Тижоратда қўллаш

7–Чизма. *Маркетингда янги маҳсулот ишлаб чиқаришнинг асосий босқичлари (Дурович, 2008).*

Туризм маркетингида ҳар қандай тадқиқотлар узлуксизлик билан белгиланган мавзулар асосида ўтказилади. А.Н.Романовнинг (1996) тавсиясида маркетинг тадқиқотини ўтказиш режаси қўйидагилардан иборат:

1. Тадқиқотлар концепциясини ишлаб чиқиши.
  - 1.1. Мақсадни аниқлаш.
  - 1.2. Муаммони қўйиш (аниқлаш)
  - 1.3. Ишчи назарияни шакллантириш.
  - 1.4. Кўрсаткичлар тизимини аниқлаш.
2. Маълумотлар тўплаш ва таҳлил қилиш
  - 2.1. Ишчи манбаларни ишлаб чиқиш
  - 2.2. Маълумотлар олиш жараёни
  - 2.3. Маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш
3. Асосий хуносаларни белгилаш ва тадқиқотни шакллантириш

3.1. Хulosалар ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

3.2. Тадқиқот натижаларини ёзиб чиқиш.

Дурович А. (2008) маркетинг тадқиқотларини ўтказиш бўйича янги маҳсулотни таърифлаш, тавсифлаш, тадқиқотни ўтказиш жараёнини ёки режасини анча енгил, тизимлашган усулда амалга оширишни таклиф қиласди (7–чизма).

Ҳар қандай илмий тадқиқот кутиладиган хulosса ва тавсияларни ишлаб чиқиш учун бажарилишини ҳисобга олсак тадқиқотни айниқса ҳали ўрганилмаган йўналиш ҳақида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш тадқиқотчи танланган режа ва унинг мулоҳазалари, тажрибаларидан келиб чиқиб ёрити лади.

Бу ҳолатда ҳам маркетинг тадқиқотларини ўтказиш бўйича тузилган системага амал қилиш тўғри хulosаларнинг яратилишига асос бўлади. Гоянинг ўзи битта мазмун касб этганлигидан ғояларни саралаш-танлаш босқичини изохлашга зарурат йўқ. Кейинги босқичлар ҳақида ҳам шундай фикрни келтириш мумкин. Республикаизда туризмни ривожлантиришнинг асосларидан бири бўлган туристик маршрутлар тузишнинг ғоят муҳим аҳамиятга эга эканли гидан туристик маршрутларда маркетинг тадқиқотларини назорат жиҳатдан ўтказишни мақсад қилиб қўйилди.

## **6.2. Туристик маршрутни танлашдаги маркетинг тадқиқоти.**

Республикамиздаги туристик ресурсларга туристик маршрутлар ишлаб чиқиш ҳамма талаблар юзасидан қониқарсиз аҳволда. Туристик фирмалар фаолиятида рақобат йўқ. Бу фирмаларда туристик маршрутлар бори-йўғи ҳам сир сақланади. Туристик фирмалар бу саволга оғзаки маршрутлар бўйича ишлаймиз деб жавоб беришади. Ушбу ишнинг долзарблиги ва мақсадларидан келиб чиқиб туристик маршрутда маркетинг тадқиқотларини ўтказиш обьектарини белгилаш, тадқиқотлар таркиби ва кутиладиган натижаларни башорат лаб келтирилган таҳлиллар, хulosалар асосида туристик маршрутда маркетинг тадқиқотларини қуидаги маркетинг тизимида ўтказиш тўғри йўналиш бўлади деб ҳисоблаймиз.

### **1. Маркетинг тадқиқотлари йўналиши бўйича:**

1.1. Бозорни тадқиқ қилиш

1.2. Истеъмолчини тадқиқ қилиш

1.3. Баҳоларни тадқиқ қилиш

1.4. Сотиш ва рекламани тадқиқ қилиш

1.4. Рақобатчиларни тадқиқ қилиш.

### **2. Тадқиқ қилиш усули бўйича:**

2.1. Кабинетда

2.2. Далада

### **3. Тадқиқот ўтказиш усуллари жиҳатидан.**

3.1. Изланиш

### **4. Ахборот хусусиятлари бўйича**

4.1. Сифат жиҳатидан

**5. Маркетинг тамойилари бўйича.**

5.1. Мажмуалилик

5.2. Илмийлик

**6. Маркетинг тадқиқотлари шакллари бўйича.**

6.1. Буюртма бўйича ташкил қиласди.

6.2. Тур фирманинг ўзи ташкил қиласди.

**7. Маркетинг тадқиқотларининг методологик асослари бўйича.**

7.1. Ҳар хил йўналишлардаги билимлар.

7.2. Экология, эстетика, дизайн.

Туристик маршрутни танлашдаги маркетинг тадқиқотларини ўтказиш юқорида қайд қилинган параметрлар бўйича ўтказилади ва бизнинг тавсияларимизнинг чизма ҳолидагиси қуидагилардан иборат бўлади (8–Чизма). Маркетинг тадқиқотларидаги асосий йўналишлар жуда кўп. Шулардан халқаро туризмда энг оммавийлашган, кутиладиган натижалар бўйича 6 та йўналишда маркетинг тадқиқотлари ўтказилади.

Туристик маршрутни танлашда маркетинг тадқиқотлари йўналишларида ги–«Бозорни тадқиқ қилиш» сўровида шу нарса маълум бўлдики, ҳозирча бизда туристик маршрутларининг бозори йўқ. Маршрутларнинг сотилиши ва реклама си ҳақида ҳам шундай хulosани келтириш мумкин. Туристик фирмалар туристлар билан қайси маршрутлар бўйича ишлашмоқ да?– Бу ҳолат ҳам номаълум.



8–Чизма. Маркетинг тадқиқотларининг йўналишлари

Бундай вазиятларда маркетингда тадқиқотлар ўтказиш йўналишларининг кўйидагилари туристик маршрутни танлашда кутиладиган натижаларни беради:

1. Бозорни тадқиқ қилиш бўйича маркетинг тадқиқотлари.
2. Истеъмолчини тадқиқ қилиш бўйича маркетинг тадқиқотлари.
3. Баҳоларни тадқиқ қилиш бўйича маркетинг тадқиқотлари.
4. Сотиш ва рекламини тадқиқ қилиш бўйича маркетинг тадқиқотлари.

**Биринчи йўналиши** бўйича туристик маршрутнинг бозордаги умумий талаби, харидорлари, уларнинг сони тадқиқот натижасида аниқланади, маршрут нинг туристик ресурслардан фойдаланишдаги ўрни белгиланиши натижасида керакли маршрут тури танланади.

**Иккинчи йўналиши** бўйича маршрут ҳақида истеъмолчиларнинг (туристларнинг) ҳоҳиши истаклари, талаблари, танқидий фикрлари хисобга олинади. Бу ахборотлар тўпланиб таҳлил қилинади ва истеъмолчилар талабини қондирадиган туристик маршрут ишлаб чиқилиб истеъмолчига таклиф қилина ди.

**Учинчи йўналиши** бўйича туристик маршрутларнинг баҳолари тадқиқ қилинади. Бу тадқиқотларни ўтказиш жуда муҳим хисобланади. Чунки республикамиизда ишлаб чиқарилаётган туристик маршрутларнинг баҳолари тадқиқ қилинмаган. Ҳозирда Ўзбекистонда муваффақият билан ишлаётган 2 та маршрутнинг баҳолари қўйидаги чиқарилаш:


1. «Тарихга саёҳат» туристик маршрутда: битта турист учун -2057 АҚШ доллари, иккита турист учун-1498 АҚШ доллари, учта турист учун-1320 АҚШ доллари, 3 та туристнинг бир хонада жойлашиши – 615 АҚШ доллари баҳосида белгиланган.

2. «Тарих ва замонавийлик» туристик маршрутда: битта турист учун – 3334 АҚШ доллари, иккита турист учун-1865 АҚШ доллари, учта турист учун-1652 АҚШ доллари. 3 та туристнинг бир хонада жойлашиши-768 АҚШ доллари баҳосида белгиланган.

Иккала туристик йўлланманинг нархи ҳам баландми, пастми таҳлил қилиш қийин. Овқатлар нархи, транспорт хизмати, дам олиш ва бошқа хизматлар нархи алоҳида берилмаган ва хизмат турлари аниқ кўрсатилмаган, маҳсулотлар нархи ҳам йўқ. Бу ҳолда туристик истеъмолчига туристик маршрутни қандай таклиф қилиш мумкин? Шунинг учун ҳам туристик маршрут танланганда маршрутнинг барча кўрсаткичлари бўйича баҳолар бўлиши шарт. Маршрутдаги баҳоларни қўйиш мезонлари келтирилиши янада маршрут баҳоларининг ишончли қўйилганлигини ҳам билдиради.


**Тўртинчи йўналишида** туристик маршрутларнинг оммавийлашган рекламаси ҳам сотиш ҳам харидор ҳам ҳозирча йўқ. Умуман олганда туристик маршрутлар ишлаб чиқишининг ўзи қониқарсиз ҳолатда, маршрут йўқ бўлгандан кейин унинг бозори, рекламаси ҳам республикамиизда шаклланган эмас (Туристик маршрутлар деярли оғзаки ташкил қилиниб оғзаки ўтказил мокда).

Туризмда маршрутларнинг маркетинг тадқиқотларини ўтказишнинг ҳозирги вақтда мураккаблиги туристик маршрутларнинг ишлаб чиқилмага нидир. Шунинг учун ҳам қайд қилинган маркетинг тадқиқотлари йўналишда илмий тадқиқот ишларини бошлишни талаб қиласди.



9-Чизма. Маркетинг тадқиқотларининг таснифи

Туристик маршрутларда маркетинг тадқиқотлари ўтказиладиган усулларда—«кабинет, дала» варианти танланди, тадқиқотларнинг мақсади юзасидан—«изланиш» усули, ахборотлар хусусияти жиҳатидан—«сифат микдорлари» усулини қўллашга қарор қилинди (9-Чизма).



10-Чизма. Маркетинг тадқиқотларининг тамойиллари

Маршрутлар ҳақида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ҳар ҳолда кабинет шароитида (лойиҳалар), унинг географияси маршрутнинг далаларидан

маълум манзиллардан ўтганлигини ҳисобгат олсак «дала» усули ҳам қўллаш ҳам натижаларни беради (9-Чизма). Туристик маршрутни ишлаб чиқиш учун танлашда маркетинг тадқиқотларининг тамойиллари орасида мажмуалилик ва илмийлик тамойилидан фойдаланиш тавсия қилинади. Чунки маршрут ишлаб чиқиш жуда қўплаб саволларни юзага чиқаради. Мажмуалилик тамойилида ишлаш учун албатда илмийлик тамойилини қўллаш талаб қилинади. Маркетинг тадқиқотларининг асоси ва умуман маркетингнинг асоси – ахборотларни ва маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш асосида қарор қабул қилишдир (10-Чизма).

Ахборотлар ва маълумотлар, сўров, анкета, реклама, истеъмолчилар муносабатлари йиғиндисини фақат илмий усулларни қўллаб таҳлил қилиш ва тегишли ечимга келиш мумкин. Бу қарор шунинг учун ҳам тўғри деймизки 9–чизмада ва 10-чизмадаги тавсиялар бўйича ҳам маршрутларни танлашда маркетинг тадқиқотларининг «мажмуалилик» ва «илмийлик» тамойили бўйича ишлаш фикримизча тўғри бўлади.

### **6.3. Туристик маршрутни ишлаб чиқиш тамойиллари бўйича маркетинг тадқиқотларини ўтказиши.**

Олдинги қайдларда туризм маршрутларини танлашда қўлланиладиган маркетинг тадқиқотлари «йўналишлари», маркетинг тадқиқотларининг усуллари ва маркетинг тадқиқотларининг тамойиллари танланди. Мазкур «йўналишлар», «усуллар» ва «тамойиллар» билан туристик маршрутларни танлашдаги маркетинг тадқиқотлари ўтказилади. Ушбу маркетинг тадқиқотлари натижалари асосида истеъмолчилар (туристлар)нинг ҳоҳиши, истаклари асосида уларни қизиқтирган туристик ресурсларга қизиқарли, зериктир майдиган, жозибали туристик маршрутлар ишлаб чиқишига илмий-амалий асос, йўл – йўриқ ва кўрсатма бўлади.

Энди, туристик маршрутлар ишлаб чиқишининг яна бир имкониятларидан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Туристик маршрутлар турли-туман бўлганлигидан уларнинг мавзулари ҳам ҳар хил бўлади. Бу ҳолатда туристик маршрутларнинг мавзусига мос келадиган, мавзунинг моҳиятини очиб берадиган ва шу билан туристик маршрутнинг шакланишини яратишдаги методологик усуллардан фойдаланилади (11-Чизма).

Маркетинг тадқиқотларининг методологик асослари мажмуали йўналишларни ўзи таркибиға олиб бутун умумий маркетинг соҳасида ўтказила диган ёки бажарилиши лозим бўлган маркетинг тадқиқотларининг «умумий методлари», «умумий назарий методлар» ва бу методларнинг тармоқланган, мавзули, соҳавий тармоқларини, йўналишларини қамраб олган. Бу методологик асосларни тўлиқ ўрганиб чиқиб туристик маршрутни ишлаб чиқишида бу маршрутнинг хизматлар ҳажмини аниқладик. Бу кўрсаткич «Умумназарий методларнинг», «оммавий хизматлар назарияси» методига тўғри келади.




11-Чизма. Маркетинг тадқиқотларининг методологик асослари

Яна бир исбот шундаки, туристик маршрут оммага хизмат қилади (ички туризм, халқаро туризм, маҳаллий аҳолининг ҳаракатланиши ва ҳ.к.). Бу методда ишлаганда товар ва хизматлардан омманинг, яъни жуда қўплаб кишиларнинг (туристларнинг) фойдаланиши ҳисобга олинади ва туристик маршрутлардаги хизматлар, туристик маҳсулотлар сони жиҳатидан ҳам кўпайтирилади

Худди шунингдек, 11-чизмадаги «Методологик» асосларнинг «Хар хил билимлардан олинган методлар» гурухидан «Экология», «Эстетика» ва «Дизайн» мавзули методлари қўлланиладиган биз ишлаб чиқарадиган туристик маршрутнинг маркетинг тадқиқотларини экотуризм маршрутларини ишлаб чиқишида қўллаш фикри, тавсияси бўйича танладик.

Демак, бу ҳолда туристик маршрутнинг маркетинг тадқиқотлари марка зида экологик билимлар, маълумотлар, кўрсатмалар ва ишланмалар устивор манбалар бўлиб хизмат қиласди. Эстетика ва дизайн методлари эса туристик маршрут рекламасини ишлаб чиқишида, туристларга хизмат кўрсатишида, дам олиш жойларини шакллантиришида жуда асқотади.



## 12-Чизма. Маркетинг тадқиқотларини ташкил қилиши шакллари

Туристик маршрутлар ишлаб чиқишининг яна ишончли, самарали усулларидан бири туристик маршрут ишлаб чиқиш тамойиллари ҳисобланади. Ҳар қандай фан ҳам ўз ривожида ўзининг тамойиллариға сужнади ва бу тамойиллардан четга чиқмайди. Туристик маршрутлар ишлаб чиқиш тамойилларида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, турни ишлаб чиқишига илмий асослар яратади, ҳар қандай турлар ҳам ўта даражада пухта, ҳар томонлама қулайлик ва имкониятларга эга бўлган даражали белгилашларни (супер маршрут, элита маршрути, комфортли маршрут ва х.к.) ўзида мужассам қиласди.

Туристик маршрутлар ишлаб чиқиш тамойилларида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш туристик маршрутнинг универсал-ҳар томонлама ва ҳар мавсумлarda хизмат қилиши имкониятларини яратади.

Туристик маршрутлар ишлаб чиқиш тамойилларида маркетинг тадқиқотларини ўтказишидан олдин маркетинг тадқиқотларини ташкил қилиш шакллари билан танишиш ва тадқиқотларни ўтказиши режалаштириш талаб қилинади. 12-Чизмада маркетинг тадқиқотларини ташкил қилишнинг бешта варианти берилган.

Туризм маршрутларида маркетинг тадқиқотларини ўтказиши туристик фирманинг ўзи бажарса бўлади. 2.3.4 – вариантларни қўллаб бўлмайди. Чунки, 2-вариантдан фойдаланса ҳамкор ташкилотлар фирманинг анча маблағини олиши мумкин. 3-вариант бўйича турмаршрут тузиш махфий эмаслигидан маршрутни сир сақлашга зарурат йўқ. Шунинг учун ҳам туристик маршрут

тузишда рақобатчиларга эътибор берилмайди. 4-вариантдан фойдаланиш мумкин -12-Чизма

Бу ҳолатда маниторинг маълумотларидан қисман (экологик ҳолат, об-ҳаво ўзгариши, селлар, тошқинлар, қор кучиши, кучли шамоллар) фойдаланиш мумкин. Иккинчидан, мониторингда асосан бозор муноса батлари, товар ва хизматлар, уларнинг ҳаракати, сотиш, истеъмолчиларнинг муносабатлари, талаб ва таклиф, рақобат ва маҳсулотлар рекламаси ва бошқалар назорат килинади.

Бешинчи вариант бўйича туристик фирма туристик маршрутлар ишлаб чиқувчи маҳсус туристик ташкилотларга буюртмалар бериш билан ҳам ўзига керакли, туристик маршрутни тайёрлатиб олиши мумкин. Чунки, туристик маршрутларни ишлаб чиқиш анча мураккаб жараён бўлиб, юқори малакали, туризм инфратузилмаси ва хизматлар қўрсатиш соҳаларини мукаммал биладиган мутахассисларни талаб қиласди. Бундай малакали мутахассислар бўлмаган вақтда турфирма албатта туристик маршрутга буюртма беришга мажбур бўлади.

Энди, туристик маршрут ишлаб чиқаришдаги тамойилларда маркетинг тадқиқотларини ўtkазиш учун аввал тамойилларнинг моҳиятини билиб олиш зарур. Шунингдек, ҳар бир тамойилда маркетинг тадқиқотларини ҳам белгилаш мақсадли бўлади.

Туристик маршрутлар ишлаб чиқишиниг ҳозиргача ишлаб чиқилган тамойиллари қуйидагилар ҳисобланади:

1. Маршрутдаги жозибадорлик, бетакрорлик тамойили.
2. Маршрутда имкониятларнинг яратилганлиги тамойили.
3. Маршрутда мазмундорлик тамойили.
4. Маршрутнинг фаолиятлилиги тамойили.
5. Маршрутнинг кўп вариантилиги тамойили.
6. Маршрутдаги қулайлилик тамойили.
7. Маршрутда ахборотланганлик тамойили.

**1. Жозибадорлик тамойилида** туристларни кўпроқ жалб қилиш учун туристик маршрутни мажмуали обьектларни қамраб оладиган имкониятлар билан ишлаб чиқиш лозим бўлади. Яъни турист ёқтирадиган кўплаб тур обьектлар (тарихий, маданий, меъморий обидалар, ўйин-кулгилар, кўргазма лар, овчилик, фестиваллар, ҳайвонат дунёси, ботаника боғлари ва ҳ.к.) туристик маршрутда бўлиши талаб килинади.

**Бу тамойилдаги маркетинг тадқиқотлари:** жозибадорлик даражаси ни оширишни тадқиқ қилиш, тарихий, маданий, меъморий обидалар ҳақида қизиқарли маълумотлар тўплаш, қурилиш тарихини ҳикоя қилиш манбаларини бойитиш, қурилишдаги мўжизавий устачилик кўринишларини излаб топиш, қурилиш давридаги амирлар, ҳокимлар, подшолар ҳаётидан, сарой ҳаётидан қизиқарли воқеаларни тадқиқ қилиш, тиклаш ва маршрутда акс эттиришни тадқиқ қилиш, кўргазмалар фаолиятини тадқиқ қилиб унинг аҳамиятини белгилаш, ҳайвонот дунёси ва ботаника боғларидаги Ўзбекистан учун эндемик бўлган турларнинг расмларини маршрутда акс эттиришни тадқиқ қилиш ва ҳ.к.

**2. Имкониятнинг яратилганлиги тамойилида** туристга маршрутда фойдаланиш учун транспортнинг барча турлари (вилосипед, мотоцикл, автомо бил, автобус, поезд, самолёт, катер, қайик, от, эшақ, туя, арава) ва пиёда саёhat, сайд қилиш учун текис сўқмоқлар маршрутлари таклиф килинади.

**Бу тамойилда маркетинг тадқиқотлари:** халқаро туристларнинг яшаш давлатларидағи хуш ёқтирган одатлари-хоббиларидан хулоса чиқариб қайси мамлакатлардан келган туристнинг қайси транспорт турларини хуш кўриши ва ёқтиришини тадқиқ қилиш, транспорт турларини ижарага беришни иқтисодий жиҳатдан тадқиқ қилиш.

**3. Мазмундорлик тамойилида** туристик маршрутлар ишлаб чиқишида туристнинг оз вақтда кўп нарсаларни кўриши ва билиб олиши таъминланган бўлиши лозим.

**Бу тамойилда маркетинг тадқиқотлари:** туристик маршрутнинг ўнг ва чап томонларидағи то 4-5 км масофада жойлашган диққатга сазовор барча обьектлар (тарихий, маданий, меъморий, машҳур ёки таниқли кишиларнинг дахмалари, сўлим табиат бурчаги, булоқлар, ғорлар, табиат мўжизалари, даралар, археологик топилмалар, сув ҳавзалари, туқайзорлар, илмий-маданий марказлар, номдор уииверситетлар ва х.к). тадқиқ қилинади ва натижалари туристик маршрутда, унинг рекламасида акс эттирилади.

**4. Фаолиятлилик тамойилида** бир маршрутдан йил давомида фойда ланиш тушунилади. Масалан, тоғ дараларига, сойларига, қирларига, булоқлар ва дарёларига баҳор ва ёзда туристик маршрут ташкил қилинса, айнан ана шу маршрутдан қиш фаслида чанғи спорти ва қорли тоғда (Чимён мажмуаси) дам олиш туризмида фойланилади.

**Бу тамойилда маркетинг тадқиқотлари:** туристик маршрутларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадқиқотлар, тош кўчиши, қор кўчиши ҳолатларининг олдини олувчи, огоҳлантирувчи тадбирларни тадқиқ қиласди ва тавсиялар яратади. Боғлардаги, тоғлардаги, чўллардаги заҳарли ҳашоротлар манзилини, уларнинг заҳар солиши, чақиш вақтларини, ҳолатларини тадқиқ қиласди ва тавсиялар ишлаб чиқади.

**5. Кўп қирралилик (кўп вариантилилик) тамойилда** туристик маршрутнинг кўплаб варианлари олдиндан тайёрлаб қўйилади. Масалан, об-ҳаво бирданига ўзгарса (қор, совуқ, ҳаддан ташқари ҳарорат кутарилиши, кучли шамол, жала, сув тошқинлари, куприкларнинг бузилиши, санитария карантинлари, туристнинг соғлиги, туристлар сони камайиши ва х.к.).

**Бу тамойилда маркетинг тадқиқотлари:** метеорологик хизматлар тадқиқ қилинади, об-ҳавонинг Интернет тизими ва «Ўзбекметеохизмат» билан ҳамкорликда об-ҳаво мониторинги ташкил қилинади, ўта хавфли об-ҳаво ҳолатлари, башортлари тадқиқ қилинади, ўта хавфли об-ҳаво ҳолатларида булутлар ҳаракатининг тарқалиши ахборот-тадбирларини ишлаб чиқиш тадқиқ қилина ди.

**6. Қулайлиликни яратиш тамойилида** биринчи даражали массала туристларга майший хизмат кўрсатиш хисобланади. Алоҳида таъкидлаш лозимки, туристларнинг аксарият қисми маршрутда дам олиш (ётиш, ухлаш, спорт) ва сифатли овқатланишни (мазали таомлар) хуш кўрадилар. Бу шароитда

мутлақ минимум- палатка, бироз овқат, термосда чой, минерал сув; мутлақ оптимум-3 марта овқат, меҳмонхонадаги диванда ётиш жойи, иссик, совуқ сув таъминоти, ванна, спорт зали ва ҳакозолардан танлов асосида фойдаланиш имкониятлари мавжуд бўлмоғи шарт.

**Бу тамойилда маркетинг тадқиқотлари:** халқаро туризмда Европалик, Америкалик, Осиёлик туристларнинг феъл-авторини тадқиқ қилиш, уларнинг миллий овқатланиш хусусиятлари ва урф-одатларини тадқиқ қилиш, дам олиш да нималарга эътибор беришни тадқиқ қилиш, инжиқлиқ томонларини ўрга ниш.

**7. Ахборотланганлик тамойилида** туристик маршрут ишлаб чиқишида маршрут ҳақидаги барча маълумотлар турист учун муҳайё қилиниши лозим бўлади. Турист маршрутда нимани қўради, қандай ахборотларни эшитади, ҳаракатланиш тартиби қандай, овқатланиш, дам олиш тизими қандай баҳолар қандай қўйилган каби маълумотлар туристик маршрутда қайд қилинган бўлиши талаб қилинади.

**Бу тамойилда маркетинг тадқиқотлари:** туристик маршрут буклети мавзуси ва расмларни тадқиқ қилиш, хорижий ва маҳаллий туристларнинг қандай ахборот манбаларига (газета, журнал, тв, радио, халқаро алоқага қизиқишларини ва туристик маршрут харитасини тадқиқ қилиш.

Туристик маршрутлар ишлаб чиқищдаги маркетинг тадқиқотлари лойиҳасини белгилангандан кейин қўйидаги хулосаларга тухталиш мумкин:

1. Туристик маршрутларни ишлаб чиқиш тамойиллари бўйича маркетинг- тадқиқотлари методологик асосларининг:

а) Умумий илмий методлар гуруҳидаги-«мақсадли режалаштириш дастури» усулини;

б) Умумий назарий методлар гуруҳининг-«оммавий хизмат назарияси» усулини.

в) Ҳар хил билимлардан олинган методлар гуруҳининг-«экология», «эстетика» ва «дизайн» усулларини қўллаш мумкин. Тўлақонли, ишончли натижалар олиш учун кайд килинган услуга ва усуллар тавсия килинади.

2.Туристик маршрутларни ишлаб чиқиш шакли бўйича маркетинг тадқиқотларини ўтказишнинг:

а) «Туристик фирманинг ўзи ташкил қиласди» шакли.

б) «Буюртма буйича ташкил қиласди» шаклини куллаш фикримизга тўғри будади.

Туристик маршрутни ишлаб чиқиш тамойиллари бўйича маркетинг тадқиқотлари ҳар бир тамойилда алоҳида-алоҳида маълум, долзарб режа бўйича ўтказилади.

**Таянч сўзлар ва иборалар:** маркетинг, макит, маркетинг тадқиқотлари, маркетинг тамойиллари, маркетинг фалсафаси, бозор маркетинги, маркетинг нинг методологик асослари, маркетинг усуллари, маркетинг концепцияси, товар ва хизматлар.

### **Мавзу бўйича тест саволлари**

1. Туризмда маркетинг стратегиясидан фойдаланиш усулларнинг сони қанча?

А) 3        Б) 2        С) 4        Д) 5

2. Маркетингда янги маҳсулот ишлаб чиқариш неча асосий босқичлардан иборат?

А) 7        Б) 6        С) 4        Д) 5

3. Маркетинг тадқиқотлари йўналишлари қайси жавобда тўғри ва тўлиқ кўрсатилган?

А)бозорни тадқиқ қилиш, истеъмолчини тадқиқ қилиш, баҳоларни тадқиқ қилиш, сотиш ва рекламани тадқиқ қилиш, рақобатчиларни тадқиқ қилиш.

Б) сотиш тадқиқ қилиш, рекламани тадқиқ қилиш, рақобатчиларни тадқиқ қилиш, истеъмолчини тадқиқ қилиш

С) сотиш тадқиқ қилиш, рекламани тадқиқ қилиш, баҳоларни тадқиқ қилиш

Д) истеъмолчини тадқиқ қилиш, рақобатчиларни тадқиқ қилиш

4. Маркетинг тадқиқотларини ташкил қилиш шакллари тўғри кўрсатилган қаторни топинг.

А)туристик фирманинг ўзи ташкил қиласди, туристик ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил қиласди, рақобатчилар хавфи бўйича ташкил қиласди, мониторинг бўйича ташкил қиласди, буюртма бўйича ташкил қиласди

Б) бозор бўйича ташкил қиласди, истеъмолчи бўйича ташкил қиласди, баҳолар бўйича ташкил қиласди, сотиш ва реклама бўйича ташкил қиласди

С) мониторинг бўйича ташкил қиласди, туристик ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил қиласди, истеъмолчи бўйича ташкил қиласди

Д) рақобатчилар хавфи бўйича ташкил қиласди, мониторинг бўйича ташкил қиласди, туристик ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил қиласди

## **7-Мавзу.ТУРИСТИК МАРШРУТЛАРДА ЭКСКУРСИЯЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ**

Режа:

7.1.Туристик-экскурсия хизматларининг асослари ва хукуқий меъёрлари

7.2.Гид-экскурсия хизматларининг моҳияти ва таснифи

7.3.Гид-экскурсия хизматларидан самарали фойдаланиш методикалари

7.4.Экскурсия хизматларида гид-экскурсиячи фаолиятини баҳолаш  
методикалари

### **7.1.Туристик-экскурсия хизматларининг асослари ва хукуқий меъёрлари**

Экскурсия сўзи лотинча экскурсион-қисқа муддатли сафар ёки саёҳат, саёҳатга жўнамоқ, саёҳат қилиб келмоқ маъноларини англатади. Туризм сўзи пайдо бўлмасдан, инсонларда атроф-муҳитга қизиқиши, узокларда нималар бор, тоғлар ортида ёки дарёнинг ёки қир-тепаликлардан кейин нималар борлигига оид кўплаб саволларнинг тўпланиниб қолиши натижасида уларни сафарга

(уидан чиқиб кетишга) чорлайдиган ички ҳис-туйғу-қизиқишининг ҳаракатга келиши бўлган.

Ҳозирги ривожланган жамиятимизда жаҳонда экскурсияга-саёҳат-сайрга чиқмаган биронта инсон бўлмаса керак деган хулосага тўхталамиз. Ушбу сайдарнинг асосий сабабчиси табиатдаги биологик хилма-хиллик, бетакрорлик, бойликлар бўлган. Жамиятдаги дастлабки саёҳатлар албатта ўзга юрт, мамлакатлар ҳақидаги хабарлар натижасида юз берган.

Экскурсия хизматларини туризмнинг юраги деб таърифлашади. Ҳақиқатдан ҳам турист меҳмонхонага жойлашганидан сўнг биринчи навбатда экскурсияга чиқишига ҳаракат қиласди. Ички туризмда барча давлатларда экскурсия хизматлари биринчи ўринда туради. Чунки мамлакат ичкарисидаги аҳоли туризмнинг деярли барча турлари бўйича доимо экскурсия хизматларидан фойдаланади. Шу ўринда турист билан экскурсантни фарқлаш лозим бўлади, чунки туризмни режалаштиришда туристнинг талаби нафақат экскурсия хизматлари билан чегараланмасдан, балки бошқа кўрсатиладиган хизматларни ҳам ҳисобга олишни тақоза қиласди.

**Турист-Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб ёки бошқа мамлакатга саёҳат қилувчи** (доимий истиқомат жойидан туризм мақсадида жўнаб кетган) жисмоний шахс<sup>4</sup>.

**Экскурсант** -тунаб қолмайдиган ва экскурсия маршрутида 24 соатдан кўп бўлмайдиган шахснинг соғломлаштириш, маърифий, касбий-амалий, қизиқиши, кўриш, билиш, танишиш ёки бошқа мақсадларда саёҳатга чиқувчи ҳисоблана ди.

#### **Экскурсия хизматлари қўйидаги талабларга жавоб беради:**

1. Экскурсия хизматлари иқтисодий фаолиятни бажаради (туристик фирма экскурсия маршрутларини сотишдан даромад олади, экскурсия аъзолари дан тушган маблағ ҳисобига даромад олади, гид-таржимон иш ўринлари яратилади, экскурсия обьектида туристик инфратузилмалар ҳосил бўлади);
2. Экскурсия хизматларининг ғоявий сиёсий фаолияти (ватанинг тарихий мерослари, янги технологиялар билан танишишда ғурур ҳисси, сиёсий мўтадилликни сезиш хусусиятлари пайдо бўлади);
3. Экскурсия хизматларининг умумий таълим бериш фаолияти (экскурсия экскурсантларга универсал билим беради-тарихий маданий мерос ҳақида, ишлаб чиқариш ҳақида, маданий-маърифий маънавият ҳақида, санъат ҳақида, янги технологиялар ва ҳоказолар);
4. Экскурсия хизматлари ахборот ташиш, ахборотлар бериш фаолиятини бажаради (ўтмиш ва хозирги воқеалар, жараёнлар, цивилизация тараққиёти, хозирги ривожланиш, глобал воқеалар, халқаро интеграция ва бошқалар);
5. Экскурсия хизматлари тарбиявий фаолиятни бажаради (Ватан бойликларини асрарш, авайлаш, ғурур ҳиссиётлари, фахрланиш ва бошқалар);

---

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги Конуни //«Халқ сўзи» газетаси, 1999 йил, 14 сентябр.

6. Экскурсия хизматлари мазмунли дам олдириш фаолиятини бажаради (табиатга ва унинг сўлим гўшаларига экскурсия, дарё соҳилларига экскурсия, ўрмонларга, тоғларга, сойларга экскурсия ва бошқалар);

7. Экскурсия хизматлари инсонларда дунё қарашни кенгайтириш фаолиятини бажаради (оламнинг чексизлиги, оламнинг бир бутунлиги, ҳаётнинг даврий лиги, жисмларнинг айланма биологик ҳаракати ва бошқалар);

8. Экскурсия хизматлари инсонларда қизиқишни шакллантиради (ҳаётга қизиқиш, яшашга қизиқиш, ижодга қизиқиш, санъатга қизиқиш, янги технологияларга қизиқиш, тарихга қизиқиш ва бошқалар);

9. экскурсия хизматлари мутахасисларни, кадрларни қайта тайёрлайди, малакасини оширади ва бошқалар.

**Экскурсия хизматларининг объектини баҳолашда қўйидаги мезонлар (талаблар) асос қилиниб олинади:**

❖ Экскурсия объектиning билишни англатиши, ҳис қилиши ҳусусиятлари, жозибадорлиги, бетакрорлиги;

❖ Экскурсия объектиning маълумлиги, машҳурлиги, экзотиклиги, янгилиги;

❖ Экскурсия объектиning таъсирчанлик кучи баҳоланади. Бунда экскурсия объектиning ўзининг алоҳида кўринишлари ва бу объектнинг атрофдаги объектларга нисбатан уйғунлиги, мазмундорлиги ва бошқа жиҳатлари;

❖ Экскурсия объектиning ҳозирда сақланиш ҳолатлари;

❖ Экскурсия объектиning манзили баҳоланади (экскурсия объектига тўлиқ қийинчиликсиз бориш, айланиб томоша қилишнинг қулайлиги, экскурсантларнинг тўлиқ жойлашиши, транспорт тўхташ майдонларининг борлиги ва бошқалар.).

Экскурсия хизматлари объектлари баҳолангандан кейин экскурсия маршрутини тузишда ва ишлаб чиқишида экскурсиянинг асосий объектлари ва қўшимча объектлари белгиланади. Асосий обьект бўлиб, экскурсантлар танлаган ёки туристик фирма экскурсантларга таклиф қилган обьект ҳисоблана ди. Қўшимча объектларни экскурсия ташкилотчилари (туристик фирма) белгилайди. Экскурсия хизматларининг қўшимча обьектлари асосий обьектга бориш ва қайтиш маршрутларида кўрсатилади.

**1. Туристик-экскурсия фаолияти.** Туризмда туристик-экскурсия фаолияти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг (20.08.1999 й.) 831-1-сонли Қарори билан қабул қабул қилинган «Туризм тўғрисида»ги Қонун билан мувофиқлаштирилди.

**2. Туристик-экскурсия фаолиятни бошқариш ҳуқуқлари ва шароитлари.** Бу ҳуқуқий-меърий ҳужжатларга қўйидаги мъерий ҳужжатлар киради: «Стандартлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (25.04.2003й.), Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаш» ҳақидаги Қонуни (28.12.1993 й., 1006- XII-сонли)

Булардан ташқари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги рўйхатга олган ва Ўзбекистон Давлат стандартлаштириш, метеорология ва сертификация маркази тасдиқлаган «Туристик хизматларни сертификатлаш тартиби (18.03.2000 й.), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Туристик

фаолиятни Лицензиялаш тартибларини тасдиқлаш» (11.11.2003й., 497-сонли) каби давлат ҳужжат ва қарорлари туристик-экскурсион фаолиятни түғри олиб боришининг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари ҳисобланади.

**3. Туристик-экскурсия маҳсулотни яратишни бошқариш шароитлари.** Бу блокда туристик-экскурсия фаолиятини мувофиқлаштирадиган қуйидаги қонун, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар мавжуд. «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш хақида» Ўзбекистон Республикасининг қонуни, «Ўзбекистон Республикасининг ҳаво кодекси» (07.05.1993й.), Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасига туристларнинг кириши ва чиқиши тартиблари ҳақида»ги «Ўзбектуризм» М.Книнг 13.09.2004 йилдаги Қарори билан тасдиқланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги (25.12.1998 й., 724-И-сонли), Ўзбекистон Республикаси Юстиция вазирлиги рўйхатга олган «Ўзбекистон Республикасида меҳмонхона хизматларини таклиф қилишдаги қоидалар» (12.01.1998 й., 389-сонли) ҳам туристик-экскурсион хизматларни олиб бориш, туристик-экскурсион хизматлардаги тартиб-қоидаларнинг меъёр ларини билишда, экскурсия хизматларини амалга оширишда муҳим ҳужжатлар бўлиб хизмат қиласди.

**5. Туристик-экскурсия фаолиятининг молиявий-иқтисодий хусусиятлари** – Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 106-сонли, «Ўзбектуризм» М.К.нинг 19-сонли Қарори билан қабул қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг 1407-сонли (13.09.2004 й.) Қарори билан тасдиқланган «Туристларга хизмат кўрсатишда туристик фирмаларнинг туристлардан оладиган хизмат хақлари ҳақида»ги ҳужжатларидаги талаблар, қўшимча моддалар билан белгиланади.

Юқоридаги давлат томонидан қабул қилинган ҳужжатлар республикаизда экскурсия хизматларини ривожлантиришнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қиласди. Экскурсия мавзулари бўйича туризм экскурсияларини ишлаб чиқища юқорида келтирилган қонун ва ҳуқуқий меъёрларга суюнади. Экскурсия мавзуларини танлашда албатта чекловлар бўлиши мумкин.

Бу чекловлар маҳфийлик ёки харбий мақсадларда эмас балки, экскурсия аъзола рининг ҳаёти хавфсизлиги нуқтаи-назаридан ҳам бўлиши мумкин. Республикаизда экскурсия хизматларини ривожлантиришда юқорида қайд қилинган қонунлар, ҳукумат ва тегишли вазирликларнинг қарорлари бошқарув воситасини бажаради.

## **7.2. Гид-экскурсия хизматларининг моҳияти ва таснифи.**

### **Гид-кузатувчи тушунчаси**

Гид-кузатувчи, гид бошловчи–туристлар гуруҳини бошқаради; диққатга сазовор жойларга экскурсия ўтказади; экскурсия мавзусини, маршрутини ишлаб чиқади; мавзу бўйича материаллар тўплайди; экскурсиянинг матнини тузади, материалларини ҳикоя қилиб беради; «гид портфели»ни тахлайди; иш жараёни юқори даражадаги мулоқот маданиятини талаб қиласди.

Гид-кузатувчи қуйидаги билим, кўникма ва малака талаблари эга бўлиши лозим: тарих, адабиёт, география, иқтисодиёт, сиёsat, журналистика соҳаларига

қизиқиши; экскурсия ўтказиш методикаси ва техникасини, экскурсантларга хизмат кўрсатиш тартибини билиши; камида иккита хорижий тилда эркин муроқот қила олиши; тахлил, муроҳаза қилиши; хужжат ва материаллар билан ишлай олиши керак.

Туризм экскурсия хизматлари хизматларнинг қай даражада ташкил қилинганлигига ва хизматларнинг сифатига қараб ривожланади. Бунда албатта туризм инфратузилмасидаги технологияларнинг даражалари ҳам биринчи навбатга чиқадиган шароитлардан ва асослардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга туризмдаги асосий хизматларнинг технологик-сервис даражалари ҳам экскурсия хизматларининг ташкил қилинишига боғлик бўлади.

Экскурсия хизматлари юқори даражада ташкил қилиниб туризм инфратузилмалари ана шу юқори даражаларга жавоб бермаса экскурсия хизматларининг амалда ўтказиш натижалари юқори сифат даражаларига эриша олмайди. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам экскурсия хизматларининг мақсади ва вазифаларини яхши англаб олиш, яхши ўзлаштириб олиш туроператор ёки гид таржимон бошловчидан талаб қилинади. Экскурсия хизматларининг мақсади ва вазифаларини тўғри белгилаш экскурсантларда қониқиши, яхши кайфият ҳолатларини келтириб чиқаради ва натижада туристик фирманинг нуфузи, рақобатбардошлиги ортади.

**Экскурсия** жамоада, гурӯхлар ёки якка кишилар иштирокида ҳам ташкил қилиниши мумкин. Экскурсантларнинг маълум сонда бўлишлиги экскурсия нинг моҳиятини белгилайди. Экскурсия лотинча- «eksкурсіо»-қисқа муддатли сафар ёки саёҳат қилиб келиш, саёҳатга жўнамоқ, саёҳатга бориб келмоқ маъноларини англатишини мавзунинг кириш қисмida келтирган эдик.

Россиялик йирик мутахасис Б.В. Емельянов хулосалари бўйича- «Экскурсия-ўраб турувчи дунёни кўз билан кўриб ҳис қилиш жараёнидир». Шунингдек, экскурсия -атроф муҳит воқеълигини, бизни ўраб турган табиий ва моддий муҳитни кўз билан кўриб ҳис қилишдаги мақсадли жараёндир. Демак экскурсия жараёни кўрсатиш билан ҳикоя қилишдан иборат ҳисобланади. Кўрсатиш тўхтатилса ҳикоя марузага айланади. Масалан, табиат ҳақида ҳеч қандай кўрасувлар бўлмаса бу маъruzani тингловчилар эшитишида маълум билимлар тўпланади. Лекин, табиат ва ундаги биологик хилма-хилликни ҳис қилиш, завқланиш юз бермайди. Шунинг учун ҳам экскурсиянинг кўриб ва кўришаётган, томоша қилинаётган объект ҳақида гид ҳикоясини эшитиш ҳисобланади.

Экскурсия хизматларининг мақсадини белгилашда жуда кўп омилларни келтириш мумкин. Масалан, экскурсия-вatanпарварлик, меҳнатни сезиш, эстетик ва экологик тарбия, ўтмиш маданий ва тарихий меросни, ўтмиш ва ҳозирги ҳаётни, табиатдаги биологик ресурсларни, иқлимий ўзгаришларни, замонавий ва ўтмишдаги ишлаб чиқаришни, миллий либослар ва ўтмишдаги яшаш тарзини (музейлар), ўтмишдаги ва замонавий технологияларни, ўтмишдаги транспорт ва замонавий транспорт воситаларини, ўтмишдаги дехқончилик ва замонавий дехқончиликни, ўтмишдаги санъат ва замонавий санъатни миллий ўйинлар, миллий хунарманчилик ва ҳоказоларни ўргатади, дунё қарашни кенгайтиради.

Экскурсия хизматларининг мақсади ва вазифалари шу қадар кенг камровли ва турли туманки, бу йўналишларнинг барчаси инсоннинг камол топишига хизмат қилади. Экскурсия хизматлари мақсади ва вазифаси бўйича инсонларни дам олдиради, билим даражасини оширади, яшашга бўлган ҳис тўйғуларни кучайтиради. Экскурсияларни таснифлаш ҳам юқорида қайд қилинган мақсад ва вазифалардан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам экскурсиялар моҳиятига қараб тасниф гуруҳларини ҳосил қилади.

**I. Экскурсия хизматларини таснифлашда қўйидаги белгиларга эътибор берилади:**

1. Мазмуни бўйича;
2. Экскурсантлар таркиби бўйича;
3. Ўтказилиш жойлари бўйича;
4. Харакатланиш воситалари бўйича;
5. Ўтказилиш шакллари бўйича.

**II. Мазмуни бўйича экскурсиялар тайёрлаш экскурсиялари ва мавзули экскурсияларга бўлинади.** Мавзули экскурсиялар ҳам қўйидаги экскурсия гуруҳларига бўлинади.

1. Тарихий мавзудаги экскурсиялар;
2. Харбий-тарихий мавзудаги экскурсиялар;
3. Ишлаб-чиқариш мавзусидаги экскурсиялар;
4. Табиащунослик мавзусидаги экскурсиялар;
5. Санъат йўналишлари мавзуларидаги экскурсиялар;
6. Адабиёт мавзуларидаги экскурсиялар;
7. Меъморчилик, шаҳарсозлик мавзуларидаги экскурсиялар.

**III. Экскурсиялар экскурсияда қатнашувчилар таркиби бўйича ҳам таснифланади:**

1. Катта ёшдагиларга мўлжалланган экскурсиялар (студентлар, ишлаб чиқарувчилар, мутахасислар ва бошқалар);
2. Ҳар хил ёшдаги болаларга мўлжалланган экскурсиялар (мактабгача тарбиядаги болалар, бошланғич синф ўқувчилари, ўрта ва юқори синф ўқувчиларига мўлжалланган)
3. Маҳаллий ахоли эҳтиёжлари ва талабларига мўлжалланган экскурсиялар;
4. Шаҳарликларга мўлжалланган экскурсиялар;
5. Чет элликларга мўлжалланган экскурсиялар.

**IV. Ўтказиш жойлари бўйича экскурсиялар қийидагича таснифланади:**

1. Шаҳарларда ўтказиладиган экскурсиялар;
2. Шаҳарларнинг ташқарисида ўтказиладиган экскурсиялар;
3. Ишлаб чиқариш масканларида ўтказиладиган экскурсиялар;
4. Музейларда ўтказиладиган экскурсиялар;
5. Маданият саройларида ўтказиладиган экскурсиялар;
6. Табиат бағрида ўтказиладиган экскурсиялар.

**V. Экскурсиялар ўтказилиш шакллари бўйича қийидагича таснифланади:**

1. Одатдаги экскурсиялар;
2. Ўқув-услубий экскурсиялар;
3. Оммовий чиқиши эксперименталнилар;
4. Сайр-экскурсиялари;
5. Концертларга эксперименталнилар.

**Экскурсиянинг обьектлари** ҳақида фикрларнинг ўзини исботлаб бирон-бир тартибга ёки бирор-бир таснифу, қоидага тузиш жуда мураккаб бўлган бўлар эди. Чунки инсонни ўраб турган дунё ажойиботларининг ҳам барчаси ва инсоният яратган моддий ресурсларнинг ҳаммаси ҳам эксперименталнилар ҳисобланади. Қисқача қилиб айтганимизда эксперименталнилар обьектлари цивилизация нинг келиб чиқиши ва тараққиёт, фан ва техника тараққиёти, инсоният жамият тараққиётидаги яратувчиликнинг натижалари ҳисобланади.

Шундай қилиб, эксперименталнилар обьектлари сифатида қўйидагилардан фойдаланишимиз мумкин:

- ❖ **Табиатдаги эксперименталнилар**—геологик ётқизиқлар, алоҳида дараҳтлар, буталар, ўсимликлар, қўзиқоринлар, табиат минтақалари, водийлар, дарёлар, кўллар, ўрмонлар, тоғлар, сув ҳавзалари, музликлар, ғорлар, даралар, сойлар ва бошқалар;
- ❖ **Меъморчилик ва шаҳарсозлик эксперименталнилар**—фуқаролар нинг уйлари, саройлар, қўрғонлар, арклар, мавзолейлар, масжидлар, мадрасалар, манастирлар, черковлар, машхур иморатлар, фонтанлар, вокзаллар, парклар, ҳайкаллар, кинотеатрлар, театрлар, санъат ва хукумат саройлари ва ҳоказолар;
- ❖ **Кўчалар, майдонлар, посёлкалар;**
- ❖ **Ўзбекистон ҳаётидаги ўтмишда** қурилган тарихий-маданий обидалар;
- ❖ **Машур кишилар ҳаёти билан боғлиқ жойлар** ва машхур кишилар нинг ҳайкаллари;
- ❖ **Археологик ёдгорликлар**—қадимиш шаҳарлар харобалари, қалъалар қадимиш расмлар, табиат ёдгорликлари ва ҳайкаллари.

Экскурсиянинг обьектларига қараб унинг мавзулари ҳам турли-туман йўналишларга бўлиниб кетади. Экскурсияларни тартибга солиш учун гурӯхлаш усуллари кўплаб ишлатилади:

### I. Табиатшунослик мавзуларидаги эксперименталнилар:

1. Географик мазудаги эксперименталнилар;
2. Геологик мавзулардаги эксперименталнилар;
3. Гидрологик мавзулардаги эксперименталнилар;
4. Ландшафтлар мавзуларидаги эксперименталнилар.

### II. Экологик мавзудаги эксперименталниларнинг бир қисми:

1. Экология ва инсон мавзусидаги эксперименталнилар;
2. Сув ҳавзалари экологияси мавзусидаги эксперименталнилар;
3. Флора ва фауна мавзусидаги эксперименталнилар;
4. Тоғ табиати мавзусидаги эксперименталнилар.

### III. Тарихий мавзудаги эксперименталнилар:

1. Тарихий-ўлкашунослик мавзусидаги эксперименталнилар;
2. Археологик мавзудаги эксперименталнилар;

3. Этнография мавзусидаги экскурсиялар.

#### **IV. Санъатшунослика бағищланган экскурсиялар:**

1. Тасвирий санъат мавзусидаги экскурсиялар;

2. Музыка-театр мавзуларидағи экскурсиялар.

#### **V. Адабиётшунослик мавзусидаги экскурсиялар:**

1. Машхур ёзувчилар ҳаёти билан боғлиқ мавзудаги экскурсиялар;

2. Бадий адабиётнинг машҳурлари билан учрашув мавзуларидағи экскурсиялар.

#### **VI. Меморчилик – шахарсозлик мавзуларидағи экскурсиялар:**

1. Меморчилик обидалари мавзусидаги экскурсиялар;

2. Меморчилик санъати мавзусидаги экскурсиялар;

3. Шахарсозлик мавзусидаги экскурсиялар.

#### **VII. Ишлаб чықариш соҳаси мавзусидаги экскурсиялар:**

1. Тарихий ишлаб чықариш мавзусидаги экскурсиялар;


2. Алоҳида завод ва фабрикалар мавзусидаги экскурсиялар;

3. Замонавий технологиялар мавзусидаги экскурсиялар.

**Янги гид-экскурсия хизматларини тайёрлаш технологиялари.** Янги экскурсия хизматларини тайёрлаш асосан қуйидаги 3 босқичда бажарилади:

**I-Босқич** – Бу босқичда янги экскурсия мавзуси танланади, илмий-амалий манбалар ўрганилади, ушбу экскурсиянинг объектлари мавзу бўйича танлана ди.

**II-Босқич** – Бу босқичда экскурсиянинг маршрутлари ишлаб чиқилади, маршрутдаги экскурсияларнинг технологик харитаси, сафар трасса паспорти тайёрланади, экскурсиянинг дастури ва ахборотлар варагаси ишлаб чиқилади.



13-Чизма. Экскурсия хизматининг асосий фаолияти

**III-Босқич** – Бу босқичда экскурсия лойиҳаси ҳимоя қилинади, маршрут олдиндан ўрганилиб чиқилади, экскурсия раҳбари тайинланади, экскурсиянинг гид-бошловчиси тайинланади ва экскурсия лойиҳаси тасдиқланади.

Экскурсия хизматини ўтказиш жараёни 3 қисмдан иборат бўлади: кириш, асосий қисм ва хulosалар.

1. Экскурсиянинг кириш қисми асосан 2 бўлимдан иборат ҳисобланади:

❖ Экскурсия гуруҳи билан танишув;

❖ Экскурсиячиларнинг экскурсия маршрутида бўлган пайтида ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш ҳақида кўрсатиладиган чора-тадбирлар (хавфсизлик мезонлари);

❖ Ахборотлар (мавзу ҳақида қисқача ахборот, маршрут муддатлари ҳақида, экскурсиянинг бошланиши ва тугаши, санитария-тиббиёт ҳолати, экскурсия чиларнинг таъсуротлари).

2. Асосий қисм—бу қисмда асосан экскурсия қатнашчиларига экскурсия ҳақида қисқача ахборотлар берилади. Шунингдек, экскурсиячиларга бошқа экскурсиялар ҳақида ахборотлар ҳам этказилади.

3. Экскурсиянинг хulosалари қисмидаги экскурсиянинг ўтказилганлиги ҳақида ҳисобот тайёрланади ва муҳокамага қўйилади, сўнгра тасдиқланади.

Бу босқичда экскурсияни ишлаб чиқиш 15 та жараённи ўз ичига олади:

1. Экскурсиянинг мақсади ва вазифаларини аниқлаш;

2. Мавзуни танлаш;

3. Адабиётларни таҳлил қилиш ва адабиётларнинг рўйхатини тузиш;

4. Мавзу бўйича музей фондлари ва тегишли адабиётларни танлаш;

5. Экскурсия обьектларини танлаш ва ўрганиш;

6. Экскурсия маршрутларини тузиш;

7. Маршрутни олдиндан айланиб, кўриб чиқиш;

8. Экскурсиянинг обьектларини кўриб чиқиш;

9. Экскурсиячи «портфелини» жамлаштириш;

10. Экскурсияни ўтказиш методларини аниқлаш;


11. Экскурсияни ўтказиш техникасини белгилаш;

12. Методик ишланмаларни тузиш;

13. Экскурсия маршрутини ишлаб чиқиш;


14. Экскурсия лойиҳасини топшириш;

15. Экскурсияни тасдиқлаш.




14-Чизма. Экскурсия хизмати кўрсатимини ташкил қилиши

Экскурсия мазмуни ва моҳияти жиҳатидан экскурсиячи + экскурсант + экскурсия объекти бир схемада бир-бири билан боғлиқ ҳолда бир мажмууда ишлаши лозим бўлади (14-Чизма).



### 15–Чизма. Гид-экскурсия хизматларидан самарали фойдаланиши методикалари

Экскурсия хизматининг методикалари экскурсияшуносликнинг асосий қисми ҳисобланади. Экскурсия хизматлари методларининг вазифаси экскурсияшуносликда ва экскурсия хизматларида туризм мутахасисларига ёрдам бериш ҳисобланади. Куйидаги жараёнда экскурсиянинг мақсади ва экскурсия жараёнининг чизмаси кўрсатилган (16-Чизма)



### 16-Чизма. Экскурсия хизматининг мақсади ва экскурсия жараёни

Экскурсавод экскурсияни ишлаб чиқищдан то экскурсияни ўтказгунча фақат экскурсия методларига суюнади. Экскурсия методлари экскурсия объектларини баҳолашда ҳам, экскурсия ахборотларида ҳам, экскурсия мазмунини эшитишда ҳам ишлатилади. Яни экскурсавод йўл-йўлкай экскурсия методлари бўйича экскурсиячилар билан мулоқотлар қилиб боради (17-Чизма).


Расмни таҳлил қилганимизда ушбу ҳолатдаги объектни экскурсия чиларга томоша қилдиришда экскурсавод маъруза методини қўллайди. У объектнинг жозибадорлигини сўз билан исботлайди. Экскурсиячилар эса кўриш, эшитиш таъсуротлар олишда экскурсия методларининг экскурсавод томонидан ишлатилаётганлигини сезмай ҳам қоладилар. Шу тариқа экскурсия жараёни юз беради. Экскурсия жараёнида объектнинг тавсифи-изоҳлари экскурсавод

томонидан кетма-кет, босқичма-босқич амалга оширилгандагина экскурсиячилар экскурсиядан ўзлари кутган нарсани оладилар, яни ишонч ҳосил қиладилар.



### 17-Чизма. Экскурсия хизматининг экскурсиячилар билан мулоқотлар олиб бориши методлари

Экскурсовод методлардан фойдаланиб экскурсиядаги компонентларнинг (экскурсовод+объект+экскурсантлар) ўзаро ҳаракатини бирлаштиради. Ушбу ҳолатда экскурсия жараёни юз беради (18-Чизма).



### 18-Чизма. Мукаммал экскурсиянинг ҳосил бўлиши жараёни

Шундай қилиб экскурсия хизматида экскурсия объектларини кўрсатишнинг қўйидагилар энг кўп ишлатиладиган қулай усуллар ҳисобланади:

**1. Олдиндан қўриш, томоша қилиш усули.** Бу усулни иккига бўлиш мумкин. Биринчи қисмда экскурсантлар ўзлари томоша қила бошлайди. Кейин экскурсовод объектнинг қурилишдан бошлаб у билан боғлиқ маълумотларни аста-секин ахборот тариқасида гапира бошлайди.

**2. Панорама усулида қўрсатиш–баланд жойдан катта ҳудудларни кўрсатиш ва таништира бориши.** Масалан, Чўпонота қирларидан туриб Самарқанд шаҳрининг тарихий обидалари ва баланд миноралари ҳақида экскурсия ўтказиш мумкин.

**3. Кўриб қайтадан тиклаш усули** – экскурсовод объектнинг даставвал қандай бўлганлигини ишончли маълумотлар асосида ҳикоя қила бошлайди ва тиклайди

**4. Кўришда мантаж** (қайта ишлаш) усули бу усул ҳам олдинги-кўриб қайтадан тиклаш усулига ўхшаб кетади;

**5. Воқеаларни йиғиш усули**—айнан воқеа содир бўлган жойда экскурсо вод экскурсантларнинг бу воқеа ҳақидаги барча фикр ва билимларни йигади;

**6. Кўришни таққослаш усули**—Объектни бошқа обьектлар билан таққослаш (баландлиги, усули, кенглиги, сирлилиги, катталиги, тарихийлиги, қандай дир воқеаларга боғлиқлиги ва бошқалар).

### **Экскурсия хизматларида гид-экскурсиячи фаолиятини баҳолаш методикалари.**

Ҳар қандай касб меҳнат фаолият билан боғлиқ бўлиб шу касбнинг асосий хусусиятларини белгилайдиган билим ва тажрибага эга бўлишни талаб қиласди. Бундай билимлар ушбу касб йўналишидаги таълимни ўрганишдан, тажриблар эса меҳнат фаолияти давомида ўзлаштирилади. Шунинг учун ҳам гид-экскурсоводга, унинг малакавий касбига қўйиладиган талабларнинг дастлабкиси қўйидагилардан иборат бўлиши лозим:

1. Интеллектуаллик;
2. Ўз-ўзига ишончлилиги, қатъийлиги;
3. Жавобгарлик;
4. Шахс-мутахасис сифатида ўзига ишониши ва бошқа ижобий хусусиятлари;
5. Касбий маҳоратига ишониши юзасидан юқори поғоналарда туришини хис қилиш.

Гид-экскурсовод касбини эгаллашда эса қўйидаги хусусиятларга эга бўлиши талаб қилинади:

1. Ташкилотчилик;
2. Ҳар томонлама дунёқарашга эга бўлиш;
3. Маданиятлилик;
4. Таҳлил қила билиш.

Гид-экскурсиячи фаолиятини баҳолашда қўйидаги талаблар қўйилади. Яъни гид-экскурсиячи қўйидаги малакавий ишларини бажаришга қобилиятли бўлиши лозим:

- Маълум бир мавзуга оид экскурсия маршрутларини йига билиши ва янги экскурсия маршрутини тайёрлай билиш;
- Экскурсиянинг методларини (технологик карта, маршрутлар схемаси, экскурсиянинг дастури, экскурсияни ўтказиш методлари ва бошқалар) яхши билиши ва амалда эркинлик билан қўллай олиши;
- Экскурсиянинг ўтиши давомида янги методларни қўллай билиш;
- Экскурсиянинг йўл-йўлакай янги ахборотларини тайёрлай олиши;
- Эксурсия давомида кўргазмали қуроллар билан ишлай олиши, уларни уларни тайёрлаб қўйиши;
- Эксурсиячиларни (гурухларни) бошқара билиши;
- Эксурсияларни реклама қила билиш.

Гид-эксурсиячининг вазифасига эса қуидаги мажбуриятлар киради:

- Эксурсияшуносликни яхши билиш;
- Эксурсия объектларини яхши билиш;
- Эксурсия маршрутларини ишлаб чиқа олиши;
- Янги экскурсияларни ишлаб чиқа олиш;
- Эксурсия хизматлари бозоридаги ўзгаришларни ўз вақтида тушиниб олиши ва янги эксурсия маҳсулотларини ишлаб чиқа олиши;
- Эксурсиянинг методларини яхаши ўзлаштириш ва янги методикалари бўйича маъruzалар қила билиш;
- Эксурсияларни моҳирлик билан бошқара билиш;

### **Эксурсиячи мутахасислигини эгаллаш босқичлари**

<b>Босқичлар</b>	<b>Жараёнларнинг номланиши</b>	<b>Харакат жойлари</b>
I	Одамлар билан маданий-оммавий ишларни ўтказиш қизиқишиларининг ҳосил бўлиши	Ёшлиқда клублардаги тадбирлар га қатнашиш, мактабдаги умумий таълимдаги қизиқишилар
II	Мутахасислик бўйича системали таълим олиш	Мустақил равишда қизиқишилар, коллеж ва институтларда ўқиши
III	Касбий маҳоратни эгаллаш учун ишлаш жараёнларни ташкил қилиш	Эксурсиячилар тайёрлаш курс ларида ўқиши, туризм мутахасс ислиги бўйича олий таълимда таҳсил олиш
IV	Мутахасислик бўйича касбий маҳоратини ошириш, мустақил ишлай олиш	Тажрибали экскурсиячилардан ўрганиш методларни ўзлаштириш, малака ошириш

**Гид-эксурсиячининг шахсий фазилатларига қўйиладиган талаблар** қуидагилардан иборат бўлади: ёқимли ташқи кўриниш; эътиборли; кучли хотира; ишда ижодий ёндашув; тез қарор қабул қилиш қобилияти; ташкилотчи; ўзига ишонувчан; дунёкараши кенг; нутқ маданияти, тўғри талафузга эга бўлиши, сўз бойлигига эга бўлиши керак.

**Шахсий фазилатларга тўғри келмайдиган кўрсатмалар:** юрак қонтомири касалликлари билан оғриганларга, руҳий ва асаб тизимлари бузилган ларга, нутқида ва жисмоний камчилиги борларга бу иш тавсия этилмайди.

**Таянч сўз ва иборалар:** экскурсия, гид-экскурсиячи хизмати, гид-экскурсиячи, гид-экскурсиячининг вазифалари, гид-экскурсиячилик касбининг шаклланиши, гид-экскурсиячининг индивидуаллиги, гид-экскурсиячининг нутқ маданияти, гид-экскурсиячига қўйиладиган талаблар, гид-экскурсиячининг имо-ишоралари, гид-экскурсиячининг ўзини тутиш маданияти, экскурсия методикалари, шахсий фазилат, кўнукма, малака ошириш.

#### **Мавзу бўйича тест саволлари:**

1. Янги экскурсия хизматларини тайёрлаш асосан неча босқичда бажарилади?
 

A)3      Б) 4      С) 5      Д) 6
2. Баланд жойдан катта ҳудудларни қўрсатиш ва таништириш экскурсия объектларини қўрсатишнинг қайси усулига киради?
 

А) Панорама усулида қўрсатиш усули

- Б) Олдиндан кўриш, томоша қилиш усули  
С) Кўриб қайтадан тиклаш усули  
Д) Воқеаларни йиғиш усули
3. Қисқа муддатли сафар ёки саёҳат, саёҳатга жўнамоқ, саёҳат қилиб келмоқ маъноларини англатувчи сўз қайси қаторда келтирилган?
- А) экскурсия    Б) туризм    С) саёҳат    Д) гид-экскурсавод
4. Тунаб қолмайдиган ва экскурсия маршрутида 24 соатдан кўп бўлмайдиган ким?
- А) экскурсант    Б) экскурсаворд    С) турист    Д) саёҳатчи
5. «Экскурсия-ўраб турувчи дунёни кўз билан кўриб ҳис қилиш жараёнидир»  
А) Б.В.Емельянов    Б) Т.Кук    С) Ж.Кук    Д) А.Квартальнов

## **8-Мавзу. ТУРИСТИК МАРШРУТЛАРНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

Режа:

- 8.1.Туризмда туристик маршрутнинг истиқболли йўналишларни аниқлаш  
8.2.Туристик маршрутларнинг истиқболли йўналишларини ишлаб чиқишидаги талаблар

### **8.1.Туризмда туристик маршрутларнинг истиқболли йўналишларни аниқлаш**

Туристик маршрутларнинг истиқболли йўналишларини ишлаб чиқиш биринчидан, мамлакатдаги туристик ресурсларнинг дунё мамлакатларидаги аҳолининг қай даражаларда билишликлари, иккинчидан, туризм ресурслари нинг турли-туманлиги, учинчидан, туристик ресурслар ҳақида турмаҳсулот ишлаб чиқилганинига ва тўртинчидан, туризм статистикаси маълумотларини доимий кузатиб бориши ва туристик оқимни яхши билиши ва бешинчидан, турмаҳсулотларнинг замонавий туризм рекламаларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ ҳисобланади.

Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент шаҳаларимизни дунёнинг ўқимишли аҳолиси яхши билади ва ҳозирги ички ва халқаро туристик оқимлар ҳам асосан ушбу шаҳарларга тўғри келмоқда. Бу туристик оқимларнинг пасайиши ёки кучайиши туризм инфратузилмаларини ва хизматларини ҳозирги замон туризми талабларида бажариб боришни сусайтиришимиз ёки кучайтириши мизга боғлиқ.

Ҳар ҳолда ҳозир Ўзбекистонда маданий-тарихий туризми билан диний - зиёрат туризми ривожланиб бормоқда. Истиқболда ҳам бу туризм турларининг мавқеъи пасаймайди. Мутахассисларнинг фикрича келгуси истиқболда Ўзбекистонда экологик туризм ва диний-зиёрат туризмлари кучли ривожла нади. Бизнинг башоратларимиз ҳам худди шундай. Лекин, туризмдаги ҳар-хил фикрлар, холосалар ва башоратлар ҳам аниқ ҳисоб-китобларга асосланишини талаб қиласди. Энг муҳими, эртанги истиқболда ҳалқаро ва ички туристларни жалб қилувчи туристик ресурсларнинг ва имкониятларнинг борлиги ёки

йўқлигини яхши билиш керак ва янги ишланадиган туристик маршрутлар қайдаражаларда харидорбоп бўлишини ҳам олдиндан кўра билиш лозим.

Мамлакатимизда туризмнинг ҳозиргача бўлган давридаги ривожланишидан маълум бўлмоқдаки, Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятидан на ички туризмда на халқаро туризмда тўлиқ фойдаланаолмаяпмиз. Мамлакатимиз мустақиллигидан кейин дин-зиёрат эркинлигидан кейин халқимизнинг диний-зиёратгоҳ манзилу-маконларни обод қилиши, муҳаддас зиёратгоҳларга эркин бориб келиши тўлиқ таъминланди. Халқимиздаги бу қўтаринкиликтан туризмдаги мутахассислар, туризмдаги тадбиркорлар ва туристик фирмалар тезкорлик билан фойдаланишлари лозим эди. Лекин бундай ҳолат тўлиғича юз бермади.

Бунинг биринчи сабабларидан бири туристик фирмалар ва туристик ташкилотлар Республикаиздаги вилоятларнинг барча туманларидаги зиёратгоҳларнинг рўйхатини олиши, уларнинг мазилларини аниқлаши, таъриф-тавсифлари билан зиёрат хусусиятларини мукаммал ёзib чиқиши керак эди. Биздаги маълумотлар ва кўп жойларда эркин сўровлар ўтказишнинг натижаларидан маълум бўлдики, бир вилоятда яшаётган аҳолининг 60-70 % лари бошқа, ҳаттоқи қўшни вилоятлардаги зиёратгоҳларни яхши билмайди, 50-55% и зиёратгоҳлар ҳақида эшитишган лекин аниқ манзилини билмайди, 12-17% и излаб борса бўлади жавобини беришди.

Шунинг учун ҳам фикримизча, истиқболда ички туризмда ҳам халқаро туризмда ҳам диний-зиёрат туризмини ривожлантиришнинг жуда катта салоҳиятлари борлигини ҳисобга олиб ички ва халқаро туризм бозорига ишлаб чиқиладиган туристик маршрутлар истиқболли ҳисобланади.

Туризмдаги турларнинг келиб чиқиши жиҳатидан зиёрат туризм энг қадимий турлардан ҳисобланади. Чунки дастлаб инсон ўзида пайдо бўлган эътиқод ҳисси нуқтаи-назаридан ўз динидаги баркамол инсонлар, авлиё ва шайхлар, кейинчалик уларнинг қабрларига сифинди, бу ҳаракатлари унга хотиржамлик, осойишталик келтиришни сезди. Бундай зиёратлар кўчувчан, ҳаракатланиш хусусиятига эга бўлганлигидан туризмда зиёрат туризми номини олди.

Зиёрат туризмининг ривожланишини ҳар бир давлатда икки йўналишга бўлиш мумкин. Биринчи йўналиш-ички зиёрат туризмини ташкил қиласди. Бу йўналишда бир давлат ичидағи халқлар, элатлар, миллатлар ўз давлати ҳудудларидаги зиёратгоҳ масканларни яхши билишади ва ўз динидаги машҳур авлиёлар, шайхларга ёки муқаддас жойларга бориб зиёратни амалга оширишади. Зиёрат туризмдаги иккинчи йўналишни бир мамлакатдаги зиёратчиларнинг бошқа бир давлатдаги ўз дини раҳномалари, авлиёларининг қабрлари ёки бошқа муқаддас жойларга зиёрат, сифиниши учун қилган сафарлари тушунилади.

Зиёратгоҳ манзилларидан ички туризмда фойдаланишда республикамиз ҳудудларидаги барча зиёратгоҳлардан фойдаланилади. Бунда диндаги эътиқодларга қараб қайси зиёратгоҳларга қанча турист келганлигини аниқлаш, уларга хизматлар кўрсатишни ўрганиш орқали истиқболдаги ишларни режалаштириш мумкин.

Зиёрат туризмдан халқаро мақсадларда фойдаланилганда мамлакат имиздаги диний зиёратгоҳлардан қайси бирлари ёки қанчаси халқаро миқёсда таниш ёки маълумлиги аниқланади. Масалан, ислом динидаги авлиёлар ёки муқаддас жойлар маҳаллий аҳамиятга эга бўлса бу зиёратгоҳни халқаро миқёсда реклама қилишдан бирон-бир натижа чиқмайди. Масалан, вилоятнинг маълум бир туманидаги диний зиёратгоҳ ўз овозаси, мавқеи бўйича фақат тумандаги зиёратчиларни жалб қилаолади.

Зиёратгоҳлардан фойдаланишдаги яна бир йўналиш ҳар бир мамлакатда бошқа диндаги авлиёларнинг, пайғамбарларнинг зиёратгоҳлари борлигини ва бу зиёратгоҳларни халқларнинг қанчалик даражада билишлари билан боғлик бўлади. Ҳар бир давлатда бундай жойлардан халқаро туризмда фойдаланиш мамлакат иқтисодиётига катта даромад келтиради. Бунда энг биринчи навбатда зиёратгоҳларни туристлар ташрифига тайёрлаш, атрофида хизматлар инфратузилмаларини ташкил қилиш ва сўнгра ички ва халқоро туризм бозори учун реклама, ахборот манбаларини тарқатиш лозим бўлади.

Масалан, Самарқанд вилоятидаги “Ҳазрати Довуд пайғамбар” ғори ва “Дониёр ота” зиёратгоҳлари ана шундай имкониятларга эга бўлган, ички ва халқаро туризм оқимини ташкил қилишга асос бўладиган муқаддас зиёратгоҳлардан ҳисобланади. Ҳазрати Дониёр отани бошқа миллатлар, асосан руслар, рус тилида гаплашувчилар Отец Даниэл, пророк Даниэл деб аташади ва юқори даражада бу улуғ инсон таълимоти ва қабрини эъзозлашади.

Шу ўринда қайд қилиш лозимки, Дониёр ота қабрини ислом динидагилар, хиристианлар ва католиклар, иудизм эътиқодидаги динлар ёки дунёнинг асосий 3 дини эътиқодидагилар ҳам зиёрат қилишади. Ана шундай улуғ авлиёларнинг қабрлари ватанимиз тупроғида эканлигининг ўзи ҳам “Ўзбекистонга оллоҳнинг назари тушган” деган ҳикматли гапнинг тўғрилигини тасдиқлайди.

Худди шундай зиёратгоҳ мисолида Довуд пайғамбар ғорини келтириш мумкин. Довуд пайғамбарни чет элликлар пророк Давид деб аташади. Бу пайғамбарни Марказий Осиё халқлари темирчиликнинг пири деб билишади. Бу ғорда зиёратда бўлғанлар собиқ советлар республикаларидан айниқса, Болтиқ бўйи давлатларидан, Украина, Белоруссия ва Россия давлатларидан кўплаб туристлар келиб-кетишаётганликларини, улар ҳам Ҳазрати Довуд пайғамбарни ўзларининг темирчилиги пири деб билишларини ҳикоя қилишади. Шунинг учун ҳам бундай муқаддас зиёратгоҳларни дунё миқёсида реклама қилиш республикамида халқаро туризмни ривожлантиришда кутилган натижаларни беради.

Маҳаллий аҳолида аксарият ҳолларда ўзига ҳос мақсад бўлади. Бу мақсад оиласининг тинчлиги ёки болаларни баҳти-саодати учун ўз ота-боболари сифинган авлиёлар қабрини зиёрат қилишга интилиш. Яна бир мақсад шунга қаратиладики, оилада ишнинг юришиб кетиши ёки ҳосилнинг тўқис бўлиши ёки сафарнинг эсон-омон бўлиши учун азиз-авлиёларнинг қабрларини зиёрат қилишни маълум бир мақсад асосида режалаштирилади. Ҳалқимизнинг зиёратгоҳларга ташриф буюриши ғоятда турли-тумандир.

Бу холатда зиёратга боришини мақсад қилиш жуда кўп сабабларга бўлади. Бази бир оилалар фарзандли бўлиш учун, базилари қурбонлик қилиш учун,

базилари эса оиласдаги инс-жинсларни ҳайдаш учун, базилари омадли бўлиш, ишлари юришиб кетиши учун узок–узоқлардаги мукаддас жойларга сафарга чиқишиди.

Зиёратгоҳларга сифинишга, зиёратга боришдан ҳамма ҳалқларда ҳам фақат яхши ниятлар, яхши истаклар, яхши режалар асосида юзага келади. Инсонлар нинг бу истаклари, мақсадларининг бажарилишида диний зиёратгоҳларнинг маънавий-тарбиявий аҳамияти бекиёсdir. Чунки, зиёратга бориб келган хар қандай кишида ўзига хос хотиржамлик, тинчлик, ишонч ҳосил бўлиши қадимдан маълум жараёндир.

Зиёратгоҳлардан туризмда фойдаланишда биринчи навбатда ички туризм мақсадларини белгилаб олиш зарур бўлади. Бунинг учун дастлаб диний зиёратгоҳ масканларини тўлиқ рўйхатдан ўтказиш, таъриф ва тавсияларни ёзиш, ушбу масканларнинг зиёратга чорловчи хусусиятларини яхши ўрганиш ва зиёратгоҳ атрофида хизматлар кўрсатиш инфратузилмаларини яратиш талаб қилинади. Республикаизда ҳозирга келиб маълум бўлмоқдаки, ислом дини таълимотининг дунёга машҳур бўлган вакилларининг жуда кўпчилиги ватандошларимиз ҳисобланади ва уларнинг мангулик билан боғлиқ ишлари, фаолиятлари ва қабрлари жойлашган зиёратгоҳ жойларни ҳалқимизнинг билиш даражаси ўрганилмаган.

Жаҳондаги барча давлатларида ўзларининг зиёрат туризми бор. Чунки ҳар бир давлатларда яшаётган ҳалқларнинг ўз диний йўналишлари ва бу йўналишларда машҳур бўлган диндорлар ва авлиёлар яшаб ўтган. Бу кишилар нинг фаолияти бошқа элларда, ҳалқларда машҳур, таниш бўлмаганлигидан айнан шу давлатда зиёрат туризм ҳалқаро миқёсда ривожланмаслиги ва зиёрат туризм бир давлат ичида гина ривожланиши мумкин.

Иккинчидан, зиёрат туризмидаги машҳур авлиёларнинг қабрлари жойлашган ерлар, масканлар ҳақида дунё бўйича етарли ахборотларнинг тарқатилмаганлиги, ишончли маълумотларнинг реклама қилинмаганлиги ҳам ушбу масканларда ҳалқаро туристларни жалб қила олмайди. Шунинг учун ҳам зиёратгоҳ жойлардан ички туризмда ҳам, ҳалқаро туризмда ҳам фойдаланиш масалаларини, муаммоларини ўрганиш туризмни ривожлантиришда жуда дозарб масала ҳисобланади.

## **8.1.Туристик маршрутларнинг истиқболли йўналишларини ишлаб чиқишидаги талаблар**

Республикаизда зиёрат туризмини ривожлантиришдаги яна бир муҳим долзарб масала шундан иборатки, Республикаиздаги зиёратгоҳ жойлар, масканларга туристик маршрутлар ишлаб чиқилмаганлигидан, зиёрат туризми имкониятларимиз даражасида ривожланмасдан қолмоқда. Бу ҳолатда муҳим бир масалага эътибор бериш зарурки, зиёратгоҳ масканларга туристик маршрутларга ташкил қилишгина бу жойларда туристларга хизмат қилувчи инфратузилмаларни юзага келтиради. Чунки, маълум бир туристик обьектга турист оқимининг кўпайиши албатта эҳтиёж нуқтаи-назаридан уларга хизматлар қилувчиларни чорлайди. Натижада туристларнинг эҳтиёжларини

сезган маҳаллий ахоли туристларга мажмуали хизматларни таклиф қила бошлади.

Қайд қилингандардан ҳулосалар шундан иборатки, Республикаизда зиёрат туризми обьектлариға туристик маршрутлар ишлаб чиқиш туризмдаги истиқболли йўналишларидан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бундай муқаддас зиёратгоҳларни дунё миқёсида реклама қилиш Республикаизда ички ва ҳалқаро туризмнинг ривожланишига ижобий таъсир қилади.

Зиёратгоҳ масканлардан ички ва ҳалқаро туризмда фойдаланишда жуда катта имкониятлар бор. Биргина саҳоба Саъд ибн Абу Ваққос–Авлиё ота зиёратгоҳи бу фикримизга мисол бўла олади. Бу инсоннинг номи бутун ислом оламига таниш бўлганлиги, Мұхаммад (с.а.с.) пайғамбаримизнинг, тоға авлодларидан бўлганлиги, яқин сафдошларидан бири эканлиги, пайғамбаримиз бу улуғ зотни беҳад ҳурмат қилганлиги ва жасур лашкарбоши бўлганлиги учун ҳам бу зиёратгоҳга ҳалқаро ислом олами миқёсида туристларни жалб қилиш мумкин. Саъд ибн Абу Ваққос ғайридинлар билан жанг қилган (Жиззах вилояти, Фаллаорол тумани). Жангда унинг бир бармоғи қирқилиб қони тўкилган жой 1500 йилдан бери азиз зиёратгоҳ ҳисобланади. Зиёратгоҳда ўша давр манбаларида қайд қилинган шифобахш булоқ оқиб турибди.

Шу ўринда саҳобалар ҳақида қисқача тўхталамиз. Мусулмон умматининг биринчи авлодларидан бўлган саҳобалар, ҳақиқатда инсоният тарихидаги улуғ зотлардир. Мусулмонларнинг бу авлоди аллоҳ таолонинг каломида тилга олинган, Мұхаммад Пайғамбаримизнинг(с.а.с) ҳадисларида мақталган, мусулмонлар жумҳури томонидан мадҳ этилган ва этилаётган саодатманд бир авлоддир. Саҳобалар ер юзида иймоннинг барқарор бўлиши, Аллоҳ таолонинг тавҳиди ширк ва қуфрдан устун келиши учун молларию, жонларини фидо қилган, бу мақсад йўлида дуч келган барча тўсикларни сабитқадам билан енгиб ўтиб мислсиз қаҳрамонлик кўрсатган буюк инсонлардир.

«Саҳоба» сўзи луғатда—«дўстлик» ва «йўлдош бўлмоқ» маъноларини англатади. Али ибн Мадинийнинг (р.а.) таърифи бўйича «Расулуллоҳ(с.а.с.) билан сұхбатлашган ёки бир соат бўлса ҳам ўнгиди У зотни кўрган киши саҳобадир». Имом Бухорий (р.а.) шундай таъриф қилганлар—«Расулуллоҳ (с.а.с.) билан сұхбатлашган ёки У кишини кўрган ҳар бир мусулмон У зотнинг саҳобаларидандир».

Расулуллоҳ (с.а.с.) вафотларидан кейин саҳобалар ҳам туғилиб ўсан, ўзлари севган ватанларини ташлаб Аллоҳ таоло розилиги ҳамда муқаддас ислом динини ер юзига тарқатиш учун турли юртларга тарқалиб кетдилар. 1-Хижрий асрнинг ўрталарида Мовороуннаҳр диёрига ислом кириб кела бошлади. Биринчи келган фотиҳлар орасида кўплаб саҳобаларни учратиш мумкин. Бунга Мовороуннаҳр заминида уларнинг қабрлари борлиги ёрқин далилдир. Расулуллоҳ(с.а.с.)нинг амакиси Қусам ибн Аббос (Шоҳизинда), тоғаси Саъд ибн Абу Ваққос, яқин сафдоши Абдураҳмон ибн Авфлар (Сурхондарёда, Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида кабр тошлари бор) шулар жумласидандир.

Пайғамбар (с.а.с.) шундай марҳамат қилган—«Эй Саъд, ота-онам сенга фидо бўлсин». Ҳазрати Саъд (р.а.) Абубакр Сиддик воситасида исломга кирган беш

зотнинг учинчиси, Маккалик мусулмонларнинг эса олтинчиси эди. Ашаран мубашшарадан (яъни Аллоҳ таоло номидан жаннатга кириши башорат қилинган саҳобалардан бири) Саъд олтинчи отада Пайғамбаримизнинг сулолалариға боғланади. Саъд ибн Абу Ваққос бану Зухра қавмидан бўлиб Пайғамбар нинг(с.а.с.) тоғалариридир. Бу ҳақда Расулуллоҳ(с.а.с.)- «Мана бу киши менинг тоғам! Қани бошқалар ҳам ўзининг шунаقا тоғасини кўрсатсин-чи» деган.

Ислом оламида машҳур Бухоройи Шарифда яшаган ва бу улуғ шаҳарда дағн қилинган, ўтмишда ва ҳозирда ҳам Бухоролик 7 азиз-авлиёлар бўлиб келаётган, ислом оламидаги 40 пирларнинг Бухоролик 7 пирлар (хожа Абдухолик Ғиждувоний (қабри Ғиждувон шаҳрида), хожа Ориф Ревгарий (қабри Шофиркон шаҳрида), хожа Маҳмуд Фағнавий (қабри Вобкент туманида), хожа Али Рометаний (қабри Рометан туманида), хожа Муҳаммад Бобойи Сомосий (қабри Рометан туманида), хожа Сайд Мир Кулол (қабри Когон туманида), хожа Баҳоуддин Нақшбанд (қабри Бухоро шаҳрида) нинг зиёратгоҳлари, улуғ муҳаддис Ал-Ҳаким ат-Термизий (Сурхондарё) зиёратгоҳлари, саҳоба Абдураҳмон ибн Авғанинг (Сурхондарё) қабри зиёратгоҳлари ватанимизда ҳам ва бутун ислом оламида ҳам азиз, муқаддас бўлиб қолишида ишлаб чиқиладиган туристик маршрутлар муҳим ўринни эгаллайди.

Ички ва халқаро зиёрат туризмини ривожлантиришда амалга оширила диган ишлар оддий бўлишига қарамасдан мамлакатимизда туризмни ривожлантиришда тарихий шаҳарларимизга таклиф қилувчи турмаҳсулотларни ишлаб чиқиш ва туризм бозорига чиқаришга куч берилмоқда. Ваҳоланки, халқимиз нинг барча ижтимоий-иктисодий қатламларига, ёш таркиблариға мос келувчи зиёрат туризми маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва туризм бозорига чиқариш вақти келди. Маълумки, халқимиз азалдан ватанимиздаги барча зиёратгоҳларни азиз ва муқаддас билиб келишади. Ички зиёрат туризмини ривожлантиришда халқимиздаги бу улуғ одатни ва хусусиятларни этиборга олишимиз, зиёрат ахборотларини, шароитларини яратишимиш лозим.

Зиёрат туризмida истиқболли туристик маршрутлар ишлаб чиқиш учун қўйидаги вазифаларни бажариш белгиланиши лозим;

- ❖ зиёратгоҳ манзилларнинг халқнинг тарихий-маданий, миллий меъроси эканлигини эътироф этиш;
- ❖ зиёратгоҳларда дағн этилган авлиёлар, шайхлар ва халқнинг ҳурматли, ардоқли фарзандлари эканлигини, халқлар орасидаги обрўли, халқпарвар инсонлар бўлганлигини, ҳозирда ҳам уларнинг руҳига иззат-ҳурмат кўрсатила ётганлигини эътироф этиш;
- ❖ барча зиёратгоҳ мазилларни рўйхатга олиш, таъриф ва тавсифларини ёзиш, оммабоп рисолалар, ўқув услубий қўлланмалар яратиш;
- ❖ зиёратгоҳ манзилларида жойлаштириш, овқатлантириш, дам олиш ва гид-экскурсия хизматлари ҳақида харита-схема- ахборотномаларни яратиш;
- ❖ зиёратгоҳ манзилларга ички ва халқаро туристик маршрутлар ишлаб чиқиш.
- ❖ зиёратгоҳ манзилларининг рекламасини ишлаб чиқиш.

Зиёрат туризмida истиқболли туристик маршрутлар яратишдан мақсад Пайғамбаримиз Муҳаммад(с.а.с) нинг сафдоши, олтинчи авлодда тоғаси, Бадр

ва Ухуд жангларида унинг ҳаётини сақлаб қолувчиларидан бири бўлган, Марказий Осиёга ислом динини тадбик қилишда Ватанимиз тупроғида қони тўкилган жасур саркарда, лашкарбоши, сахоба Саъд ибн Абу Ваққос, сахоба Абдурахмон ибн Авф, Бухоролик 7 пирлар ва ислом таълимотининг асосчилари дан бўлган улуғ алломаларнинг ватанимиздаги зиёратгоҳлари ҳақида халқимиз га, Марказий Осиё халқларига, Дунё ислом аҳлига улар тушунадиган тилда ахборотлар бериш ҳисобланади.

Юқорида келтирилган фикр–мулоҳазалардан келиб чиқадиган хуносалар шундан иборатки,ички ва халқаро турзмда зиёрат туризми учун истиқболли туристик маршрутлар яратиш учун режалаштирилган ишлар қўйидаги босқич ларда амалга оширилиши лозим бўлади.

**1-босқичда** ислом оламидаги улуғ алломаларнинг ҳаёти ва улар яратган таълимотлар,манбалар ўрганилади. Уларнинг зиёратгоҳлари, қабр тошларини ўрганиш учун исломшунос олимлар иштирокида илмий экспедициялар ташкил қилинади. Зиёратгоҳларга боришининг энг қулай йўллари танланади. Зиёратгоҳлар атрофидаги овқатланиш ва дам олиш хизматлари,туристик инфратузилмалар, меҳмонхоналар ҳақида маълумотлар тўпланади. Сахоба Саъд ибн Абу Ваққос авлиё ота зиёратгоҳига туристик маршрут ишлаб чиқилади (Жиззах вилояти).

**Кутиладиган натижалар;** Тўпланган маълумотларни таҳлил қилишдаги натижалар режалаштирилган ишларнинг мақсади ва вазифаларини бажаришга асос бўлади. Халқаро туризм бозорига ўзбек, араб ва рус тилларида ишлаб чиқилган мукаммал туристик маршрут ва ахборотлар чиқиши натижасида бутун ислом олами ва ватанимиз аҳолиси Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.с.) нинг сафдоши ва тоғасининг ватанимизда бўлганлиги, унинг муборак қони тўкилган жойда 1600 йилдан бери муқаддас ва шифобаҳш булоқ оқиб турганлигини, бу жой халқимизнинг азиз зиёратгоҳига айланганлигини ва ушбу манзилга бориши йўлларини билишади. Албатда, Марказий Осиё, хорижий ислом мамлакатларидан ва Республикамиз вилоятларидан келувчи зиёратчи-туристларнинг оқими кучаяди.

**2-босқичда** Улуғ имом Ал-Бухорий зиёратгоҳига; хожа Убайдуллоҳ Ахори Вали зиёратгоҳига; Абдурахмон ибн Авфнинг( р.а.) қабр тоши зиёратгоҳига; Довуд пайғамбар, Дониёр пайғамбар зиёратгоҳларига мукаммал туристик маршрутлар ишлаб чиқилади (Самарқанд шаҳри ва вилояти).

**Кутиладиган натижалар;** Улуғ имом Бухорий, Нақшбандия тариқатининг кутби-хожаси Убайдуллоҳ-хожа Ахор Вали, Ислом оламида ва христиан динида ҳам пайғамбарлардан ҳисобланган, (Довуд пайғамбар ва Дониёр пайғамбар) бирининг муқаддас қабри жойлашган, бирининг афсонавий қадамжойлари бўлган азиз зиёратгоҳларга; Пайғамбаримизнинг яқин сафдоши Абдураҳмон ибн Афнинг қабр тоши зиёратгоҳи ҳақида халқаро туризм бозори га ўзбек, араб ва рус тилларида ишлаб чиқилган мукаммал туристик маршрутлар ҳақида ахборотлар чиқиши натижасида бу муқаддас зиёратгоҳларга бориши йўлларини билишади,халқаро ва ички туристик оқим кучаяди.

**3-босқичда** Бухоролик 7 пирларнинг муқаддас зиёратгоҳларига (Бухоро шаҳри ва Бухоро вилояти); Ал-Ҳаким ат-Термизий зиёратгоҳига; Абдурахмон

ибн Авфнинг(р.а.) қабр тоши зиёратгоҳига (Сурхондарё вилояти) ички ва халқаро туристик маршрутлар ишлаб чиқилади.

**Кутиладиган натижалар;** Халқаро туризм бозорига ўзбек, араб ва рус тилларида ишлаб чиқилган мұкаммал туристик маршрутлар ҳақида ахборотлар чиқиши натижасида Бутун ислом олами ислом динидаги 40 пирлардан 7 тасининг ватанимиздаги азиз зиёратгоҳларига, Ал-Ҳаким ат-Термизий зиёрат гоҳига; Абдурахмон ибн Авфнинг(р.а.) қабр тоши зиёратгоҳларига бориш йўлларини билиб олишади. Натижада ички ва халқаро миқёсдаги туристлар нинг оқими ҳосил бўлади.

Бу мұқаддас зиёратгоҳлар атрофидаги маҳаллий халқнинг иш бандлиги таъминланади, маҳаллий халқ туризм инфратузилмаларини яратадилар, танишиш натижасида халқаро ҳамдўстлик алоқалари кучаяди, Ўзбекистон ликларни халқаро ҳамжамият халқлари, эл-элатларининг билиб олиши кучаяди, хизматлар кўрсатиш натижасида миллий ғурури ва ижтимоий-иқтисодий даражалари ошади. Албатда бу мавзуларда ишлаб чиқиладиган туристик маршрутлар истиқболли турмаҳсулотлар бўлиши шубҳасизdir.

**Таянч сўзлар ва иборалар:** истиқболли туристик маршрутлар, зиёрат маршрутлари, ижтимоий-иқтисодий даражалар, халқаро зиёрат, маҳаллий зиёрат, халқаро ҳамдўстлик, мавзули туристик маршрутлар.

### **Мавзуни ўзлаштириш бўйича саволлар:**

1. Истиқболли туристик маршрутларнинг мазмuni ва моҳиятини тушунтириб беринг.
2. Туристик маршрутнинг истиқболли эканлигини қандай мезонлар билан аниқлаймиз?
3. Экологик туризм маршрутларини ишлаб чиқиш истиқболлимى?
4. Горшунослик туризми маршрутларини ишлаб чиқиш истиқболлимى?
5. Зиёрат туризми маршрутларини ишлаб чиқиш истиқболлимى?

### **Мавзу бўйича тест саволлари:**

1. Ҳозирда Ўзбекистонда туризмнинг қайси турлари ривожлан мокда?
  - А. Маданий-тарихий ва зиёрат туризмлари
  - Б. Экологик ва рекреация туризмлари
  - В. Спорт ва экскурсия туризмлари
  - Д. Илмий ва горшунослик туризмлари
2. Сахобалар кимлар?
  - А. Авлиёлар
  - Б. Шайхлар
  - В. -«Расулуллоҳ (с.а.с.) билан суҳбатлашган ёки У кишини кўрган ҳар бир мусулмон У зотнинг сахобаларидандир».
  - Д. Расулуллоҳ (с.а.с.) нинг замондошлари
3. Истиқболда туризмнинг қайси турлари ривожланади?
  - А. Экологик туризм
  - Б. Тарихий-маданий туризм
  - В. Рекреация туризми
  - Д. Спорт туризми

**4. Ҳозирда халқаро ва ички туристик оқим қайси шаҳарларимизда кузатилмоқда?**

- А. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива
- Б. Тошкент, Самарқанд, Шахрисабз, Фарғона
- В. Тошкент, Самарқанд, Хива, Наманган
- Д. Тошкент, Бухоро, Фарғона, Самарқанд

## **9-Мавзу. ТУРИСТИК МАРШРУТЛАРНИНГ ТАСНИФИ**

Режа:

- 9.1. Туристик маршрутларнинг мавзулари бўйича таснифланиши
- 9.2. Маршрутнинг ҳаракатланиш йўл даражалари, ҳаракатланиш воситалари бўйича таснифланиши
- 9.3. Об-ҳаво ўзгаришига боғлиқ ҳолда фаолият юритадиган туристик маршрутлар
- 9.4. Маршрутларнинг даражалари (категорияси) бўйича таснифланиши:

Туристик маршрутларни таснифлашда ҳозирда жуда кўп фикрлар билдирилалепти. Баъзи таснифлар туристик маршрут мавзулари бўйича ёзилмоқда. Туристик маршрутларни туризмдаги тур мавзулари бўйича таснифлаш мумкин. Чунки турнинг мавзуси маршрут шароитини билдирамайди. Масалан: экологик туризм маршрути туристни у ҳохлаган экологик масканга олиб боради. Экотуристик маршрут деганда ана шу экологик масканга қандай шароитда ва қандай воситалар ёрдамида етиб боришни тушуниш лозим бўлади.

Шунинг учун ҳам туристик маршрутларни ҳаракатланиш воситалари, йўллар, мавсумлар ва даражалари ва ҳакозолар бўйича таснифлаш мумкин. Лекин, шу ҳолатларни қайд қилиш мумкинки, амалиётда туристик маршрутлар таснифларининг қандайдир эътибор билан ишлатилиши унчалик самараларга ҳозирча эга эмас. Туристик маршрутларнинг таснифини ўрганиш фақат туризм соҳасидаги билимларни кўпайтиради холос.

### **9.1. Туристик маршрутларнинг мавзулари бўйича таснифланиши:**

- а) Экскурсия маршрутлари
- б) Рекреация маршрутлари
- в) Тарихий обидалар бўйлаб ўтадиган маршрутлар
- г) Якка тарихий обидаларга маршрутлар.
- д) Мажмуали тарихий обидаларга маршрутлар
- ж) Экотуризм маршрутлари
- з) Овчилик маршрутлари
- к) Зиёратгоҳ масканларга ишлаб чиқилган маршрутлар
- л) Сув ҳавзаларига маршрутлар
- м) Спорт – соғломлаштириш маршрутлари

**9.2. Маршрутнинг ҳаракатланиш йўл даражалари бўйича қуйидагicha таснифланади:** кўп ҳолларда бу йўллар маршрут трассалари деб аталади.

- а) Тўғри трассалар
- б) Айланма трассалар (тоғ йўллари)

- в) Тош йўллар
  - г) Маҳаллий йўллар
  - д) Сўқмоқлар
  - ж) Очиқ дала бўйлаб маршрутлар
  - з) Ўрмонзор ичидан ўтадиган маршрутлар.
  - к) Тоғдаги сўқмоқлар
  - л) Табиат минтақалари бўйлаб тавакалига юриладиган маршрутлар.
- Ҳаракатланиш воситалари бўйича** туристик маршрутнинг таснифи.
- а) Замонавий транспортда ҳаракатланиш маршрутлари (автомобил, автобус, велосипед, самолёт, ҳаво шарлари).
  - б) Махсус транспортда юриш маршрути (тоғларда, чўлда, маҳаллий йўлларда ЖИП, УАЗ машиналарида)
  - в) Маҳаллий аҳоли транспортида ҳаракатланиш маршрутлари (от, эшак, туя, арава).
  - г) Комбинациялашган маршрутлар (автомобил, поезд, самолёт, от, эшак, туя, арава, чанги).
  - д) Сув ҳавзаларидаги туристик маршрутлар (қайиқ, кема, катер, соллар).

**9.3.Об-ҳаво ўзгаришига боғлиқ ҳолда фаолият юритадиган туристик маршрутлар** баъзи ҳолларда мавсумий туристик маршрутлар деб ҳам аталади.

- а) Ёзги маршрутлар
- б) Кузги маршрутлар
- в) Қишки маршрутлар
- г) Баҳорги маршрутлар
- д) Йил давомида фаолият кўрсатадиган туристик маршрутлар.

**9.4.Маршрутларнинг даражалари (категорияси) бўйича** таснифланиши:

- а) Халқаро маршрутлар
- б) Мамлакатлар бўйлаб маршрутлар
- в) Қўшни мамлакатга маршрутлар
- г) Мамлакат штатларига маршрутлар (ички маршрутлар)
- д) Маҳаллий маршрутлар

#### **Ҳаво маршрутлари.**

- а) Маҳаллий ҳаво маршрутлари
- б) Давлатлараро ҳаво маршрутлари
- в) Қитъаларда ҳаво маршрутлар
- г) Коинот маршрутлари

#### **Сув маршрутлари**

- а) Маҳаллий сув ҳавзалари маршрутлари
- б) Давлатлараро сув маршрутлари
- в) Қитъалараро сув маршрутлари
- г) Халқаро сув маршрутлари

#### **Қуриқликдаги туристик маршрутлар**

- а) Маҳаллий автомагистрал маршрутлари
- б) Давлатлараро автомагистрал маршрутлари
- в) Евро-Осиё автомагистрал маршрутлар

#### **Темир йўллар маршрутлари.**

- а) Маҳаллий темир йўл маршрутлари
- б) Давлатларо темир йўл маршрутлари
- в) Евро-Осиё темир йўл маршрутлари
- г) Қитъалараро темир йўл маршрутлари

Қайд қилинганлардан маълум бўладики, туристик маршрутлар қўплаб белгилари бўйича таснифланади. Туристик маршрутларни таснифлашнинг мухим ёки эътиборга молик томонлари борми? Диққат қилсангиз юқорида қайд қилинганлар туристик маршрутларнинг таснифларини ташкил қиласди. Таснифлардаги барча белгилар, воситалар ҳар қандай туристик ресурсга ишлаб чиқарадиган туристик маршрутда қўлланилади ва ишлатилади. Шунинг учун ҳам туристик маршрутларнинг таснифини яхши ўзлаштириб, ўрганиб олиш тавсия этилади.

Энди, юқорида қайд қилинган туристик маршрутларнинг амалиётда ишлатилиши нуқтаи назаридан кўриб чиқамиз. Яъни- Маршрутнинг ҳаракат ланиш йўл даражалари бўйича-туризмда ҳарқандай туристик маршрут маълум бир йўлда амалга оширилади. Турист ёки туристларнинг маршрутдаги самарали ҳракатланишини йўлнининг сифат даражалари белгилайди. Шунинг учун ҳам маршрутнинг технологик харитасида йўлнинг ҳолати алоҳида қайд қилинади. Бу қайдга биноан маршрутда фойдаланиш учун транспорт воситаси танланади.

Эътибор қилсак ,маршрутдаги ҳар қандай хизматларни сифатли амалга оширишда баъзида арзимас элемент деб қабул қинадиган хизматлар бу хизматларни бажариш вақтида катта муаммоларга айланиб кетиши мумкин. Юқорида қайд қилинган таснифларнинг барчасида алоҳида-алоҳида таҳлиллар хуласа ларни келтиришимиз мумкин. Энг мухими, туристик маршрут ишлаб чиқилган да маршрутнинг ҳужжатларида маршрут йўлларининг сифат даражалари аниқ тавсифланиши талаб қилинади.

Мавзуни тўлдириш учун яна бир мухим фикрни қайд қилиш лозимки, туризмни ўрганувчилар албатда қўплаб чет давлатларда нашр қилинаётган илмий адабиётлар билан танишмоқдалар, ўқимоқдалар. Бу ҳолат албатда яхши, чунки биз кўплаб давлатлардаги туризм соҳасининг ривожланишини ва бу соҳанинг илмий адабиётларини ўрганишимиз керак.

Лекин, туризм соҳасини эътибор, диққат билан ўрганмаганлар илмий матбуотда бошқа давлатларда қабул қилинган анча ноаниқ ва бизнинг туризм соҳамизга умуман тўғри келмайдиган атамалар ва сўзларни ишлатишмоқда. Масалан, самалёт туризми, велосипед туризми, денгизлар туризми ва бошқалар. Асосан Россия туризмида ишлатилаётган бу атамаларни ишлатсак от туризми, тия туризми, эшак туризми, автомобил туризми, арава туризми ва шунга ўхшаш бошқа атамаларни ҳам қўпайтириб юборамиз. Қайд қилинган атамалар туристик фаолиятни амалга оширишдаги транспорт хизматларига киради. Юқоридаги номланишлар тур эмаску. Масалан, экологик тур манзилига велосипед билан ҳам бориш мумкин ва бу турни велосипед тури деймизми? Шунинг учун ҳам туристик маршрутлар ишлаб чиқишида қайд қилганимиздек, туристик маршрутнинг номи туристик маршрутларнинг таснифлари бўйича аталса тўғри бўлади.

**Таянч сўзлар ва иборалар:** тасниф, тур мавзулари, экологик маскан, маршрут трассалари, сўқмоқлар, айланма трассалар, овчилик маршрутлари, ҳаво маршрутлари, сув маршрутлари, маршрут мавзулари, маршрутда ҳаракатланиш воситалари, маршрутдаги атамалар.

**Мавзуни ўзлаштириш бўйича саволлар:**

1. Туристик маршрутнинг таснифланиши туризмга нималарни беради?
2. Туризм маршрутларининг мавзулари қандай танланади?
3. Туризм маршрутларини ўтказишида маршрутларнинг таснифидан фойдаланиш мумкинми?
4. Туристик маршрутнинг сўқмоқларини қандай аниқлайсиз?
5. Туристик маршрутдаги ҳаракатланиш воситаларини тур номи билан аташ мумкинми?

**Мавзу бўйича тест саволлари:**

**1. Маршрутнинг ҳаракатланиш йўл даражалари бўйича таснифланиши қайси жавобда тўғри кўрсатилган?**

А) Тўғри трассалар, айланма трассалар (тоғ йўллари), тош йўллар, маҳаллий йўллар, сўқмоқлар, очиқ дала бўйлаб маршрутлар, ўрмонзор ичидан ўтадиган маршрутлар, тоғдаги сўқмоқлар, табиат минтақалари бўйлаб тавакалига юриладиган маршрутлар.

Б) замонавий транспортда ҳаракатланиш маршрутлари (автомобил, автобус, велосипед, самолёт, ҳаво шарлари), маҳсус транспортда юриш маршрути (тоғларда, чўлда, маҳаллий йўлларда ЖИП, УАЗ машиналарида), маҳаллий аҳоли транспортида ҳаракатланиш маршрутлари (от, эшак, тuya, арава), комбинациялашган маршрутлар (автомобил, поезд, самолёт, от, эшак, тuya, арава, чанғи), сув ҳавзаларидағи туристик маршрутлар (қайиқ, кема, катер, соллар).

С) Маҳаллий сув ҳавзалари маршрутлари, давлатлараро сув маршрутлари, қитъалараро сув маршрутлари, халқаро сув маршрутлари, маҳаллий автомагистрал маршрутлари, давлатлараро автомагистрал маршрутлари, Евро-Осиё автомагистрал маршрутлар

Д) маҳаллий автомагистрал маршрутлари, давлатлараро автомагистрал маршрутлари, Евро-Осиё автомагистрал маршрутлар

**2. Маршрутларнинг даражалари (категорияси) бўйича таснифланиши қайси жавобда тўғри кўрсатилган?**

А)халқаро маршрутлар, мамлакатлар бўйлаб маршрутлар, қўшни мамлакатга маршрутлар, мамлакат штатларига маршрутлар (ички маршрутлар), маҳаллий маршрутлар

Б) ёзги маршрутлар, кузги маршрутлар, қишки маршрутлар, баҳорги маршрутлар, йил давомида фаолият кўрсатадиган туристик маршрутлар.

С) экспурсия маршрутлари, рекреация маршрутлари, тарихий обидалар бўйлаб ўтадиган маршрутлар, якка тарихий обидаларга маршрутлар.

Д) Мажмуали тарихий обидаларга маршрутлар, экотуризм маршрутлари

**3. Туристик маршрутларнинг мавзулар бўйича тавсифланиши тўғри кўрсатилган жавобни топинг.**

А) экскурсия маршрулари, рекреация маршрулари, тарихий обидалар бўйлаб ўтадиган маршрутлар, якка тарихий обидаларга маршрутлар, мажмуали тарихий обидаларга маршрутлар, экотуризм маршрутлари

Б) ёзги маршрутлар, кузги маршрутлар, қишки маршрутлар, баҳорги маршрутлар, йил давомида фаолият кўрсатадиган туристик маршрутлар.

С) халқаро маршрутлар, мамлакатлар бўйлаб маршрутлар, қўшни мамлакатга маршрутлар, мамлакат штатларига маршрутлар (ички маршрутлар), маҳаллий маршрутлар

Д) якка тарихий обидаларга маршрутлар, мажмуали тарихий обидаларга маршрутлар, экотуризм маршрутлари халқаро маршрутлар, мамлакатлар бўйлаб маршрутлар, қўшни мамлакатга маршрутлар.

## **10-Мавзу. ТУРИСТИК МАРШРУТНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ ВА МАРШРУТДА ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ**

Режа:

- 10.1. Транспорт хизматлари дастури.
- 10.2. Жойлаштириш, овқатлантириш, дам олиш ва тунашдаги хизматлар дастури.
- 10.3. Маршрутдаги экскурсия хизматлари дастури.

### **10.1. Транспорт хизматлари дастури.**

Туристик маршрутларнинг таркибий қисмлари деганда туристларни туристик объект-маконга олиб бориш ва дастлабки-туристларни қабул қилиш жойигача қайтаришдаги хизматлар ва маҳсулотлар дастурини тушунмоқ керак. Туристик маршрутнинг таркибий қисмлари қўйидаги хизматлардан иборат (19-Чизма).



19-Чизма. Туристик маршрутнинг таркибий қисмлари

Туристик маршрутларнинг таркибий қисмлари бири-бири билан боғлиқ ҳолда ҳаракатланади. Маршрутдаги таркибий қисмларнинг барчаси хизматлардир. Ана шу хизматлар борлигидан туристик маршрут бошқа маршрутлардан ажралиб туради (1 – жадвал).

Туристик маршрутдаги транспорт хизматларини ташкил қилишда қўйидаги вазифалар бажарилиши лозим:

- ❖ а) Транспорт воситаларини туристик маршрут мавзуси бўйича танлаш;
- ❖ Транспорт воситаларини ижарага олиш.
- ❖ Транспорт воситаларининг техник кўригини ўтказиш ва хужжатлаштириш.
- ❖ Транспорт воситаларини об-ҳаво иқлим, мавсумий шароитлар ва йўллар ҳолати бўйича танлаш.
- ❖ Транспорт воситаларининг ҳаракатланиш тезлигини чегаралаш масалалари.

**1. Транспорт воситаларини туристик маршрут мавзуси бўйича танлаш** маршрутни ишлаб чиқищдаги биринчи ва асосий талаблардан ҳисобланади. Бу талаб барча туристик ресурсларга маршрут ишлаб чиқилганда қўйилади. Бу ҳолатда туристик маршрутга транспорт воситаларини турнинг маршрутлари шароити бўйича танлаш осон бўлади. Қайд қилиш лозимки, аксарият ҳолларда турнинг мавзуси транспортни танлайди. Туроператор ёки маршрутни ишлаб чиқувчи маршрут йўлини, унинг шароитини яхши билса транспорт турини тўғридан-тўғри, ҳеч иккиласдан танлайди. Маршрут йўлини, шароитини айниқса йўл шароити ва ҳолатини мавсумлар бўйича ўзгариб туришини билмайдиган туроператор маршрут давомида кўплаб кутилмаган қийинчилик ларга дуч келиб маршрут режасини бузиб қўйиши мумкин.

Масалан: шаҳарлар ичидаги тарихий обидалар, зиёрагоҳ жойлар ва бошқа масканларга транспорт тури туристлар сонига қараб енгил танланади. Агар турист 2-3 киши бўлса, енгил автомобил, ундан кўпроқлари автобус ўринлари сони бўйича танланади. Умуман олганда шаҳар ва туманларгача амалга ошириладиган сайёҳатларга транспорт воситаларини танлаш муаммоли эмас. Чунки шаҳар ва туманлар орасида йўллар ҳар ҳолда ишончли. Агар туристик маршрут экотуризм, саргузашт туризми, ғоршунослик туризми ёки овчилик туризми мавзусида бўлса, транспорт воситаси енгил машиналар ўта олмайдиган йўл учун маҳсус мосламалар қўйилган (ЖИП, НИВА, УАЗ, ГАЗ-66) машиналар танланади.

**2. Транспорт воситаларини ижарага олишда** ҳам маршрут мавзусига қараб танланади. Танлаш усууллари юқорида қайд қилинди. Эътибор бериш лозимки, туристик маршрутга ижарага олинадиган транспорт хиллари камида бир неча кун олдин шартнома асосида қабул қилиниб, унинг техник созлигини ДАН мутахассис хulosasi бўйича хужжатлаштириш зарур. Транспорт воситаларини ижарага олишда эсда тутиш лозимки, шаҳарлардан чиқищда транспорт масаласини ҳал қилиш осон кечади. Чунки, кўп ҳолларда туристик фирмалар ёки меҳмонхоналарнинг ҳам ўз шахсий машиналари бўлади. Агарда туристлар шаҳарлар ташқарисига айниқса экотуризм, экзотик туризм

археологик туризм ёки овчилик туризмига чиқишиганды маҳаллий транспорт турларига (от, эшак, түя, арава) эҳтиёж бўлиши мумкин.

1 – жадвал

### **Маршрутдаги хизматларниң хиллари ва шароитлари**

<b>№</b>	<b>Маршрутдаги хизматларниң хиллари</b>	<b>Хизматлар қўрсатиш шароитлари</b>
1.	Транспорт хизматлари	Транспорт воситалари (поезд, автомобил, автобус, самолёт, маҳаллий транспорт турлари), йўлда юриш қоидалари, чегараланган тезлик, транс портда юришдаги ҳаёт хавфсизлиги, тўхташдаги талаблар, транспортдаги ўринлар, кўчма дам олиш транспорт воситалари, транспорт ва экологик омил ларни назарда тутиш
2	Жойлаштириш хизматлари	Жойлаштириш воситалари (мехмонхона, турист лар базаси, туристлар лагери, кемпинг, ижара уйлари, очик экспедиция қўрпаларида, ҳавода-ухлаш палаткада)нинг манзиллари, даражалари, шароитлари, хизматлар қўрсатишнинг даражалари, экологик омилларни назарда тутиш
3	Овқатлантириш хизматлари	Овқатлантириш корхоналарининг хиллари (ресторан, кафе, ошхона, чойхона, бар, манзиллари, даражалари, хизматлар қилиш даври, вақти (нонушта, тушлик, кечки овқат), овқатлантириш хиллари (швед столи, тўлиқ пансион, яrim пансион, махсус овқатлар, аля карт, табльот, палатка усули, экспедиция усули,) экологик омил ларни назарда тутиш
4	Экскурсия хизматлари	Экскурсияларниң сони, мавзулари, мазмуни ўтказиш шакли (пиёда, транспортда, ўтказиш кетма-кетлиги) эксперсияда дам олиш, овқатлантириш масалалари, экологик омилларни назарда тутиш
5	Туристик шартнинг ҳужжатлари	Маршрутнинг мавзуси, мазмуни, технология харитаси, маршрутдаги ахборотлар, маршрут қатнашчилари га қўрсатмалар, маршрут схемаси, маршрутни амалга ошириш учун рухсатнома, хизматларни амалга оширувчилар, (ҳайдовчи ва унинг ёрдамчиси, таржимон, сув, чой берувчилар, ошпазлар, юқ ташувчилар, ахборотчилар, бошлов чилар ва бошқ.) хақида ҳужжатлар. Маршрут ҳакида хисобот ҳужжатлари

Бундай ҳолатларда турмаршрут ишлаб чиқувчи маршрутни ўтказишдан олдин маҳаллий аҳоли билан уларниң транспортидан фойдаланиш ҳақида келишувларни амалга ошириши лозим. Чунки, маҳаллий аҳолидаги транспорт турлари ҳам ижарага олинади.

**3. Транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш ва ҳужжатлаштириш фақат махсус ташкилотлар (ДАН) иштирокида ва уларниң рухсатномалари билан расмийлаштириши керак.**

**4. Транспорт воситаларини об-ҳаво, иқлим, мавсумий шароитлар** ва йўллар ҳолати, бўйича танлаш шартлари 1-қисмда келтирилди. Уларга қўшимча қилиб айтиш зарурки, республикамизда қиши ойлари шаҳарларда ҳам, шаҳарлар ташқарисидаги йўлларда туман ва табиат манзилларига бориладиган маҳаллий йўлларда ҳам музлаш, эриш натижасида лойгарчилик ҳолатлари қўпроқ учрайди. Иккинчидан, куз-қиши ойларида об-ҳаво илиқ ҳароратдан совук ҳаро ратга қараб тез ўзгаради. Қайд қилинганларни ҳисобга олиб ва туристлар нинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш мақсадида куз-қиши ойларида туристик маршрутларда маҳсус автомобил ва автобуслардан фойдаланиш хавфсизлироқ бўлишига эътибор бериш лозим

**5. Транспорт воситаларининг ҳаракатланиш тезлигини чегаралашда** туроператор ёки маршрутни ўтказувчи раҳбар тўлиқ йўл-транспорт қоидала рига биноан транспорт бошқарувини назорат қилиб бориши шарт.

## **10.2. Жойлаштириш, овқатлантириш, дам олиш ва тунашдаги хизматлар дастури.**

Туристларни жойлаштириш шаҳарларда муаммо эмас. Турист ёки турист ларнинг ҳохиш-истакларига қараб уларни турли даражадаги меҳмонхоналарга жойлаштириш мумкин. Жойлаштириш муаммолари шаҳардан узоқ масофалар даги туристик объектларга сайёҳатлар давомида юзага келади.

Республикамизда туризмни ривожлантиришдаги энг оғрикли, муаммоли масала ҳам экотуризм, археологик туризм, овчилик туризм каби туризм турларига маршрутлар ишлаб чиқишида юзага қалқиб чиқади. Ўзбекистоннинг табиат минтақаларига туристик маршрутлар ишлаб чиқилмаётганлигининг асосий сабаблари ҳам бу туристик маконларда туристлар учун тунаш жойлари нинг йўқлигидадир. Экотуризм, археологик туризм ва овчилик туризмини ривожлантиришни режалаштирар эканмиз биринчи навбатда туристларнинг тунashi (жойлаштириш) шароитларини яратишимиш керак бўлади.

Шаҳарлардан узоқда бўлган туризм ресурсларида (экотуризм, рекреация туризми) туристлар учун тунаш жойларини ҳозирча туристик базалар ёки туристик лагерлар усулида яратиш имкониятлари мавжуд. Лекин, туризмда тадбиркорликнинг кенгаймаётганлигидан бундай тунаш жойлари ҳозиргacha яратилмаяпти.

Агарда табиат бағридаги экотуризм масканида (ресурсида) бундай тунаш жойлари яратилганда эди. Туристларнинг ҳам тунаш, ҳам дам олиш ва овқатлантириш муаммолари бирданига ҳал қилинган бўларди. Бу муаммоли ҳолатдан чиқишининг ягона йўли экотуризм, рекреация туризми ёки овчилик туризмдаги туристик ресурсларга маршрут ишлаб чиқишида ресурсга яқин жойдаги аҳоли уйларини ижарага олиш ҳисобланади. Лекин, унутмаслик лозимки, ҳалқаро туристлар ҳар қандай шароитларда ҳам тунаб қолавер майди. Шунинг учун ҳам бундай шароитлардан маҳаллий туризмдаги туристларни жойлаштиришда фойдаланиш мумкин.

Табиат ландшафтларида туризм масканларига (ресурсларига) маршрут ишлаб чиқишидан олдин бундай жойларда туристик базалар ва туристик лагер

лар барпо қилишга қатъий равища киришишимиз лозим. Туристик лагерларни палаткали ёки юрта (чўпоннинг қора уйи) усулида тезкор вақтларда мавсум ларга мослаштириб қуриш имкониятлари жуда катта.

Туристлар шаҳар меҳмонхоналарига жойлаштирилганда уларни овқат лантириш муаммо эмас. Чунки, турист жойлашган меҳмонхонада ҳам шаҳар нинг ҳар бир кўчасида ҳам туристнинг эҳтиёжини қондирадиган ресторон, кафе, ошхона ва чойхоналар бор.

Шаҳарлар меҳмонхоналарида жойлашган туристларни *овқатлантиришида халқаро меъёрлардаги таклифлар* қуидагича:

- а) тўлиқ пансион – 3 марта овқатланиш (нонушта, тушлик, кечки овқат);
- б) ярим пансион – 2 маротаба овқатланиш (нонушта–тушлик, нонушта – кечки овқат ёки тушлик – кечки овқат);
- в) фақат нонушта;
- г) фақат тушлик;
- д) фақат кечки овқатланиш.

*Овқатланишида хизматлар шакли қуидагича:*

а) «Швед столи»-ўз-ўзига хизмат. Бу усулда ресторан ёки ошхонада турли-туман овқат хиллари тайёрланган бўлади. Туристлар (мижозлар) ўzlари ёқтирган овқат ва ичимлик хилларини ҳохлаганларича (эҳтиёжаларига яраша) олиб, еб-ичишлари мумкин. Овқатланиб бўлгандан кейин турист (мижоз) идиш – товоқларни йиғиштирмайди.

- ❖ «Табльгот»-ҳамма мижозлар учун фақат битта меню тайёрланади (мижозларга овқат танлаш хукуқи берилмайди).
- ❖ «А ля карт» - ресторан менюсида туристлар ҳохлаган овқат турини эркин танлайдилар.

Овқатланишнинг қайси шакллари бўлмасин шаҳарда ва туман марказ ларида туристларни овқатлантириш юқорида қайд қилганимиздек муаммо тұғдирмайди. Фақат туристик маршрутда шаҳарда (туманда) овқатлантириш жойи ва шароитлари ёзиб қўйилса етарли бўлади. Туристларни овқатлантиришдаги муаммолар шаҳарлардан (туманлардан) узоқ масофадаги туристик объектларга маршрут ишлаб чиқишида қийин вазиятларни келтириб чиқар моқда. Шаҳарлардан узоқ масофаларда жойлашган туристик объектда тунаш муаммоси юқорида келтирилди. Бундай шароитларда овқатлантириш ҳам ана шу муаммони тақрорламоқда.

Қайд қилинганлардан қуидаги хulosалар ҳосил бўлади:

1. Туристик маршрут ишлаб чиқишида агар маршрут экотуризм, овчилик туризми, саргузашт туризми ёки ғоршунослик ва рекреация туризми мавзулари бўйича ишлаб чиқилганда туристларни «палатка усули»да овқатлантиришни ташкил қилиш мумкин. Бу усулда туристларни қизиқтириш учун миллый экзотика вариантини–яъни қўчма қозон–товоқ усулида–«табиат бағрида табиийлик» шароитида овқат тайёрлашда таклиф этиш ва овқатлантириш.

2. Қайд қилинган туризм мавзуларида туристик маршрут ишлаб чиқилганда туристик маконда–объектда овқатлантиришни туристик лагер (мавсумий–палатка усулида) ташкил қилиш мақсадига мувофиқ.

3.Ҳар қандай мавзуда туристик маршрут ишлаб чиқишида маршрут давоми да минерал сувлар, термосда иссиқ чой, совутилган чой ва экологик тоза шарбатлар бўлишлигини таъминлаш шарт.

4.Туристик маршрутда экскурсияга чиқилганда экспедиция усулида овқатланишни (консервалар, қотирилган колбасалар, тушонкалар ва ҳако..) иссиқ чой билан ташкил қилиш мумкин.

### **10.3. Маршрутдаги экскурсия хизматлари дастури.**

Туристик маршрутда экскурсия хизматларини ташкил қилиш турнинг жизабадор, қизиқарли ўтишини таъминлайди. Ҳар қандай туристик маршрутда экскурсияларни ташкил қилиш туроператорнинг тадбиркорлигига боғлиқ бўлади.

Ҳозирги вақтда шаҳарлардаги диққатга сазовар жойларни кўришга ва диний зиёратгоҳ масканларга келиб-кетувчи туристларни экскурсияларга таклиф қилиш деярли йўқ ҳисобланади. Чунки бундай жойларга ҳам пухта тузилган туристик маршрутлар ишлаб чиқилмаган. Энг афсусланарли жойи шундаки, ҳозиргача туристларга турист юрмоқчи ва кўрмоқчи бўлган маршрут унга оғзаки ҳолда таклиф қилинмоқда. Шаҳарлардаги хотира боғлари, ўлкашу нослик, ҳалқлар тарихи ва ҳайвонот олами билан боғлиқ музейлар, ҳалқимиз нинг ҳунармандчилиги устахоналарига маҳаллий туризмда ҳам, ҳалқаро туризм да ҳам қизиқарли экскурсиялар уюштиришнинг катта имкониятлари деярли барча шаҳарларимизда мавжуд.

Шаҳар ичидаги туристик маршрутда албатта экскурсия маршрутлари қўйилиши лозим. Бунинг учун шаҳарлардаги экскурсия обьектлари тўлиқ рўйхатга олиниб ундаги хизматларнинг турлари ва баҳолари аниқланиши лозим. Энди шаҳарлардан чиқиши ва узоқ масофаларга (экотуризм, археологик ёки овчилик туризми кабилар) бориладиган туристик маршрутларда албатта йўл-йўлакай кўриб ўтиладиган экскурсия маршрутлари бўлиши маршрутни қизикувчанлиги, турли-туманлигини кучайтиради.

Чунки, узоқ масофага автотранспортда тўхтовсиз юриш туристларни толиктиради (айниқса, табиий рельефи қарийиб бир хил бўлган чўл ҳудуд ларидан юрилганда). Узоқ масофаларга туристик маршрут ишлаб чиқилганда дастлаб йўл ва йўл атрофида бўлган диққатга сазовор жойлар, тарихий обида лар, булоқлар ёки қадимий дараҳтлар, сойлар ва бошқа тўхташ мумкин бўлган обьектлар ҳақида маълумотлар тўпланади.

Туристик маршрут тузувчи бу обьектларнинг энг жозибадор, қизиқти рувчиларига экскурсиялар уюштиришини туристик маршрутга киритиши туристнинг йўлда зерикишининг олдини олади. Шу ўринда яна бир муҳим фикрни ёдда сақлаш лозимки маршрут ҳақидағи букловда ёки ахборотномада маршрут йўли атрофидаги барча диққатга сазовор обьектларнинг рангли расмлари қисқача изоҳда берилиши туристларнинг экскурсияларни танлашига шароит яратади. Экскурсияларни танлашда обьект асосий йўлдан жуда ҳам узоқ бўлмаслигига эътибор бериш лозим.

**Таянч сўзлар ва иборалар:** туристик маршрутнинг хизматлари, ДАН хизматлари, туристик маршрутнинг таркибий қисмлари, палатка усули, қуруқ овқатлантириш, маршрутда тўхташ жойлари, диққатга сазовор жойлар, пансион, ярим пансион, тўлиқ пансион, табиий рельеф.

**Мавзу бўйича тест саволлари:**

1. Туристик маршрутларнинг мавзулари бўйича транспорт турлари танланадими?
  - А. Танланади
  - Б. Танланмайди
  - В. Махсус транспорт турлари танланади
  - Д. Автобус бўлса етарли
2. Экологик туризм маршрутларида овқатлантириш хизматлари қандай амалга оширилади?
  - А. Палатка усулида
  - Б. Даля қозон-товоқ усулида
  - В. Ошхона изланади
  - Д. Ресторан изланади
3. Туристик лагаерни тарифланг.
  - А. Мавсумий туристик хизматларни бажаради
  - Б. Доимий туристик хизматларни бажаради
  - В. Фақат овқатлантириш хизматларини бажаради
  - Д. Фақат дам олиш хизматларини бажаради
4. Туристик маршрутнинг ахборотлар ва рақасида нималар ёзилади?
  - А. Эълонлар ёзилади
  - Б. Янгиликлар ёзилади
  - В. Туристик маршрутдаги хизматлар ёзилади
  - Д. Туристик маршрутдаги хизматлар, эълонлар, янгиликлар ёзилади.

## **11- Мавзу. ТУРИСТИК МАРШРУТЛАРДА ҲАЁТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ**

Режа;

- 11.1. Ўзбекистонда туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашнинг хуқуқий меъёрлари.
- 11.2. Туристик фаолиятдаги хавф-хатарлар ва уларни бартараф қилишнинг чора-тадбирлари.

### **11.1. Ўзбекистонда туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашнинг хуқуқий меъёрлари.**

Туризмда туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим, давлат аҳамиятига молик масала ҳисобланади. Ҳозиргача туризмнинг ривожла нишига қўйидаги омиллар асосий таъсирларни ҳосил қиласди. Мазкур асосий омилларни 2 грухга бўлишимиз мумкин;

*I-гурух*—«Статистик омиллар»-бу омиллар вақт ўтиши билан ўз аҳамиятини йўқотмайди, сақлаб туради. Бу гурухга табиий иқлим омиллари, географик омиллар, маданий – тарихий омиллар киради.

*II-гурух*— «Динамик омиллар»-Бу гурухга қуйидаги омиллар киритилган;

1. Сиёсий омиллар;
2. Ижтимоий – демографик омиллар;
3. Иқтисодий – молиявий омиллар;
4. Моддий техник омиллар.

Туристик маршрутларни ишлаб чиқиш, ташкил қилиш, ўтказишни қайд қилинган омиллар асосида туристларнинг тур вақтида (маршрут вақтида) ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш, ватанимизга туристлар оқимини кучайтиришдаги энг муҳим ва маъсул вазифалардан ҳисобланади.

Туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш Ўзбекистонда туризмни ташкил қилиш ва ривожлантириш соҳасидаги дастлабки қонунларда алоҳида моддалар билан белгиланган. Ана шундай дастлабки қонун–Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги қонуни ҳисобланади<sup>5</sup>. Бу қонун 20-август 1999 йилда қабул қилинган бўлиб қонундаги 18.19.20 моддалар туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашдаги чора–тадбирлар тизимини яратишга асос бўлади. Туризм таълимидағи барча мутахассислар ушбу қонун моддаларини яхши ўзлаштириши, мукаммал билиши нуқтаи-назаридан қайд қилинган моддаларни келтириш ўринли бўлади. «Туризм тўғрисида» қонун нинг:

*18-моддаси—«Туристларнинг хавфсизлиги кафолати».* Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туристларнинг ҳаёти хавфсизлиги давлат томонидан кафолатланади. Туризм соҳасидаги ваколатли давлат органи манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда туристларнинг ҳимоя қилинишини ҳамда хавфсизлигини таъминлаш дастурини ишлаб чиқади ва унинг бажарилишини ташкил этади. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари туризм соҳасида барча туристик йўналишлар бўйича туристларнинг ҳимоя қилинишини ва хавфсизлигини таъминлаш минтақавий дастурларини ишлаб чиқадилар ва уларнинг бажарилишини ташкил этадилар. Туристик фаолият субъектлари туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича улар жароҳатланганда, касалланганда ва бошқа ҳолларда тиббий ёрдам кўрсатиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқадилар.

*19-моддаси—Туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари.* Туристик фаолият субъектлари туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида:

- ❖ туристларнинг сафарда хавф–хатардан холи бўлишлари учун шарт–шароитни, сафар, сайр, экспурсия йўллари, мусобақалар ўтказиладиган жойларнинг таъминланишлари;
- ❖ туристларга жароҳатланиш ва баҳтсиз ҳодисалардан сақланиш ҳамда уларнинг олдини олиш усусларини ўргатишлари, бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш юзасидан йўл-йўриқ беришлари, шунингдек, белги

<sup>5</sup>. Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги қонуни

ланган йўналишнинг хусусияти ва туристларнинг ҳатти-ҳаракатига боғлиқ ҳолда юзага келиши мумкин бўлган хавф манбалари ҳақида уларнинг ўзини хабардор қилишлари;

- ❖ туристларнинг саёҳатлар, сафарлар, мусобақалар, бошқа туристик тадбирларга тайёргарлиги устидан назоратни амалга оширишлари;
- ❖ фалокатга учраган туристларга тезкор ёрдам кўрсатишлари;
- ❖ автомобил, тоғ-чанғи, велосипед, сув, мотоцикл, пиёда сафар, гор туризми ва туризмнинг бошқа маҳсус турларини ташкил этиш ва ўтказишда хавфсизликнинг алоҳида талабларини ишлаб чиқишилари ва амалга оширишлари шарт;

*20 моддаси— «Туристларни суғурта қилиши».* Туристларни суғурта қилиш мажбурийдир ва у туристик фаолият субъектлари томонидан суғурта фаолияти олиб бориш ҳуқуқига эга бўлган тегишли суғурта ташкилотлари билан тузила диган битимлар асосида амалга оширилади.

Бутунжаҳон туризм ташкилоти (ВТО) талаблари бўйича ҳар бир давлатда туристларнинг ушбу давлатга келиб-кетиши бўйича давлат низоми бўлиши лозим. Бизнинг Республикамизда ҳам худи шундай низом ҳукуматимизнинг маҳсус вазирликлари томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. «Сайёҳлар нинг Ўзбекистон Республикаси га келиши ва кетиши тартиби тўғрисида Низом» га мувофиқ қуидаги моддалар сайёҳларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашга қаратилган:

- ❖ хавф-хатар манбалари бўлган ҳудудларга чет эллик сайёҳларни олиб чиқишиларидан олдин, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг тегишли бошқармаларидан баҳтсиз ҳодисалар ёки хавф-хатарлар келиб чиқиши мумкин бўлиши ёки бўлмаслиги юзасидан тегишли маълумотлар олиш;
- ❖ рухсат этилган хавфсиз йўналишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг тегишли ҳудудий бошқармаси билан келишилган ҳолда белгиланган хавфсиз йўналиш бўйича сайёҳат қилишни таъминлаш;
- ❖ белгиланган йўналишнинг хусусияти ва сайёҳларнинг ҳатти-ҳаракатига боғлиқ ҳолда юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатар манбалари ҳақида уларнинг ўзини хабардор қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш;
- ❖ қабул қилувчи туристик ташкилот чет эл сайёҳлари билан хавфсизлик чораларига риоя этишлари, Ўзбекистон Республикасида бўлиш тартиби, экологик хавфсизлик талаблари, миллий урф-одатларга ҳамда санитария-гигиена қоидаларига амал қилишлари тўғрисида тегишли тушунтириш ишларини ўтказади.

Туризмда хавфсизлик масалалари долзарблигига қарамасдан ҳозиргача туризм мутахассисларининг эътиборидан четда ҳисобланади. Республикамиздаги туризм мутахассислари ва бакалавлари тайёрлайдиган коллеж, институт ва университетларда туризмда ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш курсини ўқитиш вақти келди. Чунки, мамлакатимизга халқаро туристик оқим йилдан-йилга ортиб бормоқда. Туризмда ҳаёт хавфсизлиги бўйича ҳозирда ягона манбани,

таниқли олим, профессор Н.Тухлиев ва Т.Абдуллаеваларнинг мукаммал асари ни келтиришимиз мумкин<sup>6</sup>.

Туризм маршрутларида туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъмин лашда қутиладиган ва қутилмайдиган хавфларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Экологик туризм маршрутларини ишлаб чиқиши мавзусида— «Экологик туризм маршрутларида туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш» юзасидан маршрут раҳбари амалга ошириладиган ишлар рўйхати келтирилди. Туристик маршрутларнинг барчасида туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш чора тадбирлари ишлаб чиқилиши ва маршрутни ўтказадиган туристик ташкилот раҳбарининг имзоси ва гербли мухри билан расмийлаштирилиши лозим.

## **11.2. Туристик фаолиятдаги хавф-хатарлар ва уларни бартараф қилишнинг чора-тадбирлари.**

Ўзбекистонда «Туризм тўғрисида»ги қонунда туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашдаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бир қатор моддаларда қайд қилинган. Шунга қарамасдан, қайд қилиш лозимки, турист ларнинг ҳаётига хавф соловчи вазиятлар, ҳолатлар ва омиллар ўта сусткашлик билан бир томонлама, умумий хулосалар тариқасида ўрганилмоқда. Айниқса, туристик мұхитда, туристик маршрутлардаги хизматларда туристларнинг ҳаётига хавф соловчи хавф-хатарлар умуман тадқиқ қилинмаяпты.

Туристларнинг ҳаётига хавф соловчи вазиятлар, омиллар бевосита хизмат лар кўрсатиш жараёнларида, ҳар қандай туристик маршрутларда, экскурсия ларда, уларни овқатлантиришда, туб жой аҳоли билан бўладиган мулоқотларда ва бошқа шароитларда келиб чиқиши, юз беришини ҳисобга олсак, бу йўналиш да аниқ илмий ишланмалар ишлаб чиқиш анча мураккб бўлиб кўплаб вақт–муддатларни талаб қиласди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда туризмни ривожлантириш учун бу йўналишда аниқ тавсиялар ишлаб чиқиши, илмий тадқиқотларни дадил бошлишни туризм соҳасининг ижтимоий–иқтисодий мұхити қатъий талаб қилмоқда.

Туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини ўрганиш ва зарурый чора-тадбирлар талаб даражасидаги илмий–амалий ишланмаларни ишлаб чиқишининг жуда мураккаблиги шундан иборатки, туристларнинг ҳаётига хавф соловчи вазиятлар, омиллар ва манбалар ҳар қадамда ҳар бир сонияда юз бериши мүмкин. Айниқса, экологик туризм рекреация туризми, археологик, ғоршу нослиқ туризмларида, экскурсияларда ва бу туризм турларида хизматлар кўрсатиш жараёнларида, табиий иқлим шароитларида туристларнинг ҳаётига хавф соловчи вазиятлар ва омиллар жуда қалтис, қутилмаганды ҳам келиб чиқиши мүмкин.

Туризмда хавфсизлик тушунчаси - амалий фанлардан бўлиши лозим ва «Бутунжаон туризм ташкилоти»нинг ишлаб чиқган кўрсатмалари бўйича ҳар

<sup>6</sup>. Тухлиев Н.,Абдуллаева Т., Основы безопасности в туризме.Государственное научное издательство,»Ўзбекистон миллый энциклопедияси. Тошкент, 2008, 503 стр.

бир давлат ўзидаги туризм сохаси учун «туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш» ўқув дастурини ишлаб чиқиши ва туризм таълими йўналишларда барча мутахассисликларда ўқитилиши зарур. Мамлакатимизда туристлар билан юз берадиган қандайдир фожеани кутиб турмасдан биз миллий туризмда хавфсизлик, туристларнинг ҳаётига хавф солувчи вазиятлар, омиллар, бундай хавфларнинг келиб чиқиши ва олдини олиш чора–тадбирларини ишлаб чиқишини хозирдан ўрганишимиз зарур бўлади.

«Туризмдаги хавфсизлик»да турист ва экскурсиячиларга кўрсатиладиган хизматларда «хавфсизлик» масалаларини тадқиқ қилиб уларнинг ҳаёти хавфсизликларини таъминлашнинг методларини ишлаб чиқиш ва назорат қилиш учун қўйидаги асосий вазифаларни ечиш лозим бўлади: «Туризмда ҳавфсизлик»ни турист экскурсиячиларга кўрсатиладиган хизматларни тадқиқ қилиб уларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашнинг методларини ишлаб чиқиш ва назорат қилиш учун қўйидаги асосий вазифаларни ечиши лозим бўлади:

- ❖ Турда жойлаштириш, харакатланиш, овқатланиш ва бошқа фаолият ларда юзага келиши мумкин бўлган салбий таъсирларни аниқлайди ва баҳолайди;
- ❖ Турда юзага келадиган салбий таъсирларни ёзиш, таърифлаш ва тав сифлашни бир тизимга солади;
- ❖ Хавфли ва заарли омилларнинг олдини олиш ва йўқотиш усулларини, варианtlарини ишлаб чиқади;
- ❖ Турда комфорт шароитни яратади ва хавфсизлик чора–тадбирларини ишлаб чиқади.

*Туристик муҳит ва туристик хавф ҳақида тушунча.* Инсоният жамияти да ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларини қамраб олган «муҳит» лар жуда кўп, масалан: «ишлаб чиқариш муҳити», «маиший муҳит», «табиий муҳит» ва ҳ.к.. Бу муҳитларда инсон фаолият кўрсатиб (мехнат қилиб) ўзига зарур хом ашёларни олади, асбоб– анжом тайёрлайди.

Хуллас, ўз эҳтиёжлари учун зарурий предметларни олдиндан режалаштирилган мақсад ва вазифалар бўйича ишлаб чиқаради.

Туризмни ривожлантириштаги давлатларда ҳозирги вақтда янги–«туристик муҳит» тушунчаси ҳам пайдо бўлди<sup>7.8.9</sup>. Қайд қилинган муаллифлар бўйича «туристик муҳит» турда, туристик пакетдаги элементлар ва омилларнинг таъсирлари йигиндисидан ҳосил бўлган муҳитдир (20-Чизма).

Туристик муҳит элементларига хизматлар пакети ва бу пакетга йўл–йўлакай қўшилиб борадиган хизматлар киради:


- ❖ туристик маршрутнинг бошланиши ва тугашидаги трансфер жараёнлар;
- ❖ туристик маршрутнинг тугаши оралиғидаги вақтда туристларнинг кўчиб юришлари; бошланиши ва турда туристнинг яшаш жойи;
- ❖ тур давридаги яшаш жойи типи;
- ❖ яшаш жойи конструкцияси ва қурилишда фойдаланилган материаллар;
- ❖ яшаш жойининг ички жойлашиши; хоналарнинг майдони;

<sup>7</sup> Волков Ю.Ф., Введение в гостиничный и туристический бизнес- Ростов н/Д: «Финикс», 2004.- 352 с .

<sup>8</sup> Дурович А.П., Организация туризма. Москва, 2005.

<sup>9</sup> Биржаков М.Б., Введение туризма. Издательский дом «Герда»., 2006

- ❖ ёруғликнинг тушиши ва электр ёруғлиги;
- ❖ микроиқлим ва иситиш тизими, ҳавонинг тозалиги ва шамоллатиш усуллари, жойнинг санитария ҳолати, саноат объектларига узоқ ёки яқинлиги.



- Туристик мұхитни тушунтириш учун тавсия.

## 20-Чизма. Туристик мұхитнинг ҳосил бўлиши

### **Овқатланиши ва машиий хизматлар:**

- ❖ сифатли овқатлар ва бир маромдалилиги;
- ❖ шахсий гигиена учун барча предметлар ва шароитнинг бўлиши;
- ❖ машиий асбоб–ускуналар, телевизор, радио, фен, электр устара, микро тўлқинли печ, кир ювиш машинасидан фойдаланиш имкониятлари ва бошқалар;

Экскурсия хизматлари: транспорт воситалари, кўрсатиш ва сайр қилиш учун табиий ҳудудлар ва табиий мажмуалар, табиий қўриқхона фонди, даволаш – соғломлаштириш марказлари, спорт мажмуалари ва санитар ҳимоя зonasи ва бошқалар.

Ташкиллаштирилган турда ва ташаббускорлик туризми дастурларида ташкилий жиҳатлар қанчалик мукаммал, ишончли тузилган, келишилган бўлишидан қатъий назар турларни ўтказиш шароитларида номалум мұхитлар ва вазиятларга дуч келинадики, бундай мұхит ёки вазият кутилмаганда пайдо бўлади, юзага чиқади. Бундай ҳолатлар туристик мұхитнинг жипслашмаган лигидан, ўзаро ҳамкорликда қарама– қарши фикрлар пайдо бўлганлигидан ва атроф мұхитдаги ўзгаришлардан ҳам келиб чиқиши мумкин. Шундай ҳолатларда пайдо бўладиган ҳавф туристлар кайфиятига нохуш таъсир қилиб турдаги туристик мұхитда «ҳавф» ни келтириб чиқаради, турнинг туристик мұхитида бесаранжомлик бошланиб тур дастури ҳам бузилиб кетиши мумкин.

Ўзбек тилидаги «ҳавф» сўзи ҳозиргача рус тилидаги «risk» сўзининг таржимаси деб тушунилади. «riskнут», «рисковат»—французча—«risquer»—таваккал қилмоқ атамасини билдиради. Россиялик олимларнинг ёзишича risk

сўзи испан–португал сўзларидан рус тилига кириб келган ва таржимада – «скала»–қоя маъносини англатади. Бу сўз денгиз сузувлари муроқотларидан келиб чиқиб–риск–скала–қоя–кемалар сузиши учун хавфли, хавф хабарини билдирган<sup>10</sup>.



 -Туристик маҳсулотларда туристик хавфларнинг бўлишини тушунтириш учун тавсия

#### 21-Чизма. *Туристик маҳсулот таркибларида туристик хавфларнинг мавжудлиги*

Кўрсатиладиган туристик хизматлар одатдаги тур шароитларида ҳам, кутилмаган, фавқулодда ҳосил бўлган (табиий иқлимий ҳодисалар, ҳаракат лар ва бошқалар) вазиятларда ҳам туристларнинг соғлиги ва ҳаётига хавфни пасайтириб хавфсизлик даражаларига туширишнинг уддасидан чиқишлари, хавфни бартараф қилиш имкониятлари билан таъминланганликлари бўлиши керак.

Хавф–кутилмаган ҳодиса бўлиб туристларнинг ҳоҳиш–эътиборидан четда, қўқисдан уларнинг соғлиги ва ҳаётига хавф солади.


Туристик хавф тушунчасида турмаҳсулотни, хизматлар кўрсатишни истеъмол қилаётган туристларнинг соғлиги ва ҳаётига раҳна соловчи хавфларни тушунамиз (21-Чизма) Шундай қилиб, туристик хавф факат тушунча эмас балки, туристик фаолиятнинг хусусиятлари, белгилари ва кўриниши, ҳодисалари ҳисобланади.

Турда туристларнинг соғлиги ва ҳаётига хавф соловчи вазиятлар ва омиллар туристик–экспурсия хизматларини кўрсатишнинг қўйидаги ҳисобга олинмаган шароитларида қўқисдан юзага чиқади:

- ❖ Турнинг дастурини тузишда, ишлаб чиқишда ҳисобга олинмаган хавф манбаларининг мавжудлигига эътибор бермасликдан;
- ❖ Аниқ таъсир қилиш манбалари даражасининг кучайиб кетиши (масалан, секин ёғаётган ёмғирнинг жалага, дўлга айланиб кетиши, санитария–эпидемиология вазиятидаги кутилмаган ахборотлар ва бошқалар);

<sup>10</sup>. Долженко Г.П., Экскурсионное дело. Издательский центр»МарТ-Москва-Ростов на-Дону, 2006, 301 с.

- ❖ Баъзи бир туристларнинг турдаги дастур мөъёрларига риоя қилмасдан ўзбошимчалик билан қилган ҳатти ҳаракатлари натижасида келиб чиқадиган хавфлар натижасида тур дастурининг бузилиши (туристик жамоавий хавфлар).



-----! Турда хавфларни аниқлаш ва бартараф этиш дастурини ишлаб чиқиши учун тавсиялар.

#### 22-Чизма. Турнинг таркиби ва турда хавфларни аниқлаши ва бартараф қилишининг назорати

Қайд қилинган хавфларнинг келиб чиқишини таҳлил қилганимизда тур давомида маршрутлардаги хизматлар кўрсатиш мажмуаларида, туристик пакетнинг таркибини тузганимизда, маршрутдаги ҳаракатланишда ва муддатлардан (вақтдан) назорат бўйича фойдаланганимизда турдаги жуда кўплаб туристик хавфларнинг олди олинган ёки туристларнинг соғлиги ва ҳаётига хавф солувчи вазиятлар, омилларни бартараф қилиш осонлашади

Чизмадаги (турдаги) туристларнинг соғлиги ва ҳаётига хавф солувчи вазиятлар ва омилларни аниқлашда туристик пакет, маршрут трассаси ва маршрутдаги хизматлар кўрсатиш дастурлари олдиндан кўриб чиқилади. Хавфлар белгилари ва уларнинг келиб чиқиши сабаблари аниқланади ва хавфларни бартараф қилиш чора– тадбирлари ишлаб чиқилади. Келтирилган таҳлиллар, тавсиялар (21-22 чизмалар) дан маълум бўладики, туризмдаги хавф–хатарларни умумий ҳолда таърифлаганимизда келиб чиқиши қўйидагича; пиёда ҳаракатланганда, транспорт воситаларида ҳаракатланганда табиий иқлим хусусиятлари бирдан ҳалокатли ўзгарганида, яшаш жойи меҳмонларда, овқатла

нишдаги сифатсиз таомлар еганларида, спорт билан шуғулданаётган вақтлари да.

Баъзи бир хавф–хатарлар давлат ҳудудида сиёсий ва жиноий вазиятнинг бўшлиги туфайли кўчаларда, кўнгил очар ўйинларда қатнашган вақтларда, туристга келиб тушадиган ва ватанига қайтадиган аэропортларда, темир йўл ва автовокзалларда юз беради. Бундай жойларда туристларнинг пулларини, юкларини ўғирлаб кетилиши, савдо–сотикда буюмларни юқори нархда сотиб олиши хавфи, таксида тунаб кетиши, товламачилик ва бошқа кўнгилсиз ҳодиса лар юз бериши мумкин.

Шунингдек, эътибор бериш керакки, баъзи бир ҳолларда туристларнинг ўзи ҳам хавф–хатарларнинг, кўнгилсиз ҳодисаларнинг юз беришига ўзлари сабабчи бўлишади (автобус, поезд, самолётларга кечикиб келиш, кутиб олувчи ва кузатиб қўювчи турфирмалар билан шартнома тузмаслик, тунда кўчаларга ўз ҳоҳиши билан сайдга чиқиш ва бошқалар). Туристларнинг эҳтиётсизлигидан қатъий назар туристларни таклиф қилган турфирма, меҳмонхона ёки туристик ташкилот маъмурияти туристлар ҳаёти хафсизлигини таъминлашга маъсул дирлар ва жавобгардирлар.

*Маршрутдаги транспорт хизматларида туристларнинг ҳаёти хавфсиз лигини таъминлаш.* Маршрутдаги энг маъсулли хизматлар бу–транспорт хизматлари ҳисобланади. Туристик маршрутга транспорт хиллари маршрут йўлларини, экскурсияларни, йўлнинг ҳолати (автомагистрал, тош йўл, шоссе, маҳаллий йўл ва ҳакозо) бўйича танланади.

Шаҳарлараро ўtkaziladigan touristik marxrutlarda tранспорт xил lарини tanlaш muамmo эmas. Bундай маршрутда tранспорт turлari tourist lарнинг soniga қараб (engil avtomobil, mikroavtobus, avtobus va boшқ...) tanlanadi. Turmarxrutga oлинган avtotransport turi албатта DAN tashkilotidan texnik kўrikdan ўtgan bўliши, tozaligi, sozligi, shuningdek, ҳайдовчи ҳақида tavsiyfнома, uning ҳужжатлари, iш тажрибasi билан tаниши ladi va йўлдаги tezlik va тўxtash жойлари, ҳаракатlaniш фақат touristik marxрут раҳbari ruxsati билан amalga oширилиши ҳақида keliшилиб oлинади.

Туристик маршрут давомида touristlarнинг tранспортни ўзбошимчалик билан тўхтатишлирига ruxsat berilmайдi. Қайд қилганимиздек, tранспортни йўлда тўхтатиш turmarxрут раҳbari ruxsati билан amalga oширилади. Marxрут давомида touristlarнинг tранспорт ichida, saloniда ozodaliкni, tarbiб–intizomni saқлаш, tранспорт derazalaridan ҳар xil narсаларни tашла maslik, қўлни, boшни, gavdani derazalaridan чиқарmaslik va ҳакozolар бўйича marxрут raҳbari ўta xushmuomilalik билан touristlarга muroжаat қилиши ҳам зарурий axborotlардан ҳисобланади. Shuningdek, marxрут давомида tранспорт saloniда gaz va boшқа ёқимсиз ҳидларнинг keliб чиқishiغا йўл kўymaslikda ҳам ҳайдовчи marxрут boшlaniшидан oldin ogoхlantiriлади. Touristik marxрутга tранспортни ajratgan tashkilotnинг adresi, telefonlari, raҳbarlari ҳақидagi maъlumotlar marxрут raҳbarida bўliши shart.

*Маршрутдаги жойлаштириши хизматларида ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш.* Marxрут shaҳarларда, tumanlar markazlariдаги touristik resurslarга

уюштирилса туристларни жойлаштириш муаммо эмас чунки, улар маршрутгача меҳмонхоналарда жойлашган бўлишади. Маршрут шаҳарлардан узоқ бўлганда ёки маршрут режаси бўйича тунашга тўғри келганида хавфсизлик тадбирлари кўрилади. Айниқса, маҳаллий аҳоли уйларида бир кунлик тунаш шароитлари туристларга тўлиқ таниширилиши, тушунтирилиши лозим.

Агар туристлар туристик лагер биноларида жойлаштирилганда хавфсизлик ҳолатларини батафсил тушунтиришга ҳожат йўқ. Чунки, янги жойлаштирилган туристлар улардан олдин келиб жойлашган туристлар билан бирга яшайверишади. Агар туристлар палаткаларда тунайдиган бўлса, албатда йиғма кароватлар, йиғма стол-стуллар, тоза чойшаблар тайёрланиши лозим бўлади.

Дала шаротида қурилган палаткали тунаш шароитларида палаткалар ичи, атроф майдон тўлиқ туристлар етиб келгунча тозаланиб, тартибга келтирилиши зарур. Палаткаларни жойлаштиришда иложи борича очиқ сайҳонлик, ёки ўтлоқзорлар танланиши мақсадга мувофиқ. Қалин ўсувчи ўтзор, пичанзорларда ҳашоротлар кўп бўлганлигидан бундай жойларда илон, чаён, қорақурт, фаланга, ари каби чақувчи ҳашоротлар туристларнинг ҳаётга хавф солиши мумкин.

Туристик маршрутда ёз ойлари далада тунашни ҳоҳловчи туристларга ҳавода-ухлаш учун маҳсус кўрпачалар берилиши лозим. Бу усулда тунаш экспедиция усули ҳам дейилади. Бундай шароитда маҳсус кўрпачаларда машиналар бортида, баландликларда бемалол тунаш мумкин.

*Маршрутдаги овқатлантириши хизматларида ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш.* Маршрут шаҳар ичидаги ёки бир-бирига яқин туманларда, шаҳарлардан ўтганидан туристларни овқатлантириш муаммо эмас. Туристларни туристик маршрут давомида овқатлантириш хиллари «Туристик маршрутдаги хизматлар» мавзусида келтирилди. Маршрутдаги овқатлантириш хизматларида турист ҳаётига хавф солувчи вазиятлар, ҳолатлар аксарият ҳолларда экологик маршрутларда ёки шаҳарлар ташқарисидаги маршрутларда юз бериши мумкин. Лекин эътибор берилса, туристларни овқатлантиришда турист овқатланадиган барча мавсумларда ва барча ҳаракатланишнинг географик маконларида ҳаётга хавф солувчи вазиятлар юз бериши мумкин.

*Биринчидан,* мавсумларда туристларни овқатлантиришда жиддий эҳтиёт чораларини кўриш талаб қилинади. Мавсумларда туристларни овқатлантириш да дастлаб май-июн ойларида пишиб етиладиган мевалар (кулупнай, гилос, олма, анжир, тут) ни турист дастурхонига тортишда меъёрдан оширмаслик зарур (ҳатто турист талаб қилганда ҳам). Кузатувлардан маълумки, тропик минтақалардан, Европа давлатларидан келадиган туристлар бизнинг ватанимиз да пишиб етиладиган меваларнинг витаминлигининг юқорилиги (калориялиги дан) сабабли кўпроқ хуш кўриб истеъмол қилишади. Бундай ҳолатларда қайд қилинган мамлакатлардан келган туристларда қон босими бирданига кўтарилиб кетиши кўплаб кузатилган.

*Иккинчидан,* ёз мавсумининг баланд ҳароратлилигидан туристларни сув билан таъминлашда ҳам кўнгилсиз ҳодисалар юз бериши ҳоллари ҳам кузатилган (сув кранларидан олиб бериш, музлатгичлардан олиб бериш ва ҳакозо).

*Учинчидан*, туристларни миллий таомларимиз билан овқатлантиришда ҳам эҳтиётлик чораларини кўриш лозим бўлади (2-3 хил овқат бериш, ёғли овқатлар бериш ва ҳако..).

*Тўртингидан*, туристлар маршрут давомида маҳаллий аҳоли ҳаётини ўрганишда, қизиқишиларида халқимизнинг ўта меҳмондўстлиги туфайли туристларни уйларига, бир пиёла чойга таклиф қилишади. Ана шундай учрашувлар айниқса, экологик туризм маршрутларини ўтказишида кўп учрайди. Бундай учрашувларда баъзида спиртли ичимликлар, сифатсиз сувлар (булоқлардан, дарёлардан, ариклардан олинган) ҳам туристларда ошқозон ичак фаолиятлари нинг бузилишига олиб келиши мумкин.

Туристик маршрут раҳбари ва овқатлантиришни бажарувчилар туристларни овқатлантиришда уларнинг соғлигига зарар етказувчи маҳаллий манбаларни жуда яхши билишлари лозим бўлади. Туристларни овқатлантиришда озиқ-овқат маҳсулотларининг, идиш-товоқларнинг ва овқатланадиган жойлар нинг экологик жиҳатлардан тоза бўлишига жиддий эътибор беришлари талаб қилинади.

*Экскурсия хизматларида туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш.* Туризм маршрутларидаги экскурсияларда туристларнинг ҳаётига хавф солувчи вазиятлар транспорт хизматларида, дам олиш хизматларида, сайрларда ва овқатланиш хизматларида ҳам юз бериши мумкин. Чунки, маршрутлардаги экскурсияларда ҳам туристик маршрутлардаги барча хизматлар кўрсатилади. Айниқса экотуризм маршрутларидаги (тоғларда, сув ҳавзаларида, даралардаги сўқмоқларда ва ҳакозо...) экскурсияларда ҳаракатланишдаги хавфсизлик олдиндан таъминланиши зарур.

Туристларни тоғ сўқмоқларида табиат билан таништириш экскурсияларида эҳтиётлик чораларига, тартиб-интизомга риоя қилиш керак. Чунки, бундай шароитда туристлар суриниб, пастликларга тушиб кетиши ёки олдинда кетаётган туристларнинг нотўғри ҳаракатларидан пастда келаётганлар устига тошлар юмалаб кетиши ҳоллари юз бериши мумкин. Экскурсиялар ўтказиш даврида (экотуризм экскурсияларида) табиатнинг сўлим жойларида дам олиш истаги пайдо бўлган ҳолларда, туристларни қисқа муддатли овқатлантиришда тушонка, колбаса, бринза ёки олдиндан пиширилган овқатларнинг тоза сақланганлиги, сифати текширилгандан кейин фойдаланиши лозим. Ичимликлар албатда термосда чой, газланган сув ўз идишларида сақланиши керак.

Туристик маршрутни ўтказишида туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашда энг ишончли воситалар бўлиши тиббиёт марказлари ва уларнинг бўлимлари билан доимий телефон алоқаларнинг мавжуд бўлишлиги маршрут раҳбари учун маъсулиятли, мажбурий вазифа бўлишлиги талаб қилинади. Иккинчидан, маршрут раҳбари маршрутга яқин бўлган ва атрофлардаги тиббий ёрдам кўрсатиш пунктлари жойлашган манзилларни жуда яхши билишлари керак. Учинчидан, маршрут давомида тиббиёт дорилар кутичалари (аптечка лар) бўлишлиги ҳам маршрут ҳужжатларида расмийлаштирилиши талаб қилинади.

Туристик маршрутларда туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашдаги биринчи чора-тадбирлар бу-маршрут бошланишида туристларга маршрут

да тартиб-интизомнинг сақланиши, хавфли вазиятлар юзага келишидан эҳтиёт бўлиш ҳақида қисқача тушунтириш ишлари ўтказилиши ва бу ҳақида маршрут ахборотномасида алоҳида қайдлар бўлишини амалга оширишdir.

Туристик маршрутларда туристларнинг бирортаси билан кўнгилсиз, ҳаётига хавф солувчи воқеалар юз берганда тезкор усулларда бундай воқеаларни бартараф этиш чора-тадбирлари кўрилади. Агар бундай воқеъаларга маршрут ташкилотчилари айбор бўлишса узр сўрашни туристик ташкилот раҳбари бажаради. Маршрут тугагандан кейин юз берган воқеа туристик фирма жамоаси иштирокида муҳокама қилиниб тегишли қарорлар қабул қилиниши керак.

Туристларнинг ҳаётига хавф солувчи омиллар, вазиятлар, обьектлар, ҳолатлар ҳақида сўз юритганда эътибор бериш лозимки, турист меҳмонхонага келиб жойлашгандан кейин ўзига хос хусусиятларга эга бўлган маршрутда бўлади. У ёки улар (туристлар) ҳоҳиши бўйича меҳмонхона яқинида жойлашган обьектларга (паркларга, кўчаларга, биноларга, марказларга ва ҳако...) қисқа муддатли сайдларга чиқиши ҳам маршрут схемасида бўлади ва бу юришлар, танишишларда ҳам туристларни албатда маршрут раҳбари (туроператор бош лаб юради). Шунинг учун ҳам туристларнинг ҳаётига хавф солувчи ҳолатлар, омилларни маршрут раҳбари (турфирма ходимлари) жуда яхши билиб олишлари зарур бўлади.

Туристларнинг ҳаётига хавф солувчи омиллар қуидагида таърифланади;

*1. Заарли омиллар;*

- ❖ жароҳат олиш хавфи;
- ❖ ёнгинда қолиб кетиш хавфи;
- ❖ биологик таъсир қилиш хавфи (атроф - муҳит);
- ❖ руҳий-жисмоний юклама олиш;
- ❖ кимёвий заарланиш хавфи;
- ❖ тутундан ва газдан заҳарланиш хавфи;
- ❖ туристнинг таваккалчасига ҳаракатланишидан келиб чиқадиган хавфлар.

*2. Биологик омиллар;*

- ❖ микроорганизмлар (микроблар)дан заарланиш хавфи (ошқозон-ичак фаолиятининг бузилиши);
- ❖ заҳарли ўсимликлардан заҳарланиш хавфи;
- ❖ заҳарли судралиб юрувчилар (илонлар, ҳашаротлар), ҳашаротлар (чаён, қорақурт, ари) дан заҳарланиш хавфи;
- ❖ юқумли касалликлар ташувчи ёввойи ва хонаки ҳайвонлар, парран далардан ҳар хил касалликларни юқтириш хавфли; аллергия ва бошқа касалликларни чақиравчи ўсимликзор, ўтлоқзор ва ўрмонзорларда ушбу касалликларни юқтириш хавфи;
- ❖ мевалар, сабзавотлардан заҳарланиш хавфи.

*3. Кутимлаган омиллар;*

- ❖ туристлар жойлаштирилган жойларда табиатнинг фавқулоддаги ҳодисалари (сув тошқини, қор кўчиши, об-ҳавонинг кескин ўзгариши ва ҳоказолар)дан келиб чиқадиган хавфлар;

- ❖ туристлар жойлашган жойлардаги аҳоли, жамоатчиликдаги тартиб-интизомнинг бўшлигидан келиб чиқадиган хавфлар;
- ❖ туристлар фойдаланаётган меҳмонхона, лагер биноларининг техник ҳолати, канатли сим йўллар, чанғи йўллари, автомагистраллар, сўқмоқ лар ва бошқа обьектларнинг техник созлиги ҳолатидан келиб чиқадиган хавфлар.

*Экологик туризм маршрутларида ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш.*

Туризмдаги бошқа туристик маршрутларга таққослаганды экотуризм маршрутларида туристларнинг ҳаётига хавф соловчи манбалар анчагина. Чунки экотуризм маршрутлари табиатимиздаги барча экологик иклим минтақаларини ўз ичига олади. Бу экологик иклим минтқаларининг барчасида табиатдаги заҳарли ҳашоратлар, судралиб юрувчилар яшашади.

Экотуризм маршрутларида туристларнинг ҳаётига хавф соловчи вазиятлар ва манбаларни қуйидаги тартибда гуруҳлаш мумкин:

1. Заҳарли судралиб юрувчилар (ilonlar) ва ҳашоратлар (коракурт, пашшалар) чақиши хавфи;
2. Иқлиминг таъсири хавфи (иссиқ уриши, тоғларда қон босими ошиши, ўсимликларнинг аллергия чақириши, шамоллаш);
3. Ички касалликларнинг келиб чиқиши хавфи (мева сабзоватлардан, маҳаллий сувлардан, маҳаллий – миллий овқатлардан);
4. Транспорт воситаларининг чўлда ва тоғликларда, нотекис йўлларда юришдан келиб чиқадиган хавф.

Экологик туризм маршрутларида транспорт воситалари ва иклимий хавфларнинг туристлар ҳаётига хавф солиши ҳақида экотуризм маршрутларини ишлаб чиқишида «фаолиятлилик» тамойили талабларида ёзилди. Экотуризм маршрутларида табиатдаги заҳарли илонлар, ҳашоратлар ҳақида маршрут маълумотларида огоҳлантириш хабарлари ёзилиши, заҳарли илонлар, чаён ва қара-қуртларнинг қаерларда кўпроқ учраши ёки бўлиши албатда ёзилиши шарт бўлади.

Маҳаллий иқлим шароитлари манбалари асосида туристларда ички касалликлар келиб чиқишини олдини олиш учун маҳаллий сувдан фойдаланмаслик, маҳаллий аҳоли овқатларини билан ҳолда овқатланиш, меваларнинг хусусиятлари ҳақида оғзаки огоҳлантиришлар, ахборотлар, сұхбатлар ўтказиш албатда кутилмаган хавфнинг олдини олади.

Экотуризм маршрутларида туристларнинг ҳаётида хавф пайдо бўлганда қуйидаги хавф олди ва сўнгги тадбирлар маршрут хужжатларида акс эттирилиши албатда зарур:

1. Экотуризм маршрутларида илонлар, чаён коракуртдан заҳарланишига қарши ва бошқа ички касалликларнинг олдини оловчи дорилар, зардоблар воситалари бўлган «экотуризм аптечкаси - дорихонача» си бўлиши;
2. Туристларнинг экотуризм ресурслари маконларида якка ҳолда юрмас лиги.
3. Заҳарланган ҳолатда биринчи тиббий ёрдам кўрсатадиган тиббиёт мутахассисининг маршрут давомида туристлар билан бирга бўлиши;

4. Экотуризм маршрутлари ўтадиган жойлардаги яқин касалхоналар, врачлик–фельдшерлик маконларининг адреслари, телефонлари маршрут ҳужжатларида бўлиши, доимий мобил алоқаларининг ишлаб туришини таъминлаш;

5. Транспорт воситаларининг техник созлигини доимо назората олиш ва маршрутга чиқиш олдидан йўлларнинг ҳолатини кузатиб чиқиш.

Қайд қилинган тадбирлар экотуризм маршрутларига чиқишдан олдин қанчалик мукаммал ўtkазилса маршрутнинг–турнинг хавф-хатарсиз, кутилмаган нохуш жанжалларсиз муваффақиятли ўtkазилишни таъминлади. Экотуризм маршрутларини ишлаб чиқувчилар ва маршрутларни ўtkазув чилар маршрутларда туристлар ва хизмат қилувчилар ҳаётига хавф соловчи манбаларни олдин башоратлаб бу хавфни ўз вақтида бартараф қилиш ишларига ўта маъсул ва жавобгардирлар.

**Таянч сўзлар ва иборалар:** туризмда хавф, туристик мухитда хавф, туристик фаолиятда хавф, туристларнинг таваккалчилиги, туристик маршрутда хавф, кутилмаган хавфлар, биологик хавфлар, заарли хавфлар, турдаги хавфлар, хавфсизликни таъминлаш.

#### **Мавзуни ўзлаштириш бўйича саволлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги қонунида турист ларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашнинг чора-тадбирлари қандай белги ланган?

2. Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги қонунида турист ларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашда суғурта қилиш қандай белгилан ган?

3. Туризмда хавф-хатар масалаларини қандай тушунасиз?

4. Туризмда хавф-хатарларни бартараф қилишдаги халқаро меъёрларни қандай тушунасиз?

5. Халқаро туризмда хавфсизликни таъминлаш бўйича Гаага декларация сида қандай талаблар қабул қилинди?

#### **Мавзу бўйича тест саволлари:**

1. «Туристларнинг хавфсизлиги кафолати» Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонуннинг неchanчи моддасида берилган?

А) 18 моддаси      Б) 20 моддаси      С) 21 моддаси      Д) 19 моддаси

2. Туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонуннинг неchanчи моддасида берилган?

А) 19 моддаси      Б) 20 моддаси      С) 21 моддаси      Д) 18 моддаси

3. «Туристларни суғурта қилиш» Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонуннинг неchanчи моддасида берилган?

А) \* 20 моддаси      Б) 19 моддаси      С) 21 моддаси      Д) 18 моддаси

4. Туристларнинг ҳаётига хавф соловчи омиллар неча қисмга ажратилиб таърифланади?

А) 3      Б) 4      С) 2      Д) 5

5. Экотуризм маршрутларида туристларнинг ҳаётига хавф солувчи вазиятлар ва манбаларни неча гурухга ажратилади?

6. А) 4     Б) 34     С) 2     Д) 5

## **12 -Мавзу. ТУРИСТИК МАРШРУТЛАРНИНГ ОММАВИЙЛАШУВИДА РЕКЛАМАНИНГ РОЛИ**

Режа:

- 12.1. Туризмни ривожлантиришда рекламанинг аҳамияти ва турлари
- 12.2. Рекламада маршрутнинг йўналиши бўйича жойлашган диққатга сазовор туристик объектларни тасвирлаш.
- 12.3. Рекламада маршрут давомида кўрсатиладиган хизматларни тасвирлаш.

### **12.1. Туризмни ривожлантиришда рекламанинг аҳамияти ва турлари**

Туризмда реклама–туристик хизматнинг истеъмолчилари ва ишлаб чиқа рувчилари орасида алоқалар бажарилишининг фаол воситасидир. Реклама туризмнинг доимий йўлдоши бўлиб, туристларга фақат саёҳат вақтида эмас, балки, ундан сўнг ҳам хизмат кўрсатади. Каримов А. туризмда рекламани ишбилармон деб атайди ва бу ишбилар монликни 4 гурухга бўлади:

1. Туристик корхоналар учун.
2. Туроператорлар учун.
3. Мутахассислар учун.
4. Туристлар учун.

Туризмда рекламалар талабалар даражаси бўйича 2 гурухга бўлинади:

**1. Эҳтиёжлар рекламаси**– фирманинг мавжудлиги ва унинг бирор-бир нарсага эҳтиёжлиги ҳақида мумкин бўлган шерикларини хабардор қилиш учун зарур бўлган реклама туридир. Бундай эҳтиёжлар қуидагича бўлиши мумкин:

- маълум малака ва тажрибага эга бўлган ишчилар, мутахассислар, хизмат корларни вактинча ёки доимий ишга қабул қилиш ҳақида;
- материал–техник ресурсларни қидириш ҳақида;
- материал–техник ресурсларни сотиш ҳақида.

**2. Имкониятлар рекламаси**– туристик хизматлар кўрсатиш соҳасида фирманинг имкониятлари ҳақида қизикувчи томонларни хабардор қиладиган реклама тури. Қизиқадиган томонлар юридик ва жисмоний шахслар бўлиши мумкин. Юридик шахслар–ватан ва чет эл фирмалари, жамоа ташкил отлари, ҳар хил мулкчилик шаклидаги корхоналар. Имкониятлар рекламалари қуида гича бўлиши мумкин:

- маълум даврда қайтариладиган ёки бир маротаба ўтказиладиган омма вий тадбирларни ташкил этиш;
- ўз ходимлари учун дам олишни ўтказиш;
- ҳомийлик саёҳатларини амалга ошириш.

**Реклама**– ахборот фаолияти йўналишига таъсир этувчи туризм хусусияти бўлиб, битта тармоқ доирасида барча ёки кўпчилик моддий-техника асосини

бирлаштириш имкониятини истисно қиласынан техник-иқтисодий күрсатгичлари бўлади. Туризм бошқа тармоқларнинг товар ва хизматларини ўтказиш бозори бўлиб реклама ахборот фаолиятининг турли хил бозорлар ва туристик маҳсулотни ишлаб чикувчи–воситачилар билан фаол ишлашга йўналтиради. Ишбилармон туризмга мўлжалланган турлар рекламаси оммавий ахборот воситалари ва директ-мейл йўли билан тарқатилиши мумкин. Почта орқали рекламани тарқатиш ҳам яхши самара беради.

**Директ–мейл**–рекламанинг энг самарали турларидан бири, унинг мазмуни шундан иборатки, маҳсус ажратилган туристик корхоналар ва хусусий шахслар адреслари бўйича белгиланган даврда реклама материаллари жўнатилади. Туристик фирмаларнинг турли мамлакатлардаги туроператорлик фирмалари ва маълум даражада салоҳиятли ва реал мақсадлар (ишбилармон турлардан доимий фойдаланишга мажбур бўлган фирмалар) билан кенг алоқаси мавжудлигида тўғри почта орқали тарқатиш самарали бўлади.

Диний, этнографик, тарихий ва қизиқиши бўйича туризмнинг айрим турларининг рекламасини ёки бу туризм ишқибозларининг йиғилиш жойлари да, музейлар, театр марказлари ёнида, қизиқиши бўйича клубларда, маҳсус мол ларни сотадиган дўконларда тарқатиш мақсадли бўлади. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари, кўча рекламаси, транспарантлар, афишаларда реклама тарқатиш яхши натижа беради. Туризмда рекламани тарқатиш воситалари қуйидаги манбалар бўлиши мумкин.

1. **Матбуот рекламаси**–барча даврий матбуот (газеталар, журналлар, ихтисослашган газеталар ва журналлар).
2. **Китоб рекламаси**–рекламани нашриётдан янги чиқадиган китоблар ичига жойлаштириш.
3. **Буклетлар**–фирма ва унинг хизматлари, маҳсулотларига бағишлиланган маҳсус нашр.
4. **Реклама варақалари**–бир варақда чоп этилади, бир ва кўп рангли, матнлари билан шакллантирилади. Кўпинча кўргазма, ярмаркаларда, йиғилишларда тарқатилади.
5. **Каталоглар**–қисқа тушунтириш ва нархлари билан маҳсулот ва хизматларнинг катта рўйхатини реклама қилувчи, чоп этилган нашр.
6. **Афишалар**–катта иллюстрациялардан фойдаланадиган катта ўлчамли нашрлар.
7. **Календарлар**, тамғалар, ручкалар, кундалик оммавий сотиладиган целлофан халтачалар.
8. **Телереклама**–рекламанинг телевиденияда бериб борилиши энг юқори натижаларга эришади.

**Туристик маршрутларнинг рекламаси.** Туристик маршрутлар алоҳида турлар учун ишлаб чиқилғанлигидан унинг рекламаси ҳам турлар бўйича алоҳида реклама қилинади. Бу реклама мазмуни реклама қилинаётган турга бағишлилади. Маршрутларнинг реклама мазмуни танланганда ва ишлаб чиқилганда қуйидагиларга эътибор бериш лозим бўлади.

1. Рекламага турнинг энг қизиқарли, асосий ресурси-объектини киритиши.

2. Рекламада маршрутнинг йўналиши атрофида жойлашган (агар мавжуд бўлса) дикқатга сазовор туристик обьектларни рангли тасвираш.
3. Рекламада маршрут давомида ўтказиладиган экскурсияларнинг қизиқарли обьектларини рангли тасвираш.
4. Рекламада маршрут давомида кўрсатиладиган хизматларни тасвираш.

Ўзбекистонда ҳозирги вақтда тарихий обидалар туризмига рекламалар талаб даражасида ишлаб чиқилмоқда. Лекин бу ишлаб чиқилган рекламалар ҳам Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларидағи тарихий обидалар ҳақида. Эътибор қилсак, бу шаҳарлардаги тарихий, маданий обида ларни дунё мамлакатларидағи ҳалқлар рекламасиз ҳам билишади, бу обидалар нинг мўжизавийлиги ҳақида жаҳон матбуоти (ЮНЕСКО, БМТ) ахборотларини ўқишишган, эшитишган.

Республикамиздаги бошқа шаҳарлар, туманлардаги тарихий обидалар ҳақидачи? Бу обидаларни бизнинг ўзимиз ҳам тўлиқ билмаймиз. Билганлари миз ҳам чала, саводсиз ҳолатда. Ислом оламида машҳур ва таниқли авлиёлар, шайхлар, хўжа ва сайидлар ҳаёти билан боғлиқ жойлар, уларнинг дахмалари зиёратгоҳлари тўлиқ рўйхатга олинган бўлсада, туристик маршрутлар ишлаб чиқилмаганинидан на ҳалқаро туризмда на маҳаллий туризмда фойдаланила ди.

Жиззах вилоятида Ислом дини таълимотида машҳур бўлган 30 та авлиёлар, шайхларнинг зиёратгоҳлари рўйхатга олинди ва булар ҳақида китоб ҳам чоп қилинди (Оға Бургутли, 2008). Бу зиёратгоҳларнинг бирортасига ҳам туристик маршрут ишлаб чиқилмаган. Республикаиз аҳолиси бири-биридан эшитиб бу қадамжоларни зиёрат қилишмоқда, кўриб кетишмоқда.

Республикамизда туризмни, ривожлантириш учун даставвал ҳар бир туристик ресурсга туристик маршрут ваунинг reklamasini ишлаб чиқилмоғи зарур. Туризмдаги рекламада 3 та зарурый обьект бўлади. Биринчиси— туристик обьект (макон, манзил) иккинчиси— туристик маршрут, учинчиси— туристик маршрутдаги хизматлар. Туристни ўзига чорловчи рекламада қайд қилинган 3 та обьект тасвирланиши керак.

## **12.2. Рекламада маршрутнинг йўналиши бўйича жойлашган дикқатга сазовор туристик обьектларни тасвираш.**

Бу талабда рекламага барча турларнинг асосий обьекти рангли тасвирида киритилади. Бу усул жаҳон туризмидаги энг қулай, натижали ва тан олинган усул ҳисобланади. Республикаиздаги тарихий обидалар туризмидаги қайд қилинган усулда реклама маҳсулотлари жаҳон андозаларида чоп қилиниб дунё мамлакатларига тарқатилмоқда.

Диний туризмда ҳозиргача жаҳон миқёсида номлари машҳур бўлган алломаларнинг қабрини зиёрат қилувчилар бу мукаддас жойларни билганли гидан туристик маршрут рекламасиз ҳам ватанимизга келиб кетмоқда. Туризмда реклама туристик обьектга тур маршрут ишлаб чиқилгандан кейин туризм бозорига—истеъмолчига чиқарилиши лозим. Реклама фалон жой ёки фалон қизиқарли туристик обьект фалон жойда жойлашган деган ахборотлар

билингвальдада бўлиб қолмайди. Бундай рекламалар ҳозирча бизнинг маҳаллий ахоли талабини қондиради. Биз туристик объект ёки зиёрат гоҳ манзилини сўраб-сурештириб боришга ўрганганмиз.

Рекламада туристни туристик ресурсга—объектга чорлайдиган марказий объект биринчи бетда, кўринарли ҳолатда, рангли тасвирида, қисқача изоҳ билан берилиши лозим. Масалан, экологик туризм ишқибозлари хилма-хил ҳайвонот дунёсиға қизиқишиди, бири қушларга, бири ҳайвонларга. Бундай рекламаларга маълум жойларда (тоғларда, кўриқхоналарда, буюртмахоналарда, сув ҳавзаларида ва ҳако.) яшаётган, кўпайтирилаётган, асосий диққат—эътибордаги якка ёки ўша жойда яшаётган ҳайвонот оламининг турлари биргаликда берилади.

Нурота Кўриқхонасида 600 тур ўсимликлар ўсади. Бу ўсимликларнинг умумий фондини рангли қилиб бериш рекламанинг таъсирчанлигини оширади. Шунингдек, қўриқхонанинг Осраф дарасида тоғ ҳайвонлари тасвириланган қоятошларни ҳам рекламага киритиш реклама билан танишган туристларда қизиқиши ҳосил қиласди. Кўриқхона худудидаги Мажрум қишлоғида минг ёшли улкан арча дарахти ҳозир ҳам кўкариб турибди, бу арчани ҳам тайёрланадиган рекламага киритиш рекламанинг таъсирчанлиги ни кучайтиради. Шунингдек, қўриқхонада бургут, лочин ва қора калхатлар ҳам рекламага албатда рангли тасвирида киритилиши рекламанинг жозибадор лигини кучайтиради. Масалан, экологик туризм бўйича ишлаб чиқиладиган экотуристик маршрутларнинг асосий объектларини реклама қилиш бўйича лойиҳа намунасини келтирамиз

Экотуристик рекламанинг мавзуси: «**Қизилқум табиат қўриқхонасига саёҳат**» рекламасида экотуристик маршрутнинг ўзи ишлаб чиқилмайди. Балки туристларни қизиқтирувчи объектлар қўйилади ва бу туристларда табиат қўриқхонасига бориш истагини ҳосил қилувчи ҳис—туйғуни ҳосил қиласди. Бу рекламадан кейин экотурист албатта ушбу қўриқхона турмаршрутини излашга мажбур бўлади. Шунинг учун ҳам туризмнинг тижорий сир—асрорларини бирданига эълон қилиб бўлмайди. Дастреб экотуристик маршрутнинг жозиба дор ва қизиқарли объектларининг бир қисмигина рекама қилинади. Қайд қилинган мавзудаги экотуристик реклама қуидагича бўлиши мумкин:

Қизилқум давлат қўриқхонаси Амударёнинг ўрта оқими қирғоқларидаги тўқайзор табиатига қўшилиб кетадиган Қизилқум чўли ҳудудларида жойлашган бўлиб чўлларимизнинг, тўқайзорларнинг типик табиати ва бу табиат билин боғлиқ ҳайвонот оламини тасвирилади. Амударёнинг қирғоқ бўйларида жойлашган бетакрор табиати ва ноёб ҳайвонот оламига эга бўлган тўқайзорлар Қизилқумнинг бепоён чўлига улашиб кетади.

Ўзбекистон Республикасининг «Қизил Китоб»ига ва Ҳалқаро «Қизил китоб»га киритилган ва ҳалқаро миқёсда қўриқланадиган Қизилқум эчкиэмари нинг энг кўп сонлари ушбу қўриқхонада муҳофаза қилинади.

Кўриқхона муҳофазаси тўқайзорлар ва чўл табиатидаги экотизимларнинг ёнма-ён жойлашишидаги қуруқ ва нам иқлими экологик табиий шароитларга мослашган майда судралиб юрувчи калтакесакларнинг ҳам кўпайишига табиий шароит яратмоқда. Бу калтакесаклар иқлим ўзгариши билан рангларини

ўсимликлар қопламига мослаштириб боради. Ёзниг ҳарорати кўтарилиган сари улардаги ранг хилма-хиллиги кучаяди.

Туризм рекламаларини ишлаб чиқища туроператорнинг етук билимли, малакали ва қизиқувчанлиги туристик фирма учун жуда муҳим омилдир. Туристни белгиланган маршрут билан тўғридан-тўғри у танланган туристик обьектга (маконга) олиб бориш мумкин. Туроператорнинг билими, қизиқув чанлиги ва устамонлиги омилини ишлаётганимизда ёки ундан талаб қилгани мизда турист танлаган маълум бир туристик маршрут рекламасига мазкур маршрут бўйлаб жойлашган қизиқарли тур-объектларнинг расмларини қисқача изоҳлаш албатда қизиқарли бўлади.

Масалан, Самарқанд шаҳрига келган турист реклама бўйича вилоятимиз нинг энг сўлим гўшаларидан бири бўлган Омонқўтон воҳасида 1-2 кун дам олишни ҳоҳлайди (рекреацион ва экологик туризм). Бундай буюртмаларга турфирма ва меҳмонхоналарда ишлаётган туроператорларда ҳамиша заҳирада қўшимча туристик маршрут рекламалари бўлиши лозим ва шундай бўлиши ҳам керак.

Омонқўтон воҳасига борадиган туристик маршрутнинг заҳирадаги рекламасига маршрут бўйлаб жойлашган кўплаб ёки асосий диққатга сазовор туристик объектларни жойлаштириш мумкин. Масалан, Самарқандга келиб Омонқўтонни қўришни ҳоҳлаган турист ва туристлар албатда биринчи куни Самарқанд шаҳридаги тарихий обидаларни томоша қилишади ва иккинчи кундан бошлаб Омонқўтон воҳасига туристик маршрут асосида йўлга тушади.

Ана шу туристик маршрут рекламасига биринчи навбатда Самарқанд шаҳридан чиқища жойлашган, нақшбандия тариқатининг жаҳонга машҳур алломаси Хожа Аҳрор Вали ҳазратларининг мадрасаси биносини рангли тасвирда жойлаштириш мақсадли бўлади. Чунки, Хўжа Аҳрор Вали номи ҳам Темурийлар даврида қурилган Хўжа Аҳрор Вали мадрасасининг қурилиши, маҳобати ва ранг-баранглиги ҳам Темурийлар қурган улкан, тарихий бинолар дан кам эмас.

Худди ана шу рекламага шаҳардан чиқищдаги қадимий Дарғом каналининг расми ва қисқача тарихини бериш ҳам туристни қизиқтиради. Ушбу рекламага Омонқўтон йўлидаги тош ҳайкалларнинг расмларини жойлаштириш ҳам албатда туристларни ўзига жалб қиласди. Улар табиий жараёнлар таъсирида ҳайратомуз қўринишни ҳосил қиласди, туристлар жозибадорлик, такрорлан масликни кўриб яхши кайфиятда бўлишади.

Ҳар бир туристик маршрут рекламасида қайд қилинган усулларни қўллаш мумкин. Туристик маршрут рекламаси фақат диққатга сазовар туристик обьектлар билан тўлдирилиши мумкин. Баъзи ҳолларда туристик маконга етгунча бирорта ҳам қизиқарли туристик объектлар бўлмаслиги ҳам мумкин. Бундай маршрутларда табиий ва антропоген ландшафтлардаги сўлим, рекреацион объектларга экскурсиялар уюштириш лозим бўлади.

**Рекламада маршрут давомида ўтказиладиган экскурсия обьектларини тасвирлаш.** Туризмда ишлаб чиқиладиган маршрутларда экскурсиялар (сайрлар) қанчалик кўп бўлса маршрутнинг бетакрорлиги, жозибадорлиги,

турли-туманлиги шунчалик кучли бўлади. Ҳар қандай туробъектга туристик маршрутнинг рекламасини ишлаб чиқилганда маршрут давомида нечта экскурсия ўтказиш режалаштирилса барчаси ҳақида турмаршрут рекламасида рангли расм ва қисқача изоҳ бўлиши маршрутни танланган турист учун яхши ахборот бўлади.

Рекламада маршрут давомида ўтказиладиган экскурсия обьектларини тасвирилашда туроператорларимизнинг Ўзбекистонда тарихий, маданий ва табиий жойларнинг расмий ва норасмий рамзларини жуда яхшилаб ўрганиб олишлари керак бўлади. Европалик туроператорлар туристик маршрутлар ишлаб чиқиша туристик маршрутнинг карта-схемасига асосий обьектгача ва асосий обьект йўлидаги қизиқарли жойларнинг рамзларини рангли тасвириларда қўйишади (Бу обьектлар туристик маршрут дастурига киритилмаган). Бу рамзларни кўрган туристлар кўп ҳолларда уни қўриш таклифларини билдиришади (қўшимча хизматлар). Шундай оддий тадбиркорликлик билан ҳам улар туристларнинг вақтини узайтиришади(қўшимча даромад). Европаликларнинг бу хил тадбиркорлигини туроператорларимиз яхшилаб ўрганиб олишлари лозим. Бунинг учун эса албатда билимли бўлиш, Ўзбекистоннинг тарихини, маданиятини ва табиатини жуда яхши билиш талаб қилинади.

Жаҳон туризми соҳасида XXI асрда экологик туризмни ривожлантириш энг истиқболли йўналишлардан бири бўлиши ҳар тарафлама башорат қилинмоқда.Шунинг учун ҳам туристик маршрутларни ишлаб чиқувчилар ватанимизнинг табиатини, унинг биологик хилма-хил ресурсларини яхши билишлари лозим. Чунки, мамлакатимизга келиб-кетаётган ҳар 100 турист нинг 60-65 таси табиат қўриқхоналаримизда сақланаётган ва кўпайтирилаёт ган флора ва фаунамиз билан қизиқишмоқда. Бундан хulosа қилиш мумкинки, туроператорларимиз мамлакатимиздаги табиат қўриқхоналари ва улардаги биологик ресурсларни, қўриқхоналарнинг рамзларини яхши ўзлаштириб олишлари керак. Қуйида табиат қўриқхоналаримизнинг асосий фаолиятини билдирувчи рамзлардан мисоллар келтирамиз.

Табиийки, юқорида келтириган рамзлар туристик маршрутнинг дастурига киритилмаса ҳам туристик маршрутнинг карта-схемасига қўйилса туристик маршрутдаги ҳарқандай туристни албатда қизиқтириши мумкин.

Экологик туризм, рекреацион туризм ва бошқа туризм турлари бўйича шаҳарлардан узоқ масофадаги дикқатга сазовар жойлар, тарихий обидалар ва машҳур кишилар ҳаёти билан боғлиқ бўлган тарихий-маданий жойлар албатда турмаршрут рекламасида акс эттирилиши лозим.Масалан, Самарқанд шахридан Қашқадарё томон чиқилганда бу йўналишдаги барча туристик маршрут рекламасида албатда йўл бўйидаги Оқсой қишлоғи тоғларидағи Довуд пайғамбар ғорига экскурсия уюштирилиши ва бу ғорнинг жаҳонга машҳурлиги, жаҳон миқёсидаги зиёратгоҳ жойлиги маршрут рекламасидан албатда жой олиши туристларда катта таъсурот қолдиради.

Қайд қилинганлардан хulosа қилиш мумкинки, туристик маршрутни реклама қилганда маршрутни ишлаб чиқувчи ҳам ва уни реклама қилувчи ҳам ватанимизнинг табиий, тарихий географиясини жуда яхши билиши, айниқса

туристик маршрут атрофидаги диққатга сазовор объектлар, жойлар ва марказларни туристдан олдин яхшилаб танишиб чиқиши зарур.

### **12.3.Рекламада маршрут давомида кўрсатиладиган хизматларни тасвирлаш**

Туристик маршрут давомида туристларга кўрсатиладиган хизматлар хақида ушбу ўкув қўлланмадаги мавзуларда батафсил ёзилди. Туристик маршрутдаги хизматларни ҳам маршрут рекламасида акс эттириш туристлар учун талаб қилинадиган ахборотлар рўйхатида туради. Туристик маршрут лардаги хизматлар рекламада тасвирлаганда рекламадаги асосий объектлардан, қўшимча объектлардан ва экскурсия объектларидан кейин қўйилиши мумкин. Бу ҳолатда дастлаб маршрутда хизмат қиласидаги юқори комфортли транспорт хиллари, овқатланишдаги миллий таомлар, энг сўнгида дам олишдаги шароитлар кичик рангли расмларда ҳам берилиши туристларни анча хотиржам қиласиди. Улар маршрут давомида юқорида қайд қилинган хизматларни сўраб - суриштиришиб юрмайди.

Республикамизда ҳозирги кунга келиб Чимён тоғ-чанғи спорти туризми мажмуаси, иирик, халқаро курортларимиз жаҳон андозалари талабида реклама чиқармоқда ва халқаро туризмда туристлар оқимининг келишига яхши шароитлар яратмоқда. Туризмда реклама ишлаб чиқариш мутахассисларининг фикрича:

- рангли рекламалар оқ-қора рангдагиларга нисбатан 65-70 % кўпроқ кўзга яхши ташланади;
- сифатли рангланган расмлари бор реклама сифатсиз расмли рекламага қараганда бир ярим баробар кўп кишиларга ўзига жалб қиласиди;
- сариқ ҳошиядаги қора рангдаги матн бошқа рангларга қараганда кўпроқ кишиларни матнни ўқишига жалб қиласиди;
- рекламада рамкаланган тасвирлар, изоҳлар рамкаланмаган матнларга нисбатан биринчи навбатда ўқиласиди;
- рекламадаги сўз ўйинлари унинг ўқувчанлигини пасайтириб юборади;
- рекламада матн қанчалик қисқа бўлса тез ёдда қолади;

Реклама туризмнинг доимий йўлдоши бўлиб, туристларга фақат саёҳат вақтида эмас, балки ундан сўнг ҳам хизмат кўрсатади. Бу эса рекламага алоҳида маъсулият юклайди ва туризмдаги товар ва хизматларни таклиф қилишда туризм бозоридаги ахборотларга тўла моддий маҳсулот вазифасини бажаради. Ёдда тутиш лозимки, туристик маршрут қанчалик мукаммал ишлаб чиқилса унинг рекламаси мазмуни шунчалик қизиқтирувчи маълумотларга бой бўлади. Туризм бозорида реклама қанчалик кўп бўлса, халқаро миқиёсда ҳам маҳаллий миқёсида ҳам туристлар оқимининг кучайишига ижобий таъсир қиласиди.

**Таянч сўзлар ва иборалар:** реклама, туризм рекламаси, туристик фирма рекламаси, имкониятлар рекламаси, маҳаллий туризм рекламаси, халқаро туризм рекламаси, реклама бозори, комфорт, товар ва хизматлар, хизматлар рекламаси, реклама матни, рекламанинг ранглари, ахборот рекламаси.

## **Мавзуни ўзлаштириш бўйича саволлар:**

6. Туризм рекламаларининг мақсади ва вазифаларини тушунтиринг.
7. Туризм рекламаларининг турларини тушунтиринг.
8. Туризм рекламалари қандай тарқатилади?
9. Рекламаларга тасвирларни қандай шаклларда бериш керак?
10. Туризм рекламаларида туристик хизматлар қандай тасвирланади?

### **13- Мавзу. ТУРИЗМДАГИ МАХСУС ТУРЛАРИ УЧУН МАРШРУТЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШ**

Режа:

- 13.1. Туризмдаги асосий турларнинг таърифи.
- 13.2. Туризмдаги махсус турлари ҳақида тушунча ва уларнинг географияси
- 13.3. Туризмдаги махсус турлар учун маршрутлар ишлаб чиқиш


#### **13.1. Туризмдаги асосий турларнинг таърифи.**

Туризмнинг турлари ҳақида мулоҳазалар, фикрлар билдирилганда ишнинг кириш қисмида қайд қилганимиздек Россиялик туризм мутахассисларининг фикрлари тўғридан-тўғри таржима қилиниб берилаяпти. Туризмдаги турларни таснифлашдаги чалкашликлар ҳам туризмдаги турларга, туристлар сонини, ҳаракатланишини, хизматлар турини ҳам аралаштириш, туризмдаги ҳақиқий турлар хилини аниқлашни ҳам қийинлаштиради, ҳақиқий турларнинг қайсилари мухимроғу, қайси турлар ўз салоҳияти бўйича кейинроқ туради, ажратиш мушқуллашади.

Талабалардан туризмнинг турларини санаб беринг деган саволга талаба - ички туризм, халқаро туризм, кирувчи туризм, чиқувчи туризм, автотуризм деб кейинчалик зиёратгоҳ туризми, экологик туризм, спорт туризми деб давом этади. Жавобдан маълум бўладики, талаба туризмнинг турларини статистика учун керак бўладиган туристлар оқимини ҳисобга оладиган ички, халқаро, кириш ва чиқиш туристлар ҳаракатига қўшиб юбормоқда. Ички, халқаро, кириш ва чиқиш туризми деганда туристларнинг сонини ҳисобга олиш ва ўсиш ёки камайишга қараб режалаштириш ишларини амалга ошириш тушунилади. Бу кўрсатгичлар туризмдаги тур эмас балки, туризмнинг алоҳида-алоҳида соҳалари ҳисобланади. Туризмдаги тур туристнинг маълум бир қизиқиши объекти -туристик ресурс-маконни англатади.

Туризм ривожланган мамлакатларда қайси турлар асосий деб рўйхатга олинган ва қайси белгилар асосида турни даражаларга бўлганлигини билма ганимиз панд бермоқда. Александрова А.Ю. (2008) маълумотлари бўйича туризмдаги махсус (асосий)турлар қўйидагилардан иборат:

1. Шаҳар туризми.
2. Ишчанлик туризми.
3. Қишлоқ туризми.
4. Экологик туризм.
5. Спорт туризми.
6. Зиёратгоҳ туризми.



23-Чизма. Турнинг схемаси

Юқоридаги туризм турларида маҳсус ёки асосий деб ажратиш хусусиятларини топиш қийин. Экологик, зиёратгоҳ ва спорт туризмлари жаҳон даги барча мамлакатларда энг катта туристлар оқимини ташкил қиласиган турлар ҳисобланади. Голф, Дайв туризми ва Экстремал туризм турларини диний, тарихий, экологик ва спорт туризми турларига тенглаштириб бўлмайди. Чунки бу туризм турлари дуёда унчалик ҳам оммавийлашмаган ва жуда кўплаб мамлакатларда деярли ташкил ҳам қилинмаган. Демак Россия давлати туризми да туризмдаги турлар асосий ёки маҳсус деган даражаларга ажратилган эмас.

Янги маъруза матнларида, услубий қўлланмаларда муаллифлар Россиялик туризм мутахассислари, проф-ўқитувчилари нашр қиласиган дарслик, қўлланма лардаги туризм атамаларини келтириши тўғри албатта. Лекин, Ўзбекистон туризми учун ўзига хос бўлган, қулай, миллий туризм атамалари ҳақида айниқса туризмнинг турлари ва ресурслари ҳақида ягона фикрларни, атамаларни талабаларга етказиш ва тушунтиришга келишиб олиш жуда зарур.

Туризмнинг ҳақиқий моҳияти, бу соҳанинг ривожланиш манбаи, ўзаги, ядрои туристик ресурслар ва бу туристик ресурслардан фойдаланишда аниқ мавзули, ресурс мазмунини, моҳиятини англатадиган турни ишлаб чиқиши ҳисобланади. Тур номи эса биринчидан, туристик ресурснинг, (объектнинг) моҳияти мазмунидан (масалан, диний зиёратгоҳ туризми ва ҳакозо....) иккинчидан, туристнинг ҳоҳиши, қизиқишидан (масалан, спорт туризми, соғломлаштириш туризми, дам олиш туризми, касбий фаолият туризми ва ҳакозо..) келиб чиқади.

Шунингдек, туризмнинг шакларини ҳам, соҳаларини ҳам туризмдаги турларга аралаштириш, қўшиш бутунлай нотўғри хуносаларни келтириб чиқарадики, бундай ҳолатга асло йўл қўйиб бўлмайди.

**Тур**-турист учун маълум маршрутда, маълум туристик объектга, маълум муддатда тақдим этиладиган, турли хизматлар (жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт хизмати, майший, туристик экспурсия ва бошқа) тўпламидир (БТТ-Бутунжаҳон туризм ташкилоти (23-Чизма).

Бутунжаҳон туризм ташкилоти (БТТ)-туризмнинг бешта турини истиқболли йўналиш деб эълон қилган.

1. Саргузашт туризми.
2. Денгиз ва сув ҳавзалари бўйлаб саёҳат туризми.
3. Маданиятни ўрганиш туризми.
  - а) диний зиёратгоҳ туризми.
  - б) Маданий-тарихий туризм.
4. Экотуризм.
5. Мавзули туризм.
  - а) иқклимни ўрганиш.
  - б) ҳайвонот оламини ўрганиш.
  - в) ўсимлик дунёсини ўрганиш.
  - г) палеонтологияни ўрганиш.

**Туризмнинг соҳалари** дейилганда халқаро статистикада саёҳатларнинг йўналишлари бўйича қўйидаги соҳаларни ажратиш мумкин (24-Чизма).

1. **Ички туризм**— ўз давлати чегарасида саёҳат. Экспертлар хуносасига кўра сайёҳ 80-100 км дан ошган масофага саёҳат қилса, туризм сайёҳи дейилади.
2. **Кириш туризми** - Ўзбекистонга бошқа давлатлардан туристларнинг келиши.
3. **Чиқиш туризми**-агар Ўзбекистонлик Малайзияга саёҳат қилса, чиқиш туризми (турист) бўлади. Малайзияга боргандан кейин, у турист Малайзия учун кириш туризмига киради.
4. **Миллий туризм**-ички ва чиқиш туризм шаклларини бирлаштиради.
5. **Халқаро туризм** – кириш ва чиқиш туризмларидан ташкил топади.



24-Чизма. Туризмнинг соҳалари

Ҳозирга келиб Бутунжаҳон туризм ташкилотининг юқорида қайд қилинган шакларини туризмни ривожлантираётган давлатлар ўз давлатларида туризмни ривожлантириши соҳалари деб қабул қилишган. Шунинг учун ҳам Россиялик мутахассислар адабиётидаги таснифлардан фойдаланиб Ўзбекистон да туризмнинг қайси турларини асосий деб ва бу турларнинг қандай ривожлантириш истиқболлари борлигига тўхталиш фикримизча тўғри бўлади.

Умуман олганда туризмнинг турларини белгилашда Ўзбекистон учун қулай бўлган усулни қўллашимизни ҳеч ким тақиқламайди. Республикаизда туризмни ривожлантиришга жадал кириши лаётган экан, туризмдаги турларни салоҳиятига қараб, уларга келадиган туристик оқимларга қараб маълум бир гуруҳларга ажратишимиш мумкин.

Туристик ресурслар салоҳиятига қараб Республикаизда туризмдаги қўйидаги асосий турларни ривожлантириш(дастлабки даврда) мумкин ва бу турларни **асосий турлар** деб қабул қилиш лозим (25-Чизма).

**Диний туризм**-Ислом дини оламидаги машҳур кишиларнинг қабр ларини зиёрат қилиш. Маккага, Мадинаға ҳаж ва умра сафарлари. Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз, Тошкент шаҳарларига келиб масжидларда «жума» намозларини ўқиши. Шунингдек, ушбу шаҳарлардаги муқаддас қадамжолар бўлган-Имом-ал-Бухорий, Бухоролик пирлар, Хўжа Аҳрор вали, Рухобод мажмуаларида номоз амалларини бажариш.

**Тарихий обидалар туризми**-Бухоро,Хива,Самарқанд,Шаҳрисабз, Тошкент шаҳарларидаги ва Республикаиз туманларидаги тарихий обидалар ни кўришга қизиқиши.

**Экологик туризм** - Ватанимизнинг гўзал табиат минтақаларига, бетакрор табиат гўшаларига, ноёб ўсимликлар олами ва ҳайвонот дунёсига, 4 фаслнинг иқлимий хусусиятларини кўришга қизиқиши.

**Археологик туризм**-Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Термиз, Тошкент шаҳарларининг қолдиқлари, қадимий қалъалар харобалари, кўҳна қадимий Марказий Осиё халқлари ҳаёти ҳақидаги археологик топилмаларига қизиқиши.

**Спорт туризми**-Халқимизнинг ҳозирда жаҳон бўйича оммавийлашиб бораётган миллий кураш, теннис, футбол, чанғи спорти, бокс, олимпиада, миллий ва халқаро спорт ва бошқа спот-беллашув мусобақаларига қизиқиши.

**Соғломлаштириши туризми**-Ватанимизнинг соғломлаштириш марказларида, курорт ва санаторияларида, минерал, шифобахш сувлари масканларида, шифобахш қум-балчиқларида, маъданли сувлари манзилларида давола нишга қизиқиши.

**Рекреацион туризм**-Табиат бағридаги мўжизакор гўшаларда, тоғ ўрмонларидаги шифобахш дараҳтлар ичида,табиий шаршаралар,зилол булоқлар ёнида вақтинчалик дам олишга қизиқиши.

**Овчилик туризми**-Республикаизда ов қилишнинг хуқуқий-қонуний меъёрлари яратилганлиги, овчилик майдонларининг катта худудларни эгаллаши, овчилик объектларининг аниқлиги, овда ҳаракатланишининг эркинлигидан курол ва қуролсиз овчиликка қизиқиши.



25-Чизма. Ўзбекистон Республикасидаги туризмнинг асосий турлари

**Касбий фаолият туризми**-касбий фаолият юзасидан чет давлатларга боришига, чет элликларнинг республикамизга келишига, тижоратчилар, тадбир корлар, савдогарлар, қўшма корхоналар тузувчиларнинг мамлакатлардаги ўз касби фаолияти доирасида малакалар ошириш, маҳсулотлар, асбоб-ускуналар ва замонавий технологияларни сотиб олишга ёки танишишга қизи қиши.

**Илмий туризм**-Ватанимизда ва хорижда таълим олиш, халқаро илмий марказларда ўқиш, халқаро йирик Университетларда илмий-амалий малака ларини ошириш, халқаро илмий-амалий конференциялар, симпозиумларга қатнашиш, халқаро илмий грант лойиҳаларни бажаришга, магистратура, аспирантура ва докторантурани хориж мамлакатларда , ватанимизда ўтказишиш.

**Савдо туризми** - Ватанимизда ва хорижда фақат савдогарчилик масала ларига,мол олиб келиш ва олиб кетиш, айрибошлиш, савдо марказлари очиш, нарх-наво ўзгаришига, валюталар баҳосига, янги бозорларга, харидор талаб моллар савдосига қизикиш.

**Ижтимоий туризм**—Давлат томонидан ёки шахс ишлаб турган корхона ҳисобидан саёҳатга чиқиши, соғломлаштириш, дам олиш масканларига, курорт ва санаторияларга боришга қизиқиши. Ўзбекистонда бундай имтиёзларни Ўзбекистон касабачилар уюшмаси федерацияси ишлаб чиқади.

**Экскурсия (танишув, қўриши) туризми**- бу тур асосан мамлакат ичка рисида кўпроқ ривожланади. Якка шахс ёки гурух бўлиб ташаббускор (ўқитувчи, эколог, инженер, мутахассис) бошлиқ раҳбарлигига қисқа муддат ларда ўлкашунослик, тарихий, маданият музейларини, ботаника боғларини, завод, фабрикаларнинг иш фаолиятларини, яқин масофалардаги оромгоҳлар, табиий ландшафтларни, ҳайвонот боғлари, сув ва дарё ҳавзаларини кўришга қизиқиши.

**Шаҳарсозлик туризми**-Ўз ватанида ва хориж давлатларидаги замонавий шаҳарларни кўришга қизиқиши. Тошкент, Самарканд, Бухоро, Хива, Шахрисабз шаҳарларида янги обидалар ва янги типда кенгайтирилган шаҳарлар, айниқса чўлларимизда бунёд этилган Навоий, Зарафшон, Учкудуқ, Зафаробод каби шаҳарларига қизиқиши ички туризмда ҳам ҳалқаро туризмда ҳам ўзининг туристик бозорини топишни таъминлашимиз лозим.

Қайд қилинган 14 та туризм тури Республикаизда талаблар даражасида ривожланиши мумкин. Чунки бу туризм турларига (ички ва ташқи туризм да) туристларнинг қизиқишилари ҳақида батафсил маълумотлар бор. *Иккинчидан*, қайд қилинган турларнинг туристик ресурслари-объектлари хилма-хиллиги, жозибадорлиги, мазмундорлиги, диққатга сазоворлиги, улуғворлиги, муқаддас лиги, ноёблиги, бетакрорлиги жиҳатлари, қўринишлари таърифлари телевидение, интернет ахборотлар тизимида реклама қилин мөқда. Шунингдек, туризм ривожланган давлатлардаги тажрибалардан маълумки, бу турларга туристларнинг оқими жуда катта масштабларда бўлади. Шунинг учун ҳам қайд қилинган турларни туризмдаги *асосий турлар* деб номлаш ҳам тўғри бўлади.

### **13.2. Туризмдаги маҳсус турлар ҳақида тушунча ва уларнинг таърифи, географияси**

Туризмнинг маҳсус турлари ҳақида Республикаизда биринчи сўзни айтган ва бу турларнинг дастлабки рўйхатини тузган М.Т.Алиева ҳисоблана ди.М.Т.Алиева туризмдаги маҳсус турларни қуидагида қайд қилган:

1. Маданиятга қизиқиши туризми.
2. Табиатга қизиқиши туризми.
3. Қишлоқ туризми.
4. Фермерлар ҳаёти туризми.
5. Пиёда ва велосипедда ҳаракатланиш туризми.
6. Ихтисослашган мотивлардаги туризм.
7. Этник туризм.
8. Диний зиёратгоҳ туризми
9. Касбий фаолият туризми.
10. Соғиниш туризми.
11. Саргузашт туризми.

## 12. Экологик туризм.

М.Т.Алиева ўзининг мャлумотларида туризмнинг маҳсус турларини қўйидаги таъриф бўйича ажратади-«Туризмнинг ушбу турларига бирор районнинг ўзига хос, фарқ қилувчи хусусиятлари билан танишиш мақсадида ги саёҳати киради. Бу саёҳатлар туристларда шаклланган (ҳаваскорлик ва профессионал) қизиқишлардан келиб чиқади. Маҳсус турларга туризмнинг кичик қўламли ноанъанавий турлари ҳам киради.»

Мазкур таъриф бўйича экологик туризм, диний зиёратгоҳ туризм ва табиатга қизиқиш туризмлари кичик қўламли эмас балки, энг оммавий туристик оқимни ташкил қиласидан туризм турлари ҳисобланади. Шунинг учун ҳам туризмдаги бу учала тур туризмнинг асосий турлари рўйхатига туриши бизнингча тўғри бўлади.

Шунингдек, пиёда ва велосипедда ҳаракатланиш туризмнинг тури эмас балки, туристнинг хоҳиш-истаги билан ўзи танлаган ҳаракатланиш воситаси дир. Яъни турдаги транспорт хизматларидан истеъмолчининг-туристнинг ўз ташаббуси билан фойдаланишини тушуниш кекак Агар туристнинг бу каби ҳаракатларини тур деб қабул қиласак автотуризм, самолёт туризми, темир йўл туризми ёки түя ва эшак туризми деган мазмунсиз туристик атамалар пайдо бўладики, бу атамаларни яратиш асло мумкин эмас. Туристнинг транспорт турларидан фойдаланиши туризмда транспорт хизматларига киришини билиш унчалик мураккаб тушунча эмас.

Рўйхатдаги ихтисослашган мотивлардаги туризм тури туризмдаги аниқ турни англашмайди. Чунки туризмдаги ҳозирги турларнинг барчasi мャлум бир туристик ресурсга-объектга қизиқиш натижасида худди, айнан шу туристик ресурснинг-объектнинг ёки ресурсларнинг-объектларнинг номига ихтисослашган, номланган. Масалан: археологик туризми-қадимий шаҳарлар, обидалар, цивилизация қолдиқларининг очилиб ҳозирги кўринишини олиши; экологик туризми-бетакрор табиат ва унинг ресурслари, биологик хилма-хиллик, табиий минтақалар ландшафти; овчилик туризми-овчилик объектлари-қушлар, ҳайвонлар, балиқлар.

Рўйхатдаги этник туризми ва соғиниш туризмларини кичик қўламли туризм турлари, фермерлар ҳаёти туризмларини мазмуни ва моҳияти жиҳатидан агротуризм деб атасак тўғри бўлади. Қишлоқ туризми Европа давлатларининг барчасида, АҚШ, Канада ва Австралияда энг като туристик (ички туризм) оқимларни ташкил қиласан асосий турни ташкил қилмоқда.

Туризмдаги маҳсус турларни аниқлашда М.Т.Алиеванинг-«кичик қўламли, ноанъанавий турлар» таърифи асосий мезон қилиб олинди. Шунингдек, туризмдаги барча асосий (катта қўламли, анъанавий) турлар инсон нинг ишлаб чиқариш, бунёдкорлик, изланувчанлик, тарихга, табиатга, ўтмишга қизиқишидан келиб чиқганлигини ҳисобга олсақ, кичик қўламли ноанъанавий туризм турларини ҳам ушбу ишнинг ўрганиш объектлари-халқимизнинг қадимдан ҳаёт кечириши давомида ҳозиргача сақлаб келган ва янада ривож ланиб бораётган ижодкорлик, яратувчанлик меҳнати, касбкорлик йўналишлари соҳалари, миллий урф-одатлари, миллий ўйинлари, миллий маданияти ва санъати, шунингдек, бетакрор табиатимизнинг тарихий-экологик иқлим

жараёнлари таъсирида ҳосил бўлган мўжизакор, ҳайратомуз кўринишларидир. Шу жумаладан музейларимизни зоопаркларни ва хотира боғларини, майдон ларини ҳам маҳсус турларга киритишимиз мумкин.

**Маҳсус турларни туризмда шакллантириш.** Туризм ресурсларини рўйхатга олишда ва маълум бир обьектнинг туризм ресурси бўла олишлиги ўрганилгандан кейин бу обьектга ёки табиий маконга ёки ишлаб чиқариш соҳасига «туризми» сўзини қўшиш билан ҳал қилинмайди. Масалан: хунармандчилик соҳасини «хунармандчилик туризми» кабилар.

Ишлаб чиқариш ресурсларини туризм ресурсларига айлантиришдаги дастлабки талаб мамлакатда ички ва ташқи туристларни биринчи навбатда қизиқтира оладиган соҳа ёки обьектни ўрганиш тўғри бўлади деб ҳисоблаймиз. Ўрганиладиган обьект оддий истеъмолда эмаслиги халқимизнинг ўзига хос бўлган бежирим буюмларининг бошқа давлатларда ишлаб чиқармаслиги, урф-одатларнинг миллийлиги ёки миллий ўйинларнинг бошқа давлатлардаги халқлар ҳаётида умуман йўқлиги, миллий санъаткорлик ижодлари мужассам бўлиши биринчи навбатда чет эллик туристларни жалб қиласди.

Бундай обьектларга масалан хунурмандчилик, ёки устачиликни олгани мизда дастлаб дунёнинг барча давлатларида яшаётган халқларнинг ҳам ўзига хос миллий хунармандчилик ва миллий устачилик соҳалари албатта бор. Биз ишлаб чиқаришдаги миллий хунармандчилик ёки устачиликда ўзимизнинг хунармандчилик ёки устачилик соҳалари буюмларининг ноёблиги, гўзал-бежиримлиги, мустаҳкамлиги, бу буюмларда санъаткорликнинг, кишиларни ҳайратга соладиган ижод намуналарининг кўплигидан, бошқа давлатлардаги худди шундай буюмлар, маҳсулотлардан анча устунли гига эътибор беришимиз лозим бўлади.

Масалан, каштачиликдаги икки йўналиш: оддий каштачилик ва зардўзи каштачиликнинг бошқа давлатларда яшаётган халқларнинг каштачилигидан устунлиги шундан иборатки сўнгти вақтларда Ўзбекистонга келиб кетаётган давлат раҳбарлари, Бош вазирлар, машҳур адиларга, халқаро миқиёсдаги таникли раҳбарлар, спорт ва санъат юлдузларига маҳсус маросимларда зардўзи тўн ва дўппи кийдирилмоқда. Иккала буюм ҳам фақат ўзбекистон ликлар учун миллий буюм хиллари ҳисобланади. Эътибор қилсан қозоқ, қирғиз, туркманистонликларнинг ҳам тўнлари, дўпилари, ўзларининг миллийлигини кўрсатиб туради.

Бинобарин, Марказий Осиё халқларининг келиб чиқишлиари деярли бир, яшаш манзилларининг яқин-қўшни эканлигидан биздаги дўппи ва зардўзи тўн тикиш уларда ҳам бўлиши мумкин эди. Лекин қадимий туб жой аҳолининг буюмлар яратишдаги миллий урф-одатлари ва иқлим хусусиятлари, байрам тантаналарда кийиш одатлари ва хуш қўришлари нуқтаи – назаридан Марказий Осиё халқларида қайд қилинган иккала буюмни тикишда турли услуг, танлаш ва йўналиш ҳосил бўлган.

Демак, биздаги миллий дўппичилик ва зардўзи тўн тикиш қўшни давлат ларда ривожланмаган экан дунёнинг бошқа биронта давлатларида биздагидек усувлари умуман йўқ ҳисобланади (Хитой халқ республикасидаги уйғур халқида ҳам зардўзи каштачилик ривожланган). Бу хulosалардан миллий қўл

хунармандчилигидаги дўпичилик ва зардўзи тўн тикишни халқаро туризм обьект–ресурси сифатида маҳсус турлар рўйхатига кўшса тўғри бўлади.

Халқимизнинг миллий ўйинларидан туризм соҳасида фойдаланишнинг жуда катта имкониятлари борлигини илғаш қийин эмас. Масалан, қушларни уриштириш ўйини ёки мусобақаси дунёнинг жуда қўп мамлакатларида бор. Бизда қушларнинг хўroz уриштириш ва бедана уриштириш ўйинлари бор. Бу қушларни уриштириш мусобақалари Ўзбекистон Республикасида жуда оммалашаган. Хўroz уриштиришнинг жаҳон биринчилиги ҳам ўтказилади.

Энди, ички туризмда бу ўйинлар ҳозир ҳам шаҳарлар, туманларнинг бозор майдонларида ўтказилади. Халқаро туризмда албатта бу «уриштириш» ўйинлари оммавийлашмайди. Чет элларда жуда кам сонли ишқибозлар бу ўйин ларга қизиқиб келиши мумкин. Бозорларда эса асосан вақти бор ва тўсатдан нигоҳи тушган, бозорга келган кишилар бу ўйинларни томоша қилишади. Бу ўйиндан туризм мақсадларида фойдаланилса ҳам «кичик қўламли, ноанъанавий тур» бўлиб қолаверади. Бу ўйинларни туризмга жалб қилишнинг энг зарур томони шундан иборатки, ички туризмда ҳам ташқи-халқаро туризмда ҳам қайд қилинган «янги турдан» йўл-йўлакай, туристларнинг кўнгил очар ўйинларни, дам олишни хоҳлаган вақтларида фойдаланиш, туристларга таклиф қилиш мумкин. Албатта бундай таклиф хизматлар пуллик бўлади.

Туризмдаги маҳсус турларни аниқлиш ва рўйхатга олиш, кузатиш, устахоналардаги хунармандлар ва усталарнинг фаолият ва ишлаб чиқарган буюмларини томоша қилиб шундай хуносага келиш мумкини, туризмда фойдаланиш учун рўйхатга олинаётган аксарият турлардан ички туризмда экспурсия-танишув туризмида халқаро туризмда эса қўшимча тур манбалари сифатида (туристга таклиф қилиш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш, суратга ёки видеога олиш ва ҳакозолар) фойдаланиш мумкин.

**Туризмдаги маҳсус турларнинг географияси.** Туризмдаги маҳсус турларнинг географияси аниқ манзиллар бўйича аниқланмаган. Маҳсус турларни ҳосил қилувчи ишлаб чиқариш соҳалари, халқ хунармандчилиги марказлари, миллий ўйинлар туманлари ва ҳоказолар ҳозиргacha аниқ манзиллар бўйича рўйхатга олинмаган. Энди, туризмдаги маҳсус турлар ҳақида сўз юритганимизда биринчи навбатда эътиборлиси шундаки, нима учун туризмдаги турлар асосий ва маҳсус турларга ажратилди.

Маълумки, турнинг ўтказилиш вақти айнан турнинг аҳамиятини ва унинг салмоғини белгилайди. Шу нуқтаи назардан асосий турлар қўп вақтларни сарфлайди. Бу турлар қўп ҳолларда туризмнинг барча хизматларини сўрайди. Туризмдаги маҳсус турлар эса асосан туристларнинг бўш вақтларини, қўп ҳолларда туристнинг қизиқиши натижасида юзага келади. Шунинг учун ҳам ҳар бир давлат ва әлатлардаги сақланиб қолган маданий меърос кўринишлари ва ишлаб чиқариш соҳаларини туризмга жалб қилишда ушбу соҳаларнинг номи билан туризмнинг маҳсус турлари деб атасак бизнингча тўғри бўлади.

Самарқанд шаҳридаги ўлкашунослик ва Ўзбекистон халқлари тарихий музейидан ҳам Ўзбекистонда хунармандчилик ривожланган туманлар, ёки миллий фольклор гурухлари, зардўзлик ёки миллий ўйинларнинг аниқ географик манзиллари топилмади. Шунинг учун ҳам туризмдаги маҳсус

турларнинг географияси асосан сўров, савдо-тижоратдаги ахборотлар, оғзаки ҳикоялар, кўп йиллик экспедицияларда юрувчиларнинг ахборотлари ва ҳаётий кузатувлар асосида тузилди (2-жадвал).

2 – жадвал

### Туризмдаги маҳсус турларнинг географияси

№	Туризмдаги маҳсус турлар	Туризмда қизиқиши, фойдаланиш обьекти	Оммавий ривожланган туманлар
1	Миллий маданиятга қизиқиши туризми	Урф-одатлар, оила ҳаёти, миллий этикет, катталар ва ёшлар муносабати, уй тутиш, келин тўй, суннат тўй, меҳмон кутиш ва меҳмондорчилик маросимлари	Ўзбекистон Республикаси нинг барча вилоятлари, шаҳарлари, туманлари, қишлоқлари
2	Қишлоқ ва фермер ҳаёти туризми	Қишлоқларнинг турли – туман лиги ва табиий –тарихий даврда юзага келиши, қишлоқ аҳолиси ҳаёти, фермерлар ҳаёти ва фаолиятига қизиқиши.	Республикамиз ҳудудларидағи қишлоқлар, тоғдаги қишлоқлар, сув ҳавзаларидағи қишлоқлар
3	Этник соғиниши туризми	Халқлар, эллар, уруғлар, уларнинг яшаш тарзи, миллатларнинг урф-одатлари, келиб чиқиши тарихи, жойлашиши, ўзаро алоқалари. Халқларнинг, миллатларнинг ҳар хил сабаблар билан дуне бўйлаб тарқалиб кетиши, уларнинг бир-бирларига интилиши, соғиниши	-Ўзбекистон ва дунё мамлакатлари доирасида - Ўзбекистон Республикаси ва қўшни Марказий Осиё давлатлари
4	Саргузашт туризми	Табиат минтақаларига, узок юртларга, элларга, тоғларга таваккалига ёки режа асосида пиёда ёки транспортда йўлга чиқиши	Ўзбекистонда ривожлантиришга қизиқиши жуда кам
5	Миллий санъат туризми	Миллий санъат, қўшиқчилик, рақс, рассомчилик, бахшилар ҳаёти, асқиялар, лапарлар, миллий фольклор	Ўзбекистон Республикасининг ҳудудларида
5.1 Қўшиқчилик	5.1.1. Хоразм усули	Хоразм, Бухоро, Қорақалпоғистон вилоятлари	
	5.1.2. Самарканд усули	Зарафшон водийси	
	5.1.3. Фарғона усули	Фарғона водийси	
5.2. Қўшиқчиликда бахшилар фаолияти	5.2.1. Қашқадарё-Сурхондарё усули	Қашқадарё вилояти, Сурхондарё вилояти,	
	5.2.2. Зарафшон – Нурота усули	Самарканд вилояти, Навоий вилояти	
	5.2.3. Хоразм усули	Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон	
5.3. Рақс санъати	5.3.1. Хоразм усули	Хоразм, Бухоро вилоятлари	
	5.3.2. Қорақалпоқча усули	Қорақалпоғистон	
	5.3.3. Бухороча усул	Бухоро вилояти, Тажикистон Республикаси	

		5.3.4. Фарғонача усул	Фарғона вилояти, Тошкент вилояти,
5.4 Аскиялар, айтишувлар	5.4.1. Аскиялар	Фарғона водийси	
	5.4.2. Айтишувлар	Қорақалпоғистон, Хоразм	
5.5 Миллий рассомчилик ва ҳайкалтарошлиқ	5.5.1. Рассомчилик	Самарканд, Бухоро, Хива, Тошкент	
	5.5.2 Ҳайкалтарошлиқ	Самарканд шаҳри, Тошкент шаҳри	
5.6. Миллий фольклор санъати	5.6.1. «Бойсун» фольклори	Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани	
	5.6.2 «Лазги» фольклори	Хоразм вилояти	
	5.6.3 «Беш қарсак» фольклори	Самарканд вилояти Ургут тумани	
	5.6.4 «Ойгулойим»фольклори	Қорақалпоғистон	
6	Табиий-тарихий тасвирлар туризми. 6.1. Табиат музейлари	6.1.1.Шаршаралар	«Арслонбоб»-Фарғона
		6.1.2. Қадимий булоқлар	“Бахмал”, “Фориш”, «Галлаорол» туманлари Жиззах вилояти, «Нурота»тумани, Навоий вилояти ва ҳок.
	6.2.Қоятошлардаги қадимий расмлар	6.2.1.Табиат ҳайкаллари	Ургут тумани, Нуробод тумани, Самарканд вилояти, «Галлаорол» тумани Жиззах вилояти, Нурота тумани Навоий вилояти
	6.3. Ҳайвонот боғлари	6.3.1.Ноёб ҳайвонлар яшаш тарзи	Тошкент шаҳри Термез шаҳри
	6.4. Ўлкашун ослиқ музейлари	6.4.1.Дунё табиатидаги ҳайвон ва паррандалар коллекцияси	Вилоятлар маркази бўлган шаҳарлар
7	Миллий ҳунармандчилик туризми. 7.1.Дурадгурлик ва унинг мактаблари	7.1.1.Ёғочга ўйма шакл солиш	Хоразм усули, Ургут усули, Самарканд усули, Бухоро усули, Фарғона усули
		7.1.2.Совғалар, шкатулкалар	Бухоро усули, Самарканд усули
	7.2.Кулолчилик ва унинг мактаблари	7.2.1. Сопол буюмлар ясаш	Хоразм усули, Бухоро усули, Самарканд усули, Фарғона усули
	7.3.Каштачилик	7.3.1.Матога рангли гул солиш	Бухоро усули, Самарканд усули, Жиззах усули, Чўлликлар усули
		7.3.2.Зардўзи каштачилик	Ургут усули,Бухоро усули, Самарканд усули, Фарғона усули
	7.4. Миллий либослар	7.4.1. Миллий дўппи	Фарғона вилояти, Наманган вилояти, Бухоро вилояти, Хоразм вилояти
		7.4.2. Миллий тўн	Хоразм вилояти, Сурхондарё вилояти,

			Тошкент вилояти, Фарғона вилояти, Жиззах вилояти
	7.4.3.Атлас ва беқасам буюмлар	Марғилон шахри	
	7.4.4. Бахмал буюмлар	Самарканд шахри	
7.5 Миллий устачилик	7.5.1.Темирчилик, қадимий асбоблар	Республикадаги туманлар	
	7.5.2.Мисгарлик	Самарканд, Бухоро, Фарғона, Хива	
	7.5.3. Мусиқасозлик	Самарканд,Хоразм, Фарғонаводийси	
	7.5.4.Бешиксозлик	Самарканд, Бухоро, Фарғона водийси, Ургут	
	7.5.5. Аравасозлик	Қўқон	
	7.5.6. Сандиқсозлик	Ургут, Самарқанд, Бухоро, Фарғона водийси	
	7.5.7.Эгарсозлик	Бахмал Тумани, Жиззах вилояти, Қашқадарё вилояти	
	7.5.8. Маҳсидўзлик	Наманган	
	7.5.9. Гиламчилик	Хоразм вилояти, Жиззах вилояти, Нурота тумани Навоий вилояти,	
	7.5.10.Палос тўқиши	Чўл халқи, Жиззах ва Навоий вилояти	
8	Миллий ўйинлар 8.1.Кўпкари – улоқ	8.1. Чавандоз от устидаги тортишувда маррага улоқ олиб бориши- кўпкари	Қашқадарё, Жиззах, Навоий
9	8.2. Миллий кураш	8.2.Полвонлар мусобақаси	Бухоро вилояти, Қашқадарё вилояти, Сурхондарё вилояти
10	8.3. Кўчкор уриштириш	8.3. Кўчкор уриштириш мусобақаси томошаси	Хоразм, Қорақалпоғистон, Бухоро вилоятлари
11	8.4. Хўрз жанги	8.4. Хўрзлар жанги тomoшаси	Самарканд шахри, Бухоро шахри,Фарғона
12	8.5. Бедана жанги	8.5. Беданалар жанги тomoшаси	Самарканд, Бухоро, Фарғона водийсидаги шаҳарлар
12	8.6.Дорбозли к	8.6 Баланд тортилган арқонда юриш, ўйин кўрсатиши	Тошкент вилояти, Фарғона вилояти
14	Форшунослик	9.Табиатдаги ер ости қасрларига саёҳат. 9.1 Амир Темур ғорига қизиқиши	Ўзбекистон худудидаги ғорлар (400 маконда), Қашқадарё вилояти
15	Агротуризм	10.Халқимизнинг дехқончилик усулларига қизиқиши(халқаро туризм учун)	Ўзбекистоннинг суғориладиган ерлар худудлари
16	Халқаро полвонлар беллашуви	Хориж мамлакатларида	Хориж мамлакатларида

17	Ҳаёт учун хавфли спорт ўйинлари	Хориж мамлакатларида	Хориж мамлакатларида
----	---------------------------------	----------------------	----------------------

Махсус турларнинг географиясини ўрганишдан қуидаги хуосалар келиб чиқади:

1. Туриздаги махсус турларнинг Республикализнинг деярли барча ҳудудларида манзиллари бор. Жадвалдаги маълумотлар дастлабки кузатувлар натижаси бўлиб туризмдаги махсус турларнинг биз билмаган манзиллари ҳам жуда кўплаб туманлар, шаҳарлар ва қишлоқларда фаолият кўрсатиб келаётганлигини англаш, тушуниш қийин эмас.

2. Республикаиздаги махсус турларнинг аксарият турлари шаҳарлари мизда ва туманларда жойлашган. Айниқса, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хива, Шаҳрисабз шаҳарларида бошқа ҳалқларда, мамлакатларда учрамайдиган мўъжизавий, инсонни ҳайратга соладиган, совғабоп ва умумий фойдаланишга жуда зарур бўлган осори-атиқа буюмлар, қадимий асбоб-ускуналар ишлаб чиқарилмоқдаки, ички ва ҳалқаро туризмда бундай имкониятлардан ҳанузгача фойдаланилмай келинаёт ганлигининг ўзи афсусланарли ҳолдир.

3. Туризмдаги махсус турлардан Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива, Фарғона водийси ва Шаҳрисабз шаҳарларида мажмуали фойдаланишнинг ташкилий жиҳатлари тезкор усувларда ишлаб чиқилиши керак.

Маълумки, ҳалқаро туристлар оқими қайд қилинган шаҳарларда кузатилмоқда. Бу туристлар асосан тарихий ва маданий обидаларга ва зиёратгоҳ жойларга ташриф қилмоқдалар. Ана шу туристларни ушбу шаҳарлардаги махсус туризм турларига таклифлар қилиш, қизиқтириш усувларини қўллаш вақти келди. Бундай мақсадларни, режаларни амалга ошириш учун шаҳарлар даги махсус турларнинг жаҳон андозалари бўйича шакллантирилган, сифатли нақшланган буклов рекламаларини ўзбек-рус ва инглиз тилларида ахборот ва тушунтиришлар билан меҳмонхоналар, туристик фирмаларга тарқатиш ва бу букловларни хориж давлатлардан келган туристлар бепул ёки совға сифатида олишларини таъминлаш амалда кутилган усувлардан бўлиши шубҳасизdir. Бу букловлар турист ватанига қайтганидан кейин унинг кўплаб ватандошларини қизиқтириши мумкин.

Туризмдаги махсус турларнинг ҳунармандчилик, устачилик марказлари шаҳарларда жойлашганлиги учун шаҳардаги талabalар, коллеж ва академик лицейлар ўқувчиларини шунингдек атроф туманлардаги мактаблар ўқувчи ларини имтиёзли экспурсия усулида бу ҳунармандчилик ва устачилик марказларини кўришларини таъминлаш ички туризмнинг ривожига ижобий таъсир кўрсатишини яхши англашимиз керак.

Туризмдаги махсус турлардаги миллий ўйинларимизни туристик фирмалар ёки туристик ташкилотлар ташкил қилишига асло ҳожат йўқ. Бу ўйинларни ҳалқимиз йилнинг мавсумларида ўзлари доимо ташкил қилмоқдалар. Туризм соҳасидаги мутахассисларнинг вазифаси туристларни бу миллий ўйинларга таклиф қилиш ҳисобланади. Таклифгача эса ўйинларга етиб бориш маршрут

лари аниқланган ва туристларга кўрсатиладиган барча хизматлар кўрсатиш мажмуалари, шароитлари яратилиши талаб қилинади.

Туризмдаги маҳсус турларнинг тавсифи, таснифи ва географияси билан танишганимиздан сўнг туризмда фойдаланишда бу турлар деярли тайёр ҳолатдалигини кўрамиз. Бу ҳолатда маҳсус турлардан фойдаланишда биринчи навбатдаги вазифа маҳсус турлардан фойдаланишда хизматлар кўрсатишнинг ташкил қилиш ва ишлаб чиқиши ҳисобланади.

1. Туризмдаги маҳсус турларни ривожлантиришнинг биринчи навбатдаги вазифаси бу турлар ҳақидаги реклама маҳсулотлари Республикализнинг барча меҳмонхоналарида, туристик фирмаларида ва туристик ташкилотларида кўп тиражда бўлишлигини тъминлашдир.

2. Республикаизда туризмнинг маҳсус турларини ривожлантириш учун жаҳон талабларига мос келадиган, илмий ва иқтисодий жиҳатдан асосланган, кутиладиган натижаларни режалаштириш бўйича турли муддатларга мўлжалланган грант лойиҳалар ва бизнес режалар ишлаб чиқишини амалга оширишни бошлаш лозим бўлади. Бу лойиҳалар, бизнес режалардан истиқ болли, барча сарф-харажатларни қисқа муддатларда қоплайдиган, илмий ва иқтисодий жиҳатдан асосланган грант–войиҳалар ва бизнес режаларни амалга ошириш учун давлатимиз томонидан имтиёзли кредитлар ажратилиши маҳсус турларни туризмда ривожлантиришда тубдан бурилиш бўлади.

3. Туризмдаги маҳсус турларни реклама қилиш йўналишида жаҳоннинг турли тилларида Ўзбекистон халқининг ижодкорлиги, яратувчанлиги, миллий маданияти ва санъати, хунармандчилиги, бетакрор-мўжизали буюмлар яратиш даги қўли гул устачилиги ва бошқа давлатларда учрамайдиган турли туман, қизиқарли миллий ўйинлари борлиги ҳақида интернетда сайтлар очиш маҳсус туризм турларини ривожлантириш йўлидаги фаол меҳнатлардан бўлади.

4. Туризмдаги маҳсус турлардан фойдаланиш, бу турларга ички ва ташқи туристик оқимни амалда ҳосил қиласидиган «Маҳсус туризм бўлимлари»ни «Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг вилоятлардаги филиалларида очиш бу турлардан фойдаланишдаги муаммоларнинг ечимини қисқа фурсатларда топилишига мустаҳкам замин яратади.

5. Туризмдаги маҳсус турларни ривожлантиришда тадбиркорлик фаолият ларига кенг йўл, имкониятлар очиб бериш вақти келди. Шу жумладан реклама мақсадида туризмнинг муҳсус турлари ҳақида брошюра, букловлар, варақа, плакат–рекламалар, рангли маълумотларни катта тиражларда чоп этиш, тарқа тиш мақсадли бўлади. Туризмдаги маҳсус турларнинг жаҳон талабларига мос келадиган моддий-техник, ахборот-маълумотлар базасини яратиш, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш энг муҳим аҳамиятга эга бўлишни ҳозирдан бажармоқ керак.

Туризмни оммавий ривожлантириш учун катта имконият ва салоҳиятга эга бўлган туризмнинг маҳсус турларининг истиқболдаги ўрнини белгилаш учун албатта ташкилий-ҳаракат дастурини тузиш соҳа учун зарурӣ, мажбурий талаб эканлигини ҳозирданоқ англомимиз лозим.

Туризмнинг маҳсус турларини ривожлантиришнинг умумий режаси «концепция»си юқорида келтирилди. Навбатдаги вазифа бу турларнинг

истиқболини белгилаш, ривожлантиришнинг ташкилий -ҳаракат «Дастури» ни ишлаб чиқишидир.

### **13.3. Туризмдаги махсус турлар учун маршрутлар ишлаб чиқиши.**

Туризмдаги махсус турлар учун маршрутларни туристик маршрутда хизматлар кўрсатиш талаби бўйича икки гурухга бўлишимиз мумкин:

**1-гурух**—Алоҳида туристик маршрутни талаб қилмайдиган туризмнинг махсус турлари;

**2-гурух**-Алоҳида туристик маршрутлар ишлаб чиқиши талаб қиласидиган туризмнинг махсус турлари.

Туриздаги махсус турлар географиясидан маълумки, ҳозирча биз Ўзбекистонда туризмдаги махсус турларнинг 11 турини рўйхатга олдик. Бу турлар ҳам жами 51 тармоқга, кўринишларга бўлинниб кетади. Биринчи гурухда турган махсус турлар алоҳида туристик маршрутлар ишлаб чиқиши талаб қилмаслигининг сабаби—бу турлар ресурслари—объектлари асосан шаҳарлари миз, туманларимиз марказларининг ичидаги ёки атрофларида жойлашганли гидир.

Маълум бир шаҳарга келган ҳар қандай даражадаги туристни махсус турлар обьектига таклиф қилиш туроператорнинг тадбиркорлигига боғлиқ. Махсус тур шаҳар ичидаги ёки атрофида (масофа яқин) бўлганлигидан туристик маршрутдаги асосий хизматлар: маршрутдаги тўхташлар вақтида, дам олиш, кўнгилочар ўйинлар ўтказиш, экзотик сафар, тунаш кабилар талаб қилинмайди.

Турист махсус тур обьекти билан танишгач, томоша ёки сўраб суриштиришлар, расм ёки видеога олгач ўзи тўхтаган меҳмонхонага қайтади. Туристик маршрутда юқорида қайд қилинган хизматларнинг барчаси турист яшаётган меҳмонхона маъмурияти томонидан амалга оширилади. Қайд қилинган мулоҳазалардан кейин 1-гурух қуидагича тўлдирилиши мумкин.

**Биринчи гурух**—Алоҳида туристик маршрутни талаб қилмайдиган туризмнинг махсус турлари:

- 1.1. Миллий маданиятга қизиқиши туризми
- 1.2. Этник ва соғиниш туризми
- 1.3. Миллий санъат туризми
- 1.4. Миллий хунармандчилик туризми
- 1.5. Миллий устачилик туризми.

Гурухдаги «Этник ва соғиниш туризми»нинг алоҳида туристик маршрутлар талаб қилмаслигининг сабаби бу турни амалга оширувчи туристлар аксарият ҳолларда «ўзбошимчалик» усулини қўллайди, яни у борадиган жойини билади ва туристик фирма ёки туризм оператори хизматига харажат қилишни хоҳламайди. Бу ҳолатнинг яна бир сабаби «соғинган» яқинлари, дўстлари, ўртоқлари меҳмонхона хизматларининг барчасини унга бепул таклиф этади, (меҳмон сифатида). Учинчидан, бу турдаги туристлар гурухларни ташкил қилмайди, аксинча якка ёки оила таркибида харакатланади.

Этник,этнографик туризмда деярли тадқиқотчилар-тарихчилар, адабиёт шунослар, қизиқувчилар(бир ёки бир нечта турист) бўлганлигидан махсус маршрут ишлаб чиқиш зарурати йўқ. Этнограф туристлар асосий ҳолатларда таржимон- йўлбошловчи ва транспорт турини ижарага олиб бир манзилдан ёки бир ахоли масканидан иккинчи бир манзилга эркин ҳаракат қилишади. Улар анча оддийроқ туристлар бўлганлигидан қишлоқларда, овулларда ёки туманлар марказларидағи оддий маҳаллий меҳмонхоналарда тунаб, хизматларнинг деярли барчасини ўзига-ўзи хизмат усулида бажариб кетаверади.

**Иккинчи гурӯхга** киритилган махсус турларнинг «алоҳида туристик маршрутлар ишлаб чиқиши талаб қилиши» нинг бош сабаби—бу турларнинг шаҳарлар ва туманлар марказларидан узоқда жойлашганлигидир. Туристик ресурсга-объектга борган турист учун бундай жойлардаги биринчи муаммо дам олиш ва тунаш жойлари ва бу жойларда кўрсатиладиган хизматлар бўлиб қолади.

«Миллий ўйинлар туризми» билан келган турист албатта қишлоқлардаги ахолининг миллий ўйини томошаларига қизиқсанлиги учун боради. Масалан, кўпкари-улоқ ўйини, қўчкор уриштириш томошаларини асосан Республика мизнинг қишлоқларида яшовчи ахоли ўзларининг суннат тўйларида, халқ байрамлари (Наврўз, ҳосил байрами ва ҳок.) да ташкил қилишади. Айниқса, халқаро туризмдаги туристлар оқимини жалб қилиш имкониятлари жуда салоҳиятли бўлган «кўпкари» асосан республикамизда пахта йифим-терими тугагандан сўнг–ноябр ойидан бошланиб, март ойи–«Наврўз» байрамигача давом этади. Бу давр куз-қиши мавсуми бўлиб «кўпкари» ўйинини томоша қилиш учун махсус транспорт турида қишлоқларга, тоғ олди районларига, адир худудларига бориш керак.

Иккинчидан, дам олиш, тунаш шароитлари, хизматлар кўрсатишни ташкил қилиш лозим бўлади. Бу ҳолатда туризмдаги турлардан мажмуали фойдаланиш тамоилини қўллаш мақсадли бўлади. Аниқроғи тоғ олди, миллий ўйинлар ўтказиладиган катта-катта, ғуж жойлашган қишлоқларда, хўжаликлар маркази да «туристик лагерлар» мажмуасини яратиш туризмни ривожлантиришда мақсадли йўналишдир. Бу туристик лагерларда жойлашиб олган турист миллий ўйинларни ўз вақтида томоша қилиши, бўш вақтларда лагер атрофларига экспурсияларга бориши, маҳаллий ахоли ҳаёти билан танишиши, мулоқотларда бўлиши имкониятларига эга бўлади.

Қишлоқ ва фермерлар ҳаёти туризмida турист қишлоқ ахолиси ёки фермер билан бирга яшashi, ишлаши мумкин. Чет давлатларда бу турдан фойдаланиш шундай йўлга қўйилган. Ғоршунослик ва табиий-тарихий тасвирлар туризмини шакллантиришда албатта туристик маршрутлар ишлаб чиқилади. Ғоршунослик туризмida кўп ҳолларда туристнинг дам олиши, тунashi ва овқатланиши учун «палаткали» жойлаштириш усулини қўллаш лозим бўлади. Қайд қилинган мулоҳазалардан кейин 2- гурӯх қўйидагича тўлдирилиши мумкин:

**Иккинчи гурӯх**-Алоҳида туристик маршрутлар ишлаб чиқиши талаб қиласидиган туризмнинг махсус турлари.

- 2.1. Қишлоқ ва фермерлар ҳаёти туризми
- 2.2. Табиий-тарихий тасвирлар туризми

2..3. Миллий ўйинлар туризми

2.4. Форшунослик туризми

2.5. Агротуризм.

**Таянч сўзлар ва иборалар:** туризмдаги асосий турлар, туризмдаги махсус турлар, миллий меърослар туризми, миллий ҳунармандчилик туризми, миллий ўйинлар туризми, қишлоқ ва фермерлар ҳаёти туризми, қишлоқ туризми, милий урф-одатлар, миллий санъат туризми.

**Мавзу бўйича тест саволлари:**

1. Туризмнинг махсус турларига берилган тўғри таърифни топинг?

А) туризмнинг ушбу турларига бирор раённинг ўзига хос, фарқ қилувчи хусусиятлари билан танишиш мақсадидаги саёҳати киради. Бу саёҳатлар туристларда шаклланган (ҳаваскорлик ва профессионал) қизиқишлиардан келиб чиқади.

Б) ўз давлати чегараси доимий яшовчи фуқароларни вақтинчалик ташриф буюрувчи жойда (тўланадиган фаолиятсиз) туристик мақсадларда саёҳат қилишга айтилади.

С) бу танишиш ёки ўрганиш мақсадида аниқ белгиланган режа бўйича ўтказила диган, мавзули ҳикоялар билан олиб бориладиган бирор обьектни кўрсатиш жараёнидир.

Д) вақтинчалик келган жойида фаолияти молиявий тўланмайдиган, доимий яшайдиган мамлакат чегарасидан ташқарига туристик мақсадларда сафар қилиш.

2. Урф-одатлар, оила ҳаёти, миллий этикет, катталар ва ёшлар муносабати, уй тутиш, келин тўй, суннат тўй, меҳмон кутиш ва меҳмондорчилик маросимлари га қизиқиши туризмнинг қайси махсус турига киради?

А) Миллий маданиятга қизиқиши туризми

Б) Қишлоқ ва фермер ҳаёти туризми

С) Этник ва соғиниш туризми

Д) Миллий санъат туризми

3. Туризмдаги махсус турларни ривожлантириш Дастури неча босқичда амалга оширилади?

А) 4 босқичда

Б) 3 босқичда

С) 5 босқичда

Д) 6 босқичда

4. М.Т.Алиева туризмдаги қайси махсус турларни қайд қилган?

А) маданиятга қизиқиши туризми. Табиатга қизиқиши туризми. Қишлоқ туризми. Фермерлар ҳаёти туризми. пиёда ва вилосепидда ҳаракатланиш туризми. Ихтисослашган мотив-лардаги туризм. Этник туризм. Диний зиёратгоҳ туризми. Касбий фаолият туризми. Соғиниш туризми. Саргузашт туризми. Экологик туризм.

Б) саргузашт туризми; Денгиз ва сув ҳавзалари бўйлаб саёҳат туризми; Маданиятни ўрганиш туризми; экотуризм; мавзули туризм. Қишлоқ туризми. Диний зиёратгоҳ туризми.

С) шаҳар туризми; ишчанлик туризми; қишлоқ туризми; экологик туризм; спорт туризми; зиёратгоҳ туризми. Маданиятга қизиқиш туризми. Табиатга қизиқиш туризми.

Д) дайв туризми; экстремал ҳолатлардаги туризм; экологик туризм. Маданиятга қизиқиш туризми. Табиатга қизиқиш туризми.

5. "Туризмдаги маҳсус турлардан фойдаланишда турга таклиф қилинадиган туристик хизматлар пакетини яратиш ва ташкил қилиш, бу соҳада хусусий тадбиркорликни ривожлантириш имкониятларини яратиш" туризмдаги маҳсус турларни ривожлантириш Дастурининг неchanчи босқичида амалга оширилади?

А) \* II -босқич

Б) III-босқич

С) I –босқич

Д) IV-босқич

## **14 -Мавзу. ЭКОЛОГИК ТУРИЗМ МАРШРУТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

Режа:

14.1.Экологик туризмнинг ресурслари

14.2.Экологик туризм маршрутларини ишлаб чиқиши тамоиллари

14.3.Экологик туризм маршрутидаги хизматлар

### **14.1. Экологик туризмнинг ресурслари**

Экологик туризм ўтган асрнинг охирларидан бошлаб жаҳон туризми индустрясига аста-секин кира бошлади. Бутун жаҳон туризм ташкилотининг маълумотлари бўйича кейинги беш йилда экологик туризмда туристлар оқими тобора кўпайиб бораётганлиги ҳақида ҳисоб-китоб натижалари келтирилган. Бу туризм йўналишида Жанубий Европа, Жанубий-шарқий Осиё, кичик Осиё, Хитой ва Африка қитъасидаги давлатлар олдинги ўринларга чиқмоқда.

Албатда, қайд қилинган географик табиий манзиллар бетакор табиат минтақаларидир. Доимий баҳор ва ёз иқлимига эга бўлган давлатларнинг табиатидаги биологик хилма-хиллик шароитлари бу минтақаларда йил давомида туристлар оқимининг кўпайишини таъминлайди, имкониятлар яратади. Ҳозирги кунга келиб жаҳонда экологик туризм жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган иқтисодиёт соҳаларидан бирига айланди. Экологик туризм нинг ривожланиб боришининг яна бир сабаби, турист ўзи қизиқсан табиат ва унинг табиий шароити, биологик ресурслари билан танишибина қолмасдан, бу табиат бағрида дам ҳам олади, табиат гўзаллигини чуқур ҳис қиласди, унинг ресурсларини авайлаш, ҳохиш-истаги пайдо бўла ди.

Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришнинг ҳозирги кунда анча муаммолари тўпланиб қолган. Лекин республикамизнинг экологик туризм салоҳиятини ҳисобга олганимизда экологик туризмни ривожлантиришнинг асосий ресурслари-4 фаслли табиат мавсумлари, ўзининг экологик тизимларига эга бўлган 5 та табиий ландшафт био-хилма-хилликларида эндемик (фақат

Ўзбекистон табиатида) турларнинг кўплигидир. Ўзбекистоннинг экологик туризмдаги ресурслар салоҳиятига алоҳида тўхталганимизда қуидаги экотуризм манбаларини келтириш, тавсифлаш масалага аниқлик киритади.

Ўзбекистон 38 млн. гектарга эга бўлган овчилик–балиқчилик ер майдон ларига эга, улардан 1 млн. гектарини сув фонди ташкил этади. Республикализ фаунаси 97 турдаги ўтхўр ҳайвонлар, 424 турдаги қушлар, 58 турдаги судралиб юрувчилар ва 83 тур балиқларга эга. Булардан Ўзбекистон Республикаси «Қизил китобига» ўтхўр ҳайвонларнинг 48 тури, судралиб юрувчиларнинг 10 тури, балиқларнинг 18 тури ва 78 турдаги умуртқасизлар киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ботаника институти маълумотларига қараганда, Ўзбекистонда ҳозирги кунда 4148 дан ортиқ ўсимлик турлари мавжуд. Шулардан 3000 турлари олий ёввойи ўсуви ўсимликлар, улардан 9 % эндемиклардир.

Ўзбекистон худудининг муҳофаза этилаётган табиий худудлари таркибида 2164 км<sup>2</sup> ни ташкил қилган, 10 та давлат қўриқхонаси, 6061 км<sup>2</sup> ни ташкил этган 3 та миллий боғ ва ноёб турларга кирувчи ҳайвонларни кўпайтириш Халқаро–«Жайрон» Экомаркази, 12186 км<sup>2</sup> майдонни ташкил этган 16 та давлат буюртмахоналари мавжуд. Келтирилган маълумотларга қўшимча қилиб қайд қилиш мумкинки, Ўзбекситон Марказий Осиёнинг ўртасида, экологик туризмнинг ривожланиши учун қулай транспорт географик ареалда жойлашган.

## **14.2. Экологик туризм маршрутларини ишлаб чиқиш тамойиллари**

Мавзунинг режаси бўйича туризмда маршрутлар ишлаб чиқиш тамойиллари билан экологик туризм маршрутларининг таъриф ва тавсифларини ишлаб чиқамиз.

**1. Экологик туризм маршрутларидағи жозибадорлиги, бетакрорлик тамойили талаблари ҳақида таърифлашни батафсил келтиришга изоҳ бу ерда ортиқчалик қилса керак.** Экотуризмнинг келиб чиқиши ҳам инсоннинг табиатни соғиниши, ҳозирги цивилизация бўхронларидан (атмосферанинг ифлосланиши, ерларнинг ишдан чиқиб бораётганлиги, ноёб ўсимлик ва ҳайвонотнинг инсондан узоқлашиб бораётганлиги, тоза ҳавонинг етишмаёт ганлиги ва ҳакозолар...) чарчаганлигидан, инсоннинг табиатдаги тоза ҳаволи табиий минтақаларига саёҳатни ҳоҳлаганлигидан келиб чиқди. Бу соҳа маршрутларини тузганда табиатдаги жозибадорлик–бетакрорликнинг ўзи ҳам табиий минтақаларнинг ўзига хос бўлган ландшафтлари, шу минтақада ўсуви ўсимликлар ва шу минтақа табиатига интилиш жиҳатларини ҳисобга олиш тўғри бўлади.

Экологик маршрутлар тузишда ишлатиладиган жозибадорлик ва бетакрорлик кўринишлари Ўзбекистондаги 5 та табиий экологик минтақада мавжуд. Шунинг учун ҳам экологик масканларга–ресурсларга маршрут тузишда бу тамойилни қўллашнинг кутилгандан зиёда бўлган имкониятлари бор. Энг муҳими маршрут тавсифида экологик ресурсдаги жозибадор ва бетакрор

табиий кўринишлар биринчи навбатда расмлар тасвирида берилиши керак. Бу типдаги маршрутларни ишлаб чиқишида албатта ноёб ҳайвонот оламидаги қушлар, ҳайвонлар, «Қизил китоб» даги ҳайвонот турларининг расмлари, таърифлари маршрут маълумотларида берилиши мақсадли бўлади.

**2. Имкониятнинг яратилганлиги тамойилида** экотуризм ресурсига маршрутлар ишлаб чиқиши жуда жиддий масала. Бу тамойилга амал қилиб экотуризм маршрутларини ишлаб чиқишида қуидаги имкониятлар бўлиши талаб қилинади.

1. Экотуризм масканларига киришнинг ҳукукий-қонуний тартиблари яратилганлиги.

2. Экотуризм масканида туристлар учун махсус маршрутларнинг (сўқмоқлар, йўллар, дам олиш жойлари) ишлаб чиқилганлиги ва фаолият кўрсатиши.

3. Экотуризм масканларида туристларга хизматлар кўрсатиши тизимларининг ташкил қилинганлиги (дам олиш, тунаш, овқатланиш, кўнгил очар ўйинлар, қисқа муддатли экскурсиялар ва ҳако...).

Хозирги вақтда Ўзбекистонда Давлат муҳофазасидаги табиат ландш афтлари, қўриқхоналар, тоғ тизмалари туристлар киритилишининг ҳукукий - қонуний меъёрлари ишлаб чиқилмаган. Бу меъёрлар энди яратилмоқда. Демак, бу экотуризм масканларидан экотуризмда фойдаланишининг энг муҳим имкониятлари ҳозирча йўқ. Шунинг учун ҳам бу тамойилнинг талаблари (1,2,3)амалда бажарилгандагина экотуризм ресурсларига, объектларига туристик маршрутлар ишлаб чиқиш зарур бўлади.

**3. Мазмундорлик тамойили ўз талаблари жиҳатидан жозибадорлик ва бетакрорлик тамойилига қўшилиб кетади.** Табиатдаги бетакрорликни кўрган, унинг гўзал бағрида дам олган, ранг-баранг ўсимликлар олами ва ҳайвонат дунёсини кўрган турист руҳий жиҳатдан ҳам жисмоний жиҳатдан ҳам туристик маршрутнинг мазмунли ўтганлигини ҳис қиласи. Унинг кайфияти яхшиланиб ўзида бой таъсуротлар пайдо бўлганлигини сезади.

Шунинг учун ҳам экотуризм маршрутларини ишлаб чиқишида маршрут бўйлаб ўзгараётган табиат элементларигача маршрут тузувчи эътибор бериши лозим бўлади. Шунингдек, маршрут йўналишида туризмнинг бошқа ресурс манзиллари (зиёратгоҳ жойлар, таниқли инсонлар қабри, машҳур кишилар номи билан боғлиқ обидалар, тарихий-маданий, маъмурий обидалар ва бошқа..) бўлса албатта маршрутнинг маълумотларига қисқача таъриф билан киритиш фойдали бўлади.

Масалан, турист ёки туристик груп Омонқўтон воҳаси маршрутни танлади. Албатта турист ёки туристик груп тезроқ Омонқўтон воҳасига шошилади. Энди агар маршрут маълумотларида жозибадорлик-бетакрорлик, имкониятларнинг яратилганлиги тамойили ресурслари мавжуд бўлса турист ва туристик груп маршрут йўлидаги бу ресурсларни кўришга қизиқсанлигидан ёки кўп ҳолларда кўриш учун тўхтайди. Бу ҳолатда мазмундорлик тамойили ҳам ишга тушиб маршрутдан кўнгил тўлиш қониқиши ҳисларини келтириб чиқаради. Бу натижага эса маршрутни ташкил қилган туристик фирма обрўсини оширади.

**4. Фаолиятлилик тамойилида** экотуризм маршрутларининг ҳаракатланиш вақтлари, муддатлари тушунилади. Фаслларимиз алмашиб турганлигидан экотуризм маршрутларини тузишда бу тамойилга жиддий эътибор бериш талаб қилинади. Чунки, экотуризмнинг муҳим ресурслари бўлган тоғ худудларидағи экотуризм ресурсларига қиши маршрутлар ишлаб чиқишида туристларнинг ҳаёти хавсизликларини таъминлаш масаласи биринчи навбатдаги ўта жиддий масаладир.

Тоғлардаги экотуризм ресурсларига етиб боришида автойўлларда қорнинг эримаслиги, баланд довонлардан ҳар қандай транспорт воситаларининг чиқаолмаслиги, тоғдаги маршрут сукмоқларининг қор билан кўмилиб қолиши, қор кўчкилари туристлар ҳаётига жиддий хавф солади. Шунинг учун ҳам тоғ худудларига қиши мавсумида экотуризм маршрутларини ташкил қилишда чегараланиш муддатларини ва бу маршрутларнинг ҳаракатланиш вақтларини аниқ белгилаш экотуризмда жиддий аҳамиятга эгадир.

Тоғ худудларига кеч баҳор фаслидан то кеч куз мавсумларигача экотуризм маршрутларини ташкил қилиш мақсадли бўлади. Экотуризм маршрутларини Ўзбекистондаги бошқа табиий минтақалардаги экологик масканларга ишлаб чиқилганда ҳам бу экотуризм масканларида йил фаслларида иқлимий хусусиятларни ҳисобга олиш, тур маршрутнинг ҳаракатланиш ҳолатларини аниқ билиш талаб қилинади.

**5. Кўпқирралик, қўп вариантилилик тамойили** бўйича экотуризм маршрутлари қўйидаги варианtlарга бўлинади.

1. Фақат қуруқлик бўйлаб экотуризм масканига бориш.
2. Ҳаво транспорти ёрдамида экотуризм масканига бориш.
3. Сув маршрути орқали экотуризм масканига бориш.
4. Аralаш транспорт воситаларидан фойдаланиб экотуризм масканига бориш.

Қайд қилинган йўналишлар бўйича экотуризм маршрутларини ишлаб чиқиши тушунарли. Бу ишлаб чиқариш тамойилининг қўп вариантилигига кириб турист ёки туристик гурухнинг талаби, ҳохиш-истаклари бўйича улар ҳохлаган экотуризм маршрутлари бўлиши мумкин. Бу маршрутлар табиий муҳит-шароит, йўл-йўлакай турли-туман обьектларини кўриш имкониятлари бўлганлигидан кўпқирраликка ҳам киради. Шу билан бирга экотуризмнинг қўп қирралик тамойили экотуризмнинг асосий обьектига боргунча туризм нинг бошқа ресурсларига ҳам маршрутнинг кириб-ўтишни таъминлайди. Бу ҳақда экотуризм маршрутларини тузишда мазмундорлик тамойилини қўллаш қисмида зарур талаблар ҳақида изоҳ берилди.

**6. Экотуризм маршрутларида қулайлик тамойилини** қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Бу тамойилда экотуризм маршрутларида қўйидаги қулайлик манбалари яратиш лозим бўлади:

1. Транспорт ва транспорт хилларидан фойдаланишдаги қулайлилик.
2. Маршрут давомида хизматларни қабул қилиш қулайлиги.
3. Маршрут давомида дам олиш, кўнгил очар ўйинларга қатнашиш, экскурсияларга чиқиш, овқатланиш ёки тунаб

қолищдаги қулайликлар.

4. Маршрут давомида тиббий ёрдамни олиш қулайлиги.

5. Маршрут давомида турист учун минимум (термосда чой, палатка, ётиб дам олиш учун йиғма кароват, бироз қаттық овқат, қатық, шарбатлар, тухум) ва оптимум (мәхмөнхонада тунаш, ресторанда овқатланиш, спорт залида машқ қилиш, бассейнда чүмилиш) қулайлиги пухта ишлаб чиқилиши лозим.

**7. Экотуризм маршрутларини ишлаб чиқишида ахборотланганлик тамойилини** қўллаш маршрутни ўзига хос равища реклама қилиш, туризм бозорига киритиш ҳам ҳисобланади. Бу тамойилда маршрут ҳақидаги барча маълумотлар турист учун мухайё қилиниши керак–брошюра, журнал, буклет, газета, радио, телеведение. Турист маршрутда нималарни кўради, нималар ҳақида маълумотлар эшитади, қандай юради, қайси кийимлар керак бўлади, қандай транспорт воситалари таклиф қилинган, қайси хил овқатлар ичимлик лар тайёрланади, қандай дам олади, овқатланиш тартиби қандай ташкил қилинади ва ҳакозаларга – ҳаммасига жавоб бўлиши шарт бўлади.

Экотуризм маршрутларини ишлаб чиқиш тамойилларида талабларни ўрганиб таҳлил қилганимизда ҳар бир тамойилнинг маршрутда мухим ўрни борлигини англаймиз. Бу тамойилларни асос қилиб олиб ишлаб чиқилган маршрут ўзида маршрутнинг барча талабларини мажмуали равища мужассамлаштирган бўлади, экомаршрутнинг рекламалиги аҳамиятини оширади.

#### **14.3. Экотуризм маршрутларидағи хизматлар.**

Экотуризм маршрутларини ишлаб чиқишининг тамойиллари ўз моҳияти жиҳатидан туристик маршрут лардаги хизматларни ҳам ўз ичига олади. Айниқса, имкониятнинг яратилган лиги, кўп вариантилилек, қулайлилик ва ахборотланганлик тамойилларида маршрутларда туристлар учун қандай хизматлар ташкил қилиниши ва кўрса тилишининг айrim, умумий номланишларига тўхталдик. Экологик туризм маршрутларидағи хизматлар қўйидаги, алоҳида-алоҳида соҳадаги хизмат ларни ўз ичига олади:

1. Транспорт хизматларидан маршрутда бўлиш давомида қўйидаги ҳолатлардан фойдаланиш мумкин:

а) Туристик фирманинг хусусий транспортларидан фойдаланиш мумкин.

б) Бошқа ташкилотлардан маҳсус жиҳозланган транспорт хилларини ижарага олиш мумкин.

в) Турист маҳаллий аҳолидан от, эшак, тую ва араваларни ижарага олиши мумкин.

г) Турист ўзининг шахсий транспортидан фойдаланиш мумкин.

Экотуризмнинг катта масофали маршрутларидан фойдаланилганда албатта ҳозирда мавжуд бўлган қўйидаги транспорт турлари турмаршрутнинг ўзига тегишли хизматини бажариб беради:

1. Авиация транспортлари (самолёт, вертолёт).

2. Автобус транспортлари (кичик ва катта ҳажмдаги автобуслар, микро автобуслар).

3. Автомобиллар транспорти (енгил, жиплар, арzon, қиммат, махсус).
4. Темир йўл транспортлари.
5. Маҳаллий аҳоли транспортлари (от, эшак, туя, арава, буғу, ит чаналари).
6. Комбинациялашган транспорт хиллари.
7. Сув ҳавзалари транспортлари (катер, қайик, кемалар, махсус соллар).

Экомаршрут давомида туристларга хизматлар кўрсатиш хиллари қўйида гилардан иборат бўлиши мумкин:

1. Дам олишни ташкил қилиш хизматлари (маршрут давомида қисқа муддатли дам олишда йиғма стол-стулларнинг бўлиши, кофе ёки чой тайёр лаш, тунаш-палаткаларда, йиғма кароватлар, кўчма теле-радио воситалари, меҳмонхонада).
2. Маршрут давомида ва маршрут охирида-экологик ресурс масканидаги хизматлар (қисқа муддатли ва 1-2 кунлик экскурсияларда).
3. Туристларга кўнгил очар хизматларни (ўйинлар, мусобақалар, экзотик ҳаракатлар) кўрсатиш.

Қайд қилинган хизмат хиллари экотуризм маршрутларини ишлаб чиқишидаги ахборотланганлик тамойили бўйича ҳам талаб қилинади. Экотуризм маршрутларида хизматларни сифатли қилиб бажариш, туристга таклиф қилишининг мукаммал ишлаб чиқилгани ва аъло даражада бажарилгани туристик фирмада туристлар оқимини кўпайтириб олинадиган даромаднинг ошишини таъминлайди, туризм бозорида тур фирманинг мавқеини кўтаради.

**Экологик туризм маршрутларида ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш.** Туризмдаги бошқа туристик маршрутларларга таққослаганда экотуризм маршрутларида туристларнинг ҳаётига хавф соловчи манбалар анчагина. Чунки экотуризм маршрутлари табиатимиздаги барча экологик иқлим минтақаларини ўз ичига олади. Бу экологик иқлим минтақаларининг барчасида табиатдаги заҳарли ҳашоротлар, судралиб юрувчилар яшашади. Экотуризм маршрутларида туристларнинг ҳаётига хавф соловчи вазиятлар ва манбаларни қўйидаги тартибда гуруҳлаш мумкин:

1. Заҳарли судралиб юрувчилар (илонлар) ва ҳашоротлар (қорақурт, фаланга, пашшалар) чақиши хавфи.
2. Иқлиминг таъсири хавфи (иссик уриши, тоғларда қон босими ошиши, ўсимликларнинг аллергия чиқариши, шамоллаш).
3. Ички касалликларнинг келиб чиқиши хавфи (мева –сабзавотлардан, маҳаллий сувлардан, маҳаллий-миллий овқатлардан).
4. Транспорт воситаларининг чўлда ва тоғликларда, нотекис йўлларда юришдан келиб чиқадиган хавф.

Экотуризм маршрутларида табиатдаги заҳарли илонлар, ҳашоротлар ҳақида маршрутнинг «ахборотланганлик» тамойили бўйича заҳарланиш ҳақида маршрут маълумотларида огоҳлантириш хабарлари ёзилиши, заҳарли илонлар, чаён ва қора-қуртларнинг қаерларда кўпроқ учраши ёки бўлиши албатта ёзилиши шарт бўлади.

Маҳаллий иқлим шароитлари, манбалари асосида туристларда ички касалликлар келиб чиқишининг олдини олиш учун маҳаллий сувдан фойда ланмаслик, маҳаллий аҳоли овқатларини билган ҳолда овқатланиш,

меваларнинг хусусиятлари ҳақида оғзаки огоҳлантиришлар, ахборотлар, сұхбатлар ўтказиш албатта күтилмаган хавфнинг олдини олади. Экотуризм маршрутларида туристларнинг ҳаётида хавф пайдо бўлганда қуйидаги хавф олди ва хавф сўнгидаги тадбирлар маршрут ҳужжатларида акс эттирилиши албатта зарур:

1. Экотуризм маршрутларида илонлар, чаён, қоракуртдан заҳарланишига қарши ва бошқа ички касалликларнинг олдини олувчи дорилар, зардобрар воситалари бўлган «экотуризм аптечкаси - дорихонача» си бўлиши.

2. Туристларнинг экотуризм ресурслари маконларида якка ҳолда юрмаслиги.

3. Заҳарланган ҳолатда биринчи тиббий ёрдам кўрсатадиган тиббиёт мутахассисининг маршрут давомида туристлар билан бирга бўлиши.

4. Экотуризм маршрутлари ўтадиган жойлардаги яқин касалхоналар, врачлик-фельдшерлик маконларининг адреслари, телефонлари маршрут ҳужжатларида бўлиши, доимий Мобил алоқаларининг ишлаб туришини таъминлаш.

5. Транспорт воситаларининг техник созлигини доимо назоратга олиш ва маршрутга чиқиш олдидан йўлларнинг ҳолатини кузатиб чиқиш.

Қайд қилинган тадбирлар экотуризм маршрутларига чиқишидан олдин қанчалик мукаммал ўтказилса маршрутнинг турнинг хавф-хатарсиз, кутилмаган нохуш жанжалларсиз муваффақиятли ўтказилишини таъминлайди. Экотуризм маршрутларини ишлаб чиқувчилар ва маршрутларни ўтказувчилар маршрутларда туристлар ва хизмат қилувчилар ҳаётига хавф солувчи манбаларни олдин башоратлаб бу хавфни ўз вақтида бартараф қилиш ишларига ўта маъсул ва жавобгардир.

**Таянч сўзлар ва иборалар:** экотуризм, экотуризм ресурслари, экотурлар, мобил алоқа, табиий ландшафтлар, табиий ресурслар, экотуристик объект, ЖИП машиналар, экотуризм маршрутларида хавфлар, судралиб юрувчилар, заҳарли ҳашаротлар ва ўтлар.

#### **Мавзу бўйича тест саволлари:**

1. Экологик туризм маршрутларини ишлаб чиқиш тамойиллари нечта?

- A. 7 та                    B. 9 та                    V. 5 та                    D. 3 та

2. Экологик туризм маршрутларида қандай алоқалар доимий ишлаб туриши керак?

- A. Ахборот алоқалари                    B. ТВ ва радио  
B. Эълонлар                                 D. Мобил алоқалар  
3. Экологик туризм маршрутларида нима учун транспорт воситалари танланади?

- A. экологик туризм маршрутларида маршрут йўллари ўзгаради  
B. экологик туризм маршрутлари маҳсус транспорт воситаларини танлайди  
V. Транспорт воситалари танланмайди  
D. Транспорт воситалари керак эмас  
4. экологик туризм маршрутларида туристларнинг ҳаёти хавфсизлиги қандай таъминланади?  
A. маҳсус хавфсизлик дастурлари ишлаб чиқилади

- Б. туристлар маршрут давомида доимий огохлантирилиб турилади  
В. Туристларга ахборотлар варақаси тарқатилади  
Д. туристларга хавфлар эълон қилинади

## **15- Мавзу. ТУРИСТИК МАРШРУТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШДАГИ ШАРТНОМАЛАР ВА ҲУЖЖАТЛАР**

Режа:

- 15.1. Туристларга хизматлар кўрсатиш талабномаси
- 15.2. Туристик маршрутнинг технологик харитаси
- 15.3. Маршрутда туристларга хизматлар кўрсатиш дастури
- 15.4. Туристик ҳужжатлар.
- 15.5. Маршрутнинг ахборотлар варақаси.
- 15.6. Туристларнинг маршрутда ҳаракатланиши дастури
- 15.7. Сафар трасса паспорти

### **15.1. Туристларга хизматлар кўрсатиш талабномаси**

Туристик маршрутда турни лойиҳалаштириш Россия давлати туризмида қабул қилинган ГОСТ Р-50681-94—«Туристик-экскурсия хизматларини кўрсатиш» бўйича амалга оширилмоқда. Бу ҳужжат бўйича туристларга хизматлар кўрсатиш талабномасида қўйидагилар бўлиши шарт.

- туристларга хизматлар кўрсатишнинг шакли ва усуслари, жараёнларини ёзиш;
- туристларга хизматлар кўрсатиш жараёнини тавсифлаш;
- хизмат кўрсатувчиларнинг сони ва малакавий жиҳатдан тайёргарлиги;
- Хизматлар кўрсатишнинг шартномалиги ёки штатдалиги;
- туристларга хизматлар кўрсатишнинг кафолатланганлиги;
- хусусий мулкга айлантирилган туристик обьектлар, ёнфинга қарши курашадиган ташкилотлар ва санитария-эпидемиология назорати ташкилотлари билан ўзаро келишувлар.

«Туристик саёҳатлар»даги хизматларни лойиҳалаштириш икки босқичда амалга оширилади:

1. Турни лойиҳалаштирища туристларга хизматлар кўрсатиш дастури «туристик саёҳат»даги хизматларга мос келиши.
2. «Туристик саёҳатдаги барча хизматларни лойиҳалаштириш».

Биринчи босқичдаги—«туристларга хизматлар кўрсатиш дастурида қўйида гилар аниқланади»:

- саёҳат маршрути;
- хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг рўйхати;
- хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг хизматлар кўрсатиш вақти;
- обьектларнинг диққатга сазоварлиги ва экскурсия таркиби;
- туристларнинг сайдларга чиқиш ва ҳар хил ўйинлар ўтказиш вақти рўйхати;

- дам олиш тадбирлари;
- маршрутнинг ҳар бир обьектга тўхташ ва кўришга ажратилган вақт;
- саёҳатда иштирок этадиган туристларнинг сони;
- хизматлар кўрсатувчи транспортнинг хиллари ва уларнинг етарли бўлиши;
- гидга, экскурсия раҳбарига, инструктор (йўриқчи), чет эллик вакилга талаб, уларни маршрутга қайта тайёрлаш;
- туристларга бериладиган реклама, ахборотлар варақаси, буклетлар, маршрут тавсифи ёзилган маълумотларни тайёрлаш;
- технологик харита;
- турист йўлланмасига ахборот варақаси;
- туристларга хизматлар кўрсатиш дастури.

Қайд қилингандардан ташқари ГОСТ. Р 50690-94 бўйича яна қўйидаги талаблар ҳам туристик маршрутда (турда) бажарилиши таъминланиши лозим.

- туристларнинг буюмлари сақланиши, ҳаёти хавфсизлиги таъминланиши ва табиатни муҳофаза қилувчи тадбирларнинг маршрутда ёзилиб чиқи лишнинг мажбурийлиги;
- маршрутда хизматларнинг аниқ ва ўз вақтида сифатли бажарилиши, маж муалилик, хушмуомилалик, комфорт (қулайлик), хизмат кўрсатувчи ларнинг фаросатли, ақллилиги, меҳмондўстлиги.

## **15.2. Туристик маршрутнинг технологик харитаси**

Туристик маршрутнинг технологик харитаси турнинг асосий ҳужжати ҳисобланади ва бу технологик харита расмий жиҳатдан тўлдирилиши ва туристик фирманинг раҳбари томонидан имзоланиши ва муҳрланиши керак. Қўйидаги технологик харитани тўлдириш намуналарини келтирамиз:

### ***Туристик маршрутнинг технологик харитаси***

- 1. Маршрутнинг номи, мавзуси-«Экологик туризм»-Бахмал тоглари ва шаршараларига\_саёҳат**
- 2. Маршрутнинг муддати (бошланиши ва тугаши)-бошланиши-10-март,2016 йил, тугаши-15-март 2016йил**
- 3. Маршрут тури – тўғри ва тоғ айланма йўллари,сўқмоқлар**
- 4. Маршрут масофаси (км)-100 км**
- 5. Маршрут ҳаракатланиши:**
  - а) транспортда (км)\_-80 км**
  - б)пиёда (км)- бкм**
  - в) маҳаллий транспортда (км)-14км**
- г) сув ҳавзаларида (км) –йўқ**
- 6. Маршрутдаги туристлар сони-12 турист, ҳайдовчи ва гид**
- 7. Маршрутдаги экскурсиялар мавзуси ва ёзма шакли-1-Арчазорлар, Новқа ота,Бахмалсой,Айиқсой,Шаршара,Чинор**
- 8. Маршрут эгаси бўлган корхона манзили-СамИСИ**

М.Ў. раҳбарнинг фамилияси ва имзоси-С.Абдуҳамидов

### 15.3. Маршрутда туристларга хизматлар кўрсатиш дастури

Қуидаги ҳар бир графалар тўлиқ тўлдирилиши шарт

<i>Бориладиган объектлар, улар орасидаги масофа, ҳаракатланиши усули, объектга етиб бориши, кириши ва чиқиши муддатлари</i>	<i>Жойлаштириши шароитлари, хизмат кўрсатувчи корхоналар нинг рўйхати, манзили</i>	<i>Режалаштирилган туристик хизматлар экспурсиялар сони, мавзуси, кўрсатиладиган асосий объектлар рўйхати,</i>	<i>Маршрут ичидаги (доираси даги) ҳаракатланиши тартиби</i>	<i>Бир кишига харажатлар (сўм)</i>
5. Тунаш жойлари ва шароити (меҳмонхона, кемпинг, палатка)-меҳмонхона ва палатка				
Туристик ташкилот раҳбари-С.Абдуҳамидов				
М.Ў.				(имзо)
Тасдиқланган вақти				

Намуна маршрутнинг мисолида хизматлар кўрсатиш дастурини ишлаб чиқиши тўғри бўлади. Хизматлар кўрсатиш дастурида асосий объектлар, қўшимча объектлар, экспурсия объектлари, овқатланиш вақтлари, дам олиш ва кўнгил очар ўйинлар соат, минутигача ёзилиши шарт. Шунингдек, харажатлар бир кишига ҳисобланиб берилади ( харажатларни ҳисоблаганда турдаги барча хизматларнинг қийматини алоҳида-алоҳида кўрсатиш керак. Масалан, транспорт харажати...сўм, овқатланиш харажати...сўм ва ҳакозолар).

### 15.4. Туристик хужжатлар

Ҳар бир тур учун технологик хужжатлар йиғиндиси қуидагилардан иборат бўлади:

1. Маршрутда туристлар саёҳатнинг технологик харитаси (ГОСТ Р 50681 - 94).
2. Маршрутда хизматлар кўрсатувчи туристик корхоналарнинг буюртмаларни бажариш графиги.
3. Туристик саёҳат йўлланмасига ахборот варақаси (ГОСТ Р 50681 - 94).
4. Ҳамкорлар билан шартномалар (меҳмонхона, транспорт, экспурсия бюоролари, туристик ташкилотлар).

5. Турнинг баҳоси (калькуляцияси).
6. Маршрутнинг ёзма матни.
7. Маршрутнинг ҳаракатланиш графиги.
8. Маршрутнинг карта схемаси.
9. Маршрут давомида (автобусда, йиғилишларда) бериладиган ахборотлар рўйхати, манбалари, мазмуни.
10. Туристлар учун маслаҳат буклети (маршрутда қандай кийим ёки пойафзал керак бўлиши, маршрутдаги эккурсиялар вақтида нималар кераклиги ва ҳақозолар).
11. Маршрут ҳақида маълумотлар тўплами.
12. Маршрут ҳақида буклетлар, реклама вариантлари.
13. Транспорт воситаларининг йўл қоидаларига асосан ҳаракатланиш хужжатлари.
14. Маршрутда йўл-йўлакай тўхташ объектлари (қисқа муддатли дам олиш, чой ичиш, ахборотлар эшилтириш ва бошқ...).

### **15.5. Маршрутнинг ахборотлар варақаси**

Маршрутнинг ахборотлар варақаси иккита бўлимга ажратилади: биринчи бўлимда (а) маршрутда белгиланган ва тўлиқ бажарилиши режалаштирилган ахборотлар; иккинчи бўлимда (б) вазият юзасидан келиб чиқадиган қўшимча ахборотлар.

Бу ахборотлар рўйхати қўйидагича тузилади:

а) биринчи бўлимда:

- туристик саёҳатнинг типи ва тури, саёҳатда кўрсатиладиган асосий хизматларнинг дастури, маршрутнинг масофаси ва муддати, сайrlар ва уларнинг даражаси, ўтказилиш усуллари;
- саёҳат трассасининг ёзма матни–ҳар бир объектларга етиб бориш вақти, бу объектда бўлиш ва нималар билан машғул бўлиш (жойлаштириш, овқатлантириш, сайд қилиш, ахборотлар бериш, санитария-гигена ҳолатларини билиш, ҳаракатланиш йўлакларини аниқ белгилаш–ошхонага, сойга, бошқа иморатларга, тиббий хизмат пунктига, ҳожатхо нага, сартарошхонага, саунага, бассейнга ва ҳоказолар);
- саёҳат ўтказиладиган ҳудуд, районнинг қисқача географик тавсифи (рельефи, ўсимликлари, дарёлари, аҳолиси ва уларнинг касбий фаолият лари, диққатга сазовар жойлари, ҳар бир объектда туриш вақти ва бу объектда кўрсатиладиган хизматлар дастури);
- қўшимча хизматларнинг рўйхати;
- спорт объектларининг (ўйин майдони, транспорт тўхташ жойи, сув ҳавзалири, кутубхона, кинозаллар) борлиги ҳақида маълумотлар;
- саёҳатни ташкил қилган туристик корхонанинг манзили ва унга етиб бориш ҳақидаги маълумотлар.

б) иккинчи бўлимда

- маршрутда қатнашадиганларнинг ёшини белгилашдаги чегараланиш, ота-оналарнинг болаларини ўзи билан бирга олиши ёки олишга рухсат берилиши ва берилмаслиги;
- туристик саёҳатдаги экспкурсиялар ва сайрларда қатнашиш шартлари, чегараланишлар, рухсатномалар, тиббиёт хуносалари;
- вазият юзасидан келиб чиқадиган ахборотлар.

## **15.6. Туристларнинг маршрутда ҳаракатланиши дастури**

Туристларнинг келиш жойи ва муддати \_\_\_\_\_  
дан \_\_\_\_\_ гача

### **1-кун**

Туристларнинг йиғиладиган жойи \_\_\_\_\_  
Туристларнинг йиғилиш вақти \_\_\_\_\_  
Авиарейс, поезд номерлари (маршрут номи \_\_\_\_\_  
Гурухни рўйхатга олиш ва учиш ёки поездга жойлашиш вақти \_\_\_\_\_  
Божхона ва паспорт назоратидан ўтиш \_\_\_\_\_  
Туристларнинг етиб келиши ва қабул қилиш жойи \_\_\_\_\_  
Мехмонхонага жойлаштириш (аэропортдан, автовокзалдан,  
темир йўл вокзалидан) \_\_\_\_\_  
Мехмонхонанинг номи, манзили, телефони \_\_\_\_\_  
Овқатлантириш (нонушта, тушлик, кечки овқат (қаерда) \_\_\_\_\_

### **2-кун ва кейинги кунлар**

Нонушта вақти ва жойи \_\_\_\_\_  
Экскурсия мавзуси ва давомийлиги \_\_\_\_\_  
Тушлик вақти ва жойи \_\_\_\_\_  
Бўш вақт \_\_\_\_\_

### **Охири кун:**

Нонушта (тушлик, кечки овқат) вақти ва жойи \_\_\_\_\_  
Мехмонхонадан чиқиш вақти (аэропортга, автовокзалга,  
темир йўл вокзалига) \_\_\_\_\_  
Авиарейс, поезд номери ва кетиш маршрутининг номи \_\_\_\_\_  
Учиш, поездга ёки автобусга ўтириш ва жўнаб кетиш вақти \_\_\_\_\_  
Манзилга бориб етиш вақти \_\_\_\_\_

## ***Маршрутда ҳаракатланиши дастурига қўшимча маълумотлар***

Маршрут муддатлари «\_\_» \_\_\_\_ 2009 йилдан «\_\_» \_\_\_\_ 2009 гача.

Туристларнинг қайси мамлакатдан келиши ва қайси мамлакатга етиб келиши (мамлакат, штат, вилоят, туман, хўжалик, қишлоқ, транзит пунктлар шаҳарлар) \_\_\_\_\_

Маршрутда хизмат қиласидиган транспорт хиллари \_\_\_\_\_

Яшаш жойларининг тавсифлари (жойлаштириш даражалари, комфорт,  
номердаги шароитлар, бассейн, пляж, ўйин майдонлари, парк ва бошқ....) \_\_\_\_\_

Овқатланиш шароитларининг тавсифлари \_\_\_\_\_  
Овқатланиш жойи, нонушта, ярим пансион, тўлиқ пансион, қисман, швед столи, спиртли ва бошқа ичимликлар ва бошқ.....)

Экскурсия хизматлари, транспорт хиллари, экскурсия мавзулари, давомийлиги, шароитлари, экскурсиядаги «алоҳида» шароитлар

Трансфер (кўчириш, кузатиш шароитлари, жойи, вақти, транспорт хиллари)

Маршрут баҳосига киритилмаган қўшимча хизматлар ва бу хизматлар нинг баҳоси

қабул қилиш ҳақида алоҳида белгилар ёш жиҳатидан чегараланишлар, болалар ота-оналари билан, болалар алоҳида, оила аъзолари билан, алоҳида якка ташкилот вакиллари ва бошқ.....

Туристлар келган мамлакатнинг қисқача тавсифи, тарихий маълумотлар, табиий иқлим хусусиятлари, миллий урф-одатлар ва анъаналар, пул маблағларини олиб келиш ёки олиб кетиш ҳақидаги чегараланишлар, (АҚШ долларида), эпидемия ҳолати (юқумли касалликлар), транзит пунктлар, визани рамийлаштириш талаблари

Ҳар хил ахборотлар ва тавсиялар: кийим-бош, пойафзал, миллий кийимлар керак бўлиши, маҳсус кийимлар керак бўлиши, хулқ-атвор, этика талаблари ва бошқ...

Туристларни қабул қилувчи фирманинг манзили, телефонлари \_

Туристлар келган давлатда улар доимий яшаётган мамлакатнинг элчинонаси жойлашган шаҳар, кўча, телефонлари, (манзили).

Мавзуда келтирилган маълумотлар, мулоҳаза-фикрлар туристик маршрутни, турни лойиҳалаштириш ўз таркибига мураккаб талабларни, жараёнларни олишни кўрсатди. Туристик маршрут лойиҳаси пухта, ҳар тарафлама ҳисоб-китоблар хulosалар асосида лойиҳалаштирилса туристик маршрутни ишлаб чиқиш ва истеъмолга бериш осон кечади. Бу турга талаб ошади, натижада туристик маршрут ишлаб чиқган фирмага ишонч кучаяди.

Туризмдаги маълумотлардан маълумки, туристик обьектга туристлар оқимининг кўпайишига биринчи навбатда туристик маршрутда бўлган ва бу маршрутдаги хизматлардан қониқиши ҳосил қилган туристларнинг ўзи бўлган маршрут ҳақида яқинларига ва танишларига завқ-шавқ билан сўзлаб бериши (ахборот етказиши ҳисобланади. Бу туризмда энг қулай рекламадир).

## 15.7. Сафар трасса паспорти

### 1. Туристик корхонанинг номи

Туризм тури \_\_\_\_\_ сафар трассаси \_\_\_\_\_

Узунлиги \_\_\_\_\_ км, давомийлиги \_\_\_\_\_ сутка

Бир гурӯҳдаги туристлар сони \_\_\_\_\_ нафар

Иш даври \_\_\_\_\_ дан \_\_\_\_\_ гача

Паспорт тузилган пайт 200 \_\_\_\_\_ йил, \_\_\_\_\_ нусхада  
 Ўзгаришлар киритилган: 200 \_\_\_\_\_ йил, \_\_\_\_\_ сахифа  
 200 \_\_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ сахифа  
 Паспорт нусхалари жўнатилган:  
 1. \_\_\_\_\_  
 2. \_\_\_\_\_  
 3. \_\_\_\_\_

### **Сафар трассасини босиб ўтиш режаси**

<i>Йўл кунлари</i>	<i>Трасса участкаси</i>	<i>Км</i>	<i>Харакат воситаси</i>

Жами фаол ҳаракат воситалари билан \_\_\_\_\_ км.

4. Сафар трассаси схемаси (сафар трассаси қўрсатилган, масштаби 1: 200000 дан кам бўлмаган босма харита ва схемалар елимланиши мумкин).

#### **Паспорт тузии бўйича қўрсатмалар:**

1. Паспорт давомийлиги 1 суткадан кам бўлмаган ҳар бир асосий ёки синов сафари трассаси учун алоҳида тузилади.
2. Паспорт сафар бошланадиган туристлик корхонаси томонидан тузилади.
3. Саёҳат худудидаги иқлим ва эҳтимоли бўлган фавқулотда ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар гидрометеохизмат маълумотлари асосида киритилади.
4. Паспорт сафар трассада хизмат қўрсатувчи ҳар бир туристлик корхонасига жўнатилади.

Сафар трассаси эксплуатацияси жараёнида юзага келган ўзгаришлар, бир ой ичida паспортнинг барча нусхаларига киритилиши керак. Зарур ҳолларда баъзи сахифалар алмаштирилади ёки янги паспорт тузилади.

**Таянч сўзлар ва иборалар:** туристик маршрутнинг хужжатлари, маршрутнинг технологик харитаси, маршрутнинг таркибий қисмлари, турмаршрутнинг хизматлар дастури, турмаршрутнинг ахборотлар варақаси, сафар трасса паспорти, гидрометеохизмат, турмаршрутнинг схемаси, маҳсус кийимлар.

#### **Мавзуни ўзлаштириш бўйича саволлар:**

1. Туристик маршрутнинг технологик харитасини тушунтиринг.
2. Туристик маршрутнинг хизматлар дастури қандай тайёрланади ва унинг таркибий қисмлари нималардан иборат?
3. Туристик маршрутларда гид бошловчининг вазифаларини тушунтиринг.
4. Туристик маршрутнинг сафар трасса паспорти нима учун керак?
5. Турмаршрутнинг схемаси қандай тайёрланади?

#### **Мавзуни ўзлаштириш бўйича тест саволлари:**

1. Турмаршрутнинг технологик харитасида нечта саволларга жавоб бериш керак?

- |   |          |          |         |
|---|----------|----------|---------|
| А. 8 та   | Б. 10 та | В. 6 та  | Д. 4 та |
| 2. Турмаршрутнинг ахборотлар варагасида нечта саволларга жавоб бериш керак? |          |          |         |
| А. 9 та   | Б. 6 та  | В. 8 та  | Д. 7 та |
| 3. Туристик ҳужжатлар нечта ҳужжатлар тўпламидан иборат?                    |          |          |         |
| А. 14 та  | Б. 12 та | В. 10 та | Д. 8 та |
| 4. Маршрутда туристларга хизматлар кўрсатиш дастури нечта бўлимдан иборат?  |          |          |         |
| А. 2 та   | Б. 4 та  | В. 6 та  | Д. 5 та |

## **16- Мавзу. ТУРИСТИК МАРШРУТЛАРНИНГ БАҲОСИ**

Режа:

- 16.1. Туристик маршрутнинг баҳосини маркетинг тадқиқотлари асосида аниқлаш
- 16.2. Туристик маршрутнинг баҳосини хизматлар кўрсатиш нархлари бўйича аниқлаш

### **16.1. Туристик маршрутнинг баҳосини маркетинг тадқиқотлари асосида аниқлаш.**

Туристик маршрутларнинг баҳосини белгилашда туризмда қабул қилинган маълум бир ҳисоб усули ёки тавсиялар ишлаб чиқилмаган. Илмий адабиётлардан маълумки, чет эл туризмида туристик маршрутларнинг баҳосини белгилашда қўплаб услубий қўлланмалар ишлаб чиқилган. Лекин улардаги усууллар ва тавсияномаларни бизнинг туризмда тўғридан-тўғри қўллаб бўлмайди. Чунки, улардаги хизматлар билан биздаги хизматлар ўртасида катта фарқлар бор.


Шунинг учун ҳам биз туристик маршрутларнинг баҳосини белгилашда албатда маркетинг тадқиқотларини ўтказишни бошлишимиз керак бўлади. Мақсад шундан иборатки, туристлар (ички туристлар ва халқаро туристлар) туристик маршрутнинг баҳоларини суриштиришганда уларда ҳеч қандай эътиrozларга ўрин қолмаслиги керак. Матбуотдаги маълумотлардан маълум бўлмоқдаки, халқаро туристлар кўпчилиги биздаги хизматларнинг анча қимматлилигидан ҳозиргача шикоят қилишмоқда (масалан, меҳмонхона хизматлари).

Туристик маршрутнинг баҳосини белгилашда ёки танлашда маркетинг тадқиқотларини ўтказиш бўйича ўтказилади ва бизнинг тавсияларимизнинг чизма ҳолидагиси қуйидагилардан иборат бўлади (26-чизма). Россия давлатида Туристик маршрутнинг баҳосини белгилашда маркетинг тадқиқотларидаги асосий йўналишлар жуда кўп. Шулардан халқаро туризмда энг оммавийлашган, қутиладиган натижалар бўйича 6 та йўналишда маркетинг тадқиқотлари ўтказилади.

Туристик маршрутни танлашда маркетинг тадқиқотлари йўналиш ларидаги—«Бозорни тадқиқ қилиш» сўровида шу нарса маълум бўлдики,

ҳозирча бизда туристик маршрутларининг бозори йўқ. Маршрутларнинг сотилиши ва рекламаси ҳақида ҳам шундай хуносани келтириш мумкин. Туристик фирмалар туристлар билан қайси маршрутлар бўйича ишлашмоқ да? – Бу ҳолат ҳам номаълум.

Бундай вазиятларда маркетингда тадқиқотлар ўтказиш йўналишлари нинг қўйидагилари туристик маршрутни баҳолашда кутиладиган натижаларни беради:



26-Чизма. Маркетинг тадқиқотларининг йўналишлари

1. Туристик маршрутнинг баҳосини белгилашда бозорни тадқиқ қилиш бўйича маркетинг тадқиқотлари.
2. Туристик маршрутнинг баҳосини белгилашда истеъмолчини тадқиқ қилиш бўйича маркетинг тадқиқотлари.
3. Туристик маршрутнинг баҳосини белгилашда баҳоларни тадқиқ қилиш бўйича маркетинг тадқиқотлари.
5. Туристик маршрутнинг баҳосини белгилашда сотиш ва рекламани тадқиқ қилиш бўйича маркетинг тадқиқотлари.

**Биринчи йўналиши** бўйича туристик маршрутнинг бозордаги умумий талаби, харидорлари, уларнинг сони тадқиқот натижасида аниқланади, маршрутнинг туристик ресурслардан фойдаланишдаги ўрни белгиланиши натижасида керакли маршрут тури танланади.

**Иккинчи йўналиши** бўйича маршрут ҳақида истеъмолчиларнинг (туристларнинг) ҳоҳиш истаклари, талаблари, танқидий фикрлари ҳисобга олинади. Бу ахборотлар тўпланиб таҳлил қилинади ва истеъмолчилар талабини қондира диган туристик маршрут ишлаб чиқилиб истеъмолчига таклиф қилинади.

**Учинчи йўналиши** бўйича туристик маршрутларнинг баҳолари тадқиқ қили нади. Бу тадқиқотларни ўтказиш жуда муҳим ҳисобланади. Чунки республика мизда ишлаб чиқарилаётган туристик маршрутларнинг баҳолари тадқиқ қилинмаган. Ҳозирда Ўзбекистонда муваффақият билан ишлаётган 2 та маршрутнинг баҳолари қўйидагича:

1. «*Тарихга саёҳат*» туристик маршрутда: битта турист учун -2057 АҚШ доллари, иккита турист учун –1498 АҚШ доллари, учта турист учун –1320 АҚШ доллари, 3 та туристнинг бир хонада жойлашиши –615 АҚШ доллари баҳосида белгиланган.

2. «*Тарих ва замонавийлик*» туристик маршрутда: битта турист учун –3334 АҚШ доллари, иккита турист учун – 1865 АҚШ доллари, учта турист учун – 1652 АҚШ доллари. 3 та туристнинг бир хонада жойлашиши –768 АҚШ доллари баҳосида белгиланган.

Иккала туристик йўлланманинг нархи ҳам баландми, пастми таҳлил қилиш қийин. Овқатлар нархи, транспорт хизмати, дам олиш ва бошқа хизматлар нархи алоҳида берилмаган ва хизмат турлари аниқ кўрсатилмаган, маҳсулотлар нархи ҳам йўқ. Бу ҳолда туристик истеъмолчига туристик маршрутни қандай таклиф қилиш мумкин? Шунинг учун ҳам туристик маршрут танланганда маршрутнинг барча кўрсаткичлари бўйича баҳолар бўлиши шарт. Маршрутдаги баҳоларни қўйиш мезонлари келтирилиши янада маршрут баҳоларининг ишончли қўйилганлигини ҳам билдиради.

**Тўртинчи йўналишида** туристик маршрутларнинг оммавийлашган рекламаси ҳам сотиши ҳам харидор ҳам ҳозирча йўқ. Умуман олганда туристик маршрутлар ишлаб чиқишининг ўзи қониқарсиз ҳолатда, маршрут йўқ бўлгандан кейин унинг бозори, рекламаси ҳам республикамида шаклланган эмас (Туристик мааршрутлар деярли оғзаки ташкил қилиниб оғзаки ўтказилмоқда).

## **16.2. Туристик маршрутнинг баҳосини хизматлар кўрсатиши нархлари бўйича аниқлаш**

Албатда, туристик маршрутларнинг баҳосини қўйишнинг қийин томонлари ҳам, осон томонлари ҳам бор. Осон жиҳатлари шундан иборатки, агар туристик таршрут бир жойда масалан, Самарқанд шахрида ўтказила диган бўлса бу маршрутнинг баҳосини чиқариш осон кечади. Чунки, Самарқандлик туроператор шахримиздаги барча туристик хизматларнинг, туристик инфратузималарнинг, овқатлантириш хизматларининг нархини билади.

Туроператор барча хизматларнинг нархини жамлаб, уларга қўшимча қилиб фирманинг харажатларини қўшади ва туристик маршрутнинг-турнинг баҳосини чиқаради. Энг муҳими шундаки, туристик фирманинг қўшимча нархи ишонарли, оширилган бўлмаслиги лозим. Шу ҳолатда туристик маршрутнинг баҳосини суриштирган турист баҳони ўрганиб унинг тўғрилигига ишонч ҳосил қиласди. Энди айнан шу туристик маршрут маршрутда кўрсатиладиган хизматларга қараб хар хил молиявий таъминланган туристлар учун 4 даражали бўлиши мумкин: 1-арzon; 2-ўртача; 3-қиммат; 4-ўта қиммат(люкс).

Туристик маршрутнинг ишончли баҳосини чиқаришнинг қийинлиги шундан иборатки, агар туристик маршрут шаҳарлараро, туманлараро ва экологик тур мавзуларида бўлса, албатда бу жойлардаги туристик хизматлар, туристик инфратузилмалар хизматлари, меҳмонхона хизматлари ва овқатлантириш хизматлари туроператор яшаб турган жойдан бошқа нархларда бўлади. Бу нархларни туроператор биладиган бўлса у туристик маршрутнинг баҳосини тўғри чиқаради. Бу нархларни билмайдиган бўлса туристик маршрутнинг баҳосини албатда таваккалига ёки оширилган нархларда қўйишга мажбур бўлади. Бу иккала ҳолатда ҳам у туристик маршрутнинг баҳосини суриштирган туристларга ишончли жавобларни топиб бераолмайди.

Шунинг учун ҳам туризм соҳасида-«Туроператорлар кучли жойда туризм ривожланади»-деган қатъий қоида бор. Германиялик туроператорлар ўз давлатларининг худудларида барча туристик хизматлар, туристик инфра тузилмалар хизматлари, меҳмонхона хизматлари, овқатлантириш хизматлари ва ёнилғи хизматлари ҳақидаги ахборотлар ва маълумотларни ҳар ҳафтанинг биринчи куни «маҳсус хизматлар кўрсатиш фирмалари»дан тўплаб олишар экан. Бу маълумотлар билан улар ҳар ҳафталик туристик маршрутларнинг баҳосини ишончли манбалар асосида тўғри қўйишади.

Хуносада қайд қилиш лозимки, туристик маршрутнинг нархини белгилашда туристик маршрутдаги ҳар бир хизматларнинг нархини ҳозирги кун нархлари билан қўйиш, жамлаш ва ягона баҳони чиқариш тўғридек бўлмлқда. Туристик маршрутни яратган ва маршрутда хизмат кўрсатувчи бўлган туристик фирманинг ҳақи эса туристик маршрут баҳосига қўшимча 10% қўшиши мумкин.

Туристик маршрутларга баҳо қўйишда маълум бир тушунчаларга эга бўлиш ва туристик маршрут ишлаб чиқиши ўрганиш учун «Самарқанд шарқ гавҳари» мавзусидаги туристик маршрутнинг намунасини қуида келтирилди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСИТУТИ**

**“СЕРВИС ВА ТУРИЗМ” ФАКУЛЬТЕТИ**  
**“ХАЛҚАРО ТУРИЗМ ВА ТУРИЗМ СЕРВИСИ” КАФЕДРАСИ**

**Мавзу: “САМАРҚАНД ШАРҚ ГАВҲАРИ” маршрути**



**Самарқанд-2016**

## Туристик саёҳатнинг технологик харитаси

1. Маршрут номи, мавзуси: “САМАРҚАНД ШАРҚ ГАВҲАРИ”.
2. Маршрутнинг муддати: Йил давомида.
3. Маршрут тури: Тарихий обидаларга қизиқиши туризми.
4. Маршрут масофаси: 90 км.
5. Маршрут ҳаракатланиши:
  - a) Транспортда: 75 км.
  - b) Пиёда: 15 км.
6. Маршрутдаги туристлар сони: 12 киши.


### 7. Маршрутдаги экскурсиялар мавзуси ва ёзма шакли

- ✓ Рӯҳободга экскурсия;
- ✓ Амир Темур мақбарасига экскурсия;
- ✓ Регистонга экскурсия;
- ✓ Бибихоним масжидига экскурсия;
- ✓ Ҳазрати Хизр масжидига экскурсия;
- ✓ Шохизиндага экскурсия;
- ✓ Улугбек расадхонасига экскурсия
- ✓ Имом Ал Бухорий мажмуасига экскурсия
- ✓ Ал Матурудий зиёратгоҳига экскурсия
- ✓ Сиёб деҳқон бозорига экскурсия
- ✓ Дониёр пайгамбар мақбарасига экскурсия
- ✓ Махдуми Аъзам зиёратгоҳига экскурсия

8. Тунаш жойлари: “Registon Plaza” меҳмонхонаси.
8. Маршрут эгаси бўлган корхона манзили: Самарқанд шаҳар А.Темур кўчаси 9 уй
- 9.

## Маршрутда туристларга хизмат кўрсатиш

<b>Кун</b>	<b>Тадбирлар</b>	<b>Соат</b>	<b>Обект</b>
1.	Кутиб олиш	7 <sup>30</sup> - 8 <sup>30</sup>	“Registon Plaza” меҳмонхонаси.
	Нонушта	8 <sup>30</sup> - 9 <sup>15</sup>	Меҳмонхонада.
	Тўпланиш	9 <sup>15</sup> - 10 <sup>00</sup>	Меҳмонхона олдида
	Пиёда юриш	10 <sup>00</sup> -10 <sup>45</sup>	Рухобод мақбарасига
	Пиёда юриш	10 <sup>45</sup> -12 <sup>30</sup>	Амир Темур мақбарасига
	Афтобусда	12 <sup>30</sup> -12 <sup>45</sup>	“Лаби ғор” рестаранида
	Тушлик	12 <sup>45</sup> -13 <sup>45</sup>	“Лаби ғор” рестаранида
	Пиёда юриш	13 <sup>45</sup> -15 <sup>00</sup>	“Регистон” майдонига
	Пиёда юриш	15 <sup>00</sup> -17 <sup>00</sup>	“Бибихоним” масжидига
	Меҳмонхонага қайтиб келиш	17 <sup>00</sup> -18 <sup>00</sup>	Меҳмонхонага
2	Нонушта	8 <sup>00</sup> -9 <sup>00</sup>	Меҳмонхонада
	Тўпланиш	9 <sup>00</sup> -9 <sup>30</sup>	Меҳмонхона олдида
	Афтобусда	9 <sup>30</sup> -11 <sup>00</sup>	“Хазрати Хизр” масжидига
	Пиёда юриш	11 <sup>00</sup> -12 <sup>30</sup>	“Шохи Зинда” архитектура ансанблига
	Тушлик	12 <sup>30</sup> -14 <sup>00</sup>	“Тошкент” чойхонасида
	Афтобусда	14 <sup>00</sup> -16 <sup>00</sup>	“Улугбек расадхонасида
	Пиёда юриш	16 <sup>00</sup> -18 <sup>00</sup>	Тошкент кўчасида сайр
	Кечки овқат	18 <sup>00</sup> -20 <sup>00</sup>	Меҳмонхона ресторанида
	Пиёда юриш	20 <sup>00</sup> -21 <sup>00</sup>	Шаҳар хиёбонида сайр
3	Нонушта	8 <sup>00</sup> -9 <sup>00</sup>	Меҳмонхонада
	Тўпланиш	9 <sup>00</sup> -9 <sup>30</sup>	Меҳмонхона олдида
	Афтобусда	9 <sup>30</sup> -12 <sup>30</sup>	Ал-Бухорий мажмуасига
	Тушлик	12 <sup>30</sup> -13 <sup>30</sup>	“Челак” ресторанида
	Афтобусда	13 <sup>30</sup> -14 <sup>15</sup>	Махдуми Аъзам зиёратгоҳига
	Афтобусда	14 <sup>15</sup> -15 <sup>00</sup>	Ал-Мотуридий зиёратгоҳига
	Пиёда юриш	15 <sup>00</sup> -16 <sup>00</sup>	“Сиёб” дэҳқон бозорида
	Пиёда юриш	16 <sup>00</sup> -17 <sup>00</sup>	“Дониёр пайғамбар” мақбарасига
	Кечки овқат	17 <sup>00</sup> -18 <sup>00</sup>	Меҳмонхона ресторанида
	Кузатиб қўйиш	18 <sup>00</sup> -20 <sup>00</sup>	Самарқанд Ҳалқаро аэропорти



Имом Исмоил – ал-  
Бухорий зиёратгоҳи



Махдуми Аъзам  
зиёратгоҳи



Ал Мотурудий  
зиёратгоҳи

## Асосий географик пунктлар номи

- **Узунлиги:** 90 км.
- **Давомийлиги:** 3 кунлик.
- **Гурухдаги туристлар сони:** 12 киши.
- **Паспорт тузилган пайт:** 201- йил 29 март,3 нусхада.
- **Паспорт нусхалари жүннатылған:** Талабгор ташкилотларга

## Турпакетта хизмат қилувчи корхоналар



1. “Registon Plaza ” мәхмөнхонаси.  
Хизмат күрсатиши. Хона хизматлари

- Телевизор ;
- Ҳаммол;
- Соч қурилгич;
- Телефон;
- Мини бар;

### Овқатлантириш хизматлари;

- Нонушта;
- Кечки овқат;

Нонушта-8\$.

Кечки овқат-12\$.

### Жойлаштириш хизматлари:

1 кишилик хона – 35\$. 2 кунга 70 \$. 3 кунга 105 \$.

## Транспорт хизматлари.



“Transfer” транспорт корхонаси.

- 1 кунга 5 \$.
- 2 кунга 9,5 \$.
- 3 кунга 13,5 \$.

## Овқатлантириш хизматлари



“Лабиғор” ресторани – 10 \$;

“Тошкент” чойхонаси – 15 \$;

(нархлар 1 киши учун)

## Рұхобод мақбара



Амир Темур мақбарасидан шимолда бир бино бўлиб, у 14 асрда вафот этган Шайх Бурхониддин Соғаржий қабри устига қурилган. Рұхобод номи билан машҳур бўлган бу бинонинг қачон қурилгани аниқланмаган. Мозорнинг шимолий эшигидаги бўрттириб ишланган ўймакор безакларга қараб, тадқиқот чилар бу мозор 14 асрнинг 2 ярмида қурилган деб, баъзилари эса Амир Темур қурган деб ҳисоблашади. Ушбу мақбара ҳозирги кунда шаҳrimizning асосий зиёратгоҳларидан бири ҳисобланади .

## Амир Темур мақбараси



Шарқдаги энг нодир, бой тарихни ўзида қамраб олган ноёб дурдоналардан бири Соҳибқирон Амир Темур томонидан бунёд этилган “Амир Темур” мақбарасидир. Буюк Амир Темур ва яқинларининг қабри шу обида бағрида жойлашган. Шу боис бу маскан Темурийлар хилхонаси деб ҳам аталади.

## Регистон ансамбли




*1. Ulug'bek madrasasi  
(1417-1420)*

*2. Sher dor (1619-1636)*

*3. Tillakori madrasasi  
(1647-1660)*

Регистон майдони Ер юзининг сайқали деб тан олинган. Амир Темур бирлаштирган давлатлар пойтахти бўлган машҳур Самарқанднинг ўзига хос ва мос бўлган кўзгусидир. “Регистон” деган сўз форс тилидан олинган бўлиб, “қумли жой” деган маънони билдиради. Регистон мажмуасида 3 та мадраса қад кўтарган.

## Бибихоним масжидаға экскурсия



Самарқанд шаҳрининг машҳур зиёратгоҳларидан бири бу Бибихоним жомъе масжидидир. Бу масжид Соҳибқироннинг суюкли рафиқаси Сароймулхоним учун 1399-1404 йилларда қурилган. Ҳозирги кунда ушбу масжид хорижий сайёҳларнинг эътиборини ўзига тортиб, шаҳар кўркига кўрк қўшиб туриди.

## Ҳазрати Хизр масжидаға экскурсия



Шаҳримизнинг энг муқаддас зиёратгоҳ ва меморий обидаларидан бири, Самарқанднинг биринчи масжиди – пайғамбар Ҳазрати Ҳизр аллайҳисалом номи билан аталган масжид дир.

## Шоҳи Зинда ансаблига экскурсия



"Самарқанд марвариди" деган номга сазовор бўлган Шоҳизинда ансамбли нафақат тарихий-меъморчилик ёдгорлиги, балки, машҳур алломалар, авлиёлар маликалар, лашкарбошиларнинг абадий оромгоҳи ҳамдир. Бу ерда Муҳаммад пайғамбаримизнинг амакиси Қусам ибн Аббос қабри ҳам мавжуд. Бу мажмуа қадимий Сиёб ариғи ёнбағрида жойлашган бўлиб, сайёҳ ва туристларни ўзига мафтун қилиб келмоқда.

## Улуғбек расадхонаси



Улуғбек расадхонаси ўрта асрларда Шарқда мавжуд бўлган расадхоналар ичida энг йириги бўлиб, ўлчаш аниқлиги ва ҳашаматлилиги билан ажралиб турган.

Самарқанд расадхонасида Улуғбекдан ташқари ўрта асрларнинг энг таниқли астрономларидан Фиёсиддин Жамшид Коший, Қозизода Румий, Али Кушчилар дарс берган.

## Имом ал-Бухорий мажмуаси




IX асрда яшаб “амир ал маниний” деган шарафли номга сазовар бўлган Муҳандисларнинг энг буйиги ҳисобланадилар бобомиздан “Ал жоме ас – сахих “ дек асар бунёд бўлиб унинг номини бутун ислом оламига танитди. Ул зот Бухоро шаҳрида таваллуд топган.

Зияратгоҳ эса Паяриқ туманида жойлашган. Президентимиз фармони билан 1998 йил буюк муҳандиснингнинг хижрий қамарий тақвим бўйича 1225 йиллиги кенг нишонланди.

Унга ажайиб ядгорлик мажмуйи бунёд этилди. ёдгорлик Самарқанд яқинидаги Ҳартанг қишлоғида.

## Махдуми Аъзам зиёратгоҳи



Кўхна Самарқанднинг шимолий – гарбий тарафида, Оқдарё ва Қорадарё оралиғида Даҳбед қишлоғида XVI асрда яшаб, ижод этган мутасаввиф ва олим Махдуми Аъзам қабри бор. Мовороннаҳрлик йирик диний арбоб, нақшбандия тариқатининг раҳномаси ва зиёратчиларидан бири бўлган. У киши Фарғона водийсининг Косон шаҳрида таваллуд топган. Тасаввуф таълимотига оид фикрлари нақшбандия назариясига асосланган.

## Ал-Мотуридий зиёратгоҳи



Унинг тўлиқ номи имом абу Мансур Мухаммад абу Мухаммад Алханафий Ал Мотурудий Ас Самарқандий. Унинг таълимоти Мавароуннаҳр, Туркия ва Хиндистонда кенг ёйилган. Қабрлари Чокардиза қабристонида. 2000 йилда Президентимиз И.А. Каримов фармони билан ёдгорлик қайта тикланди ва зиёратгоҳга айланди.

## Сиёб Дехқон бозори



Сиёб бозори Самарқанд шаҳрининг Шохизинда ва Тошкент қўчалари кесишигган чорраҳасида жойлашган бўлиб, унда асосан шаҳар аҳолиси учун зарур бўлган истеъмол, озиқ-овқат ва кийим-кечак каби маҳсулотлар сотилади. Бундан ташқари бозорниң асосий хусусиятларидан бири бу сайёҳлар ва туристларни ўзига жалб қилишидир.

## Дониёр Пайғамбар мақбараси



Кўхна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрининг Афросиёб қадимий шаҳарчаси муҳофаза қўрғони ёнидан оқиб ўтадиган Сиёб ариғи ёқасида Самарқандликларниң асрлар давомида эъзозланиб келаётган Дониёр Пайғамбар мақбараси энг мўтабар зиёратгоҳлардан биридир.

Дониёр Пайғамбар мақбарасини яхудий, насроний ва мусулмон дини вакиллари келиб зиёрат қилиб кетишади ва ул зотга нисбатан чексиз ихлосларини билдиришади.

## Сафар трасса паспорти

- Туристик корхонанинг номи:
- Туризм тури: *тарихий обидалар билан танишиши*

### Маршрут давомида туристларга қўйиладиган талаблар

- Тур давомида фақат гиднинг кўрсатмаларига амал қилиши лозим;
- Турдаги зиёратгоҳ объектларда дин қоидаларидан чиқмаган ҳолда кийиниш лозим;
- Зиётатгоҳларда баланд овозда кулиш ва гапириш мумкин эмас;
- Тур давомида туристлар ўзларнинг хавфсизлигига ўзлари масъулдирлар;
- Йўқотилган буюмлар учун турфирма жавоб бермайди.
- Зиёратгоҳлардаги деворлар, тошлар ва бошқа аҳамиятга эга бўлган буюмларга гиднинг рухсатисиз қўл билан тегиниш мумкин эмас.
- Турни бошлишдан олдин барча қоида ва хужжатлар билан танишиб чиқишингизни сўраймиз!

- **Маълумот учун:** ..... телефонларига мурожаат қилинг.
- Хурмат билан “.....” сайёҳлик фирмаси.
- Сафарингиз хайрли ўтишини тилаймиз

**Таянч сўзлар ва иборалар:** туристик маршрут баҳоси, хизматлар баҳоси, жойлаштириш баҳолари, транспорт баҳолари, овқатлантириш баҳо

лари, баҳолашда маркетинг тадқиқотлари, баҳолашда туристик фирманинг ҳаки, кўшимча баҳо.

## **17 - Мавзу. ТУРИЗМ МАРШРУТЛАРИНИ АМАЛДА ЎТКАЗИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ЎТКАЗИШ**

Режа:

- 17.1. Тайёргарлик босқичи (маршрут ҳужжатларини тайёрлаш).
- 17.2. Маршрутда юриш даври босқичи.
- 17.3. Маршрутнинг тугаши босқичи.

### **17.1. Тайёргарлик босқичи (маршрут ҳужжатларини тайёрлаш).**

Туристик маршрутларни ўтказишни амалда ташкил қилиш туристик маршрутларнинг хилма-хил ёки турли мавзулар бўйича эканлигидан қатъий назар қўйидаги 3-босқичга бўлинади:

- 1.Тайёргарлик босқичи (маршрут ҳужжатларини тайёрлаш).
- 2.Маршрутда юриш даври босқичи.
- 3.Маршрутнинг тугаши босқичи.

Биринчи тайёргарлик босқичида маршрутни ўтказувчи маъсул раҳбар ўта жиддий бўлган тайёрланиш босқичидаги барча талабларнинг тўлиқ, камчиликларсиз бажарилишига пухта тайёрланиши лозим. Бу босқичда туристик маршрут давомида амалга ошириладиган ишлар: хизмат кўрсатиш, тўхташ жойларидаги ўтказиладиган тадбирлар номма-ном режалаштиришни талаб қиласди.

Эътибор бериш лозимки, маршрутни ўтказиш дастурида маршрут даво мидаги саёҳатлар, тадбирларнинг мазмундорлиги, қизиқиши уйготиши, турист ларнинг саволларига жавобларнинг тўлиқлигига тайёр бўлиш режалари ҳам аниқланган бўлиши керак.

#### **1. Тайёргарлик босқичидаги талаблар:**

- 1.1. Маршрут йўлини ўрганиб чиқиш(гид-бошловчи хизматлари);
- 1.2. Маршрутни ўтказиш дастурини(кунлар бўйича ҳаракатланиш, тўхташ жойлари, овқатланиш жойлари, тунаш жойлари, дам олиш жойлари) тузиш;
- 1.3. Маршрутда амалга ошириладиган экскурсиялар дастурини тузиш(кунлик биринчи, иккинчи ва ҳакозо экскурсия обьектлари, ҳар бир экскурсияга кетадиган вақтлар);
- 1.4. Маршрут давомида хизматлар кўрсатиш дастурини тузиш(кунлик режалаштирилган ва кутилмаган хизматлар);
- 1.5. Туристларга хизматлар кўрсатиш ҳужжатларини расмийлаштириш (маршрутнинг дасдиқланган технологик харитаси, ҳайдовчининг ҳужжатлари, маршрутнинг тасдиқланган хизматлар дастури, маршрутнинг тасдиқланган карта-схемаси, маршрутнинг тасдиқланган трасса паспорти, маршрутнинг ахборотлар варагаси, маршрутнинг тиббий ёрдам алоқалари манзиллари ва биринчи ёрдам қутичаси).

## **2. Маршрутни амалга ошириш босқичида қуидаги ҳаракатлар амалга оширилади:**

- ❖ Маршрутга чиқиш (бошлаш, йўлга чиқиш).
- ❖ Маршрутдаги экспедициялар, учрашувлар, дам олиш ва бошқа тадбирларни маршрут дастури асосида ўтказиш.
- ❖ Маршрутдан қайтиш.
- ❖ Маршрут ўтказилгандан кейин туристларнинг фикри, таъсу ротлари, таклифи ва тақризларини тўплаш, таҳлил қилиш.

## **3. Маршрутнинг тугаши босқичида қуидаги ишлар амалга оширилади.**

- ❖ Маршрут ўтказилганлиги ҳақида ҳисобот тайёрлаш.
- ❖ Маршрут давомида юз берган кутилмаган, келишмовчиликларни мукаммал таҳлил қилиш.
- ❖ Маршрутни қайта ўтказишни яхшилайдиган тавсиялар яратиш ва қўллаш.

Туристик маршрутни ўтказишни амалда ташкил қилиш ва ўтказиш ишлари, маршрутда белгиланган тадбирлар «маршрут хужжатларида» қайд қилиниши лозим. Бу хужжатлар қуидагилардан иборат бўлади:

- ❖ Туристик маршрутни ўтказиш ҳақида хужжат (руҳсатнома, харита ва бошқ...).
- ❖ Туристик маршрутда туристларга хизмат қилувчилар ҳақида хужжатлар (ҳайдовчи, таржимон, сув, чой, овқат берувчилар, юкларни кўтарувчи, ахборотчи, бошловчи ва бошқалар).
- ❖ Ҳисобот учун хужжатлар.

***Маршрутларни ўтказиши методикаси.*** Туристик маршрутни ўтказиш методикаси икки қисмдан иборат бўлади: (24-чизма).

1. Оғзаки методикалар
2. Амалий методикалар

Туристик маршрутни ўтказишдаги оғзаки методика бўйича дастлаб туристлар билан учрашув ташкил (турфирма ёки маршрут раҳбари) қилинади. Бу учрашувда раҳбар маршрут ҳақида барча зарур ахборотларни оғзаки айтиб, саволларга ҳам оғзаки жавоб беради.

Маршрут давомида маршрут раҳбари қуидаги методик-йўл ахборот ларини бериш усулларидан фойдаланади:

- эълонлар;
- тушунтиришлар;
- хабарлар;
- маълумотлар;
- сұхбатлар.

Туристик маршрутни ўтказишида амалий методиканинг тузилиши қуидагича бўлади. Ахборотлар қисқа, мазмунли, мақсадли, қизиқарли бўлиши маршрут раҳбаридан ўз иши бўйича уста билимдон, етук мутахассис бўлишларини талаб қиласи. Қайд қилинганлардан маълум бўладики, туристик маршрутларни ўтказишни ташкил қилишда илова қилинган босқичлар,

бу босқичлардаги талаблар, маршрутни ўтказиш методикасининг бажарилиши туристнинг барча талабларини түлиқ қондиришга қаратылмоғи лозим.



27-Чизма. Туристик маршрутни ўтказиш методикаси

Ушбу ҳолатда туристнинг маршрутдаги мақсади амалга ошади, маршрутдан түлиқ қониқиши ҳосил қилиб ўз харажатларини «кўриш», «билиш» ва хулоса чиқаришида тўғри сарфланганлигини аниқ билади, бундан афсусланмайди.

**Таянч сўзлар ва иборалар:** турмаршрутни ўтказиш босқичлари, маршрутда юриш даври босқичи, маршрутнинг тугаши босқичи, маршрутнинг ҳужжатлари, маршрутдаги тушунтиришлар, маршрутдаги эълонлар, маршрутдаги сұхбатлар, ўтказиш методикаси, амалий методика.

## **18-Мавзу. ХАЛҚАРО МАРШРУТЛАР БҮЙИЧА БУТУНЖАХОН ТУРИСТИК ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ТАВСИЯНОМАЛАРИ**

Режа:

- 18.1. Халқаро маршрутдаги саёхатларда давлатларнинг маъсуллиги
- 18.2. Халқаро маршрутлардаги саёхатлар бўйича Манила декларацияси
- 18.3. Халқаро маршрутлардаги саёхатлар бўйича Гаага декларацияси

### **18.1. Халқаро маршрутдаги саёхатларда давлатларнинг маъсуллиги**

Туризмнинг халқаро хавфсизлигидаги халқаро тажрибаларни Бутун жаҳон туризм ташкилоти (БТТ) тадқиқ қиласи ва тадқиқот натижалари асоси да ишлаб чиқилган тавсияларни туризм тўғрисида қонун ва хуқуқий–меъёрий ҳужжатлар қабул қиласи давлатларга қўрсатма –йўлланма сифатида тақдим этилади.

Саёхатчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳақидаги Хартия 1985 йил Бутунжоҳон туристик ташкилотининг Бош ассамблеясининг VI–сессиясида қабул қилинган. Хартия таркиби 9 та модда ва турист кодекси, бу кодекс ҳам 9 та моддадан иборат. Хартияниң VI–моддасида туристлар нинг соғлиги ва ҳаётий хавфсизлигини таъминлашда, уларнинг буюмлари нинг сақланиши, ҳар бир давлат ҳудудларида эркин ҳаракат қилишида қўйи даги талаблар бажарилиши дунёдаги барча давлатларга тавсия қилинган.

*Давлатларнинг маъсуллиги:* а) туристларга имкониятлар яратиши ўз давлатининг ва чет эллик туристлар учун саёхатлар даврида Бирлашган Миллатлар ташкилоти, Халқаро гражданлар авиаацияси ташкилоти, Халқаро денгиз ташкилоти, Халқаро божхона ҳамкорлиги кенгashi ва бошқа халқаро ташкилотларнинг туризм тўғрисидаги, халқаро туризм тўғрисидаги «Холатлар», «Дастурлар», «Хуқуқий–меъёрлар» билан танишиш, ўрганиш, фойдаланиш шароитларини яратишлари;

б) туристларнинг онги, шуури, тушунчаси ўсишида ҳамкорлик қилиши ва етиб келган давлатларнинг махаллий аҳолиси билан бўлган мулоқотларда, алоқаларда ўзаро тушуниш, ўзаро дўстона мухитларни яратиши;

в) саёхатларда туристларнинг ҳаёти хафсизлигини таъминлаш ва буюмла рини сақлаш чора-тадбирларини халқаро қонунларга мос ҳолда ишлаб чиқиши;

г) гигиена ва соғлиқни сақлаш хизматларига мурожат қилиш, ёрдам олишнинг барча шарт–шароитларини яратиши, юқумли касалликлар ва баҳтсиз ҳодисалардан сақланиш ҳақида огоҳлантириш;

д) туризмда фоҳишлик мақсадларида қилинган ҳар қандай ҳатти–ҳаракатларнинг олдини олиш;

е) туристлар ва маҳаллий аҳолини гиёҳванлик моддаларидан нолегал фойдаланиш манбаларидан ҳимоя қилиш тизимларини ишлаб чиқиши;

Халқаро Хартияниң VI–моддасида туристларнинг саёҳати даврида бутунжоҳон туризм ташкилотига аъзо бўлган давлатларнинг маъсуллиги қуийдагича белгиланган:

а) ўз давлатининг туристлари ва чет эллик туристларнинг давлат худудларида эркин ҳаракат қилишларини чегараловчи тўсиқлар, тадбирларни белгиламасликлари, баъзи ҳолларда аҳолининг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш учун чегаралашни белгилашларига хуқуqlари борлиги;

б) туристларга нисбатан таҳқирлаш, камситиш, ҳақ–хуқуқини чегара лаб қўйиш тадбирларининг пайдо бўлишига қараб қатъиян йўл қўймасликлари;

Хартияда таъкидланишича хартиянинг барча моддалари ва хартиядаги «турист кодекси» моддаларининг туризм фаолият кўрсатаётган давлатларда қабул қилиниш ва амал қилиниш туристларнинг этик жиҳатдан барча давлатларда ўзини бошқара билишига, давлатлардаги халқлар, элатлар билан халқаро дўстлик ришталарини яратишига, халқаро муҳитни инсоният баҳтисаодати учун сақлаш, дунёни сақлаш имкониятларининг кучайишига олиб келади.

## **18.2. Халқаро маршрутлардаги саёҳатлар бўйича Манила декларацияси**

Бутунжаҳон туризм ташкилотининг давлатлар ўртасида обрўсини кўтарган ва бу конференцияларда ишлаб чиқилган тавсиялар, кўрсатмалар, йўлланмаларнинг аниқлиги, жорий этишга қулайлиги ва тушунарли эканлиги бўйича БТТ нинг «Жаҳон туризми бўйича Манила декларацияси»ни қабул қилган «Туризм бўйича жаҳон конференция»си бўлди. Конференция 1980-йил 27-сентябрдан 20-октябргача Филиппин давлатининг пойтахти Манила шаҳрида бўлиб ўтди. Конференцияга 107 давлатнинг делегациялари ва 91 та делегация кузатувчи сифатида қатнашди.

Манила конференциясидаги энг муҳим қарор ва тавсиялар халқаро миқёсида ва давлатларда туристларнинг ҳаёти хавф-хатарсизлигини, соғлигини таъминлаш ва уларнинг буюмларини сақлаш, давлатларда туристларнинг эркин ҳаракатларига барча шарт-шароитларни яратиш натижасида халқлар, элатлар ва миллатларнинг дўстона алоқаларига асослар яратилади, миллатлар ўртасидаги урф-одатларни ўрганиш, қизиқиш натижасида бири-бирига яқинлик қилувчи давлатлараро маданият марказлари келиб чиқади:

- ❖ Инсонда ақлий, маънавий камолотга етишиши, интилиш ҳислари кучаяди;
- ❖ Инсоннинг шахс сифатига хар томонлама гармоник камол топиши га ишонч ҳосил бўлади;
- ❖ Онгода воқеъликни билиш, тарбияланганлик даражалари ортиб боради;
- ❖ Ўз тақдирини белгилашида жаҳон халқларидағи дин, урф-одат, маданият, маънавият, қадрият хусусиятларини кўриб, билиб фойдаланади;
- ❖ Халқларнинг урф-одатлари, анъаналари, маданияти, маънавий қадриятларини тан олиш ва ҳурмат қилиш кучаяди.

Конференциянинг тинчлик шиори—«Дунёда тинчликни, ҳамкорлик, ҳамжихатликни сақлаш, ҳалқларнинг маданий меросини ривожлантиришда туризмнинг ҳиссаси» мавзуси қабул қилинди. Манила конференциясида 27-сентябр «Бутунжаҳон туризм куни» деб белгиланди. Ҳалқаро туризмда ва давлатлар туризмида хавфсизликни таъминлаш бўйича аниқ ва жиддий тавсияларни ишлаб чиқсан ҳалқаро конференцияларнинг энг обрўлиси, тан олинганлиги бутун жаҳон туризм ташкилотнинг «Туризм бўйича Гаага декларацияси» ни қабул қилиш бўлди.

Бутунжаҳон туризм ташкилотининг дунё давлатлари Парламент ларининг туризм бўйича ҳалқаро конференцияси Нидерландиянинг Гаага шахрида 1989 йилнинг 30 марта 14 апрелгача бўлиб ўтди. Конференция ишида Парламентлараро иттифоқ (МГТС) вакиллари ҳам қатнашди. Конференция биринчи навбатда БМТнинг жаҳон давлатларида туризмни ривожлантиришда Бутун жаҳон туризм ташкилотнинг меҳнатлари ва муҳим мавқеъга эканлигини эътироф этди.

Иккинчидан, жаҳон туризмининг ривожланаётганлигига ҳалқаро ташкилотлар: Ҳалқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ), Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (БССТ), БМТнинг фан ва маданият, маъориф ташкилоти (ЮНЕСКО), Ҳалқаро граждан авиацияси (МКАО), атроф муҳит бўйича БМТ Дастури (ЮНЕП), Ҳалқаро жиноий қидирув полицияси (ИНТЕРПОЛ) ва ҳалқаро иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотлари БТТ билан мустаҳкам алоқада бўлдилар, ёрдам бердилар.

### **18.3. Ҳалқаро маршрутлардаги саёҳатлар бўйича Гаага декларацияси**

Туризм бўйича Гаага декларацияси 10 та принципни қабул қилди ва дунё мамлакатларига тарқатди. Декларация жаҳонда туризмнинг ривожла нишида туризм хавфсизлиги ҳалқаро миқёсида таъминланиши шартлигини таъкидлади. Бунга эришиш учун қўйидагиларни амалга оширишни тавсия қилинди:

- ❖ Туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш меъёрларини ишлаб чиқиб ва туризмда жорий қилиш;
- ❖ Жамоатчиликка аниқ ахборотларни етказиш ва тарқатиш;
- ❖ Туристларнинг хавфсизлигини ўрганувчи ва таъминловчи айниқса экстремал вазиятларда хавфсизликни таъминлашни тадқиқ қилувчи институтционал марказлар ташкил қилиш;
- ❖ Туристларнинг хавфсизлигини таъминлашда ҳалқаро, давлатлараро, регионлараро ва қитъалараро ҳамкорликни ташкил қилиш ва ҳаракатлантириш.

Гаага декларацияси қайд қилинган тавсиялар билан бирга ҳалқаро туризм миллий туризм хавфсизлигини таъминлаш бўйича 7 ва 8 принципларни алоҳида—aloҳида муҳокамадан сўнг қўйидагича қабул қилди: Гаага декларациясининг туристларнинг соғлиғи ва ҳаёти хавфсизлигини таъмин

лаш бўйича тавсиялари: Туристларни ҳурмат қилиш, қадр-қимматини ҳимоя қилиш, ҳукукини ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш туризм ривожланишининг ажралмас қисмидир. Шунинг учун ҳам:

- ❖ туристларнинг қадр-қиммати, ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш чоратадбирлари улар харакатланадиган барча туристик объектларда, сафарда, саёҳатда, меҳмонхоналарда ишлаб чиқилган ва бартараф этилган бўлиши;
- ❖ туристларнинг қадр-қимматини ҳурмат қилиш, туристларни ва туристик объектларни ҳимоя қилиш, ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш йўналишига қаратилган самарали туризм мухитини яратиш сиёсатини шакллантириш;
- ❖ туристик обьектларга ва туристлар ҳаётига хавф солувчи вазиятлар ва омиллар ҳақидаги барча ахборотлар, маълумотларни туристларга ўз вақтида етказилишини таъминлаш;
- ❖ ҳар бир давлатда туристларнинг эркин ҳаракат қилиш, хафсизлигини таъминлашнинг ҳукуқий меъёрлари ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишига эришиш, ҳар бир давлатда туристларнинг ҳукукини ҳимоя қилиш органларига ўз вақтида мурожат қилиши, ўзининг ҳақ-ҳукуқларини ҳимоя қилиш имкониятларининг яратилишига эришиш;
- ❖ туристларни ҳимоя қилиш, ҳаёти хавфсизлигини таъминлашдаги ҳукуқий меъёрларни ишлаб чиқиши, хавфга қарши чора-тадбирлар тизимини яратишида ҳар бир давлатларнинг БТТ билан ўзаро ҳамкорлик қилишини таъминлаш;

Гаага декларациясида қабул қилинган яна бир муҳим хужжат шундан иборат бўлдики, терроризм туризм ва туристик ҳаракатланишининг ривожига реал хавф деб тан олинди. Жаҳондаги давлатларга террористларга ҳар хил сиёсий сабабаларни рўкач қилиб бошпана бериш ҳоллари жаҳон миқиёсида қораланиши эътироф этилди.

Халқаро туризм саёҳати хавфсизлиги ва саёҳатларда туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашда Бутунжаҳон туризм ташкилотининг 2001 йил 30 сентябр- 1 октябрда Японияда (Минг йилликнинг Осака декларацияси) ўтказилган конференцияси, МДҲ давлатларининг «Туризм соҳасида ҳамкорлик» - Ашгабад 23-декабр 1993 йил, 29-октябр 1994 йил, 4-ноябр 1994 йил Осака декларацияси, Туристик фаолиятни ташкил қилиш Европа кенгashi, 2-ноябр 1981 йил Непалдаги Халқаро меҳмонхона қоидалари ассоциацияси муҳим қарорлар қабул қилди, тавсиялар ишлаб чиқиб дунё мамлакатларига тарқатди.

Шунингдек, «Афина конвенцияси» халқаро сёҳатлар вақтида туристларнинг юкларини ташиида ги халқаро ҳукуқ меъёрларини ишлаб чиқди. Турагентликлар ассоциация сининг бутунжаҳон федерацияси (УФТАА) ва бутунжаҳон меҳмонхоналар ассоциацияси (МГА) меҳмонхоналарида туристларни жойлаштириш, уларнинг фаол ҳаракатларини ташкил қилиш соғлиги ва ҳаёти хавфсизлиги таъмин лашнинг халқаро ҳукуқий мезонларини ишлаб чиқдилар ва бу хақида Бутунжаҳон туризм ташкилотига аъзо бўлган

давлатлар ўз миллий туризм сиёсатига мос бўлган ҳуқуқий меъёрларни қабул қилишини тавсия қилди.

Қайд қилиш лозимки, Бутунжахон туризм ташкилоти 1994 йил ўз бошқа руви таркибида «Туристик хизматлар сифати» бўйича комитет ташкил қилди. Бу комитет халқаро туризмда сайёхларнинг хавфсизлигига масалаларига ҳам жавоб беради. Ҳудди шу йили бутунжахон туризм ташкилоти дунёнинг 73 мамлакатида «Сайёхларни туристик обьектларни ҳимоя қилиш ва хавфсизлиги» мавзусида халқаро тадқиқотларни амалга оширди.

Бутунжахон туризм ташкилотининг ташаббуси билан 1995 йилнинг ёзида Швеция давлатининг Эстерунд шаҳрида «Саёҳат даврида хавфларни камайтириш ва туризм хавфсизлигини таъминлаш» мавзусида II-халқаро конференция ўтказилди.

ББТкомитети (1994-йил) ва Эстерунд II-халқаро конференцияси (1995-йил) ўтказган тадқиқотлардан маълум бўладики, 71% давлатларда туристик обьектлар туризмнинг маҳсус полицияси томонидан мукаммал қўриқланади. Бу полиция давлат ва муниципал полициядан иборат. Туризм мамлакатлари нинг 21% ида маҳсус туризм полициси ташкил қилинган бўлиб бу полиция фақат туризм фаолияти билан шуғулланади. Туризм полицияси зиммасига туризм ресурсларини ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, гиёҳвандликка қарши курашиб, маҳаллий этник гуруҳларни ҳимоя қилиш вазифалари ҳам юклатилган.

Лекин туризм полицияси фақат 9% давлатларда қонун йўли билан ташкил қилинган. Бошқа давлатларда эса «зиммасига юклатилган». 41% давлатларнинг туристик полицияси чет эл тилларини ўрганмоқда, 37% давлатларнинг полицияси туристик ташкилотлар, туристик фирмалар ва оддий полиция билан ҳамкорлик қилмоқдалар, 26% мамлакатларнинг полицияси «туризм фанлари» ни ўрганмоқда.

Халқаро туризм амалиётидан маълум бўладики кўпгина давлатларнинг туризм бошқаруви ўз туристларининг дунё давлатларига, регионларига бориши ёки бормасликлари, хавсизликнинг ҳолати, даражалари, ушбу давлатларда туризм сиёсати ва ҳимоя тизими халқларнинг урф-одатлари, тили бутунлай бошқача бўлган мамлакатларга саёҳатга чиқувчи турист фақат ушбу, у танлаган мамлакатдаги саёҳати даврида ўз хаёти хавфсизлигини таъминланишини (ушбу давлатда бу соҳада қабул қилинган қарорлар, қонунлар, ҳуқуқий-меъёрий хужжатлар ва бошқалар) аниқ бўлганидан кейин гина бехавотир ҳолда ишонч билан ўз ҳаракатини бошлайди.

Шунинг учун ҳам туризм соҳасини ривожлантиришда туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, туристларнинг ҳаётига хавф солувчи вазиятлар, холатлар ва омилларни аниқлаш, гурухлаш, хавфли вазиятларга тушиб қолган туристларга ўз вақтида тезкор ёрдам бериш усулларини ишлаб чиқиш республикамизда туристик оқимни жадал кучайтиришда, умуман туризм соҳасини халқаро талаб ва меъёрларда ривожлантиришдаги энг муҳим ва долзарб масала ҳисобланади.

**Таянч сўзлар ва иборалар:** туризмда хавф, туризмда хавфсизлик, хавфсизликни таъминлаш, БМТ, ЮНЕСКО, ЮНЕП, БТТ, МКАО, Манила декларацияси, Гаага декларацияси, туризмда ҳамкорлик, муниципал полиция, ИНТЕРПОЛ, хавф солувчи вазиятлар, хавфсизликнинг меъёрий хужжатлари.

**Мавзуни ўзлаштириш бўйича тест саволлари:**

1. Туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини халқаро миқёсларда ҳимоя қилиш бўйича Манила конференцияси қачон ўтказилди?
  - А. 1980 йилда
  - Б. 1990 йилда
  - В. 2000 йилда
  - Д. 2002 йилда
2. «Бутунжаҳон туризм куни» қачон ва қайси конференцияда эълон қилинди.
  - А. 1980 йил Манила конференциясида
  - Б. 1990 йил Манила конференциясида
  - В. 2000 йил Манила конференциясида
  - Д. 2002 йил Манила конференциясида
3. Туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш бўйича Гаага конференцияси қачон ўтказилди?
  - А. 1991 йилда      Б. 1989 йилда      В. 2000 йилда      Д. 2002 йилда
4. Минг йилликнинг Осака декларацияси қачон қабул қилинди?
  - А. 2002 йилда      Б. 2001 йилда      В. 2003 йилда      Д. 2004 йилда
5. Саёҳат даврида хавфларни камайтириш ва туризм хавфсизлигини таъминлаш» мавзусида II–халқаро конференция қачон ўтказилди?
  - А. 2005 йилда      Б. 1995 йилда      В. 2002 йилда      Д. 2001 йилда

**19-Мавзу. ДУНЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ ХУЛҚ-АТВОР ВА ИМО-ИШОРАЛАРИДАГИ ХУСУСИЯТЛАРНИ ЎРГАНИШ**

Режа:

- 19.1. Дунё халқларидаги хулқ-атвор ва имо-ишоралар ҳақида
- 19.2. Давлатларнинг халқларидаги имо-ишоралар ҳақида

**19.1. Дунё халқларидаги хулқ-атвор ва имо-ишоралар ҳақида**

Туризмда туристлар ўзларининг туристик фаолияти давомида дунё мамлакатларида яшаётган халқлар, миллатлар, элатлар билан кутилган ва кутилмаган ҳолатларда, баъзида қисқа учрашувларда, сухбатларда мулоқатда бўладилар. Ана шу мулоқатларда ўзга халқларнинг хулқи-одоби ёки имо-ишораларининг маъносини билиш туризмда мухим аҳамиятга эга бўлмоқда. Айниқса, гид-экскурсиячининг бу хусусиятларни билиши маршрутнинг кўнгилсиз, тасодифий воқеъаларсиз ўтишини таъминлайди.

Ўзга миллатлар, халқларнинг урф-одатлари имо-ишоралари мазмуни билан танишиш ва ушбу хусусиятларнинг маъносини яхши ўзлаштириб олиш туристик фаолиятга қизиқадиган ҳар бир инсон учун жуда зарур ҳисобланади.

Иккинчидан, бу хусусиятларни билиш инсоннинг зиёлилиги, маданият лилигини ҳам англатади. Чунки, ўзга давлатларда одамлар билан тасодифан учрашиш ёки сухбатлашиш вақтида Ўзбекистон халқларидаги ёки айнан ўзбеклардаги “ҳа”-тасдиқлаш маъносини билдирувчи ишора ёки белги, билдириш у халқларда “йўқ” ёки бутунлай “инкор” қилиш маъносини бериши мумкин.

Имо-ишорадаги ёки хулқ-атвордаги хусусиятлар инсоннинг нутқи, гапириши давомида бошини, бармоқларини, қўлларини ҳаракатлантириши орқали билдирилади. Туризмга бағишлиган адабиётларда, илмий мақолалар да имо-ишорани тушунмаслик натижасида махаллий мезбонлар билан туристлар ўртасидаги оддий ҳаракатлар то судлашувгача давом этган.

Масалан, Москвалик шундай ҳикоя қиласи-Яқинда аэропортда менга чет эллик турист яқинлашди ва саломлашиб яқин орада юк сақлаш хонаси борми деб сўради. Мен инглиз тилида керакли сўзларни топиб унинг тўғри келаётганлигини юк сақлаш хонаси борлигини хатто бепул эканлигини хам тушунтирдим ва хурсандлигимдан бош ва кўрсатгич бармоғимни айлана ҳолида қилиб “ОК” дедим.

Мен унинг раҳмат айтишини кутгандим. Лекин унинг аввал ранги оқарди сўнгра эса мени қўпол сўзлар билан ҳақоратлай бошлади. Мен ҳам қараб турмадим, ўртада жанжал чиқди. Можорони милиция бўлимида тажрибали таржимон ёрдамида ҳал қилдик. Маълум бўлдики, турист Тунис давлатидан келган бўлиб мен унга бошбармоғим ва кўрсатгич бармоғимни айлана қилиб кўрсатиб “ОК” деганим ва қўлимни ён тарафга ёзиб йўл кўрсатганим уларнинг тушуниши бўйича-“мен сени бепул ўлдираман” дегани экан. Мен ундан кечирим сўрадим. У хўмрайганича таржимон билан милиция бўлимидан чиқиб кетди.

Жестлардаги бош бармоқни юқорига кўтариш америкаликларда йўловчи машиналарни тўхтатиш, илтимосни билдиради. Кўп халқларда эса бу жест “хаммаси аъло даражада” дегани. Европа давлатларининг кўпчилигида мазкур жест-“йўқол” дегани, Греция давлатида-“жим бўл” маъносини билдиради. Энди, йўловчи автотранспортни тўхтатмоқчи бўлган америкалик нинг Европа давлатлари ва Греция давлатидаги ушбу жест билан қилган уриниш ларининг қанчалик бефойда эканлигини ўзингиз тасаввур қилинг.

Шунингдек, араб давлатларида қўл ва бармоқларнинг юқоридагидек ҳаракати-“беодоблик, ахлоқсизлик” ҳисобланади. Саудия Арабистонида ҳам қайд қилинган жестнинг маъноси-“бу ердан тезроқ йўқол” деган маънони билдиради. Умуман ислом дини тартиби ҳукумрон давлатларда чап қўл “тоза эмас” маъносида қабул қилинади. Шунинг учун бу давлатларда совға ёки бошқа бирор нарсани чап қўл билан узатсангиз бу ҳаракатингиз билан сиз уларни ҳақоратлаган бўласиз.

Бармоқ билан бошни кўрсатиш МДҲ ва бошқа кўплаб давлатларда-“сен ҳақиқий ахмоқсан” дейилгани. Бизда ҳам шундай. Голландияда эса тескариси-“шунчалик ақллисан” маъносини англатади.

Юқорида қайд қилганимиздек, бош ва кўрсатгич бармоқни думалоқ, айлана қилиб кўрсатиш-“ҳаммаси жойида”-хурсандман дегани ва бу жест бутун Англияда жуда оммавийлашган. Англияликлар фахрланадиган ушбу жест кўплаб давлатларда ҳақорат ҳисобланади. Масалан, Францияда ушбу жест-“сен нолсан, ахмоқсан” деганидир.

Германиялик ҳайдовчи хизмат постида турган автоназоратчига постдан ўтиш вақтида англияликларнинг “ок”ини кўрсатиб гўёки ўрток полициячи ҳаммаси жойида демоқчи бўлди. Лекин полиция ходими унинг устидан судга ариза топширди. Суд жараёнида маълум бўлди, постда турган автоназо ратчи асли Кипр давлатидан бўлиб уларда германиялик ҳайдовчи кўрсатган жест-“эркакларни аёлларга тенглаштирувчи белги” маъносини билдирадар экан.

Бизларда хайрлашувда аксарият холларда қўлимизни бир томондан иккинчи томонга силкитамиз- бу ҳаракат бизнинг меҳмонга яхши боринг деганимиз. Лотин Америкасидаги давлатларда бу жестнинг маъноси-“тезроқ олдимга кел” маъносини билдиради.

Баъзи давлатларининг халқларида жуда таъажубли саломлашиш қиликлари мавжуд. Масалан, Тибет халқлари сиз билан биринчи учрашганида сизга тилини чиқариб саломлашади. Бу-“Мен сенга нисбатан хеч қандай ташвиш келтирмайман. Хотиржам бўлгин” дегани. Энг муҳими бу ҳолатни сиз масхарабозлик деб тушинмаслигингиз керак. Шунинг учун ҳам сўнги вақтларда Тибетга борувчи Европалик туристларга Тибет халқларининг урф-одатлари ва имо-ишоралари ҳақида маҳсус кўрсатмаларни ўргатишида ва аксинча Тибетликларга Европада умуман саломлашишдан воз кечишини уқтиришади.

## 19.2. Давлатларнинг халқларидағи имо-ишоралар ҳақида

**Хиндистонда** кўрсаткич бармоғингизни занжирсимон қилиб айлантирангиз маҳаллий халқ билан албатда кўнгилсиз можаро юз бериши мумкин. Уларда бу жест-“сен ёлғончисан” деган маънени билдиради. Италия, Мексика ва Испанияликлар қойил қолганликларини билдириш учун учта бармоғини бирлаштириб лабига босади ва ўпич овозини чиқаради. Биз учун бу анча ўнғайсизлик бўлиши мумкин, лекин улар сизнинг ўнғайсизлигингиз га парво ҳам қилишмайди.

**Брунейда** сариқ буюм кийиш ман қилинган. Чунки бу давлатда сариқ кийим фақат султоннинг кийими ҳисобланади. Шунингдек, бу давлатда жамоат жойларида акса уриш, бурунни қаттиқ тортиш, учрашувда қўлни қаттиқ сиқиши, хотин-қизлар билан қўл бериб кўришиш, бармоқлар билан

бирор нарсани кўрсатиш ва бир қўлни иккинчи қўлга уриш каби ҳолатлар ҳам қонун йўли билан ман қилинган ҳисобланади.

**Тунисда, Эмиратда ва Иорданияда** ҳарбийларни, президент саройини, полициячиларни, хотин- қизларни суратга олиш мумкин эмас.

**Италияда** агар турист ресторандага сигарет чекса 200 евро ва ушбу тартибсизликга йўл қўйганлиги учун ресторон директорига 2000 евро жарима солиши қонунийлаштирилган.

**Англияда** жамоат жойларида сигарет чекувчига 1000 фунт жарима солишади.Бутан қироллигига сигарет чекиши умуман ман қилинган. Бу қирол ликда сигарет контрабанда махсулоти деб эълон қилинган.

**Тайланда** оёқнинг ҳарқандай қисмини умуман кўрсатиш мумкин эмас. Одамни ёки бирор нарсани қўл ёки оёқ билан кўрсатиш ҳақорат ҳисобланади. Ҳатто қирол оиласи портретларига, Будда тарафга оёқни чўзиб ўтириш ёки кўрсатиш оғир жиноят деб белгиланган.

**Непал қироллигига** туристлар айниқса Европалик туристларга жуда эҳтиётлик талаб қилинади. Масала шундаки,бу қролликда тананинг бирор қисми очиқ бўлса жиноий иш қўзғатилади ва турист қиролликдан чиқариб юборилади. Яъни туристлар қўйидагиларга амал қилишлари лозим

- ❖ аёллар барча ери ёпилган ҳолатда юришлари
- ❖ ўтирган кишининг олдидан юриб ўтмасликлари
- ❖ махаллий халқдан бирор нарсани олишда ёки беришда фақат ўнг қўл билан бериши ёки олиши
- ❖ туристлар учун ҳинд ибодатхоналариги кириш тақиқланган
- ❖ Будда ибодатхоналари ҳамма учун очиқ
- ❖ тиланчиларга садақа бермаслик
- ❖ барча ибодатхоналарни кўришда фақат соат миллари йўналишида ҳарактланишва бошқ..

**Иордания Хошимит Қироллигига** хотин-қизларнинг тор буюм кийиши, тананинг баъзи жойларини очиқ қолдириши бу ерлик эркакларда улар ҳақида нотўғри хulosаларнинг келиб чиқишига асос бўлади.

**Сингапурда** сигарет қолдигини ташловчиларга 500 сингапур доллари миқдорида жарима солинади. Спиртли ичимликлар ичувчилар ва уларни мамлакатга олиб келувчиларга ҳатто ўлим жазоси белгиланган. Тананинг бази бир жойларини очиқ қодириш порнога тенглаштирилган ва бундай ҳолатларда қамоқ жазосини қўллайдилар.

**Испанияда** сигарет қолдигини ташловчиларга 90 евро, Исландияда чиқиндиларни ташловчилар учун 300 евро, Бангкокда 50 доллар мажбурий жарима солиғи белгиланган.

Дунё давлатларида яшаётган халқларнинг урф-одатлари ва имо-ишора ларининг жуда кичик қисми билан танишдик. Мавзуда қўйилган мақсад шундан иборатки, туризм маршрутларини бошқарувчи гид-экскурсиячилар мамлакатлардаги бу имо-ишоралар, жестларнинг маъноларини иложи борича кўплаб ўрганишлари лозим бўлади.

**Таянч сўзлар ва иборалар:** имо-ишора, жест, ОК, порно, саломлашиш, жест ҳаракатлари, қўл билан ишоралар, будда ибодатхонаси, президент оиласи, портрет, урф-одатлар, сариқ кийим, жестларнинг маънолари, гидтаржимон, гид-экскурсиячи.

**Мавзуни ўзлаштириш бўйича саволлар:**

1. Халқларнинг урф-одатлари деганда нимани тушунасиз?
2. Имо-ишора ва жест деганда нимани тушунасиз?
3. Ўзбек халқидаги имо-ишоралар ва жестларни кўрсатинг ва тушунтиринг.
4. Ўзбек халқидаги имо-ишоралар ва жестларга ўхшашлари яна қайси халқларда бор?
5. Туризм хизматларида кимлар дунё халқларидаги имо-ишоралар ва жестларни кўпроқ ўрганишлари керак?

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

### **I.Ўзбекистон Республикасининг қонунлари**

**1.**Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги Қонуни,Халқ сўзи, 1999 йил 20 август.

**2.**Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида» ги Қонуни, 1992 йил 9 декабр.

**3.**Ўзбекистон Республикасининг «Муҳофаза этиладиган табиий худудлар тўғрисида»ги Қонуни,2004 йил 3 декабр.

### **II. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг фармонлари, қарорлари ва асрлари**

**1.**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг “Буюк ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва Республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони.Тошкент,1995.02.06, ПФ-1162.

**2.**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг “Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини 2006-2010 йилларда ривожлантириш тўғрисида” ги қарори.Тошкент,2006 йил 17 апрел.

**3.**Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг 2005 йилгача бўлган давлат дастури.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 15.04.1999 йилдаги ПФ.№2286 фармони.Халқ сўзи,№ 74,1999 й,16 апрел.

**4.**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг «Ўзбекистон Республикасида 2012-2016 йилларда хизмат кўрсатишни ривожлантириш Дастури тўғрисида»ги 2012 й. 10 майдаги ПФ-1754-сонли Қарори.

**5.**Каримов И.А.,Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.Тошкент. “Ўзбекистон”, 1997.-325 б.

**6.**Каримов И.А.,Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т.3, Тошкент, Ўзбекистон, 1996.-380 б.

**7.**Каримов И.А.,Обод ва озод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз.Тошкент, 2000.-232 б.

### **III.Дарслклар,монографиялар ва китоблар**

**1.**Александрова А.Ю., География туризма. Москва, КноРУС,2010- 592 с.

**2.**Ан.Э.С.,Заповедные территории Узбекистана,«Узбекистан»,1980.-71 с.

**3.**Бабкин А.В.Специальные виды туризма.Ростов на-Дону. 2008.-252 с.

**4.**Биржаков М.Б.,Введение в туризм.Издания 9-е переработанное и дополненное –Спб.: «Издательский дом Герда», 2007.-576 с.

**5.**Волков Ю.Ф., Введение в гостиничный и туристический бизнес-Ростов н/Д: «Финикс», 2004.- 352 с .

**6.**Дроздов А.В.,Основы экологического туризма.Москва, 2005.-271 с.

**7.**Долженко Г.П., Экскурсионное дело. Издательский центр»МарТ-Москва-Ростов на-Дону,2006- 301 с.

**8.**Дурович А.П.Организация туризма.Минск,«Новое знание»,2006.-632 с.

- 9.**Дурович А.П.,Реклама в туризме, «Новое знание»,2008.- 254 с.
- 10.**Ердавлетов С.Р., География туризма, Алматы,2000, 332 с.
- 11.**Жумобоев Т.Ж.,Хошимов З.Ю.,Рўзиев О. А.,Экологик менежмент, Тошкент, 2004,11 б.
- 12.**Ибодуллаев Н., Ўзбекистоннинг туристик ресурслари, Самарқанд, 2008.-142 б,
- 13.**Исломова Р.А. Экологик туризмни ривожлантириш муаммолари. Тошкент, 2014, 131 б.
- 14.**Каромиддин Гадоев,Сабоҳат Бердиева, Жаҳонгашта сайёҳ-олимлар. Тошкент-Ўзбекистон, 2012,271 б.
- 15.**Каримов А.,Туризмда коммуникация бозори.Тошкент,2003.-44 б.
- 16.**Квартальнов В.А.,Теория и практика туризма.Москва,”Финансы и статистика”.2003.-660 с.
- 17.**Косолапов А.Б.,Теория и практика экологического туризма,Москва, КНОРУС, 2005.- 240 с.
- 18.**Кусков А.С.,Голубева В.Л.,Одинцова Т.Н.,Рекреационная география. Саратовский государственный университет.Саратов- 2005.-503 с.
- 19.**Маматқұлов Х.М.,Хизмат күрсатиш соҳасига оид атамалар ва иборалар изоҳли луғати.Тошкент.2010.-398 б.
- 20.**Mamatgulov X.M.,Bektemirov A.B.,Tuxliev I.S.,Norchaev A.N.,Xalgaro turizm.Darslik.Tошкент.2009.-192 б.
- 21.**Маматқұлов Х.М.,Туризм инфратузилмаси.Тошкент, Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти. 2011.-336 б.
- 22.**Низомов А.,Ўзбекистоннинг қадимги гидротехник иншоотлари. Тошкент,2008, 235б.
- 23.**Низомов А.,Аманбаева З.,Сафарова Н., Ўзбекистоннинг экотуристик ресурслари ва йўналишлари. Тошкент,2014, 101 б.
- 24.**Пардаев М.Қ. Туризм асослари. Самарқанд, СамИСИ. 2006.-78 б.
- 25.**Пардаев М.Қ.,Атабаев Р.,Пардаев Б.Р.,Туризм соҳасини ривожлантириш имкониятлари.Тошкент,2007.-28 б.
- 26.**ПардаевМ.Қ.,Исломова Р.А.,Экологик туризмни ривожлантиришнинг назарий масалалари ва унинг ўзига хос хусусиятлари.Ўзбекистонда туризм хизмат бозорини ривожлантиришнинг ижтимоий-иктисодий муаммолари. Монография.Тошкент-Иқтисодиёт-2012.-302 б.
- 27.**Солиев А.,Назаров А.,Ўзбекистон қишлоқлари, Тошкент,2009, 209 б.
- 28.**Сергеева Т.К.Экологический туризм.Москва,Финансы и статистика, 2004.-360 с.
- 29.**Тухлиев Н.,Абдуллаева Т.,Основы безопасности в туризме,Тошкент, 2008.-503 с
- 30.**Тухлиев И.С.,Құдратов F.Х.,Пардаев М.Қ.,Туризмни режалаштириш. Дарслик, Тошкент, 2010,208 б.
- 31.**Тухлиев И.С.,Ҳайитбоев Р.,Сафаров Б.Ш.,Турсунова Г.Туризм асослари. Дарслик. Тошкент.2014.-330 б.

**32.**Храбовченко В.В. Экологический туризм. Финансы и статистика, Москва, 2004.-172 с.

**33.**Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантириш Концепцияси. Экология хабарномаси,№ 2,Тошкент,2007.5-14 б.

**34.**Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Москва ,“Рус тили” нашриёти.,1981.-316,б.

**35.**Ўзбекистон ва Марказий Осиё табиий географияси атласи, Тошкент,2007,

**36.**Ҳайитбоев Р.,Саттаров А.,Туризм маршрутларини ишлаб чиқиши технологияси, Самарқанд,2008.-87 б.

**37.**Ҳайитбоев Р.,Амриддинова Р.,Туризмда маркетинг тадқиқотлари. Самарқанд,2009-64 б.

**38.**Ҳайитбоев Р.,Амриддинова Р.,Туризмнинг маҳсус турлари.“Тонг” МЧЖ, Самарқанд,2009.-45 б.

**39.**Ҳайитбоев Р.,Матяқубов У.,Экологик туризм. Самарқанд, 2010.-60 б.

**40.**ҲайитбоевР.,Пардаев О.,Туризмнинг менежменти. Самарқанд, 2010-46 б